

Х. Х А М Д А М О В

*Хива*

ХОНЛИГИНИНГ

АҒДАРИЛИШИ

ВА

*Қорақум*

СОВЕТ ХАЛҚ

РЕСПУБЛИКАСИННГ

ТУЗИЛИШИ

ЎЗДАВНАШР

На узбекском языке  
ХАЛИК ХАМДАМОВ  
СВЕРЖЕНИЕ ХИВИНСКОГО ХАНСТВА  
и  
ОБРАЗОВАНИЕ ХОРЕЗМСКОЙ СОВЕТСКОЙ  
НАРОДНОЙ РЕСПУБЛИКИ

Госиздат УзССР — 1960 — Ташкент

Редактор А. Раҳмонқулов  
Тех.редактор А. Мельников  
Корректор Ф. Маҳмудов

Теришга берилди 9/XI 1959 й. Босинга рухсат этилди 16/I 1960 й. Формати  
84×108<sup>1/2</sup>, 6,0. босма л. шарт. бос. л. 9,84. Нашр. л. 10,44. Тиражи 3000. Индекс с.э.  
PC1523. Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти. Тошкент, Навоий кучаси, 30.  
Шартинома № 270—58.

„Қизил Ўзбекистон“, „Правда Востока“ ва „Ўзбекистон Сурх“ бирлашган  
нашриёти ва босмахонаси, Тошкент, „Правда Востока“ кучаси, уй № 2,  
Заказ № 3356. Баҳоси 2 с. 90 т.

Г Б О Б

## ХИВА ХОНЛИГИ РЕВОЛЮЦИЯ АРАФАСИДА

Китобхонларимизга тавсия этилган «Хива хонлигининг ағдарилиши ва Хоразм Совет Халқ Республикасининг тузилиши» номли бу асар асосан Амударё этакларида яшаган Ўзбекистон халқлари тарихига оиддир.

Маълумки, Хива хонлиги тарихи жуда оз ўрганилган. Баъзи тарихчилар Хива хонлиги тарихининг айрим қисминигина ёритганлар. Ҳатто 1917 йилги рус февраль буржуа революцияси даврида Хива хонлигидаги аҳвол ва бу революциянинг Хива хонлиги меҳнаткашлари ўртасида революцион ҳаракатнинг юксалишига таъсири, шунингдек, Хивада халқ революциясининг ғалабаси, Хоразм Совет Халқ Республикасининг барпо этилиши ва Совет ҳокимиятининг мустақамланиши тарихи ҳам етарли ўрганилмаган.

Шу сабабли автор бу асарида юқоридаги масалаларнинг баъзиларини тўлароқ ёритишни лозим топди.

Хива хонлиги ўз даврининг охириг кунигача феодад ўлка бўлиб қолаверди. Хонликдаги ер-сув давлат мулки ҳисобланди, тўғриси ернинг асосий эгаси — давлат бошида турган хоннинг ўзи эди.

Қўпгина Шарқ мамлакатларидаги сингари Хивада ҳам сунъий сугориш йўли билан деҳқончилик қилинарди. Уша даврдаги территориянинг кенглиги сувни тежаб сарфлаш, канал ва ариқлардан биргалашиб фойдаланиш зарурияти бу ишларга ҳукумат томонидан ташкилотчилик қилинишини талаб этарди. Шу сабабли даладари сув билан таъминлаш учун жамоат ишларини уюштириш Хива ҳукуматиининг, яъни хоннинг бевосита вазибаларидан бири ҳисобланар эди.

Хон суғориш юзасидан жамоат ишларининг ташкилотчиси сифатида ирригация системасининг аҳволига кўз-қулоқ бўлиб туриши, бузилишига йўл қўймаслиги, ариқ ва каналларни ўз вақтида қазитиб, тозалатиб туриши лозим эди. Шунинг учун ҳам хон сувни тақсимлаш ҳуқуқига ва ерга хўжайинлик қилишда чексиз ҳуқуқларга эга бўлиб қоларди. Ворислик ҳуқуқи ва фуқародан ерни тортиб олиш «ҳуқуқи» асосида, амалда хон жуда кўп ер-сувли энг катта ер эгаси эди.

Ер эгаллигининг бир неча категорияси — чунончи деҳқонлар ва феодалларга (мулкдорларга) қарашли ерлар (мулклар), давлат (мамлакат подшоҳи) ерлари ва руҳонийлар ихтиёридаги вақфлар (ҳассалар) бор эди.

Хива деҳқонлари қуйидаги уч категорияга бўлин-  
ганди:

1) Ўз ери бўлиб, мустақил деҳқончилик қиладиган, бировга қарам бўлмаган деҳқонлар.

2) Ер эгаларига қарам бўлиб, уларнинг ерларини ишлайдиган деҳқонлар (коранда ва чоракорлар).

3) Ерсиз деҳқонлар.

Данилевскийнинг<sup>1</sup> ҳисобига қараганда, хонликдаги мавжуд ҳамма ернинг ярми хонлар, амалдорлар, феодал аъёнлар ва руҳонийлар, катта савдогарлар, диний ташкилотлар ва уларнинг катта вақфларига қарашли бўлган.

Фақат хоннинг ўзига қарашли ер қарийб 2900 десятина бўлиб, уни деҳқонлар ва баъзан махсус сотиб олинган қуллар ишлаб берарди.

Хоннинг қавм-қариндошларига қарашли ерларига солиқ солинмади. Бу ерларнинг кўпчилиги қисми Амударёнинг ўнг томонида эди. Ер эгалари ҳамда уларнинг амалдорлари ҳаминша пойтахтда, яъни Хивада истиқомат қилиб, у томонларга эса, ер-сувларидан ҳамда бозордаги жойларидан фойдалангайлардан ҳақ олиш учунгина саркорларини юбориб турардилар.

Хива деҳқонларига қарашли ерлар Амударёнинг чап томонидаги тўртта шаҳар атрофида ва Банад, Қиёт, Шоҳобод, Газовот, Қўшкўпир, Питнак ва Қўнғирот районларида эди.

Хонликдаги энг яхши ерлар вақфларга қарашли бў-

<sup>1</sup> Данилевский Г. И. «Описание Хивинского ханства». «Записки Русского Географического общества» журналы, Н. Г. Редкин таҳрири остидаги V китоб. СПб, 1851.

либ, умумий экин майдонининг анча қисмини ташкил этарди. Масалан Хива шаҳридаги мадрасалар 10.000 таноб вақф ерига эга эдилар.

Хон ва феодалларнинг ерлари ерсиз деҳқонларга ижарага бериларди. Ижарага олувчи деҳқон (коранда) ердан ва деҳқончилик асбобларидан фойдалангани учун одатда ҳосилнинг ярмидан кўпини ер эгасига берарди. Аслида бу муносабатлар деҳқонларнинг катта ер эгаларига, яъни феодал зодагонларга крепостной тобелигини кўрсатар эди.

Деҳқончилик аҳолининг бирдан-бир касби бўлиб, меҳнатқашлар асосан пахтачилик, галлачилик, боғдорчилик, чорвачилик, пиллачилик ва бедачилик билангина шуғулландилар.

Хунармандчилик саноати кўпроқ шаҳарларда ривожланди, қишлоқларда эса хунармандчилик у қадар тараққий этмасди. Дегрезлик, темирчилик ва аслаҳасозлик қишлоқ хўжалиги ва ҳарбий ишда катта аҳамиятга эга бўлган асосий касб ҳисобланарди.

Хивада бинокор, бўзчи, этикдўз, тикувчи, кўнчи, наматчи, дурадгор, ҳаррот (токарь) каби бошқа хунармандлар бор эди.

Ўлканинг жанубий қисмида яшаган аҳоли кўпинча пиллачилик билан шуғулланди.

Умуман олганда хунармандчилик ва кустарь саноати суст ривожланиб, ҳатто ўлканинг ўз аҳолиси эҳтиёжларини ҳам қондира олмасди.

Хивада саноат унча кўп эмасди. Бу ерда XX аср бошларидагина саноат пайдо бўлди. Бунда пахта заводлари, тери ошлайдиган корхоналар, хумдонлар ва хонга қарашли корхоналар бор эди. Булардан фақат пахта тозалаш саноати ва юк ташиш ишлари бирмунча ривожланди. Кейинчалик маҳаллий заводчилар ҳам пайдо бўлди.

Социал тузумга келганда, бу ерда ҳам феодал муносабатлар ҳукм сурди, катта бойлар синфи сиёсий ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб, хон саройида қушбеги ва меҳтарлик каби юқори давлат мансабларидан тортиб, вилоят ҳокимлиги, бек ва оқсоқоллик мансабларигача ҳамма ўринларни эгаллаб турди. Катта бойларнинг ер мулки уларнинг сиёсий кучининг равшан ифодаси эди.

Бу синфнинг бошқа бир группаси феодал мусулмон руҳонийларидан иборат эди. Руҳонийлар хонликдаги

имтиёзлардан фойдаланар, улардан қозилар тайинланар эди.

Шаҳар савдогарлари ҳукмрон синфнинг учинчи группасини ташкил этарди. Улар пахта, қоракўл, балиқ, фабрика- завод товарлари билан савдо қиларди.

Ҳукмрон синфларнинг бу уч группаси бир бўлиб, меҳнаткаш деҳқонлар оммасини эзувчи даҳшатли куч ҳисобланарди.

Аҳолининг эксплуатация қилинадиган қисми — ўзбек ва туркман деҳқонлари, кўчманчи чорвадорлар, ҳунарманд ва касиблардан иборат эди.

Деҳқонлар бир неча группага бўлинарди. Деҳқонларнинг бир группаси умумдавлат ерларини (амлоқларни), шахсан хонга қарашли ерларни (пошшолик) ва феодалларнинг ерларини ишларди. Бошқа бир группа деҳқонлар қонунан мачит ва мадрасаларга қарашли, аслида эса эшонлар, муллалар, имомлар ва бошқа руҳонийлар ихтиёридаги вақф ерларини ишлаб келдилар.

Хива деҳқонларининг аҳволи жуда оғир эди. Шарият ақидаларига асосланган солиқ системаси меҳнаткашлар оммасининг феодализм даврига хос қаттиқ эксплуатация қилинишини акс эттирарди.

Эксплуатациянинг формаси ҳам феодал характерида экани яққол кўриниб турарди, яъни феодаллар синфи кўшимча маҳсулотни натура ва пул рента сифатида деҳқонлардан бевосита тортиб оларди.

Давлат айрим шахсларга фуқародан давлат солиғини ундириш ва уни ўзиники қилиб олишга рухсат этарди. Бу йўл ҳам меҳнаткаш омманинг раҳмсиз равишда эксплуатация қилинаётганини яққол кўрсатиб турарди.

Хоннинг даромади ҳар хил солиқлардан тўпланарди. Ер солиғини қулликдан озод қилинган барча аҳоли тўларди. Бу солиқни Хива хонлигининг амалдори кўшбеги йиғарди.

Даҳяк солиғи натура солиғи бўлиб, у чиғириқсиз суғориладиган ерлардан олинадиган ҳосилнинг ўндан бир қисмини, чиғириқ билан суғориладиган ерда етиштирилган ҳосилнинг йигирмадан бир қисмини ташкил этарди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Шкапский. Аму-Дарьинские очерки. Ташкент. 1900. 95-бет.

Закот чорвачилик билан шуғулланган кўчманчи аҳолидан йиғиларди. Солиқларнинг бутун оғирлиги ўзбек ва туркман меҳнаткашлари оммасига тушарди. Улар солиқ тўлашдан ташқари ирригация каналларини қозиш ва тузатиш, кўприклар қуриш ва ремонт қилиш, шунингдек бошқа ишлар учун одам беришга мажбур эдилар.

Меҳнаткаш туркманларнинг сиёсий ва иқтисодий аҳволи ҳам оғир эди. Ер ва сувдан фойдаланишда муайян бир тартиб йўқлиги туркманларнинг норозилиklarига асосий сабаб бўлиб келди. Туркманларнинг ерлари ўзбекларнинг ерларига нисбатан ёмонроқ ва бунинг устига каналларнинг этагида эди. Экинларни суғориш учун сув етишмас, ёки ортиқча сув келиб экинларни босиб, ерларни захлатиб қўярди.

Туркман деҳқонларининг аҳволи оғир эди. Улар ер-судан қониқарли фойдалана олмасдилар. Чунки хўжаликларини тез-тез сув босар, вайрон қилар, ўзларини эса бир томондан ўзбек ва иккинчи томондан туркман феодаллари қаттиқ эзарди.

Маҳаллий меҳнаткаш аҳолининг эксплуатация қилиниши, чор Россиясининг Хивани иқтисодий асоратга солиши, солиқларнинг оғирлиги синфий қарама-қаршиликларни кескинлаштирди. Меҳнаткашлар оммасининг норозилиги кучайди. Аҳоли солиқ тўлашдан, сув иншоотлари ва кўприклар қуриш, каналлар қозиш учун одам беришдан бош тортди, бой хўжаликларга «қароқчилардек ҳужум қила бошлади», «бошқариш тартибларига қарши чиқди». Бу ҳаракатлар халқнинг зўр қўзғолонига замин тайёрлади.

Хонлик ҳукмронлигининг сўнгги йилларида туркман меҳнаткашларининг хон зулмига қарши норозилиги айниқса кучайди. Бу вазиятдан туркман феодалларининг юқори табақаси фойдаланди. 1912 йил ёзига бориб Хива ҳукуматининг Хивага қарашли туркманлар билан муносабати катта ихтилоф тусини олди.

Туркманларнинг оддий ғалаёни тез орада очикдан-очик хонликка қарши ҳаракатга айланди. Ғалаёнга эътиборли туркман йўлбошчилари раҳбарлик қилдилар, улар хон ҳукуматидан норози бўлган барча туркманларни ўз атрофига тўпладилар.

Туркманлар 1912 йил охирларида аҳоли ўтроқ яшаган районларга бир неча марта ҳужум қилдилар. Хон-

нинг чексиз мустабидлигига норозилик, феодализм асорати, оғир солиқлар, хоннинг ичкиликбозлиги ва айш-ишрати, аҳолини хўрлагани туркманларнинг 1915—1916 йил қўзғолонига сабаб бўлди.

Бир неча йил мобайнида Хивада вужудга келган сиёсий вазият янада кучайиб кескинлашди, чунки чор Россияси вакиллари қаттиқ мустамлакачилик режими ўрнатдилар, рус савдо-саноат капитали Хива аҳолисини қаттиқ эксплуатация қила бошлади.

Рус савдогарларининг Хива хонлигидаги ўзбек ва туркман меҳнаткашларини эзганлиги ва бунинг маҳаллий аҳоли ўртасидаги норозиликка сабаб бўлиши табиий бир ҳолдир. Маҳаллий аҳолининг Хива хонлиги ва чоризмга қарши кўтарилиш эҳтимоли борлигига 1912 йилдаёқ баъзи кишиларнинг кўзи етган эди.

Жаҳон уруши бошлангандан кейин эксплуатация анча кучайди. Порахўрлик ҳам авжига чиқди. Рус маъмурияти, гўё ватанпарварлик мақсадида уруш эҳтиёжлари учун пул йиғиб олиш каби расмий баҳонадан фойдаланиб, хон олдида турли хил талаблар қўйиб, уни бажаришга мажбур этди. Уруш вақтида бундай расмий йиғимлар ва шу билан бирга қонундан ташқари солиқлар жуда катта суммани ташкил этди. Куропаткин ўзининг подшоҳга юборган докладидида, ўша йиллари Туркистонда ва Хивада уруш учун йиғилган пулларнинг 2.400.000 сўмдан ошганини ёзди. Аммо, Федоровнинг фикрича, бу маблағ, ғайри қонуний йиғимлар билан бирга олганда, ўн баравар ошиб кетади. «Уруш туфайли ошиб кетган солиқлардан ташқари аҳолининг яна қанча пул тўлаши кераклигини тахминан тасаввур қилиш учун бу рақамга бир нуль қўшиб керак»<sup>1</sup>.

Хива хони солиқларни йилдан-йилга ошириб борди ва солиқларнинг анча қисмини туркманлар зиммасига юкледи.

Хоннинг Хива фуқаросига ва айниқса туркманларга нисбатан қилган ҳаддан ташқари жабр-зулмлари халқ олдида ўзини бадном қилди. Халқ хонни ўз бошига тушган қулфат деб, ундан қутулиш керак, деб қаради. Қандайдир ҳимоячини топиш, ундан ёрдам сўраш жуда зарур бўлиб қолди. Хонликда бу ҳаракатга бошчилик қила оладиган қобилиятли ишчилар синфи ҳали вужудга кел-

<sup>1</sup> Е. Федоров. Очерки национально-освободительного движения, 51-бет.

маган, эндигина пайдо бўлаётган миллий буржуазия эса, хон билан иттифоқ бўлишни истар эди. Туркистондаги рус ишчилари Хива деҳқонларидан анча узоқда эдилар. Бу вазиятдан туркман қабила бошлиқлари, шу жумладан Жуноидхон (Мамед Қурбон) фойдаланиб қолди.

Биринчи марта, 1912 йилда Хива хонига қарши кўтарилгандан кейин Жуноидхоннинг халқ ўртасида эътибори ошди. Ўша кунларда кескинлашган кураш кенг миқёсдаги қўзғолонга айланмади, адоватли ҳар икки томон ўртасида музокара бошланди, натижада туркманлар хонга пул билан штраф тўлашни ўз зиммаларига олдилар, лекин халқ нафратига учраган хонга ҳали ҳам Жуноидхон душман эканлиги элга маълум бўлди. Аҳоли Жуноидни хон билан курашишга қобилиятли киши деб таниди. Аввалги сиёсий ҳуқуқларига эга бўлишни истоган Хива феодаллари ва Хиванинг мустақиллигини тиклаш, Россиянинг мустамлакачилик режимини ағдартиш, шариат қонунларининг барча кучи ва моҳиятини тиклаш орзусида юрган руҳонийлар Жуноидхонга, айниқса катта умид боғладилар. Эндигина вужудга келаётган Хива миллий буржуазияси эса, Жуноидхонни Россия иқтисодий асоратидан қутқазадиган бир киши деб ҳисоблади. Хива буржуазияси сиёсий ҳаётга қатнашишни истади, лекин хоннинг шиддатли мустабид ҳукмронлиги буржуазияни бу имкониятдан маҳрум қилди. Шунинг учун ҳам маҳаллий буржуазия бу чексиз зўравонликни битиришдан манфаатдор бўлиб, Жуноидга ҳар томонлама ёрдам берди<sup>1</sup>.

Эшонлардан бирининг Жуноидга ёзган мактубида Хива руҳонийларига маъқул бўлган қўзғолон йўлбошчисининг сиёсий типи яхши ифодаланган. Эшон бундай ёзади:

«Россия билан тузилган аҳдномаи кўриб чиқиб ва унинг мазмунига мувофиқ иш қилиб, русларни, илгариги барча давлат аъёнларини ва мансабдор кишиларни юртимизда илгаригидек қолдириб, шу билан элимизда осойишталик ва тартибни таъмин этиб, пайғамбаримиз Муҳаммаднинг шариатини яшнатиш учун барча кучингизни бермоғингиз лозим, шу билан маҳшар кунни оллоҳ-

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, Ф. № 269/с 1318, оп. 1, д. 46, 2—9, 13—15-бетлар.

нинг илтифотига сазовор бўлғайсиз ва фоний дунёда эзгулик қилғайсиз»<sup>1</sup>.

Уша вақтда Туркия султони (барча мусулмон мамлакатлари тепасида турган ҳалифа) Жуноидга мактуб юбориб, уни Хива хони қилиб тайинлаган эмиш, деган овоза тарқалди. Бу овоза Хива аҳолиси ўртасида унинг обрўсини оширди. Аммо Жуноиднинг мактуб олганлиги аниқланмаган бўлса ҳам, ҳар ҳолда, бундай овозадан Хивада қўзғолонга тайёргарлик кўриш ва унга диний тус беришда фойдаланилди. Жуноиднинг бутун ҳаракатида хонга бўлган адовати очиқ кўриниб турди.

1914 йил охирида ва 1915 йил бошларида туркман чўлларида Хива туркманларининг айрим қабилалари ўртасида қуролли тўқнашувлар бўлиб ўтди. Бу курашда Жуноиднинг мартабаси яна ошди. У Хива туркманларининг жанговар қабилаларини ўз атрофига тўплади ва ўтроқ қишлоқларга ҳужум қила бошлади. Туркманларнинг иқтисодий аҳволи жуда оғирлашгани сабабли бу ҳужумлар янада кучайди.

Бир неча ҳужумдан кейин, 1915 йил март ойида хон ўша вақтда ёмуд туркманларининг обрўли етакчиларидан бири, ўғиз қабиласининг сардори Баҳши Шомуродни ўз олдига чақирди ва уни ўзбеклардан қонундан ташқари солиқ йиққани учун қаматди<sup>2</sup>. Баҳши Шомуроднинг қамалиши хоннинг янгидан-янги ҳужумлар уюштиришига сабаб бўлди. 1915 йил 22 мартда туркманлар Жуноидхон бошчилигида Хивага ҳужум қилдилар. Бу воқеаларга рус маъмурияти аралашди.

Туркистон генерал-губернатори Амударё бўлими бошлиғи полковник Колосовскийга шахсан ўзи Хивага боришни, генерал-губернатор помидан Баҳшини озод қилишни буюрди. Хон сўраган ёрдам рад қилинди ва Баҳшини чиқариб олиш учун товон ҳақини камайтириш таклиф этилди.

Чўлда халқ ғалаёнлари кўтарилаётгани муносабати билан у ерга Урал казакларининг ҳарбий бўлини маси юборилди ва уларнинг туркманлар билан тўқнашмасликлари огоҳлантирилди<sup>3</sup>.

Туркманлар шу билан тиниб-тинчимадилар, аксинча апрель ойида Хива хонлигидаги бир неча шаҳарни босиб олдилар.

Апрелда Баҳши озод қилинди. Лекин туркманлар ўртасида жанговар кайфият тобора ошиб борди.

Май ойида хон Тошкентга элчилар жўнатди. Улар зиммасига Хива хонига қурол бериш ёки Хивага рус қўшинлари юбориш тўғрисида генерал-губернатор билан музокара олиб бориш юкланди. Генерал-губернатор бу илтимосларни рад қилди ва хонга туркманлар билан икки ўртадаги «англашилмовчиликни» ҳал этишни тавсия қилди.

Айни бир вақтда туркманлар курашни давом эттириш учун тайёргарлик кўрдилар. Туркистон маъмурияти буни кўриб хонни қўлламоқчи бўлди. Хон Чоржўйдан қурол-аслаҳа олиши мумкин эканлиги тўғрисида 7 июнда телеграмма олди. Янги қуролли тўқнашишлар яқинлашиб қолди. Туркистон генерал-губернаторининг буйруғи билан унинг Хивадаги вакили қўзғолонга қатнашган туркман йўлбошчиларини музокара олиб боришга чақирди. Туркман йўлбошчилари кела туриб Хива йўлида дам олгани кўндилар. Овқатга ўтирганларида хон қўшинлари уларни милтиққа ва тўпга тутдилар, Туркман йўлбошчилари ўз суворилари билан хиваликларга ҳужум қилиб 70 навкарни ярадор қилдилар ва ўлдирдилар, хоннинг тўпларини ўлжа олдилар. Хон қўшинлари туркманларнинг уруш ҳаракатини ва Хива шаҳрига ҳужумини тўхтатиб қолдилар.

Хиваликларнинг мағлубияти тўғрисидаги дастлабки хабарлар Тошкентга етиб келгандан кейин, гарчи бу тўқнашувнинг узил-кесил натижалари маълум бўлмаса ҳам, рус маълумлари ҳадиксираб қолдилар ва шунинг учун катта ваколатлар бериб, генерал Геппенерни Тошкентдан Хивага жўнатдилар. Генерал билан бирга Хивага 4 та пулемёт ва 4 та тўп билан қуролланган икки пёда рота ва тўрт казаклар бўлини маси юборилди.

Ёмудлар хон навкарлари кўчманчиларга ҳужум қилмоқчи бўлганини пайқаб, хонлиқнинг ҳар томонига ўз чопарларини юбордилар ва Хива ҳукуматига қарши курашда барча туркман қабилаларини ёрдамга чақирдилар. Туркманлар куч тўплаб урушга отландилар. Хон лашкари урушга тайёр эмас эди. Туркманлар билан бошланган бу жангда Хива қўшинлари тор-мор қилинди,

<sup>1</sup> Хива и Россия. К истории восстания туркмен в 1916 году. Журнал «Турковедение», 1929, № 2, май.

<sup>2</sup> ЦВИА ф. 2000, о. 1, д. 782, л. 1.

<sup>3</sup> Уша жойда.

жанг майдонида улардан 600 киши ўлди. Колосовский томонидан берилган маълумотга кўра, хон қўшинлари 1500 кишидан иборат бўлиб, бир қисми қилич ва найза билангина қуролланган, уларга фақат 500 туркман ҳужум қилган, душманлардан бори-йўғи 12 киши ўлган, холос.

Туркманлар ва хиваликлар ўртасидаги жанг 7 июнда бошланиб иккинчи кун, яъни 8 июнда рус маъмурлари аралашгани туфайли тўхтади, юрт осойишта бўлди.

Хива қўшинлари билан ёмуд туркманларининг асосий қисми ўртасида бўлган тўқнашувлардан кейин, туркманлар сулҳ тўғрисида Хива хонлиги вакиллари билан музокара қила бошладилар. Айни бир вақтда ҳар хил туркман қабилалари (ушқоқ, салоҳ, чавдор ва қора даштлик)нинг 20—50 суворидан тузилган группалари хонликнинг ҳамма жойларида орқа томонидан ҳужум қилиб турдилар. Айрим группаларга озор чеккан баъзи бир қозоқ ва ўзбеклар ҳам қўшилдилар. Бу группалар Тошовуз бозорини, Момой, Кўкчага ва Оқтепа шаҳарларини таладилар. Иляли шаҳрига яқинлашиб келаётган туркманлар тўдасига шаҳар аҳолиси 12000 тилло пул бериб, бу совға эвазига дахлсиз бўлиб қолди. Рус маъмурларининг тазйиқи билан туркман йўлбошчилари ҳужумни тўхтатмоқчи бўлсалар ҳам, туркманларнинг кўпгина тўдалари уларга бўйсунмадилар, ўлка 2—3 кун ичида-ёқ бутунлай анархия гирдобига қолди.

Рус маъмурияти вакиллари бу анархияга хотима бериш учун казаклар ва волость мингбошиларини чўлга жўнатдилар ҳамда бош-бошдоқлик ва босқинчиликни дарҳол тўхтатиш тўғрисида буйруқ бердилар.

Тошкентдан юборилган генерал Геппенернинг ёрдамида 1917 йил 26 июлда хон билан туркман қабила бошлиқлари ўртасида битим тузилди. Хон туркманларнинг арзи-ҳолига қулоқ солишга ва илтимосларини қондиришга сўз берди, улар учун солиқ ва мажбуриятларнинг маълум аниқ миқдори белгиланди, лекин энг муҳим масала — ер ва сувдан фойдаланиш масаласи ҳал қилинмади. Оқибатда янги-янги келишмовчиликлар ва адоватнинг манбаи ўз кучи ва моҳиятини йўқотмади. Музокаранинг бундай тамом бўлиши, генерал Геппенернинг ўзи хонга ва хон амалдорларига нисбатан адоват билан қараганини кўрсатди. Генерал уларни галаёнларнинг

асосий ва бирдан-бир айбдорлари деб ҳисоблади. Туркманлар Геппенернинг таъсири билан солиқ тўлашда имтиёз олдилар, ўлдирган кишилар учун хун бериш ва кўп миқдорда «товон» тўлашдан қутулдилар<sup>1</sup>.

Аммо хон билан ёмудлар ўртасидаги келишув Хивада тартиб ўрнатадиган жиддий тадбир бўла олмади. Иккала томон ҳам ўз фойдасини кўзлаб, курашни давом эттирмоқчи бўлди. Туркистон генерал-губернаторининг ҳарбий министрға ёзган рапортида Россия ҳукумати Хивада тартиб ўрнатиш тўғрисида ғамхўрлик қилиши зарурлиги, хонликда ички тартибни сақлашда ёрдам бериш билангина чекланиб қолмаслик кераклиги кўрсатиб ўтилди<sup>2</sup>.

Хивага юборилган рус отряди ўлкада ва айниқса хиваликлар ўртасида тартиб ўрнатиш учун етарли деб ҳисобланди.

Хива навкарлари тор-мор қилингандан кейин жанг майдонида ўлжа туширилган 200 милтиқни туркманлардан қайтариб олиш зарур эди<sup>3</sup>. Генерал туркманлар ҳужум қилинган вақтда Хива шаҳарлари аҳолисидан тартиб олинган молларнинг қайтариб берилишини таклиф қилди. Шу билан бирга Геппенер хонга тазйиқ қилмоқчи бўлди. Геппенер хон билан биринчи учрашганда-ёқ рус қўшинлари Хивага туркманлар билан жанг қилиш учун эмас, балки янгидан-янги тартибсизликларга йўл қўювчиларга қарши кураш мақсадида келганлигини айтди. Бу суҳбатдан кейин хон ўзига яқин кишилар билан махфий кенгаш ўтказди. Кенгашда туркманларга қатъий чоралар кўриш ва уларнинг ҳаракатини тамомила бостиринишга қарор қилинди. Хоннинг кучи етарли бўлмаганлиги сабабли рус қўшинлари туркманларни тор-мор қилиши, демак генерал Геппенерни эса хон билан туркманлар ўртасидаги жанжалга мажбуран аралаштириш лозим эди. Шу мақсад билан улар ушқоқ беги Сейд Мамед бекнинг хонга қарши кўтарилишини уюштириб, очикдан-очик фитна чиқармоқчи бўлдилар. Хоннинг таклифи билан Сейд Мамед бек яширинча

<sup>1</sup> Донесение № 26, К. и Б. Хива, Россия и туркмены, 19-бет.

<sup>2</sup> ЦВИА, ф. 2000, о. 1, д. 782. 32—33-варақлар.

<sup>3</sup> Уша жойда.

Хивага келди ва тинч яшаётган ўзбек аҳолисига қарши ушоқларнинг ҳужумини ва босқинчиликни давом эттириши тўғрисида келишиб олинди.

Геппенернинг туркманларни тинчитиб қўйиш учун кўрган чоралари хон амалдорларининг норозилигига сабаб бўлди, улар Геппенерни туркманларга қарши ўчакиштиришга уришдилар.

Хон амалдорлари жойлардан ёмудлар 1 июлдан кейинроқ, яъни босқинчиликни тўхтатиш ҳамда тинч-тотув яшаш чоралари кўриш тўғрисида туркман вакиллари ваъда бергандан кейин ҳам босқинчилик, талаш ва товламачиликларини давом этаётгани ҳақида хонга хабар бериб турдилар. Босқинчиларни оддий ёмудлар деб атадилар, лекин Геппенернинг қаттиқ талаб қилиши натижасида айрим ҳолларда ушоқларнинг ўзлари босқинчилик билан шуғуллангани аниқланди, ушоқларни кимлар ишга солгани ҳам маълум бўлди. Шу муносабат билан Геппенер 2 июлда хонни огоҳлантириб, агар ушоқлар босқинчилик ва талашларни давом эттира берсалар, бу ҳужумларни уюштирувчи ҳақиқий айбдор кишилар, албатта, топилажани таъкидлади.<sup>1</sup>

Туркманларни қуролсизлантириш энг нозик масала эди. Туркман вакиллари сулҳпарварлик кайфиятида бўлсаларда, бироқ улар орасида қуролни топширишга рози бўлмаганлари ҳам бор эди. Бахши қуролларни топширишга қатъий эътироз билдириб: «ганда жонимиз бор экан, қуролимизни бировга беролмаймиз» деди.<sup>2</sup> Бу кайфиятлар Геппенерни ҳозирча туркманларни қуролсизлантирмасликка мажбур этди.

Уша кунларда Геппенер қўмондонлигидаги рус қўшинлар туркманлар билан жанг қилар экан, деган овоз тарқалди. Бу ҳол туркманларни Закаспий области томонидаги қум чўлларига чекинадиган йўл тайёрлай бошлашга мажбур этди. Ана шу мақсадда қум чўлларида қудуқлар қазилди.<sup>3</sup>

Шу билан Хивадаги 1915 йил воқеалари тамом бўлиб, 1916 йил қўзғолонига олиб келган янги воқеалар жараёни бошланди.

1915 йил қўзғолони натижалари туркман қабила-ларининг сардорларини ҳам, ўзбек феодалларини ҳам қаноатлантирмади.

1916 йил қўзғолонига Жуноидхон раҳбарлигида тайёргарлик кўрилди. Жуноид 1915 йил қўзғолони муваффақиятсиз ўтганининг сабабларини эътиборга олиб, янада кенгроқ қўламда тайёргарлик кўрди.

Қўзғолонга икки томонлама тайёргарлик кўрилди: бир томондан, қурол-аслаҳа тайёрланди, иккинчи томондан, жамоат фикрини ўзгартириш иниятида хонликдаги аҳоли ўртасида сиёсий тарғибот олиб борилди.

1914 — 1918 йиллардаги жаҳон уруши бошларигача туркманлар ва Хива аҳолисида эски системадаги милтиқлар бўлиб, ҳозирги замон милтиқлари оз эди. Тайёрланган қурол запасига қараб шунини тахмин қилиб айтиш мумкинки, бу қуроллар 1915 йил давомида йиғиб борилган, уларни сотиб оладиган жойлар анча илгарироқ қидирила бошланган. Туркман қабила сардорлари (бошлиқлари) ҳозирги замон системасидаги қуролларни Эрондаги туркманлар орқали сотиб олганлар. Уша даврда қурол-аслаҳа Эрондан Хивага қуйидаги тўртта йўл билан жўнатилган:

1) Мамлакат ичкарасидан Астробод шаҳрига, у ердан Чиқишларга, Қазанжиқ темир йўл станцияси орқали, кейин қум чўлларидаги Топияган ва Ўрта қуйи қудуқлари бўйлаб ўшиб Хивага келтирилган.

2) Текели ва Қора қала орқали Узунсув темир йўл станциясига, кейин Гаур, Оқ қуйи, Донгуз ажи, Жамил қудуқлари бўйлаб қум чўлларидан Ўрта қуйига келтирилган, ундан Хивага жўнатилган.

3) Эски Болохонага, кейин Гир қудуғига ва бу ердан энг машаққатли йўл билан Хивага ташилган.

4) Денгиздан ўтиб Красноводскка келтирилган, бу ерда худди бошқа товарлар сингари яшиқларга жойланиб, темир йўл билан Қазанжиқ ёки Узунсув станциясига олиб борилган, бу ердан туяларга ортилиб, қум чўллари оша Хивага ташилган. Бу йўлдан қурол-аслаҳанинг анча қисми жўнатилган<sup>1</sup>.

Эронда қурол-аслаҳа запасининг кўпайишига Германиянинг зўр бериб Эронни жаҳон урушига тортиш йўлида тутган сиёсати сабаб бўлди. Германия шу мақ-

<sup>1</sup> П. Алексеевков, Хивинское восстание. 1916 йил. 20-бет

<sup>1</sup> ЦВИА ф.2000, о. 1, д. 782, 13 -- 16-варақлар.

<sup>2</sup> Уша жойда 34—37-варақ.

<sup>3</sup> Уша жойда 13—16-варақ.



садда тегишли сиёсий тайёргарлик кўрди ва Эрондаги кўчманчи халқларни, жумладан туркманларни қурол-аслаҳа билан таъминлади. Шунинг учун ҳам хон сиёсатидан норози бўлган Хива туркманлари қурол-аслаҳани осонгина кўплаб тайёрлашлари мумкин бўлди.

Аҳолини сиёсий жиҳатдан тайёрлаш ва жамоат фикрини ўзлари томонига ағдаришдан икки мақсад кўзда тутилди. Эл орасида хоннинг обрўсини тушириш ва қўзғолон йўлбошчиси Жуноидхоннинг эътиборини ошириш керак. Хоннинг обрўсини туширадиган фактлар етарли эди. Тўғриси, продасиз ва ҳеч қандай табиий қобилиятга эга бўлмаган, майхўр, фосиқ ва ўтакетган золим Асфандиёр ўз обрўсини ўзи тўкиб юарди.

Қўзғолон раҳбарлари Хива зодагонларидан ёки туркман қабилалари бошлиқларидан чиққан кишилар эди.

Тайёрланаётган қўзғолон аҳолининг меҳнаткаш қисми манфаатларини кўзда тутмаса ҳам, лекин омма итоатгўй катта куч сифатида қўзғолонга қатнашмоғи лозим эди.

Қўзғолонни уюштирувчилар «тўй-томоша» баҳонаси билан аҳоли ўртасида агитация олиб бордилар ва халқни қўзғолонга тайёрладилар. Бундай бир «тўй» тўғрисида Амударё бўлими бошлиғи полковник Колосовский ўзининг 1915 йил 9 ноябрда юборган 645 рақамли рапортида қуйидагиларни ёзади:

«Бу ерда олган маълумотларимга кўра, худди эртага Жуноидхон қароргоҳида жуда катта тантана ўтказилади, овозаларга қараганда жуда кўп халойиқ тўпланади. Бундай «тўй»нинг сабаби аниқлангани йўқ, лекин шу нарса маълумки, ўша кунни Жуноид Марвдан зарҳал билан ишланган эгар-жабдуқ олган ва унга туркманлар беш минг сўмлик деб баҳо берганлар. Бу эгарнинг қимдан олинганлиги номаълум»<sup>1</sup>.

Бу ахборотга кўра, шундай тахминга келиш мумкинки, бу «тўй» Жуноидни қўзғолон бошлиғи деб эълон қилиш тантанаси бўлган, зарҳал эгарнинг совға қилиниши эса унинг «тахтга кўтарилиш маросими» бўлган, чунки бу тантана бирор кишининг хон томонидан катта мансабга кўтарилиши маросимини эслатади.

Қўзғолон бошланиши олдидан туркманлар ўртасида

<sup>1</sup> Марказий архив бошқармаси. 1916 йилги Хива қўзғолони делоси, 18-варақ.

ҳам, Хивадаги бошқа халқлар ўртасида ҳам Жуноид жуда катта обрў қозонган эди.

Жуноидхон обрўсининг тобора ошиб бориши кейинчалик рус ҳокимига қарши кўтарилиш учун замин бўлиши мумкин эди.

Марказий архив бошқармасида тўпланган тарихий материал ва Хивадаги 1916 йил қўзғолони тўғрисида босилган асарлар шуни кўрсатадики, қўзғолонга тайёргарлик юқорида айтиб ўтилган икки тадбир билан чекланган, яъни қурол-аслаҳа сотиб олинган ва қўзғолон кўтариш учун омма ўртасида сиёсий иш олиб борилган.

Жуноид биринчи марта Хива хонига зарба берди. Лекин у Россияга ҳам қарши эди. Ҳарбий министр Поливановнинг Хивадаги туркманлар қўзғолони тўғрисида Николай II га юборган ахборотида туркманларга Туркия эмиссари раҳбарлик қилганлиги кўрсатилади<sup>1</sup>.

1916 йил январь ойида қўзғолон бошланди. Бунга хоннинг одатдаги бош-бошдоқлиги сабаб бўлди. 1915 йил қўзғолони бостирилгандан кейин хон аввалгидек туркманларга адоватли муносабатини давом эттирди. Солиқларни ошириб, аҳолини янада кўпроқ газаблантирди.

1916 йил январиди Хўжайли районидаги 1000 га яқин ўзбек ўз даъволарини айтиш учун хоннинг жияни бошчилигида Хивага жўнади. Йўлда уларга бошқа районлардаги ўзбеклар ҳам қўшилди ва бора-бора оломон анча кўпайди. Оломон жалаётгани 14 январда Колосовскийга маълум бўлди. Шундай қилиб, хоннинг бош-бошдоқлигидан келиб чиққан Хива қўзғолони бошланиб кетди. Қўзғолон табиий ҳодиса сифатида пайдо бўлди, сабр косаси тўлиб, бирдан тошиб кетди, омманинг газаб-фигони беҳад бўлди.

18 январда оломон Хивага етиб келди ва Хива хонининг амакиваччаси Раҳмонқули тўранинг қўрғони олдида 300 ўзбек тўхтади.

Қўзғолоннинг дастлабки кунларидаги воқеалар, бу ҳаракат рус маъмурларининг буйруқларини кўр-кўрона ижро қилувчигина бўлиб қолган Хива хонига қарши кўтарилиш эканини кўрсатди.

Жуноид бу воқеа давом этган кунларда уруш бош-

<sup>1</sup> ЦВИА. ф. 2000. о. I. д. 782. 130—132-варақ.

ламади, ammo қўзғололга актив қатнашди ва амалда бу ҳаракатга раҳбарлик қилди.

Рус маъмурларининг халқ ҳаракати раҳбарларини қамоққа олиши Хивада биринчи министр Мад Вафо Бакаловнинг уйида истиқомат қилаётган туркман оқсоқолларининг норозилигига сабаб бўлди. Уша куниёқ, яъни 19 январда улар бу уйдан шаҳар четига кўчиб кетдилар. Мад Вафонинг ўзи эса, хон саройида эди. Хулди шу куни кечқурун унга номаълум бир туркман қуйидаги мазмунда имзосиз хат келтирди:

«Мухтарам карвонбоши. Маълум бўлсинки, арзи-ҳолини айтгани Гурлан, Хўжайли ва Қиётдан бизга эргашиб келган кишилар билан бирга қуёш чиққунча унинг (Жуноиднинг) олдига етиб боришимиз тўғрисида мактуб олдик. Башарти, бирор сабаб билан бу ерда тутилиб қолсак, унинг ўзи етарли суворилари билан шошилиш равишида етиб келмоқчи. Энди сиз қамоқдагиларни озод қилиб, бизга қўшилмоғингиз лозим»<sup>1</sup>.

Мад Вафога ультиматум тарзида 20 январда иккинчи хат юборилди. Хатда шундай деб ёзилган:

«Карвон бошига маълум бўлсинки, биринчи галда барча эшон ва уламолар (Хўжайли беги билан бирга Хивага келган ўзбек эшонлари) Эшонхонга келдилар, барча кедхудлар бизникида тўхтадилар ҳамда ҳар хил шикоят ва даъволарини айтдилар. Биз уларга Хива хонига мурожаат қилиш керак, дедик. Мабодо уларнинг ишлари тўғрисида бирор буйруқ бўлса, биз бу буйруқларни бажо қилишга ваъда бердик. Сўнгра ўзбеклар биздан йўл кўрсатувчилар сўради, йўл кўрсатувчи қилиб Жонбек, Чойракбой ва Эшонхоннинг ўғилларини бердик. Уларнинг нима гуноҳи бор экан. Агар улар нияти ёмон кишилар бўлса, биз бошқа кишиларни ажратган бўлар эдик. Энди Эшонхоннинг ўғиллари ҳисобланган 7 кишимиз озод қилинсин, чунки улар Эшоннинг меҳмонларидир».

Хатга Қурбон Муҳаммад сардор (Жуноидхон), Шомурод Бахши ва Жонбекнинг муҳрлари босилган ва тўртинчи муҳрнинг кимники эканлиги аниқ эмасди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Марказий архив бошқармаси, делоси, 78-варақ. Амударё бўлими бошлигининг таржимони А. Лапин асидан русчага таржима қилган.

<sup>2</sup> Марказий архив бошқармаси, Д. «1916 йилги Хива қўзғолони».

Мад Вафо бу хатга Колосовский айтганидек қилиб жавоб ёзди:

«Холис хизмат қилаётган Қурбон Муҳаммад сардорга (Жуноидхонга):

Мен мактубингизни олдим. Ўзбеклар Хива ҳукуматининг буйруғи билан эмас, балки рус маъмурларининг буйруғи билан қамоққа олингани учун, мен илтимосингизни бўлим бошлиғига маълум қилгани бордим. У мактубингизни ўқиб: «худо туркманларни ақлдан оздираётган бўлса керак» деди. Менинг қамоқдагиларни озод қилиш тўғрисидаги илтимосимга: «туркманларнинг ўзбеклар билан нима иши бор», деб жавоб берди. Бу тўғрида мен шахсан муҳрдорларга айтдим: мен рус солдатларига ўзбекларни қамашни буюрдим, чунки уларга ўз волюсть мингбошиси орқали икки марта яхши маслаҳат берган эдим, улар буйруғимни бажармадилар, маслаҳатимни рад этдилар. Кимнинг меҳмонлари қамалган бўлса ҳам, мен учун фарқи йўқ. Кимки, рус бўлим бошлиғининг буйруғини бажармасликка журъат этса, уни қамайман. Агар туркманлар ақлли халқ бўлиб, ўз ваъдаларига вафо қилсалар, бўлим бошлиғи буйруғини бажо келтириш тўғрисида Жуноидхон ўзбекларга насихат қилиши ва Хивага бормаслиги, бўлим бошлиғи буйруғига хилоф иш қилган йўл кўрсатувчилар бермаслиги лозим эди» деди. У бошқа сўз айтмай, орқасига ўгирилиб кетиб қолди. Шундай қилиб, илтимосим эътиборсиз қолди. Мактубингизга жавобан, юборган кишиларингиздан сизга буларнинг ҳаммасини маълум қиламан. Сизга яхшилик тилайман.

Мактубга бош вазир Мад Вафо Бакаловнинг муҳри босилди<sup>1</sup>.

Мактуб юборилди, лекин Жуноидхонга бориб тегмасданоқ 3000 га яқин қуролли туркман Жуноид бошчилигида қум чўлларида чиқиб келди. Туркманлар Хивага 5—7 чақирим қолганда шаҳарни ҳар томондан ўраб олдилар ва атрофдаги барча қишлоқларни ишғол қилдилар. Ҳамма жойда суворилардан соқчилар қоровулхонаси ва постлари қўйилди. Рус қўшилари унча кучга эга бўлмай, бутун шаҳарни қўриқлай олиши даргумон

<sup>1</sup> Марказий архив бошқармаси, Д. «1916 йилги Хива қўзғолони».

эди. Шаҳарда ҳаяжонли вазият туғилди, парокандалик бошланай деб қолди.

Аммо туркманлар қутилмаган ҳолда курашни тўхта-тиб, 23 январга ўтар кечаси бутун постларини ўрнидан олиб, яйловларига чиқиб кетдилар. Архив материалла-рида туркманларнинг нима учун курашдан воз кечи-б, ўз яйловларига тинчгина жўнаганликларига сабаб кўрсатилмайди. Уларнинг кетиб қолиши муносабати би-лан Колосовский Туркистон генерал-губернаторига юборган рапортида шундай деб ёзади:

«Шундай қилиб, бу даҳшат ўтиб кетди, мавжуд ва-зият туфайли ва айниқса менинг барча ёрдамчиларим-нинг аҳиллик билан зўр бериб олиб борган ишлари ту-файли биз Хива хонлигидаги разолатга бошловчи исёнчи унсурлар устидан катта маънавий ғалаба қозон-дик»<sup>1</sup>.

Колосовский қўзғолоннинг такрорланишидан хавотир бўлиб ўша рапортга бундай қўшимча қилди:

«Бу воқеалар хонликка юборилган руслар бошига тушган сўнгги кулфат эмас, мавжуд воситаларни Хива-да аҳволни нормал қилиш учун етарли деб бўлмайди».

Хат охирида Колосовский оз сонли рус қўшинларини кўпайтиришни илтимос қилади.

Курашни давом эттиришдан воз кечиб, қум чўллари-га жўнаган туркман ва ўзбеклар устидан «маънавий» ғалаба қозонилгандан кейин, эришилган ютуқларни мустақкамлашга қарор қилинди. Туркманлар жўнаган-дан кейин иккинчи кунёқ, Хива хони Колосовский би-лан келишиб, ўз меҳтарини (хонликдаги энг юқори лавозим) ғалаён таъсирида бўлган барча шаҳарларга бориб, бутун аҳолини асоишта яшашга, ўз тирикчи-ликларини бемалол қилаверишга чақирувчи ёрлигини эълон қилишга буюрди.

Жуноидхоннинг буйруғига мувофиқ меҳтар ва унинг ҳамроҳи рус волюсть мингбошиси Қозоқбой қамоққа олинди.

Колосовский олган маълумотларга кўра, турли ўз-бек шаҳарларидан туркман ва ўзбек эшонлари Жуноид-хон олдида тўпланганлар. Улар Эшонхонникида исти-қомат қилган турк билан бирга Жуноидни рус қўшин-

<sup>1</sup> 1916 йил 24 январдаги рапорт. «1916 йилги Хива қўз-ғолони» делоси, 23-варақ.

ларига қарши очикдан-очик курашга кўндирмоқчи бўл-ганлар, чунки уларнинг фикрича, «бусиз ҳеч нарса қи-либ бўлмас» экан.

Барча воқеалар ҳар томонлама текширилганда ўз-бек шаҳарларида русларга қарши бошланган ҳаракат-дек чигал калаванинг бир учи Хивага, хоннинг амалдо-ри, эшонлик ва хоннинг тарбиячиси вазифасидаги Иб-роҳимхўжага қараб кетганлиги аниқланади. Шунингдек, бу текшириш натижасида собиқ амалдор Шайх Назар-нинг генерал Геппенер буйруғига мувофиқ Чимкент шаҳ-рига сургун қилинган, Хивага қайтаришни илтимос қи-либ шошилган равишда Тошкентга ариза юборган ик-кита катта ўғлининг қўзғолончилар билан яширини ало-қада бўлганлиги ҳам аниқланди.

Колосовскийнинг январь охирида олган сўнгги маълумотларига кўра, Жуноидхон Янги Урганчин тал-лаш учун ўз отрядини юборди. Отряд Эрон фуқароси савдогар Алиевнинг қўрғончасига келиб тўхтади. Ох-ранка (махфий полиция) бўлими Жуноидхонга савдо-гар Алиев қурол етказиб беради, деб гумон қилди, ваҳоланки, илгари рус маъмурлари уни ўз ҳомийлигига олган эдилар.

Хивадаги сўнгги воқеалар тўғрисида Туркистон ге-нерал-губернаторига маълумот ёзган Колосовский мак-тубининг охирида Жуноидхон ҳаракатига қарши актив чоралар кўрилмаганлигини бутун аҳоли рус маъмурла-рининг бепарволиги ва ожизлиги деб қараганлигини таъкидлади ва Хивада аввалги тартибни тиклаш учун кучлироқ рус отряди юбориш зарур экани тўғрисида огоҳлантирди. Колосовскийнинг фикрича, бундай отряд пайдо бўлса, аҳоли қуролни ўз ихтиёри билан топшира-ди, Хива хонлигидаги шаҳарларга ҳужум қилиб, халқ-ни талаб юрган туркманларнинг итоат қилишларига га-рантия бўлади. Агар Хивадаги рус қўшинларига ёрдам бериш учун сон жиҳатидан оз рус отряди Хивага келса, қонли урушнинг узоқ вақтгача давом этиши ва бунинг оқибатида Хивага иккинчи марта кучлироқ отряд юбо-риш эҳтиёжи туғилиши мумкин<sup>1</sup>.

Туркманлар қум чўлларида жўнаганига бир ҳафта

<sup>1</sup> 5 февралда Туркистон генерал-губернаторига юборилган 127-маълумот.

ҳам бўлмай, 1916 йил январь охирида уларнинг активлиги анча ошиб кетди. Колосовский туркманларнинг янги ҳаракати тўғрисида Тошкентга яна телеграмма юборди:

«Олинган маълумотларга кўра, туркманлар Хивага ҳужум қилишга иккиланиб турмоқдалар. Қабила сардорларининг ўша маслаҳатида Урганччи тор-мор қилиш, хоннинг бекларини гаров тариқасида қамоққа олиш ва кўпчилик шаҳарларда босқинчиликни яна бошлаб юборишга қарор қилинди. Жуноидхон даргоҳида унинг дўсти Эшонхоннинг уйида бир турк бор. Қайси миллатга мансуб бўлганлиги аниқлангани йўқ. У туркманларнинг ҳаракатига раҳбарлик қилмоқда. Агар олинган маълумотлар фактлар билан тасдиқланса, эҳтимол, эшонларнинг баъзи бир бошлиқларини жазолаш ва туркманлар ҳаракатини бостириш учун алоҳида экспедицияни юбормай туриб хонликда осойишталик ўрнатиб бўлмас»<sup>1</sup>.

Янгидан-янги воқеалар бирин-кетин бошланиб кетди ва Колосовский ўзининг иккинчи телеграммасида янада қатъийроқ қилиб хабар берди:

«111 кўшимча. Ҳозиргина отчопар етиб келди. Бугун эрталаб икки юз туркман Гурлан шаҳрига ҳужум қилибди, бекни ушлаб оёқ-қўлини боғлабди. Овозаларга қараганда, улар Урганчга қараб бормоқдалар. Мен у ерга дружина ротасини қўйганман»<sup>2</sup>.

Уша куни 3 февралда бир неча соат ўтар-ўтмасоқ, Колосовский тагин телеграмма юборди. Унда бундай деб хабар қилди:

«Ҳозир туркманлар Шоҳобод шаҳрининг бегини бошлаб олиб кетдилар, мол-мулкни таладилар. Шундай қилиб, хонликда анархия бошланди. Ҳозирги вақтда уни бостириш учун менинг илгариги чамамга нисбатан кўпроқ қўшин талаб қилинади»<sup>3</sup>.

Туркманлар Урганчда бироз туриб қолдилар. 9 февралда Жуноид Урганчдаги маҳаллий аҳолидан 90.000 сўм ва шахсан Абдурахмон Бакаловдан 36.000 сўм пул талаб қилди. Музокаралардан кейин Жуноид шаҳар

аҳолисидан олинган пулни 50.000 сўмга, Бакаловдан олинган пулни 18.000 сўмга туширди<sup>4</sup>.

Жуноиднинг одамлари шаҳардан Мад Вафо Бакаловни излаб топа олмадилар. У Хивага кетиб қолган эди.

Туркманлар Урганчга ҳужум вақтида русларга тегмадилар. Жуноид улардан ўз ишлари билан шуғулланишни илтимос қилди, қароргоҳига келган рус депутатларига у хоннинг давлат ишлари билан шуғулланмай, балки Мад Вафо Бакалов келтирган хотинлар билан айш-ишратда бўлгани тўғрисида шикоят қилди.

Жуноид рус фуқароларига дахлсизлик ёрлиғи, яъни «патак» берди, бу ҳужжатда русларга ва уларнинг мол-мулкига тегмаслик таъкидланди. Бу буйруққа қатъий амал қилинди. Туркманлар русларга дўстона ва ишонч билан қарадилар.

Жуноид Урганч аҳолисидан пул олиб, Хивага жўнади.

4 февралда Колосовский телеграф орқали янги хабар юборди:

«Хиванинги ўзида ўзгариш йўқ. Кеча кўпи билан 200 отлик туркман Гурлан, Шоҳобод, Қиёт, Тошовуз шаҳарларида хон тайинлаган бекларни ва уларнинг ўринбосарларини ишдан олдилар. Мол-мулкни таладилар. Зей деган жойда бир ўзбекни талаб, унинг акасини олиб кетдилар. Вазиятни жиддий деб ҳисоблайман, баъзи шайкаларнинг Петро-Александровска (Ҳозирги Тўрткўл шаҳри) ҳужум қилишлари мумкин, чунки олинган маълумотларга кўра, кеча туркман бошлиқларининг умумий кенгашида эшоннинг талаби билан русларга қарши урушишга қарор қилинган. Рус ҳокимиятининг кўрсатмаларидан қатъи назар, хонликда Туркия султони маъқуллаган ҳокимиятнинг рўй беришини мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган, келажакда аянчли оқибатларга олиб борадиган бир ҳол деб ўйлайман»<sup>2</sup>.

Туркманлар ҳаракати тобора авжига чиқди ва 5 февралда Колосовский қуйидагиларни хабар қилишга мажбур бўлди:

<sup>1</sup> Н. Г. 1915—1916 йилларда Хивада туркманлар кўзго-лони, «Асхабод» газетаси, 1916, 13 сентябрь, № 208.

<sup>2</sup> Марказий архив бошқармаси, Д. «1916 йилги Хива кўзго-лони» делоси, 37-варақнинг орқа томони.

<sup>1</sup> Марказий архив бошқармаси. «Хивадаги 1916 йилги кўзго-лони» делоси, 34-варақнинг орқа томони.

<sup>2</sup> Уша жойда.

<sup>3</sup> Уша жойда. 3-варақ.

«Ўтган тунда туркман суворилари Хива ва Урганч атрофида хивалик 12 тача бойнинг қўрғонини таладилар. Манғит ва Қиличбой шаҳар бекларини ва икки оқсоқолини ишдан бўшатдилар, навқарларни асир туширдилар. Овозаларга кўра, эртага Урганч тор-мор қилинади, ҳамма жойларга соқчи суворилар қўйилган. Мен мудофаа қилиш ва ўзаро ёрдам чораларини кўрдим»<sup>1</sup>.

Туркманлар дастлабки кунларда Хива территориясида рус қўшинлари йўқ ва Хива навқарлари жуда оз жойларгагина тарқалдилар. Улар бундай шаҳарларда хон маъмуриятини — бекларни ишдан бўшатиб, ўзлари билан бирга олиб кетдилар, айрим ҳолларда уларнинг мол-мулкларини ҳам таладилар.

Туркистон генерал-губернатори 6 февралда Колосовскийга шундай деб хабар қилди:

«Ойнинг еттинчи куни генерал Галкин Хивага кетади. Унинг орқасидан Чоржўйдан пароходларда пулемётлар ва тўртта тўп билан қуролланган икки дружина сафарга чиқади, беш юз қазақ пиёда (поход тарзида) йўлга чиқади ва от-аравалари жўнайди. Генерал етиб келгунча дадил ҳаракат қилинг, лекин генерал Галкин ёмудларни фэросат билан иш қилишга чақираркан, унга халақит берманг»<sup>2</sup>.

Генерал Галкин Хива аҳолисининг миллий ва қабила муносабатларини яхши биладиган киши ҳисобланди. У илгари Амударё бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлади, шунинг учун Хивага борадиган отряд бошлиғи қилиб тайинланди. Аммо у билан Хивага борадиган анчагина ҳарбий кучлар бироз кечроқ жўнатилди. Колосовский 9 февралда юборган маълумотида қуйидагиларни хабар қилди:

«Марказий районлардаги аксари шаҳарлар эшонларнинг қатъий талаби ва тор-мор қилиш тўғрисидаги таҳдидлар орқасида Жуноидхонга тобе бўлди ва товон тўлади. Унинг ўзига яқин эшонлардан қози калонлар тайинланди. Қози калонлар хонга фуқаро бўлишдан бош тортганларни русларнинг тарафдори — кофирлар деб атадилар, мол-мулкларини бемалол талайвериш мумкин деб «ривоят» туздилар. Ёв товон ундириш учун

<sup>1</sup> Марказий архив бошқармаси. «1916 йилги Хива қўзғолони» делоси, 34-варақнинг орқа томони.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 38-варақнинг орқа томони.

Урганч бўсағасида турибди. Хиванинг ўзида ўзгариш йўқ»<sup>1</sup>.

Иккинчи куни — 10 февралда Хива почта-телеграф бўлимининг бошлиғи Туркистон почта-телеграф округи бошлиғига бундай деб хабар қилди:

«Туркманлар Хивани ўраб олдилар, милтиқ овозлари эшитилмоқда»<sup>2</sup>.

Худди шу куни Колосовский ҳам маълум қилди:

«Бугун эрталаб Хивани ўраб олдилар. Олдинги отрядлар ўртасида отишма бошланди»<sup>3</sup>.

11 февралда Хива почта-телеграф бўлимининг бошлиғи Туркистон почта-телеграф округининг бошлиғига:

«...эрталабдан бери артиллерия ва пулемёт жанги давом этмоқда. Қўшинлар конторани қўриқлаб турибди»<sup>4</sup> деб хабар берди.

Бу телеграф ахборотларининг ҳаммаси Туркистон генерал-губернаторига Хивадаги воқеаларнинг жуда ҳам кескинлашиб ва авжига чиқиб бораётганини кўрсатди. Россия империализмининг Хивадаги бош агенти—Хива хонининг тақдири хавф остида қолди. Хоннинг руҳини кўтариш мақсадида Туркистон генерал-губернатори 11 февралда Колосовский номига қуйидаги телеграммани юборди:

«Хива хони олий хазратларига қуйидагиларни етказинг. Сиз олий хазратларга салом. Амударё бўлимининг бошлиғи сиз олий хазратлари фуқароси бўлган ёмуд қабилалари ўртасидаги ғалаёнлар ва уларнинг хонликдаги аҳolini талаётганлари тўғрисида маълум қилди. Кеча полковник Колосовский ёвуз ниятли кишиларнинг сурбетлик қилиб, рус қўшинлари отрядига ўқ узганликлари ва рус фуқароларининг осойишта ҳаёти таҳдид остида қолганидан хабар берди. Сиз хазрат олийлари ўз фуқароларингизга оқ подшоҳнинг қудрати тўғрисида, император жаноб олийлари қўшинларига қарши курашга отланиш бефаросатлик эканини эсларига солиб қўйинг, қўзғолон қилувчилар ҳамда уларнинг бошлиқлари ҳалокатга маҳкум эканлигини огоҳлантиринг. Бефаро-

<sup>1</sup> Марказий архив бошқармаси. «1916 йилги Хива қўзғолони» делоси, 47-варақнинг орқа томони.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 48-варақ.

<sup>3</sup> Ўша жойда, 46-варақ.

<sup>4</sup> Ўша жойда, 48-варақнинг орқа томони.

сатларнинг адабини беришда мен томонидан сиз хазрати олийларига ёрдам бериш учун генерал Галкин юборилди»<sup>1</sup>.

Бу телеграммаларнинг мазмунига қараганда генерал-губернатор саросимага тушган хонга далда бермоқчи бўлган ва Россия матмурлари қўзғолонни бостиришга қобилиятли экани, лекин хон ва унга яқин кишилар эса буларни ҳисобга олмаётгани таъкидланган.

Хива шаҳрида бошланган саросималик ва парокандалик январь охирларида Жуноидга маълум бўлди. Жуноид хонлик территориясига иккинчи марта юриш бошлади ва 1 февралдаёқ ультиматум топшириб, қамоқдаги ўзбекларни бир сутка ичида озод этишни талаб қилди, бу талаблар бажарилмаган тақдирда Хива шаҳрини бутунилай тор-мор қилажagini таъкидлаб қўриқитди. Колосовский шаҳарни қўриқловчи отрядни кучайтириш тўғрисида буйруқ берди. Жуноиднинг қатъий талаби бажарилмади. У Хивага ҳужум қилишга ва шаҳарни талашга журъат қила олмади. Туркман отрядлари хонлик территориясига тарқалиб кетдилар, Хива хонлигига қарашли шаҳарларни босиб олдилар, Хива бекларини гаров тариқасида қамоққа олдилар. Эҳтимол улар бекларни қамаб, қамоқдаги ўзбекларга айирбош қиладиган фонд яратмоқчи бўлгандилар. Қамоқдаги беклар туркманлар қўлида гаров сифатида сақланди. Бу ҳол Колосовский ва хонни қамоқдаги ўзбекларни бўшатиб юборишга мажбур этди.

Гурлаи, Шоҳобод, Қиёт ва Тошовуз шаҳарларини олгандан кейин Жуноид ўзини Хива хони деб эълон қилди ва барча ишғол қилинган шаҳарларга ўз матмуриятини тайинлади. Жуноид босиб олинган территория аҳолисини огоҳлантириб, итоат қилишни истамаган кишиларнинг мол-мулки таланажagini эълон қилди.

Жуноид ўз суворилари билан 14 февралда Хивага бостириб кирди, саройга ўтди, хонни кўчага чақириб чиқарди. Саройни қўриқлаб турган рус соқчилари бошқа рус қўшинларига бориб қўшилди. Саройда туркманлар тургани учун дарвозадан чиқиб кетиш мумкин эмас эди. Солдатлар сарой деворини тешиб жўнадилар.

<sup>1</sup> Марказий архив бошқармаси. «1916 йилги Хива қўзғолони» делоси, 45-варақнинг орқа томони.

Хива хони Жуноид билан учрашди. Хоннинг ва яқин кишиларининг айтишига қараганда, Жуноид Хива хонига:

— Мен сенинг ҳокимиятигни тан оламан, хонлигингни қилавер,— деган. Аммо Жуноид хондан 18.000 сўм ҳақ тўлашни талаб қилган. Бу воқеа шоҳидларининг айтишларича, хон таҳқирланиб, бош эккан ва ўз жонини сақлаб қолиш учун Жуноидхонга 10.000 сўм пул берган<sup>1</sup>. Бошқа маълумотларга қараганда, Хива руҳонийлари Асфандиёр хонни ажратиб олиш учун Жуноидга 36.000 сўм берганлар.<sup>2</sup>

Кейин Жуноид Мад Вафо Бакаловни (айш-ишрат учун хонга қиз топиб берувчи) ва Абдуллажонни тутиб келтиришни талаб қилган. Уларнинг иккаласи ҳам сарой олдида ўлдирилган.<sup>3</sup> Бошқа маълумотларга қараганда, «қўрғонбоши Мад Вафо Бакалов, девонбеги Абдуллажон ва Қодирбеги маҳрам (маҳрамлар хоннинг энг яқин кишилари) отиб ташланган, уларнинг мол-мулки мусодара қилинган»<sup>4</sup>.

Генерал-губернатор Мартсон ҳарбий министр номига юборган ахборотида шундай деб ёзди:

«Хон Жуноидга нисбатан ўзини жуда паст тутди, у зўрлаб Жуноид олдида келтирилди, тиз чўкиб салом берди, ўлдирмаслигини илтимос қилди, Жуноидга... амалдорларини ушлатиб берди, саройдаги ҳарамини даҳсиз қолдириш учун кўпгина пул тўлади, ўзини Хива хони деб эълон қилган Жуноидга бўйсунди»<sup>5</sup>.

Хива хонининг Жуноидга қарши мудофаа уюштириши учун зарур воситалари кам, русларнинг ёрдами эса етарли эмасди. Хон ўз саройини Жуноидга берди, рус қўшинлари бир жойга тўпланишди ва ёрдам келишни кутиб, ўзларинигина ҳимоя қилиб туришди. Натижада

<sup>1</sup> Н. Г. Туркменское восстание в Хиве в 1915 и 1916 г. г. «Асхабод» газетаси, 1917, 13 сентябрь, № 208.

<sup>2</sup> Хоразм область давлат архиви, ф. 124, д. 1, 1—30-варақлар.

<sup>3</sup> Н. Г. Туркменское восстание в Хиве в 1915 — 1916 г. г. «Асхабод» газетаси, 1917, 13 сентябрь, № 208.

<sup>4</sup> Хоразм область давлат архиви, ф. 124, д. 1, 1—13-варақлар.

<sup>5</sup> Марказий архив бошқармаси. «1916 йилги Хива қўзғолони» делоси.

Жуноид ўзининг барча кучлари билан Хива хонлигига қарашли шаҳарларни олди, хон маъмурларини қамлади, улар ўрнига ўз кишиларини қўйди, бутун аҳолини ўзига фуқаро бўлишга мажбур этди.

Хивага бораётган генерал Галкин йўл-йўлакай Хонқода тўхтади ва у ердан 14 февралда Тошкентга бундай хабар юборди: «Бутун 737-дружинанинг икки ротаси билан Хивага жўнайман. Хонқода олинган баъзи маълумотларга кўра, ёмудлар Хивани қамал қилган, Хива билан Урганч ўртасидаги алоқа узилган. Колосовскийнинг Петро-Александровскдан юборган 12 февралдаги сўнги телеграммасини олганимдан кейин 236-дружинанинг икки ротасини пулемётлари билан шошилинч равишда Хонқога чақирдим. Бўлимда (Амударё бўлими) тинчлик».

Галкинга хорижий ишлар министри билан келишилган директивалар берилди. Петроградда ёмудлар билан мутлақо ярашмаслик, уларга нисбатан қатъий чоралар кўриш, Жуноидхонни ва унинг асосий тарафдорларини қўлга тушириш тўғрисида қарор қилинган. Қўзғолончилар таслим қилдирилиб, тартиб ўрнатилгандан кейин хоннинг ҳокимиятини мустаҳкамлаш лозим эди.

Туркманлар Галкин отрядининг Хивага яқинлашиб келаётганини эшитиб, Хивадаги рус отрядига қарши кўпроқ ўқ уза бошладилар, лекин ҳеч қандай натижага эришолмадилар. Шў куни рус қўшинлари бирор талафот бермади. Ярим кечадан кейин туркманлар рус отрядини енгиб бўлмастлигига ишондилар ва чекина бошладилар. 16 февралда эрталаб Хива атрофида туркманларнинг бир печагини кичик тўдаси қолди. Улар, эҳтимол, чекинаётган асосий кучларнинг қўриқчилари бўлсалар керак. Уша куни кенгача туркманларнинг ҳаммаси қўлга чиқиб кетди.

Шундай қилиб Жуноиднинг ҳужуми тамом бўлди.

Генерал Галкин 14 февралда Петро-Александровска етиб келди ва иккинчи куни Хивага кирди. Уша куни (15 февралда) туркманлар Янги Урганч теваарагидаги телеграф симларини узиб қўйдилар. Генерал Галкин Петро-Александровск билан дала почтаси орқалигина алоқа қила оларди.

Галкин 236-дружинанинг икки ротаси омон-эсон Хивага етиб келгани ҳақида 16 февралда Тошкентга:

«...15 февраль соат 3 да икки рота Хивага кирди» деб маълум қилди<sup>1</sup>.

Рус отрядидагиларнинг ҳаммаси 17 февралда Хивага тўпланди. Мавжуд вазиятга кўра, қум чўлларига кетиб қолган туркманларнинг орқасидан қувлашни уюштириш керак эди. Галкин бу тўғрида 16 февралда Тошкентдаги округ қўшинлари қўмондонига қўйидагиларни маълум қилди:

«731 сонли телеграммада кўрсатилганларни етарли миқдорда қўшинлар етиб келгандан кейин ижро қиламан, Жуноидхонни ва унинг асосий тарафдорларини қўлга тушириш, таланган мол-мулкни қайтариб олиш ва туркманларни қаттиқ жазолаш учун дарҳол туркман овулларига жўнайман. Мавжуд қўшинлар билан генерал Мюйдель-Майдель отряди менинг олдимга қўйилган вазифани бажариш учун бемалол етади»<sup>2</sup>.

Генерал Галкин фақат икки ҳафта ўтгандан кейин Жуноид орқасидан қувиш операцияларини уюштира олди. Бу муддат эса Жуноидхоннинг узоқ жойларга кетиб қолиши учун етарли эди. Дипломатик мансабдаги Чиркиннинг Закаспий области бошлиғи ҳузуридаги чегара алоқалари бошлиғи номига 10 февралда юборган 146 сонли телеграммасига кўра, Туркистон генерал-губернаторига «мабодо Жуноидхон муваффақиятсизликка учраса Эронга кетиш тарадудини кўраётганлиги»<sup>3</sup> маълум эди.

Генерал Галкин қум чўлларида Жуноидхонни қувиш ишини жуда секин уюштирди. Галкин Жуноидга қарши курашда туркманларнинг ўзларидан фойдаланмоқчи бўлди. У туркман қабила сардорлари билан музокара очиб, уларнинг баъзи бирларини Жуноидни қўлга тушириш ишига ёрдам беришга рози қилди. Галкин бундай хизмат учун қўзғолонга қатнашганларнинг гуноҳини кечиришни, ҳатто мукофотлашни ваъда қилди. Жуноидни ушлайдиган туркман отрядининг бошлиғи қилиб ушоқ беги Сейд Мамед бек тайинланди. 300 га яқин суворидан тузилган бу отряд 2 апрелда ҳужумга ўтди.

Кейинги воқеалар ҳақидаги барча маълумотларга қараганда Сейд Мамед бек гарчи Гелдибой қудуғида Жу-

<sup>1</sup> Марказий арихв бошқармаси. «1916 йилги Хива қўзғолони» делоси, 55-варақ.

<sup>2</sup> Уша жойда, 55-варақнинг орқа томони.

<sup>3</sup> Уша жойда, 48-варақ.

ноид билан тўқнашишганини айтган бўлса ҳам, у аслида Жуноидни ушлаб олмасликка ҳаракат қилган.

Рус маъмурлари олган ҳамма маълумотларда Жуноиднинг Эронга ўтмоқчи бўлгани кўрсатилган. Шунинг учун ҳам Асхабод гарнизонининг бошлиғи Закаспий областидан Эронга ўтадиган барча шубҳали кишиларни назорат остига олиш тўғрисида Закаспий области бошлиғи билан келишган. Чўлларда ёмуд туркманлари қатнаб турадиган барча йўлларга махсус кузатувчилар қўйилган. Бу йўллар Хивадан бошланиб, Чиқишлар ва Қорақала миршабхоналари орқали ўтган. Йўлларда, Урта Осиё темир йўлининг Жапалдан то Бамигача ҳамма станцияларида олтига отлик соқчи отряд қўйилган. Красноводск чегара отряди бу постларга 30 та сувори ажратган.

Жуноиднинг Хива шаҳридан чиқиб кетган куни Закаспий области бошлиғи кенгаш ўтказиб, Жуноидхонни қидириб топиш ва қўлга тушириш чораларини муҳокама қилди. Бу тўғрида Асхабод гарнизонининг бошлиғи Туркистон генерал-губернаторига шундай деб хабар қилди:

«Умуман олганда Марв уездидаги маҳаллий туркманлар Хивага хайрихоҳ эмаслар, улар эътиборсиз қарайдилар, лекин баъзи бир бадавлат маҳаллий кишилар орасида Жуноидхоннинг қочиб кетиши учун яширин равишда ёрдам берувчи кишилар бўлиши мумкин. Асхабод ва Тежан уездидагилар Хивадаги воқеаларга эътиборсиз қарайдилар, Манғишлоқ уездидаги қирғизлар Хивадаги аҳволдан унча хабардор бўлмасалар ҳам, Жуноидни ёқтирмайдилар, чунки ёмудлар уларни ҳаминша хафа қилиб келганлар, агар Жуноид мағлубиятга учраса, қирғизлар хурсанд бўладилар».<sup>1</sup>

Кенгаш охирида Тошкентдан телеграмма олинди. Унда Жуноидхонни қамоққа олиш учун Етгисув казакларидан икки юз киши олишни таклиф қилинган эди. Кенгаш ўтказилиши ва Тошкентдан берилган ёрдам муносабати билан Жуноидхонни қўлга тушириш учун иккита экспедиция ташкил қилиш тўғрисида қарор қилинди. Экспедициялар волость старшиналари ва уларнинг йигитларидан тузилиши, ҳар қайсисига 3 тадан чегара соқчисини ва 7 тадан казак берилиши, уларга приставлар раҳбарлик қилиши лозим эди. Экспедициянинг бири қум чўлларидан

<sup>1</sup> Марказий архив бошқармаси. «1916 йилги Хива қўзғолони» делоси, 62-варақининг орқа томони.

айланиб ўтиб, Марвдан Хивага бориши ва Тошкентга қайтиб келиши, иккинчиси Геоктепадан Хивага томон бориши қум чўлларидан ўтиб, Қизиларвотга қайтиб келиши лозим топилди. Иккала группа ҳам чўлдагиларда қурол-аслаҳа борлигини, аҳолининг сиёсий-маънавий аҳволини, кейинги воқеаларнинг халқ ўртасида қандай таассурот қолдирганини аниқлаши лозим эди.

Етгисув казакларидан 200 киши Ягманадан Геоктепагача бўлган 20 станция ва ярим станция ўртасидаги 375 чақирим масофага тақсимлаб қўйилди. Улар бу ерда темир йўл изидан ўтувчиларни кузатиб турдилар. Кузатиладиган иккинчи линияда чегара соқчилари бор эди.

Жуноидни ушлашда иштирок этган аҳолига 1000 сўм, унинг қаерда эканлигини аниқ кўрсатган киши учун 500 сўм мукофот ажратилиши ҳамда медаллар билан тақдирлаш ваъда қилинди. Лекин бу тадбирлардан қутилган натижа чиқмади.

Март ойи ўрталарида Жуноид Асхабод уезидан Эронга ўтиб кетмоқчи бўлгани тўғрисида маълумот олинди. Рус маъмурлари туркманларга ортиқча ишониб қўйдилар. Жуноиднинг қаерда эканлигини аниқлаш учун 19 мартда старшиналар туркманлар билан бирга қум чўлларидаги қудуқларга (йўловчилар тўхтаб ўтадиган бекатларга) юборилган старшиналар 10 апрелда натижасиз қайтиб келдилар.

Колосовскийнинг берган хабарига кўра, Жуноид апрелда Дамли қудуғи атрофида бўлган. Колосовский томонидан юборилган туркманлар уни ўраб олишган. Асхабодда область бошлиғи ҳузурида бўлиб ўтган кенгаш (17 апрелда) рус амалдори қўмондонлиги остида 6 казак, 3 чегарачи ва 6 йигитдан тузилган отрядни экспедиция сифатида қум чўлларга юборишга қарор қилган. Экспедиция 18 апрелда Асхабоддан жўнаб, 30 апрелда Дамли қудуғидан ўтиб, яна Асхабодга қайтиб келган. Бу экспедиция Жуноиднинг қайси йўлдан юрганини, темир йўлини кесиб ўтиб, Эронга чиқиб кетганини аниқлаган. Бу отряд ўзи билан бирга бир туркманни олиб келган. У Жуноидга йўл кўрсатувчи бўлиб, уни чегарагача бошлаб борган. Асхабодда сўроқ қилинганида у 17 апрель куни Жуноид 17 отлик билан Қихқуйи овулига келганини ва ўзидан Эронга Саних овулидаги уйларга бошлаб олиб боришини талаб қилганини айтган. Жуноид йўл кўрсатувчига от берган. Улар Санж йўлидан юриб, Бободурмон билан



Артин станциялари оралигидаги темир йўлни кесиб, 19 апрель кечаси Эрон территориясига ўтиб кетган. Йўл кўрсатувчи уйига қайтган. Жуноид Мамедобод шаҳрига жўнаган.

Жуноидхон Хивадан қум чўлига қочганидан кейин генерал Галкин ёмуд туркманларидан Хива хонига батамом бўйсунуш ва итоат қилишни талаб этди. Шу муносабат билан туркманлар барча қуроолларини топширишлари, қўзғолонга раҳбарлик қилган қабила раҳбарларини ва иш бошида бўлган кишиларни ушлаб беришлари, қўзғолон туфайли хонга, аҳолига ва давлат хазинасига етказилган барча зарарларни тўлашлари лозим эди.<sup>1</sup>

Хива хонлигидаги туркманлар учун Галкиннинг талабларини бажаришдан бошқа илож қолмади. Аҳоли итоаткорона бўйсунди, қуроолларини топширди (эҳтимол қуролини қисман топширгандир), талаб қилинган товонни тўлади. 13 апрелгача туркманлар 2162 та бешотор милтиқ, 25.000 та патрон, 500 та гильза, 110 та ўқдон топширдилар, рус маъмурларига Жуноиднинг 12 яшар кенжа ўғлини ва Эшонхоннинг 22 яшар тўнғич ўғлини келтириб бердилар.

1916 йил 25 апрелгача туркманлар ўртасидаги қўзғолон батамом бостирилди.

Бу ҳақда генерал Галкиннинг 29 апрелдаги маълумотида қуйидагилар ёзилган: «Хонликда узил-кесил тартиб ўрнатилди. Хива хонининг ўзи мен ва отряднинг бир қисми билан бирликда хонликнинг яқин атрофдаги бекликларини айланиб чиқмоқда. Туркманларнинг яқин йиллар ичида тартибни бузмасликларига ҳеч шубҳа йўқ, чунки барча қабилалар ўз итоатгўйликлари тўғрисида самимий ваъда бердилар. Жазо экспедицияси ўз ишини деярли тамом қилди деса бўлади»<sup>2</sup>.

Генералнинг маълумоти Хивада осойишталик бошланганидан дарак берса ҳам, лекин хонликда туркманлар ҳаракати тўхтамади, улар хонга қарши курашдилар, русларга тегмадилар. Ўз кўзи билан кўрган кишиларнинг айтишларига қараганда, туркманлар рус қўшинла-

ри билан ҳам тўсатдан тўқнашиб қолганлар, аммо бу жанг туркманлар томонидан бошланган эмас.

Бунинг учун бир факт келтирайлик. Масалан Ғазовотда казаклар туркманларнинг катта группаси билан учрашган. Кўрган кишиларнинг айтганларига қараганда, улар генерал Галкин билан сулҳ музокараларини бошлаш учун йиғилган эдилар. Қандайдир номаълум сабабга кўра, тўсатдан туркманлар билан казаклар ўртасида қуроолли тўқнашув бошланиб кетган. Казаклар туркманларга пулемёт ота бошлаганлар ва туни билан отишмани давом эттирганлар. Бу жангда кўпгина туркманлар ҳалок бўлган, 2 казак ўлган ва 3 казак ярадор бўлган.

Бу тунги отишмадан кейин шу жойни кўздан кечирганида, туркманларнинг казакларга қуроолли қаршилик кўрсатишни исгамаганликлари аниқланган. Ҳамма жойларда чавандозлар отлари билан бирга яширинса бўладиган чуқур хандақлар қазилган. Агар туркманлар казаклар билан жанг қилишни истасалар, бу хандақлардан окоп сифатида фойдаланиб, рус қўшинларига қаршилик кўрсатиб, узоқ вақтгача жанг қилишлари мумкин эди. Уларни будай пана жойдан қўзғатиш жуда қийин бўларди.

Туркманлар яхши мерган сифатида ном чиқарганлар. Улар япон, австрия, немис, француз ва инглиз милтиқлари билан қуроолланган эдилар. Уларда рус бешотар милтиқлари ҳам кўп эди<sup>1</sup>.

Бу жангдан кейин туркманлар билан руслар ўртасида тўқнашув такрорланмади. Аммо генерал Галкин бутун аҳолига «даҳшат солиш» ва рус қуролининг кучини кўрсатиш, туркманлардан товон (контрибуция) йиғиш, кейинги воқеаларнинг асосий айбдори ҳисобланган туркман хони Жуноидни ва Эшонхонни қўлга олиш мақсадида бутун Хива хонлигини босиб ўтмоқчи бўлди.

Ғазовотдан Галкин аҳолини жазолашни бошлади. У ерда бир қуроолли туркман қўлга тушди. Галкин уни ҳарбий (дала) судига бериб, отиб ўлдиришга ҳукм чиқартирди. Қамоққа олинган бошқа туркманлар отряд штаби билан бирга сафарга чиққан Хива хонлиги амалдорлари ихтиёрига топширилди. Дала судига берилган туркман кундуз кунни отиб ташланди, Хива амалдорлари қамоқ-

<sup>1</sup> Марказий архив бошқармаси. «1916 йилги Хива қўзғолони» делоси, 88-варақ.

<sup>2</sup> Хивадаги туркманлар қўзғолони ҳақида. «Асхабод» газетаси, 1917 йил, 27 июль, 170-сон.

<sup>1</sup> Хивадаги туркманлар қўзғолони, «Асхабод» газетаси, 1917 йил, 27 июль, 170-сон.

даги туркманларнинг бир қисмини Галкин ижозати билан кундуз куниеқ дорга осдилар, қамоққа олинган ва ўлим жазосига ҳукм қилинмаган бошқа туркманлар Хивага жўнатилди ва уларнинг тақдирини нима бўлгани номаълум.

Илялида куппа кундузи 17 та туркман осилди, уларнинг жасадлари дорда бир неча кун осилиб турди. Уша кун Хўжайлида ҳам 11 та туркман ўлдирилди. Илялидаги даҳшатдан кейин хонликда тинчлик ва осойишталик ўрнатилганлигига шубҳа қолмади ва ҳеч ким туркманларнинг актив ҳаракат қилишларини кутмади. Энди қўшинлар ҳаракатининг жанговар тартиби бузилди, казаклар сочилган-тарқалган ҳолда очик жойларда ҳам бемалол боравердилар, йўл-йўлакай одамларни ўлдирдилар, пул ва мол-мулкни таладилар, хон беклари талаган аҳоли жуда қашшоқ, аммо беклар эса ўз саройларида қиммат баҳо нарсаларни сақлар эдилар. Баъзи қўрғончаларга ўт қўйилди, жазо тариқасида баъзилари тор-мор қилинди. Генерал Галкин босиб ўтган 20 чақирим йўлдаги овуллар харобаларга айланди. Бу босқинчилик туркманларнинг русларга нисбатан муносабатига бутунлай тўғри келмасди.

Шунга қарамай хонликдаги туркманлар (Ғазовотдан тортиб) штабга кела бошладилар ва Россия ҳукумати-нинг вакили генерал Галкинга бутунлай бўйсунганликларини изҳор қилдилар.

Галкин Тахтабозорга етиб келгандан кейин унинг талабига биноан товон сифатида аҳоли пул, ҳар хил буюм, қурол ва моллар бера бошлади. Бу ҳолни кўрган шоҳидларнинг айтишларига кўра, туркманлар хиваликларни талаб-тортиб олган буюмларнигина топширганлар. Бу буюмлар ва қуроллар Хивадаги омборга юборилган, моллар эса Хива амалдорларига берилган, пул сандиққа солинган. Галкиннинг адъютантларидан бири, прапорщик пулни қабул қилган ва санаб олган. Туркманлар қанча пул олиб келганликларини айтганлар. Ҳаммаси бўлиб 1 миллион сўмдан ортиқ пул йиғилган. Кассир адъютант пулни санабга улгуролмаган, баъзан санамай, туркманларнинг ўзлари айтгани дафтарига ёза берган. Шоҳидлар пул эвазига квитанция берилгани ёки берилмаганини эслай олмайдилар<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Хивада туркманлар қўзғолони ҳақида. «Асхабод» газетаси, 1917 йил, 26 июль, 170-сон.

Генерал Галкин отрядининг сафари 6 майда тамом бўлди. Шу кун қўшинлар кўчманчи туркманлар ўртасида «тартиб» ўрнатиб, Хивага қайтиб келдилар. Отряд Хўжайли, Иляли, Манғит, Тошовуз ва Гурлан йўлидан ўтди. Бу йўлда қўзғолонга қатнашган ўзбеклар ҳам қўлга олинди ва дорга осилди.

2000 солдатдан иборат рус отряди Хивада қолдирилди, бошқа отрядларни генерал Галкин шошилинич равишда Тошкентга жўнатди. Туркманлардан йиғилган ҳамма пуллар Хива хонига берилди. Хон бу пулдан 500.000 сўмини ўзига олиб, қолганини яқин кишиларига берди. Мол-мулкни туркманлар талаб кетган аҳоли эса қуруқ қолаверди. Хон ўз жонини сақлаб қолмиш учун аҳолидан қарз олиб, Жуноидхонга берган 36.000 сўм пулни ҳам тўламади, аксинча тинчлик ўрнатилгандан кейин яна айш-ишратини давом эттирди<sup>1</sup>.

То 1916 йил сентябрь ойигача Жуноидхондан дарак бўлмади. Фақат сентябрга бориб, Туркистон оҳангари бўлимининг бошлиғи Туркистон генерал-губернаторига қуйидагиларни маълум қилади: Асхабоддаги эронликлар ва бу ерга келган хивалик савдогарлар ўртасида тарқалган овозаларга кўра, турк қўшинлари Техрон шаҳрини олганлар ва Туркия ҳукумати руҳонийлардан Шайх Мамедни Астрободдан Закаспий областига юборган. У Красноводск уездидаги овулларга бориб, у ердаги ёмудларни эронлик ёмудларга қўшилишга ва Россияга қарши қўзғолон кўтаришга даъват қилгани сабабли ёмудларнинг ҳаммаси Астрободга жўнаши ва у ерда қўзғолончиларга қўшилиши лозим. Жуноидхоннинг ҳам яқин орада Афғонистондан келиши кутилмоқда. Жуноидхон қўзғолонга бошчилик қилади, турклар эса, пул билан ҳамда Техрондаги қўшинларни юбориб, унга ёрдамлашмоқчи, 1916 йил август охирида Шайх Мамед Эронга жўнаган. Аммо ташвиқот тўхтатилгани йўқ. Агитаторлар гўё Машҳаддан келаётган зиёратчи эронлар сифатида темир йўл бўйлаб Красноводскдан Каахка ва Артингача бориб, сўнгра Эрон йўлидаги овулларда изғиб юрибдилар.

Шайх Мамеднинг ишлари ҳақида расмий манбалардан маълумотлар олинди. Туркистон округи штаби бош-

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Хоразм область давлат архиви, ф. 124, д. 1, 1—30-варақлар.

лигининг 15 августда олган маълумотларига кўра, Жуноидхон Закаспий области маҳаллий аҳолисидан фронт учун мардикор олинишига норозилик билдириш сифатида рус ҳокимларига қуролли қаршилик кўрсатиш учун Эшонхон билан бирга Эрондан қайтган, Эронда яшаган туркманлар эса қурол-яроқни запас қилиб қўймоқдалар<sup>1</sup>.

Туркманларнинг Жуноидхон раҳбарлигидаги қўзғолони ва генерал Галкиннинг жазо экспедицияси воқеалари туркман аҳолисини оғир аҳволга солди. 1916 йилги туркманлар қўзғолони стихияли қўзғолон эди. Халқнинг норозилиги орқасида бошланган бу қўзғолондан хонликдаги туркман феодалларининг юқори табақалари фойдаланиб қолди. Лекин шунга қарамай, Хивадаги 1916 йил қўзғолони хонликда революцион кризис яқинлашиб келаётганидан дарак берди.

Халқ ғазаби аслида ҳокимият тепасида турган, чор маъмурлари ва рус капиталистлари билан биргаликда иш қўрган хон амалдорларининг эксплуатациясига қарши қаратилган эди.

Хива қўзғолони Россия революцион ҳаракатидан ажралиб қолган эди. Хивада аҳолининг қўзғолонига раҳбарлик қила оладиган ишчилар синфи йўқ эди, шунинг учун ҳам қўзғолонга авантюрист Жуноид раҳбарлик қилди. Унинг мақсади ҳокимиятни қўлга олиш ва хонликни Россиядан ажратиб қўйиш эди.

Хива қўзғолони аслида икки сиёсий оқимдан бунёдга келди. Биринчидан, ёзилган камбағал деҳқонлар оммаси хоннинг ўзбошимчаликларига ва ўлкадаги оғир иқтисодий аҳволга норозилик билдирди. Лекин омманинг муайян сиёсий программаси йўқ эди. Иккинчидан, буёқдаги руҳонийлар ва туркман феодалларнинг группировкаси фитна кўтарди.

Мустамлакачилик зулмига қарши норозиликдан иборат миллий озодлик қўзғолони руҳонийларнинг таъсири билан реакцион тус олди ва реакцион мақсадларни илгари сурди.

Қўзғолон ўз-ўзидан босилди. Раҳбарлиқни ўз қўлига олган туркман феодаллари эса, рус қўшинларига қарши қуролли курашдан қўрқдилар. Аммо бу қўзғолон Хива-

нинг ёзилган аҳолиси учун катта сабоқ бўлди. Жуноидхоннинг босқинчилиги ва руҳонийларнинг реакцион мақсадлари меҳнаткашларнинг кўзини очди. Рус отрядининг генерал Галкин раҳбарлигидаги жазо экспедицияси ва кўп кишиларнинг ўлим жазосига ҳукм қилиниши аҳолининг чоризмга нафратини оширди, маҳаллий аҳоли ўрта-сидаги синфий қарама-қаршиликлар янада кескинлашди.

Хива хонининг қўзғолон тўғрисида айтганлари эътиборга сазовордир.

Хива хони Саид Асфандиёр Баҳодир хон 1916 йил 15 октябрда Хивада полковник Волков билан суҳбат қилиб, қўзғолон тўғрисида ўз фикрларини айтди:

— 1915 ва 1916 йиллардаги туркманлар қўзғолони, — деди хон, — менга қарши ва менинг вазирим Мад Вафо Бакаловга қарши кўтарилди эди. Туркманлар уни ўлдирдилар, улар мени ҳам ўлдиришлари мумкин эди, чунки мен улар олдида ожиз эдим.

Хон бу қўзғолон учун рус ҳукуматини айблади:

«Ўлкамизни Россия урушиб олганига қадар, менинг ота-боболарим милтиқ ва замбараклар билан қуролланган мунтазам қўшинга эга бўлганлар. Бу қўшинлар шундай зўр бўлганларки, улар ҳатто Бухорога ва Афғонистонга қарши жанг қилганда енгиб чиққанлар. Менинг отам Россияга бўйсунгандан кейин, биз (хонлар) буюк Россия бизни душманларимиздан қўриқлайди, деб умид қилиб, қўшинларимизни тарқатиб юбордик, шунинг учун ҳам ички душманларимиздан сақланишни лозим кўрмадик. Аммо бу масалага рус ҳокимиятининг ўлкадаги вакиллари бепарволик билан қараганликлари сабабли, хавфсизлик тўғрисидаги умидларимиз пучга чиқди, менга ўз фуқаром бўлган туркманлар ҳужум қилди, улардан ўзимни ҳимоя қилиш учун менда ҳеч нарса йўқ. Ҳозир эса — Куропаткиннинг Туркистон генерал-губернатори бўлиб тайинлангандан кейин ўзимни хавф-хатардан бутунлай холи деб биламан, чунки буюк рус императорининг вакили генерал Куропаткин мен ва фуқаромнинг хавфсиз яшашини таъминлайди, деб ишонман. Агар полковник Колосовский ўз вазифасига эътибор билан қараганида, яъни туркманлар қўзғолонининг олдини олишни истганида эди, бунинг уддасидан чиққан ва ҳеч қандай тартибсизликларга йўл қўймаган бўларди, чунки полковник Колосовский Россиянинг вакили сифатида қуролли кучлар билан тартибсизлик-

<sup>1</sup> Туркистон генерал-губернатори маҳкамасининг делоси, № 45/3, 1916 йил, Закаспий областидаги тартибсизликлар тўғрисида. Ўзбекистон ССР Марказий архив бошқармасида сақланмоқда.

ларга йўл қўймаслик учун ҳамма имкониятларга эга эди.

Яна шуни сизга айтмоқчиманки, агар менинг хонлик давримдаги барча собиқ генерал-губернаторлар ва уларнинг амалдорлари ҳозирги Туркистон генерал-губернатори Куропаткин сингари менга ва фуқаромга эътибор берган бўлсалар, оғир аҳволимдан хабар олсалар, мен ва фуқаром буюк рус императори ҳукмронлигида ҳамisha тинч, асоишта ва бахтиёр ҳаёт кечирган бўлардик. Фақат генерал Куропаткин аҳволимдан хабар олгани сизни бу ерга юборди»<sup>1</sup>.

Хива хонлигидаги сиёсий вазият шундай тус олган бир пайтда 1917 йилининг феврида Россияда ишчилар синфи ва революцион деҳқонлар чор ҳукуматини ағдардилар. Россиядаги революция хонликдаги халқ ҳаракатини янада кучайтириб юборди ва ҳал қилувчи роль ўйнади.

<sup>1</sup> 1915 ва 1916 йилларда Хивадаги туркманлар қўзғолони. «Асхабод» газетаси, 1917 йил 13 сентябрь, 208-сон.

## И Б О Б

### ХИВА ХОНЛИГИДА ХАЛҚ СОВЕТ РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ ҒАЛАБАСИ

#### РОССИЯДАГИ ФЕВРАЛЬ РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ ХИВАДАГИ ХАЛҚ ҲАРАКАТИГА ТАЪСИРИ

Февраль революциясининг ғалабасидан кейин бутун Россиядагидек рус ишчилари ва революцион солдатлар Петро-Александровскда ишчи ва солдат депутатлари Совети туздилар, Совет янги революцион ҳокимият сифатида иш кўра бошлади.

Петроград қўзғолонидан ва чоризмнинг ағдарилганидан кейин бир ҳафта ўтгач 7 мартда Самборский раислигидаги Петро-Александровск Ижрония Комитети мансабдор кишилар томонидан юборадиган хатларни контроль қилиб туриш тўғрисида қарор чиқарди. Бу эса янги ҳокимиятнинг чор маъмурияти вакилларини ўлкани бошқариш ишларидан четлаштирадиган дастлабки тадбир эди. Бу қарорга биноан чор ҳокимияти агентлари, жумладан Амударё бўлими бошлиғи ва полициянинг комитет рухсатидан ташқари бирор жойга телеграмма юбориши тақиқланди. Сиёсий тусдаги ёки янги ҳукумат тўғрисидаги барча телеграммалар, шунингдек, Петро-Александровскка чор маъмурияти агентлари номига келган телеграммалар комитетга топширилиши лозим эди!

Туркистон генерал-губернатори Куропаткин 8 мартда комитет раиси номига телеграмма юбориб, унда барча ҳокимият, қўшинлар ва Туркистон ўлкасининг аҳолиси Россияда янги вужудга келган Муваққат ҳукуматни бутунлай танилганини маълум қилди. Куропаткин бу ҳукуматнинг аниқ кўрсатмалари асосида Вақтли ҳукуматга тамомила бўйсунishi ҳамда тўла ғалаба қозонишда армияга ёрдам беришни талаб этди. Шаҳар-

<sup>1</sup> Марказий давлат тарих архиви, ф. 11, с. д. 1176. л. 1.

да тартиб сақланиши лозим эди. Уша телеграммада, Куропаткин Муваққат ҳукумат унга қўшинларга нисбатан тўла ҳокимият берганини ва генерал-губернатор сифатида ўлкани бошқаришга доир барча масалалар бўйича Муваққат ҳукуматдан фармойишлар олаётганини ҳам кўрсатди. Буларга асосланиб, Куропаткин Амударё бўлими бошлиғини ўз вазифасида қолдириб, у ерда жойлашган барча қўшинларни унга бўйсундирди. У Петро-Александровскда шаҳар маҳкамаси жорий қилиш, земство аъзолари ва шаҳар бошлиғини сайлаш тўғрисида буйруқ берди. Бу буйруққа мувофиқ маҳаллий жамоат комитетлари ўлкада тартиб сақлашда ва Россия учун Муваққат ҳукумат томонидан эълон қилган қоида асосида тез орада озод янги тузум ўрнатишда маъмурият ва шаҳар маҳкамасига ёрдам беришлари лозим<sup>1</sup>.

Уша куни, яъни 8 мартда Куропаткин Хива ва Петро-Александровск гарнизонлари бошлиқларига ҳамда Амударё бўлими бошлиғига қўшинларнинг аввалги бошлиқларга бўйсунушлари ҳақида телеграмма берди. Куропаткин ўз фармойишига асос қилиб, Муваққат ҳукуматнинг фармойишини ҳамда армия ва флотга берилган буйруқни кўрсатди. Муваққат ҳукуматнинг губернаторларини алмаштириш тўғрисидаги фармойиши Туркистон ўлкасига тааллуқли бўлмай, балки ички ишлар министрлиги қарамоғидаги ҳамда земство муассасалари бор жойларгагина тааллуқлидир. Амударё бўлимининг бошлиғи эса фақат Куропаткин орқали, Муваққат ҳукуматнинг фармойиши билан алмаштириши мумкин<sup>2</sup>.

Куропаткиннинг фармойиши билан Амударё бўлимида ва Хива хонлигида ўрнатилган «янги» тартиб, амалда чор маъмурияти томонидан ўрнатилган тартибдан мутлақо фарқ қилмади. Куропаткин Петро-Александровскда авж олаётган воқеаларга таъсир эта олмади. 7 мартда Петро-Александровскда 738-дружина солдатларининг илтимоси билан февраль революциясига бағишланган митинг ўтказилиши лозим кўрилди. Шунингдек, Муваққат ҳукуматга садоқат билдириш, ибодат қилиш, давлат думаси раиси Родзянкога телеграмма юбориш ва

<sup>1</sup> Марказий давлат тарих архиви, ф. 11, с. оп. 1, д. 1176, 3-равақ.

<sup>2</sup> Уша жойда, 9-варақ.

шаҳарда намоён ўтказиш кўзда тутилди. Тўсатдан умумий тартиб бузилди, тайёрлаб қўйилган минбарга Шапошников деган бир киши чиқиб ҳаяжонли нутқ сўзлай бошлади, у полицияни қуролсизлантиришни ва чор маъмурияти вакилларини ишдан четлаштиришни талаб қилди. Солдатлар бу чақириққа қизғин жавоб бериб, уезд бошлиғи полковник Завиткевични қамоққа олдилар ва дарров Вақтли комитет туздилар. Комитетга асосан солдатлар сайланди. Шаҳарда ҳокимият комитет қўлига ўтди. Бу ҳокимият ўз ишига ҳеч кимнинг аралашувиغا йўл қўймади.<sup>1</sup>

Март ўрталарида Муваққат ҳукумат Ўрта Осиё хонликларида ислохотлар ўтказмоқчи бўлди. Муваққат ҳукумат икки хонлиқни бирлаштириш мумкин, лекин Хива хони ва Бухоро амираи ислохотни ўзлари таклиф қилишлари, бу янгиликларни қувватлашлари керак, деган фикрда эди. Бу ислохотлар тўғрисида хорижий ишлар министрлигининг Ўрта Осиё бўлими бошқарувчиси 19 мартда Россиянинг Бухородаги элчисига телеграмма билан маълум қилди.

Апрель ўрталарида Хивада туркманларнинг қўзғолони яна бошланди. Амударё бўлимининг ишларига ва Хива билан икки ўртадаги муносабатларга раҳбарлик қилган Петро-Александровск комитети қўзғолоннинг сабабларини ўша жойда аниқлаш ва туркман йўлбошчилари билан музокара олиб бориш учун ўз вакилларини юборди. Айни бир вақтда Петро-Александровск комитети маҳаллий аҳоли ўртасидаги барча қуйи маъмуриятнинг сайловини ўтказди ва сувдан фойдаланиш тартибини ўргана бошлади. 29 апрелда янги рус ҳукуматининг Хивадаги вакили генерал Мирбадалов туркманлар ўртасидаги қўзғолонни бостириш учун бир рота аскар ва икки пулемёт ажратишни сўради. Амударё бўлимида ҳокимиятни ўз қўлига олган Петро-Александровск комитети бунга эътироз билдирди ва қон тўкмай музокара қилиш йўли билан тинчлик ўрнатишга ҳаракат қилиб, қўзғолоннинг сабабларини аниқлаш тўғрисида таклиф қилди.

Шундай қилиб, февраль революциясидан кейин Аму-

<sup>1</sup> Марказий давлат тарих архиви, ф. 11, с. оп. 1, д. 1176, 61—62-варақ.

дарё бўлимида ҳам қўш ҳокимият пайдо бўлди. Илгариги чор генерали (Мирбадалов) ҳам ҳокимият тепасида қолди, жамоат комитети шаҳардаги маъмурий ишларни ўз қўлига олди. Иккала томон ҳам бир-бирига ишонмади.

Россиядаги февраль революциясидан кейин Хивада рўй берган воқеаларда ёш хиваликлар катта роль ўйнадилар. Улар Россия революцияси таъсирида активлашдилар. Ёш хиваликлар ташкилоти фақат 1917 йилда биричи марта хонга қарши чиқди. Ёш хиваликлар эндигина пайдо бўлаётган миллий буржуазиянинг идеологиясини ифодаловчилар эди. Уларнинг Ислом хўжа ва Хусайн Муҳаммадбой каби вакиллари 1910—1914 йиллардаги сингари эндигина пайдо бўлаётган миллий буржуазия манфаатларини кўзлаб, баъзи ислохотларни амалга оширишга уринган эдилар. Аммо ўша даврда, яъни Ислом хўжа ўлдирилгандан кейин ёш хиваликларнинг фаолияти сўнди.

1917 йил январда Асфандиёр хон Хивадан Петроградга ва Ялтага жўнади. Хонликдаги аҳвол тўғрисида рус ҳокимиятига ҳамisha хабар қилиб туриш ҳамда белгиланган ислохотларга яқиндан раҳбарлик ва контроль қилиш мақсадида 29 январда Тошкентда Асфандиёр билан Куропаткин ўртасида «Хива хонлигида рус ҳарбий комиссари вазифасини таъсис этиш тўғрисида» битим тузилди. Хон Петрограддан Ялтага бораётган вақтда февраль инқилоби бошланиб чоризм ағдарилди. Хон қўрқиб Тошкентга қайтди ва Куропаткин билан суҳбат қилди, кейин Хивага жўнади. Куропаткин хонга ҳамроҳ қилиб Самарқанддаги генерал Мирбадаловни юборди. Генерал хон билан бирга Хивага келди ва ўша ерда қолди.

Хон қайтиб келмасдан аввал ёш хиваликлар февраль инқилоби тўғрисида, чоризмнинг ағдарилганлиги ва Муваққат ҳукумат тузилганлиги тўғрисида «Вақт» газетасидан билиб олган эдилар. Муваққат ҳукумат Хивани Россиянинг мустамлакаси қилиб қолдирди ва миллий масалаларни ҳал қилмади.

Муваққат ҳукумат тузган низом лойиҳасига кўра, хонга ёрдам бериш учун Хивага Муваққат ҳукумат комиссари тайинланиши лозим эди. Комиссар хон билан Муваққат ҳукуматнинг Туркистон комитети ўртасида туриши, хон эса мажлиснинг ва хон маъмуриятининг фаолиятини

текшириб туриши ва хонликдаги аҳвол тўғрисида Комитетга ҳамisha маълумот бериб туриши, ҳар уч ойда бир марта ўз иши тўғрисида ҳам ҳисобот бериши керак эди. Бу шизомда белгиланган тартиб Хивани бўйсундиришнинг эски системасини янги империалистик вазифаларга мослаштиришдан иборат бўлди. Россия буржуазияси Хива хонига ва унинг давлат аппаратига таяниб, Хивада ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлади.

Муваққат ҳукуматнинг Туркистон комитети Хива хонлигининг асосий қонунилари лойиҳасини тузди. Муваққат ҳукумат бу лойиҳани тасдиқлаб, «мустақил тузилган ҳужжат сифатида манифестда эълон қилиш» учун уни Хива хонига топширди. Бу манифестга мувофиқ, олий ҳокимият Россия ҳукумати томонидан танилган хон қўлида бўлиши лозим.<sup>1</sup> Хон ўлкани бош вазир ва мажлисдан иборат ва ўзи тасдиқлаган вазирлар кабинети орқали бошқаради. Хон мажлисга сайлов ўтказиши муддатини (уч йилда бир марта сайланади ва кўпи билан 50 аъздан иборат бўлади) ҳам Муваққат ҳукумат комиссари билан келишган ҳолда тайинлайди. Хонликдаги ижро этувчи ҳокимият эса бош вазир, ички ишлар, адлия, халқ маорифи ва молия вазирлари ҳамда қози калон (шайхул-ислом)дан иборат вазирлар кабинетига топширилади. Мажлис тавсиясига кўра, хон фармойиши билан тайинланган беклар жойларда маъмурият вазифасини бажарадилар. Беклар марказий ҳукуматнинг барча буйруқларини бажаришлари ва амалга оширишлари шарт.

Хива хонлигининг Муваққат ҳукумат тузган ва тасдиқлаган асосий қонунилари Хиванинг давлат тузумига бир озгина ўзгаришлар киритди. Масалан, хон ҳокимиятининг феодаллар аппарати буржуа тузумига сал ўхшаб қолди, чунончи бу ислохотча сустроқ ишлаган ҳокимият марказлаштирилди, феодализм системасида «боқим» бўлган беклар мунтазам маош оладиган бўлдилар. Муваққат ҳукуматнинг миллий сиёсати Хиванинг Россиядан ажралишини тақиқлади ва чор ҳукуматининг мустамлака системасини империализм манфаатларига бўйсундирди. Хива хонлигида миллий масала ҳал қилинмай қолди. Бундай «конституция» хонликдаги халқ оммасининг асосий қисмини қаноатлантормади.

Муваққат ҳукумат тузилгани тўғрисида хабар ёш хива-

<sup>1</sup> ЦВИА, т. V, (30) 1928, 72—73-бетлар.

ликларни активлаштирди, рус қўшинларидаги татарларнинг икки дружинаси ҳам уларга қўшилди. Улар биргалашиб ҳаракат қилиш тўғрисида бир-бирлари билан келишдилар. Шу кунларда ёш хиваликлар халқнинг ишончига эришиш мақсадида «оташин» революцион шиорлар билан чиқдилар, буржуа демократик республикаси тузишни «қатъий» талаб қилдилар.

Рус дружиналаридаги солдатлар Муваққат ҳукуматга ўз содиқлигини билдириш тўғрисида қасамёд қилган кунни ёш хиваликлар очидан-очиқ майдонга чиқмоқчи бўлдилар. Улар солдатлар олдида нутқ сўзлаб, хон ҳокимиятини ағдаришда ва янги демократик ҳукумат тузишда ёрдам сўрамоқчи бўлдилар. Улар қизил алвон сотиб олиб байроқ тайёрладилар, байроққа ўша пайтга мослаб рус ва ўзбек тилларида «Яшасин ҳуррият, яшасин тенглик» деб шиорлар ёздилар.<sup>1</sup> Уша кунни ёш хиваликларнинг агентлари яқин атрофдаги қишлоқларга бориб, аҳолини тантанали маросимга қатнашишга чақирдилар. Хусайинбекнинг уйи олдида катта аламон тўпланди, уларнинг кўпи кўкракларига қизил тасма тақиб олдилар, чунки ёш хиваликлар «қизил латтани капалакнусха қилиб кўкрагига таққан одамларгина намоийшга қатнаша олади», деб эълон қилдилар. Тўпланган одамлар ёш хиваликларнинг таклифига мувофиқ, солдатларни табриклаш ва улар билан музокара олиб бориш тўғрисида ўз вакиллари сайладилар. Ёш хиваликларнинг таклифига кўра, фақат ёш хиваликлар ва халқ ўртасида обрўли кишилар вакил қилиб сайланди, чунки омма ўз-ўзича хон олдида боришдан ҳайиқарди. Полвон Ниёз қори Юсупов бошчилигида ҳаммаси бўлиб 16 вакил сайланди. Сайланганлар орасида халқ манфаатига хонлик қилган ҳамда хоннинг айғоқчиси Муҳаммад Ёқуб Эр-ниёзов ҳам бор эди. Хон уни аҳоли ўртасида кўз-қулоқ бўлиб, барча гап-сўзлар тўғрисида маълумот бериб туриш учун юборган эди. Ташкилий тадбирлар кўрилгандан кейин, йиғилган халойиқ байроқ кўтариб майдонга томон жўнади.

Ёш хиваликлар рус дружинасидаги солдатларга қарата мурожаатнома ёздилар. Мурожаатномада шундай дейилган эди: «Ўртоқлар, революцион қўшин қаҳрамонлари! Хиванинг эзилган халқи сиздан зolim хон ҳуку-

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Хоразм область давлат архиви, ф. 124, д. 1, 1—30-варақлар.

матини ағдариш ва озодликка асосланган халқ республикаси тузишда ёрдам беришингизни талаб қилади».

Асфандиёр хон ўз агентларидан ёш хиваликларнинг намоийши ва қўшин ёрдами билан республика тузиш ниятида эканликларини эшитди ва дарҳол ўз амалдорларидан Абдураҳмон Бакалов ва Собир маҳрамни чақириб, улар юрқали рус қўшинларига 30.000 сўм совға юборди. Совға қўшин командири полковник Мерзляковга топширилди.

Қасамёд қилиш маросими тамом бўлгандан кейин ёш хиваликлар вакили солдатларга мурожаат қилиб, хон ҳукуматини ағдаришда ва Россиядаги каби бу ерда ҳам халқ республикаси тузишда халқ вакиллари ёрдам беришларини илтимос қилдилар. Мерзляков мушкул аҳволда қолди. У хондан 30.000 сўмни олгани учун уни қандай ҳимоя қилишини ҳам ёш хиваликларнинг сўзини қандай қайтаришини ҳам билмай қолди. Ниҳоят, Мерзляков айёрликка ўтди, агар хоннинг дахлсизлиги ва конституцион монархия тузиш тўғрисида кафолат берилса, ёш хиваликларга ёрдам қилишга ваъда берди. Ёш хиваликлар бу таклифни рад қила олмадилар, аммо ўз мақсадларига эришмасдан уйга қайтиш мумкин эмасди. Шунинг учун улар бу таклифга рози бўлдилар. Мерзляков халқ вакиллари билан музокара олиб борилиши тўғрисида солдатларга маълум қилди ва солдатлар унга «ура» кўтариб жавоб бердилар.<sup>1</sup> Шу зоҳоти қўшинлардан тўрт вакил сайланди, тартиб сақлаш учун улар ихтиёрига бир рота ажратилди. Ёш хиваликлар байроқ кўтариб, шаҳарга томон кетдилар ва кейин хон турган жойда — Нурулла бойнинг боғига жўнадилар. Қўшинлардан сайланган вакиллар аҳоли вакиллари билан бирга боққа, хон олдида келдилар. Полвон Ниёз қори Юсупов аҳоли вакиллари мазлум Хива халқига озодлик беришни талаб қилиб келганликларини ҳамда хоннинг яқин кишилари — зolim маҳрамларни қамоққа олишни талаб қилганликларини хонга айтди. Хоннинг тахтдан воз кечганлиги ҳақида манифест ёзиш учун комиссия тuzилди. Комиссия, ўлкани депутатлар мажлиси йиғилишининг қатнашуви билан идора қилишининг янги усули тўғрисида текст ёзди. Бу манифест ёзилаётган вақтда

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Хоразм область давлат архиви, ф. 124, д. 1, 1—30-варақлар.

хон ўз амалдорлари орқали руҳонийлар билан тил бириктириб, гарчи хон манифестни имзолаган тақдирда ҳам руҳонийларнинг унга қўнмасликларига ҳаракат қилиб кўрди. Аммо, хон манифестга қўл қўйиб муҳрини босгандан кейин, руҳонийлар ҳам уни маъқулладилар. Эҳтимол, руҳонийлар аҳоли ва қўшин вакиллари талабларига қарши чиқиш хатарли ва бефойда эканлигини тушунгандир. Хон майдонга халойиқ олдига чақириб чиқилди. У ўз манифестини ўқиб эшиттирди. Бу манифест 1917 йил 5 апрелда эълон қилинди. Ёш хиваликлар уни катта қувонч билан қутиб олдилар. Улар давлат ва маъмурий аппаратни қайтадан қуришлари мумкин эди-ю, лекин катта социал ислоҳлар қила олишлари мумкин эмасди.

Ёш хиваликлар Нурулла бойнинг девонхонасида маҳкама очдилар. Биринчи йиғилишда руҳонийлардан сайланган вакилларни мажлисга таклиф қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Руҳонийлардан вакиллар йиғилишининг раиси сайланди. Бу мансабга қози Муҳаммад Салимнинг ўғли Охун сайланди.

Уша йиғилишдаёқ манифестнинг «Хива хонлигини аҳоли сайлаган 30 вакилдан иборат мажлис идора қилди» деган моддаси муҳокама қилинди. Жойларга мактублар ёзишга, йирик шаҳарларга вакиллар юборишга қарор қилинди. Ёш хиваликларнинг икки вакили Манғитдан то Қўнғиротгача бориб, бу инқилобнинг аҳамиятини халққа тушунтирдилар, улар деҳқонларнинг Хивадати билдирганларини эшитдилар. Ҳамма жойлардаги қозилар Хивадаги воқеаларга эътироз билдирмаганларини айтиб, ёзма тарзда розилик бердилар. Жойларга борган вакиллар халқ сайлаган вакилларни ўзлари билан бирга Хивага олиб келдилар.

Туркманларнинг салоҳ, урус, қўшчи, оқ ўғиз ва қора ўғиз қабилалари ўртасида сиёсий ишлар олиб бориш учун ёш хиваликларнинг вакили юборилди. Айни бир вақтда ёмудлар ўртасида саросима бошланди. Туркман феодалларидан Фулом Али 250 сувори тўплаб, туркман ва ўзбек камбағаллари яшайдиган қишлоқ ва овулларга босқинчилик қила бошлади. Бўлиб ўтган барча воқеалар ва республика тузилганлиги тушунтирилгандан кейин, туркманлар ёш хиваликларнинг фаолиятини маъқулладилар, ёмудларнинг барча муҳрдорлари туркманлар

йиғилишининг ёзма резолюциясига ўз муҳрларини босдилар. Йиғилишга келишдан бош тортган Фулом Али билан музокара қилиш учун ёш хиваликларнинг вакили Жикайлага борди ва бўлаётган воқеаларнинг моҳиятини туркманларга батафсил тушунтирди, уларга сайланган вакиллари орқали ўз тақдирларини ўзлари ҳал қилишлари зарурлигини айтди. Тушунтириш ишлари катта муваффақият билан ўтди. Туркманлар Хива воқеаларига хайрихоҳлик билдирдилар, халқ вакилларини сайлашга, босқинчилик ва талашларга барҳам беришга рози бўлдилар. Ёш хиваликлар билан бирга Тахтага бордилар ва у ерда туркман муҳрдорлари билан ярашдилар. Уша ерда уларнинг вакили ҳам сайланди.

Ушоқлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилаётган бир пайтда ёш хиваликлар ташвиқотчиси бир вақтлар Хивага қарши қўзғолон кўтарган туркман феодали Шаммикални ўз олдига чақирди, уни ёмуд муҳрдорлари билан яраштирди, бўлаётган воқеаларга хайрихоҳлик билдирганини эшитди, вакил сайловини ўтказди ва туркманлардан олинган барча мактубларни Хивага юборди.

Ташвиқотчи тушунтириш ишларини муваффақиятли олиб борганини Фулом Алининг кейинги ҳаракатидан ҳам билиш мумкин. У бир вақтлар Хива хони томонидан ваъда қилинган 2.000 сўм бадалига босқинчиликни тўхтатишга кўнмаган бўлса, ташвиқотчининг тушунтиришидан кейин босқинчилик қилишдан ўз ихтиёри билан воз кечди. Фулом Алининг бу ҳаракати туркман аҳолисининг революцияга нисбатан хайрихоҳлик билдирганидан далолат беради. Чунки халқ хоҳишига кўнишга мажбур эди.

Янги Урганч ва Хонқога ҳам ёш хиваликлардан агитатор юборилди. У ҳам тушунтириш ишларини қизитиб, вакил сайловини муваффақиятли ўтказди. Бутун халқ вакилларининг Хивадаги умумий йиғилишига руҳонийлар вакили Бобо Охун раис қилиб сайланди.

Аҳоли вакилларининг йиғилишлари мунтазам ўтказила бошлади. Бу йиғилишларда хон гумаштаси генерал Мирбадалов ҳамниша қатнашиб, ишга ҳар томонлама халақит берди. У, вакиллардан биттаси манифест талабларига мувофиқ сайланмаганини ваъж қилиб, Хива вакилларидан фақат беш киши ҳақиқий овоз бериш



ҳуқуқига, бошқалари эса маслаҳат овози ҳуқуқига эга бўлишларини таклиф қилди.

Мажлиснинг тор доирада ўтказилган кенгашда хорижий ишлар билан шуғулланувчи қилиб Полвон Ниёз хожи Юсупов, барча масалалар тўғрисида хон билан музокара олиб борувчи қилиб Ҳусайинбек, қозиларнинг ишини тафтиш қилувчи бўлиб Жума Ниёз хожи Бобо Ниёзов сайланди. Жума Ниёз хожи Бобо Ниёзов Хонқо ҳокимининг кенатларини фош қилди. Ҳоким ўзиники қилиб олган 67.000 сўми халқ мажлиси ихтиёрига бериш мажбуриятини олди.<sup>1</sup> Кейин Хонқо деҳқонлари ва ҳунармандларининг йиғилиши чақирилди ва агитатор ҳокимдан олинган пулларни Хонқо аҳолисининг халқ маорифи учун сарфлашни таклиф этди. Йиғилишнинг бу резолюцияси Хивага юборилди ва у ердаги кенгашда маъқулланди.

Генерал Мирбадалов халқ вакиллари кенгашларининг ишига тобора кўпроқ аралашиб, кенгаш ишини шариат ва Муҳаммад таълимотига қиёс қилар, мажлис қарорларининг ислом дини қонунларига қанчалик мувофиқ келганини тушунтириш ва исбот қилишни талаб этарди. Генерал Мирбадалов аҳоли вакилларини ўз томонига ағдариш, хонни яна тахтга чиқариш ва унга ўлкани бошқариш ҳуқуқларини бериш зарурлигини тушунтирмоқчи бўлди. Генерал ўз мақсадига эришолмади, мажлис аъзолари унинг ҳамма таклифларини рад қилдилар.<sup>2</sup>

Мирбадалов вакиллар кенгашини издан чиқаришга қанчалик уриниб кўрса ҳам, хон бу ғаразли ниятнинг бефойдалигига кўзи етди ва бесаранжом бўлиб қолди. Бир оз вақт ўтгач у ғайратланиб, ёш хиваликларга қарши курашга отланди. Мансабдан тушиб қолган маъмурлар ва руҳонийлардан хон тарафдорлари кўп эди. Хоннинг ўзи Хивада босқинчилик ҳаракатини бошламоқчи ва шу мақсадда қароқчиларнинг эски бошлиғи Шаммикалдан фойдаланмоқчи бўлди. У Шаммикалга катта инъомлар берди ва ўз босқинчилигини яна бошлаб юбориш тўғрисида махфий равишда таклиф этди. Шаммикал таклифни қабул қилиб, босқинчиликни

<sup>1</sup> Хоразм область давлат архиви, ф. 124, д. 1, 1—30-варақлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон ССР Хоразм область давлат архиви, ф. 124, д. 1, 1—30-варақлар.

уюштирди, аҳолини ноҳақ талади ва ўлдира бошлади. Жабр кўрган аҳоли халқ вакилларига Шаммикал устидан жуда кўп шикоятлар юборди.

Хоннинг иғвоси ва босқинчиликнинг кучайганлиги аҳолини тобора ташвишга солди.

Хонни ўлдириш ва ўрнига бошқа хон сайлаш тўғрисида ёш хиваликлар билан туркман феодалларининг вакиллари тил бириктиришди. Аммо туркман феодали Шомурод Бахшининг хонлиги сабабли хон бу пландан хабардор бўлиб қолди.

Шомурод Бахшининг хонлигидан кейин хон контрреволюцион ишини кучайтира бошлади. У зўр бериб ёш хиваликларни халқ йиғилиши аъзоларидан суриб чиқарди ва улар ўрнига ўз тарафдорларини ўтказди. Худди шу вақтда Хивада хон амалдорлари ва тарафдорларининг контрреволюцион группаси тузилди. Бу ташкилотнинг маркази Муҳаммад Шариф Бажманнинг уйига жойлашди. Ташкилотга эса Абдукарим маҳрам раҳбарлик қилди. Бу ташкилотга Хиванинг барча собиқ оқсоқоллари ва руҳонийларидан бир неча киши кирди, шунингдек уларга қишлоқлардаги хон тарафдорлари ҳам қўшилди. Бу группа хоннинг кўрсатмаси билан аҳоли ўртасида ёш хиваликларга қарши ташвиқот қила бошлади, уларнинг обрўсини тўкиш учун ҳамма чораларни кўрди. Руҳонийлар ибодат вақтида хонни ёқлаб ташвиқот қилдилар, ёш хиваликларни хонга қарши, имомга қарши фитначи ва шариатдан юз ўгирган, деб айбладилар. Бу ташкилотнинг аъзолари аста-секин кўпайиб борди. Ташкилот хон амалдорларини, жаллодларни, эски оқсоқолларини ва руҳонийларини бирлаштирди. Улар тез-тез кенгаш ўтказиб турдилар. Бу кенгашларда барча ёш хиваликларни халқ йиғилишидан ҳайдаш, улар ўрнига шариатни таниган кишиларни сайлаш зарурлиги тўғрисида ташвиқот юргиздилар. Улар Мамахалфа ўғли Давлат Охун ва Оллаберди қозининг ўғли Ортиқ Охун каби реакцион руҳонийларни халқ йиғилиши аъзоллигига кўтармоқчи бўлдилар. Улар халқ мажлисига ўтгандан кейин хон мажлисни очикдан-очик ўзига бўйсундирди ва унга фармойиш бера бошлади.

Хива халқ мажлисининг Юсупов бошчилигида тўрт делегатдан иборат комиссияси май ойида Тошкентга келди ва Вақтли ҳукумат комиссари Липовский ва бошқалар ҳузурда докладда бўлди. Хивадаги аҳвол

муҳокама қилингандан кейин Хива халқ милициясига патронлари билан бир минг милтиқ беришга қарор қилинди. Бу қуролни халқ милициясига тарқатиш учун Хивага полковник Тризна бошчилигида уч кишидан иборат комиссия юборилди.<sup>1</sup> Полковник Тризна Хивага келиб, фақат 100 милицияни тўплади ва қуроллантирди. Бу ҳақда генерал Мирбадалов полковникни хон ҳузурига таклиф этди. Хон Тризнага катта совғалар берди. Шундан кейин полковникнинг ҳаракати ўзгарди, ёш хиваликларга ёрдам бериш ўрнига, хонни қўллаб-қувватлай бошлади ва милиция отряди тузишдан воз кечди. Ёш хиваликларга қарши курашувчи группировка пайдо бўлди. Бу тўда составига генерал Мирбадалов, полковник Тризна ва хоннинг бош вазири Хусайинбек кирди. Хон ва реакцион унсурлар халқ мажлиси фаолиятини сусайтириш мақсадида унга бир ойлик таътил эълон қилдилар.

Бу воқеага рус солдатлари аралашди. Солдатлар полковник Тризнанинг хоинлигини кўриб, унинг буйруғини бажармадилар, қурол беришни тақиқладилар. Натижада Тризна ўз ишини давом эттира олмай, Тошкентга жўнаб кетди. Генерал Мирбадалов ҳам Тошкентга кетиб қолди.

Ҳокимият теласида турган хон бошчилигидаги бир тўда эксплуататордан иборат Хива реакциячилари ўз фаолиятини кучайтирди. Хон ёш хиваликларга қарши қаттиқ курашди. У содир бўлаётган воқеалар тўғрисида Тошкентга хабар қилди ва ёрдам сўради. Хивага отряд билан бирга полковник Зайцев юборилди. Даставвал Зайцев ўзини халқ тарафдори қилиб кўрсатди. Ёш хиваликлар унга ишондилар ва ўз сиёсий фаолиятларини бошлаб юбормоқчи бўлдилар. Аммо Зайцев тез орада у ердаги мавжуд ҳукуматни танишдан бош тортди ва шундан кейин аҳвол бутунлай бошқача тус олди.

Зайцев Тошкентга юборган ўз телеграммасида ёш хиваликларнинг давлат ҳокимиятини бошқариш ишларига қатнашаётганликларига норозилик билдиради.<sup>2</sup>

Хон Зайцевга катта инъомлар берди ва ёш хиваликлар жазоланганда унинг бутунлай аралашмаслигини илтимос қилди. Кейин хон ўз тарафдорлари қатнашуви

<sup>1</sup> «Наша газета», 1918 йил, 7 сентябрь, № 187.  
<sup>2</sup> ЦВИА, т. V (30) 1928 йил, 72—73-бетлар.

билан кенгаш ўтказиб, ёш хиваликларнинг бир қисмини шариятни бузувчи жиноятчилар сифатида судга бериш тўғрисида қарор қилди, кенгашда айрим кишиларга аҳоли номидан Ҳикматулла қозига ариза ёзиш хусусида махсус кўрғазма берилди. Улар аризада ёш хиваликларни хонга қарши фитначи, ташвиқот юргизувчи, шариятни бузувчи деб айблашлари ва шарият суди билан жавобгарликка тортишни илтимос қилишлари лозим эди.

Ёш хиваликларга нисбатан кўриладиган жазо чораларининг маънавий тайёргарлигини руҳонийлар 1917 йил ноябрь ойидаёқ бошлаган эдилар. Масалан, 1917 йил 8 ноябрда Ҳикмат қози ўз ўйинга руҳонийларни чақириб, хоннинг кўрсатмаларини уларга тушунтирди. Бунда хонга қарши чиққан кишиларга ўлим жозоси берилса бўлади, деган фатвони диний китоблардан топиб қўйиш ва бундай ҳукми тайёрлаш муфтига топширилди. Сўнгра, шариятга мувофиқ суд олдида шахсан ўзлари эшитган гапни айтиб берадиган икки шоҳид ҳам тайёрлаб қўйилди. Шундай қилиб, бу кенгашда ёш хиваликларни жазолайдиган суд найрангбозлиги учун зарур бўлган ҳамма масалалар ҳал қилинди.

Бу найрангбозлик хоннинг таклифи ва полковник Зайцевнинг фикрига мувофиқ порахўр чоллар тўдасининг аризаси билан бошланиб кетди.<sup>1</sup> Аризада, гўё ёш хиваликлар шариятни бузганликлари кўрсатилган ва уларни жазолашга ижозат бериш сўралган эди. Ариза Зайцевга топширилди. У «биз динингизга алоқадор эмасмиз, фақат сиёсатингиз билан танишамиз» деди. Ёш хиваликлар группасининг Зайцев билан музокараси яхшилиқ билан тамом бўлмади, шунинг учун улар Хива гарнизонидаги солдатлар олдида бориб казармада қолишга рухсат беришларини сўрадилар. Солдатлар уларни ўз ҳимояларига олдилар. Иккинчи кун митинг чақирилди, митингга ҳозирги рўй берган вазият ва унда қутулиш чораси, жумладан ёш хиваликларни қўриқлаш керакми ёки уларни хонга, унинг порахўрларига, маъмурлари ва муллаларига топшириш керакми, деган масала муҳокама қилинди. Митингга ёш хиваликларни ҳимоя қилиш, уларни хон ва муллалар қўлига мутлоқа бермасликка қарор қилинди. Митингга Зайцев

<sup>1</sup> «Наша газета» 1918 йил, 7 сентябрь, № 187.

келди ва Хиванинг диний ишларига аралашмаслик, ёш хиваликларни хонга топшириш зарурлигини исбот қилиб, лекин гапани ўтказа олмай қочиб кетди.

Тунда чақирилган кенгашга хон ва унинг тарафдорлари, Зайцев, казак офицерлари ва казаклар советининг аъзолари қатнашди. Кенгаш ёш хиваликларни хон ҳукуматига топширишга қарор қилди. Иккинчи куни ёш хиваликлар қўриқчи 10 солдат билан қози олдига бордилар. Сохта гувоҳлардан бирининг айтишича ёш хиваликлар ҳамма жойда — бозорларда, кўчаларда шариатни таҳқир этиб, энди хон ҳам йўқ, шариат ҳам йўқ, деб қичқириб, юрганмишлар. Сохта гувоҳ ўз сўзини ёш хиваликларни судга бериш тўғрисида аҳоли номидан илтимос қилиб тамомлади. Ёш хиваликлар бундай айбни рад қилдилар. Қози хонга тарафдор муллалардан сохта гувоҳларни чақирди. Улар даъвогарнинг айтганларини тасдиқладилар. Кейин қози ёш хиваликларни қўриқлаб турган солдатларга қараб айбдорларни қозилар судига топширишларини сўради, лекин солдатлар бундан бош тортиб, уларни ўз казармаларига олиб кетдилар. Бу ишга аралашган Зайцев ёш хиваликларни казармадан чиқариб юборишни буюрди, лекин солдатлар бу топшириқни ҳам бажармадилар. Зайцевнинг буйруғи билан офицер ва казак депутатларининг совети чақирилди. Бу ерда казаклар кўпчилиқни ташкил этди. Казаклар ёш хиваликларни хонга топшириш тўғрисида қарор қилдилар. Солдатлар казакларга қаршилик кўрсатиш имкониятига эга бўлмаганликлари учун ёш хиваликларга фақат казармадан ҳар томонга қочиб кетишга ёрдам беролдилар. Уларнинг бир группаси Урганчга, кейин Манғитга борди, Амударёни ўтиб Шаббозга кетди, у ердан туя миниб Қозолидан ўтиб Тошкентга жўнади. Ёш хиваликларнинг бошқа бир группаси Хонқога ва Ҳазораспга кетди ва ундан қочмоқчи бўлди.<sup>1</sup> Ёш хиваликларнинг бир қисми қочишга улгурмай казармада қолди. Хоннинг одамлари уларни зиндонга қамадилар. Бошқа ёш хиваликларни жазолаш учун хон Жуноидхоннинг ўғли Эшим ва ушоқ қабиласидан ёмуд муҳрдори Саид Муҳаммаддан фойдаланди. Хон Эшимга 30.000 сўм берди ва ёш хиваликларни отаси Жуноидхон номидан ўз олдига ча-

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Хоразм область давлат архиви, ф. 124, д. 1, 1—30-варақлар.

қиртириб, жазосини беришни илтимос қилди. Эшим тўрта ёш хиваликни юлдига чақирди ва Қорақўл атрофидаги қум чўлида отиб ташлади. Кейин хоннинг махфий буйруғига мувофиқ муҳрдор Саид Муҳаммад ёш хиваликлар группасини ваҳшиёна ўлдирди ва уларнинг мол-мулкларини мусодара қилди. Шунингдек улар билан аллоқа қилиб турган барча бошқа кишилар ҳам ўлдирилди, мол-мулклари таланиб, оилаларига ҳеч нарса қолдирилмади.<sup>1</sup> Шундай қилиб, Хива халқ ҳаракати бостирилди. Лекин айни бир вақтда Россияда, шунингдек Туркистонда пролетар революцияси ғалаба қозонган ва Совет ҳокимияти тузилган эди.

Тошкентга 1917 йил декабрь ойида етиб келган ёш хиваликлар Хивадаги воқеаларни баён қилиб, Ижроия Комитетига ариза топширдилар ҳамда зиндондаги ёш хиваликларни озод қилиш чораларини кўриш тўғрисида илтимос қилдилар. Ижроия Комитети хонга, полковник Зайцевга ва Петро-Александровск депутатлар Советига телеграмма бериб, зиндондаги ёш хиваликларни дарҳол озод қилишни буюрди ва Хивадаги аҳволни текшириш учун комиссия юборилганини маълум қилди. Хон уларни озод қилмоқчи бўлди, лекин рус оқ гвардиячилари группаси хонни бу ниятидан қайтарди.

Хива гарнизонидаги солдатлар ўртасида кучли ғалаён ва казакларга нисбатан адоват бошланди. Зайцев Тошкентдагидек Хивада ҳам солдатларнинг казакларга ҳужум қилишлари ва Хивада революция бошланишидан хавотир олиб, хонликнинг ҳар томонида жойлашган барча казак қисмларини Хивага келтирди, ишониб бўлмайдиган кўнгиллиларнинг икки дружинасини Хивадан жўнатиб юборди.

Кўнгиллилар кетгандан кейин Зайцев барча реакцион унсурларни ўз атрофига тўплай бошлади. У Жуноидхон билан яширинча музокара бошлади. Жуноидхон 10.000 сувори тўплаб, ёрдамлашини тўғрисида Зайцевга ваъда берди. Сўнгра Зайцев икки батарея тузмоқчи бўлди, чунки артиллеристлар жўнаб кетганидан кейин унинг ихтиёрида тўплар ва снарядлар қолган эди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Хоразм область давлат архиви, ф. 124, д. 1, 1—30-варақлар.

<sup>2</sup> Туркменистон давлат тарих илмий-текшириш институтининг қўлёзмалар фонди, инв. 114, 9—18-бетлар.

1917 йил декабрь ойида барча казак қисмларининг ўз қўшинларига қайтишлари тўғрисида Оренбургдан буйруқ олинди. Зайцев Оренбургга юриш тўғрисида план тузиши лозим эди. Бу походни уюштириш масалалари комитетларнинг умумий йиғилишларида муҳокама қилинганда барча казаклар ва офицерлар Зайцевга тўла ишонч билдирдилар ва ҳеч қандай тўсқинликларга қарамасдан, қўлларида албатта қурол бўлгани ҳолда бутун состав билан уйларига жўнашга тайёр эканликларини айтдилар. Бундай муҳокамалар давом этаётган ва тайёргарлик кўрилаётган бир вақтда Қўқон мухториятининг икки кишидан иборат делегацияси Хивага Зайцев олдига келиб қолди ва Совет ҳокимиятига қарши курашда ёрдам беришни ва большевикларга қарши ҳаракат қилишда умумий раҳбарликни ўз зиммасига олишни илтимос қилди. Улар янги тузилган Вақтли ҳукуматнинг қандай восита ва кучга эга эканлигини ҳамда Туркистондаги катта шаҳарларда бир йўла қўзғолон бошлаш учун кўрилаётган чораларни маълум қилди. Зайцев бу таклифни қабул қилди ҳамда ўзининг Совет ҳокимиятига қарши ҳаракат қилишини ва Тошкентга ҳужум бошлаш ниятини яшириш мақсадида барча казаклар қуроллари билан ўз қўшинларига ўтиб кетишни истаганликларини важ қилди. Бу эса Совет ҳукумати билан икки ўртадаги низога сабаб бўлиши, бунинг оқибатида бошланган очиқ кураш бутун Туркистонда давлат ўзгариши билан тамомланиши лозим эди. Шу мақсадда Зайцев ўз делегатлари орқали Туркистон казаклар дивизияси штаби ҳамда Эрондан қайтиб келаётган ва Туркистон ўлкасида жойлашган бошқа казак қисмлари билан ҳам алоқа боғлади. Шу йўсинда Зайцев Туркистонда ва Шимолий Эронда жойлашган барча казак қисмларини бирлаштирди, Совет ҳокимиятига қарши кураш учун уларни ўз томонига тортди. Ёвуз мақсадни кўзлаган Зайцев Хивага ва Чоржўйга кириб келди. Унинг отряди ўзига бўйсунган Оренбург казак полки ва Урал казаклари қисмидан иборат эди.

Унинг отряди Чоржўйга кириб келган пайтда, бу ерда ҳар хил казак қўшинларига қарашли бир неча эшелон бор эди. Улар Шимолий Эрондан қайтиб келаётган эдилар. Ҳаммаси бўлиб бу ерда 14 бўлинма ва ярим батарея тўпланди.

Шундай қилиб, 1918 йил бошларида рус қўшинлари

Хивадан жўнаб кетдилар. Хон, унинг амалдорлари ва туркман феодаллари ёш хиваликларга қарши террор уюштирдилар. Ёш хиваликларнинг мол-мулки мусодара қилинди. Уларнинг кўпчилиги озод қилинди-ю, кейинчалик ўлдирилди. Ҳалок бўлганлар қаторида собиқ бош вазир Ҳусайинбек, Сайнбек Диёнбеков, ички ишлар вазири Абдусаломхўжа ва ғазначи Толиб маҳзум бор эди. Хон иш бериш баҳонаси билан уларни ўз адъютанти орқали олдига чақирди, сўнгра ўлдиришни буюрди. Уларнинг ҳамма мол-мулки мусодара қилинди, оилалари кўчага ҳайдалди. Шунингдек ёш хиваликлар ҳамда революцион ҳаракат билан алоқадор бўлган барча кишиларнинг мол-мулки мусодара қилинди.<sup>1</sup>

1917 йил ёзидаёқ Хива хонининг ёш хиваликлар билан қураши айни кескинлашиб қолган бир пайтда, Жуноидхон қайтиб келган эди. У ўз вакилларини хонга ва рус қўшинлари отряди бошлиғи Зайцевга юборди. Вакиллар Жуноидхон номидан гапириб, аҳолини талаб, босқинчилик қилиб юрган ёмуд туркманларини қириб ташлаш учун ёрдам сўрадилар. Отряд бошлиғи уларни қўллашга ваъда берди, Хива хони эса, Жуноид билан дўстона муносабатда бўлди. Жуноид ҳар кун Асфандиёр олдига келиб субҳат қилиб турди. Рус қўшинлари ва Вақтли ҳукумат вакиллари Хивадан жўнагандан кейин, хонликда бош-бошдоқлик бошланди. Жуноид туркман қабиалари сардорлари билан шартнома тузиб, Хива хонининг ижозати билан ўтроқ деҳқонларни (ўзбекларни) талай бошлади ва уларга катта солиқ солди. Ҳар таноб ерга 10 сўмдан пул ва буғдой солиғи солинди. Уша қимматчилик вақтида бу солиқларни тўлаш деҳқонлар учун жуда оғир эди. Айни бир вақтда Жуноид Хивадан 40 чақирим келадиган Тахтабозорда қўрғон қура бошлади. Мабодо зарур бўлиб қолса, Жуноид бу қўрғонга таяниб, шу ерда ўзини мудофаа қилмоқчи эди. Қурилиш харажатларини тўлаш учун ернинг ҳар бир таноби учун белгиланган мажбурий солиқдан фойдаланилди. Хива хони қурилишга ишчилар бериб, Жуноидга ёрдамлашди. Хон юборган камбағал кишилар ўз овқатлари билан бориб, ҳақ олмай ишлашлари лозим эди.

Жуноидхон отрядлари Асхабод frontiдаги оқ гвардиячиларнинг келган Қизил Армия қўшинлари билан

<sup>1</sup> «Наша газета», 1918 йил, 7 сентябрь, № 187.

биринчи тўқнашувларига қатнашди. Унинг отрядлари Совет қўшинларига қарши курашда муваффақиятсизликка учраганидан кейин қум чўлига қайтди.

Аҳоли Жуноидхоннинг босқинчилиги ва зўровонлигидан бешиб, ўз маконини ташлаб ҳар томонга қоча бошлади. Кўпгина кишилар Петро-Александровскка, Шохободга, Мазгуби ва Чимбойга кетиб қолдилар. Ўта кетган бош-бошдоқлик ва талон-тарожлик аҳолининг қашшоқ қисмини айниқса оғир аҳволга солди. Шунинг учун улар Туркистон республикасига ва совет қўшинларига катта умид билан қарадилар.

Анархия ва босқинчилик давом этган кунлари қўнғиротлик ўзбеклардан Қутлиқ Муродбой ўз ҳисобита бир неча юз киши қуроолантирди. Унинг мақсади Хива хони ва туркман қароқчиларидан ўзини ҳимоя қилиш эди. Унинг қуроолланган одамлари асосан қўнғир-оғирлардан бўлиб, кейинчалик уларга ўзбеклар қозоқлар ва Орол денгизи бўйидаги руслар ҳам қўшилди. Уларга Манғит беги ҳам ўз отряди билан келиб қўшилди. Хива хони ва туркман қароқчиларидан ўзини ҳимоя қилишни истаб, Қутлиқ Мурод атрофига тўпланганлар тез орада 10.000 кишига етди. Айни вақтда Петро-Александровскда руслардан 3500 киши ҳарбий ишни ўрганаётган ва етарли қуроол-аслаҳага эга эди<sup>1</sup>.

Ёш хиваликларнинг Хивадаги воқеалар тўғрисидаги қисқача доклади Туркистон республикасининг Марказий Комитетига ва Колесов раҳбарлигидаги Халқ Комиссарлари советига тақдим этилди ва «Наша газета»нинг 1918 йил 7 сентябрдаги сониди эълон қилинди. Доклад авторлари, агар совет қўшинлари Хивага етиб келсалар Петро-Александровск аҳолисининг отряди ҳам уларга қўшилади ва улар Хива отрядлари билан биргаликда у ердаги анархияга барҳам беришлари ва тартиб ўрнатишлари мумкин, деган фикрда эдилар. Улар ишни асло кечиктириб бўлмаслиги, қиш кириб қаҳратон совуқлар бошлангандан кейин Амударёда кемалар қатнамаганлигини ҳамда вақтнинг чўзилишидан фойдаланиб, Жуноидхон ўз қўрғонини битириб олиб, Петро-Александровскга таҳдид қилажagini огоҳлантириб ўтдилар.

Улар Туркистон республикаси ҳукуматидан Хивани алоҳида область сифатида Туркистон республикасига

<sup>1</sup> «Наша газета», 1918 йил, 7 сентябрь, № 187.

қўшиб олишни, уни республиканинг умумий қонунига бўйсундиришни, Хивага совет қўшинлари юборишни ва Хива депутатлар советига ёш хиваликларни қуроолантириш тўғрисида буйруқ бериш ва уларни ҳарбий ишга ўргатишни илтимос қилдилар. Улар доклад охирида, 1917 йил октябрь ойидаёқ Тошовуз, Манғит, Қелчибой, Қукачка ва Иманам шаҳарларининг мансабдор кишилари ва граждандари Тошкент депутатлар Совети ва генерал Коровиченкодан Хивани Туркистонга қўшиб олиш тўғрисида илтимос қилганликларини ҳам айтиб ўтдилар.<sup>1</sup>

Хивада аҳвол тобора кескинлашиб борди. Жуноид ёш хиваликлар масаласини бартараф қилиб, ўзининг асосий душмани бўлган Хива хони тарафдорларига қарши кураша бошлади. Бу кураш авжланган бир пайтда туркманлар орасида обрў қозонган юзбоши — Шомурод Бахшининг (яқиндагина Асфандиёр хонни ёш хиваликлар фитнасидан ва ўлимдан қутқазган Шомурод Бахши) Шаммикал билан бирлашиб, туркманларни Хива хонлигидан ажратиш учун курашаётгани эшитилиб қолди. Хива хони ҳеч қандай айб қўймай туриб, Бахшини қаматди. Туркманлар хондан Бахшини озод этишни талаб қилдилар, лекин хон буни рад қилди. Туркман отлиқлари Хивага бостириб кела бошладилар, улар йўл-йўлакай шаҳарларни ва ўзбек қишлоқларини таладилар. Хон ўз пойтахтини ҳужум ва босқинчиликдан сақлаб қолиш учун Бахшини озод қилишга мажбур бўлди. Туркманлар ўз овулларига қайтдилар. Лекин туркман феодаллари ўртасида бошланган адоват туфайли туркман чўллари яна бесаранжом бўлди. Туркманларнинг бир қисми эса, ўз хонлигини тузмоқчи бўлган Шаммикал ва Фулом Али ҳокимиятини танишни истамади. Ўзаро катта жанг бўлди, бу кураш жараёнида Шаммикал ўлдирилди, Фулом Али қум чўлига қочди. Худди шу даврда ёмудларнинг активлиги ошди, курашга Жуноид ҳам қатнашди. Жуноид йўлбошчилигидаги туркманлар бутун Хива воҳасини эгалладилар ва бунда рус қўшинлари йўқлигидан фойдаланиб, ўлкани даҳшатга солдилар. Улар хон тарафдорларини таъқиб этдилар. Хоннинг маслаҳатчиси Ҳожибой ҳоким қочиб қутилди, адъютанти Ашур маҳрам қамоққа олиниб, кейинчалик осилди. Унинг жаса-

<sup>1</sup> «Наша газета», 1918 йил, 7 сентябрь, № 187.



ди икки кунгача дорда осилиб турди. Мол-мулки таланди. Хон тарафдорларидан бири—қози калон қочди. Туркманлар хонни ўлдирмоқчи бўлдилар ва ниҳоят мақсадларига эришдилар. Жуноиднинг топшириғи билан 1918 йил октябрь ойида Асфандиёр хонни ўз ўғли Эшим ўлдирди.<sup>1</sup>

Иккинчи куни Жуноид Хивага келди ва Асфандиёр ўрнига унинг амакиси Саид Абдулла хонни тахтга кўтарди. Жуноид ўлканинг тўла ҳокимиятли хўжайини бўлса ҳам қадимий таомулни бузмади. Урф-одатларга кўра, хон тахтига фақат кўнғирот ўзбекларининг чиқиши мумкин эди. Саид Абдулла хон эса Жуноид кўлидаги кўғирчоқ бўлиб, амалда ўлканинг ҳокими Давлат Мурод маҳрам эди<sup>2</sup>. Асфандиёр хоннинг амалдорлари ва вазирлари ўлим жазосига ҳукм қилинди. Тирик қолганлари ўзбеклардан ёрдам сўраб кўрдилар, уларга жавобан Жуноид террор эълон қилди<sup>3</sup>.

Хива қонга ботди. Юзлаб ўзбек қишлоқларига ўт кўйилди, эркакларнинг ҳаммаси гўдак болалардан тортиб, то чолларгача қириб ташланди, хотин-қизлар эса таланган уй ҳайвонлари ва мол-мулк билан бирга қум чўлига ҳайдаб кетилди, экинлар пайхон қилинди<sup>4</sup>.

Шундай қилиб, Хивада Жуноидхон диктатураси ўрнатилди. Худди шу даврда ўлкада реакция қаҳризаҳрини сочиб турарди. 1918 йил охирларига бориб сарой аъёнлари ва хоннинг яқин кишиларидан бирортаси ҳам омон қолмади<sup>5</sup>. Ўзбек ва туркман революционерлари таъқиб остига олинди. Ўлкадаги меҳнаткаш аҳоли ёппасига таланди. Сув туркман феодаллари ихтиёрига ўтди, экинларнинг ҳосили камайиб кетди. Меҳнаткаш халқ кўп кулфат чекди.

Хонликда рўй берган вазият тўғрисида Бухоро компартияси Марказий Комитетининг вакили, Хива ком-

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Хоразм область давлат архиви, ф. 124, д. 1, 1—30-варақлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь Революцияси Марказий давлат архиви, ф. 269/с 1918, д. 46, 14—15-варақлар ва «Миллатлар ҳаёти»нинг «Хоразм Совет Халқ Республикаси» бўлими, 181—194-бетлар.

<sup>3</sup> Ўша жойда, ф. 269/с, 1918, оп. 1, д. 46, 2—9, 13—15-варақлар.

<sup>4</sup> Ўша жойда.

<sup>5</sup> «Известия Центрального Исполнительного Комитета Туркестанской республики», № 132, 1918 йил, 24 ноябрь.

мунстларини уюштириш ва Бухоро коммунистларига бирлаштириш учун Хивага юборилган А. А. Акчурин ўз хотираларида бундай деб ёзди.

«Ўша йилларда ўлкада даҳшатли террор ҳукм сурди. Меҳнаткаш аҳоли бош-бошдоқлик ва зўровонликдан жуда кўп жабр-зулм кўрди. Жуноидхон отрядлари қишлоқларни куппа-кундузи босиб, одамларни қўйдек сўйиб ташладилар, мол-мулкларини таладилар, ўзлари билан олиб кета олмаган мол-мулкка ўт қўйдилар... Чимбой ва Зоир атрофидаги (Амударёнинг Орол денгизига қўшилган жойида) юз эллик чақиримдан ошиқ масофада жон асари кўрмадим. Таланган ва куйдирилган уйлар, ҳар жойда ётган ўликлар, вайрон қилинган хонадонлар, куйиб кетган дарахтлар, уй олдида ётган бола бешиклари, чия бўриларнинг увлаши ва сасиқ ҳид жуда оғир таассурот қолдирди»<sup>1</sup>.

Жуноид ва туркман феодалларининг диктатураси деҳқонлар оммасининг норозилигини кучайтирди. Туркман уруғ ва қабила сардорлари ҳокимиятни қўлга олиш учун ўзаро курашдилар, таланган молни кўпроқ қўлга киритишни истадилар. Натижада ўзаро низолар ва қуролли тўқнашишлар бошланди, қабилалар ўртасида қонга қон, жонга жон олиш урф-одати тикланди. Жуноидхон қабила ҳаётига хос урф-одатлардан қутилмоқчи бўлиб кўрди, аммо ўз душманларининг қуролли кучларига дуч келди, кураш кескинлашди. Айрим уруғ группалари бора-бора унга бўйсунмайдиган бўлиб қолдилар, Жуноид уларга қарши қатъий чоралар кўрган сари оппозиция ҳам кучайиб борди. Обрўли туркман йўлбошчиларидан Мамедхон ва Фулом Али аҳоли ўртасидаги кайфиятларга ён босиб, оқ гвардиячилар билан алоқа қилишдан бош тортдилар ва Жуноид билан алоқани уздилар. Улар атрофига туркманлар тўплана бошлади. Умум халқнинг Жуноид режимига нафрати ва ўзбек феодалларининг оппозицияси ҳам пайдо бўлди. Бу оппозицияга Жуноиддан хафа ва норози аёнлар, руҳонийлар ва буржуазия қўшилди. Буларнинг ҳаммаси Жуноиднинг мавқеини ва диктатурасини сусайтирди.

Жуноид мустабид ҳукмронлигининг барча оғирликларини бошидан кечираётган, Октябрь социалистик ре-

<sup>1</sup> Бухоро ва Хоразм республикалари 10 йиллигига чиқарилган мақолалар тўплами. Тошкент. 23-бет.

волюция ғалабаси ҳамда Россия ва Туркистонда Совет ҳокимияти тузилиши тажрибаларини кўриб турган туркман ва ўзбек революцион кучлари Жуноидга қарши кураш ва хон ҳокимиятини ағдариш учун бирлаша бошладилар. Хонга қарши курашувчи революцион марказ пайдо бўлди. У хонни ағдаришни ўз олдига вазифа қилиб қўйди.

Туркманлар оммасининг ҳаракати табақачилик ва қабилачилиқ ҳаракати тусини олган бўлсада лекин уларнинг жаҳолати, уюшқоқсизлиги ва мулоҳаза билан олдиларига қўйилган мақсаднинг йўқлиги сабабли бу ҳаракат Жуноидхон сингари эътиборли, аммо халқни талаш, бош-бошдоқлик ва ўлдиришдан бошқа ҳеч нарсани билмаган йўлбошчиларга боғлиқ бўлиб қолди.

Талаш, ўлдириш ва бош-бошдоқлик туфайли ўзбеклар ўртасида саросима бошланди. Тошовузда яшаган кўпгина меҳнаткаш ўзбеклар Петро-Александровскка кўчиб кетдилар. У ерда бир неча минг киши йиғилди. Жуноид Хивада ҳокимиятни қўлга олиб, ўз мавқеини мустаҳкамлагандан кейин Петро-Александровск томонидаги қўшни қишлоқларга ва Чоржўйдаги совет қўшинларига қарши актив ҳаракат қила бошлади.

Жуноидхон Асхабод оқ гвардиячиларига ёрдам бериш учун Шарифбой Бакалов қўмондонлигида 250 суворилик отряд юборди. 1918 йил август ойида туркман ва така туркманларнинг Чоржўйга ҳужум қилган пайтида бу ерга Бакалов келиб кетди. У совет қўшинларига қарши курашмоқчи ва Тошкентга ҳужум қилишда оқ гвардиячиларга ёрдам бермоқчи бўлганини айтди.<sup>1</sup>

1918 йил кузида Жуноидхон Амударё бўлимига ҳужум қилди, унга ҳеч ким қарши чиқмади, чунки ўша пайтда Хивада ва Амударё бўлимида рус қўшинлари йўқ эди.<sup>2</sup> 23 ноябрда Жуноид отрядлари Тўрткўлга ҳужум қилди. Маҳаллий ҳокимият бу ҳужумга қарши зарба уюштирди ва туркманлар кетиб қолишди.

1917—1918 йилларда, Хива хонлигида ана шундай воқеалар рўй бераётган бир вазиятда Халқ революцияси яқинлашиб, бошланиши муқаррар бўлиб қолди.

<sup>1</sup> «Наша газета», 1918 йил, 25 сентябрь, № 199.

<sup>2</sup> «Известия», 1921 йил, 30 март, № 68, Хивадаги воқеалар.

### III Б О Б

## ХИВАДА ХАЛҚ РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ ҒАЛАБАСИ ВА ХОРАЗМ СОВЕТ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТУЗИЛИШИ

### ХИВА ХОНЛИГИДА ХАЛҚ СОВЕТ РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Россиядаги Октябрь социалистик революцияси Хи-вадаги сиёсий аҳволга катта таъсир этди.

1917 йил 25 октябрда (7 ноябрда) қўзғолон кўтар-ган пролетариат Россияда помещиклар ва буржуазия ҳокимиятини ағдарди, унинг ўрнига ишчилар ва деҳ-қонлар ҳукуматыни тузди.

Революциядан кейин, тез орада, яъни 16 ноябрда (1917 йил 30 ноябрда) Совет ҳукумати «Россия халқ-лари ҳуқуқларининг декларацияси»ни эълон қилди, бу тарихий ҳужжатда Совет ҳокимияти миллий сиёсати-нинг асосий принциплари ифода этилди.

Декларацияда Россия халқларининг тенглиги ва су-веренлиги, ўз тақдирини ўзлари эркин равишда белги-лаш, ҳатто ажралиш ва мустақил давлат тузиш ҳуқу-қига эга эканлиги, барча миллий ҳамда миллий-диний имтиёзлар ва чеклашларнинг бекор қилинганлигини, Россия территориясида яшаган майда миллатлар ва этнографик группаларнинг эркин ривожланишларини эълон қилди.

Бу декларациядан кейин «Россия ва Шарқдаги барча мусулмон меҳнаткашларга» қарата хитобнома эълон қилинди. Хитобномада Октябрь революцияси-нинг мақсади ва моҳияти, капиталистик босқинчилик ва зўронликка барҳам берилганлиги ҳамда кишилик ҳаётида янги давр бошланганлиги тушунтирилди. Хи-тобнома Россия ва Шарқ мусулмонларининг эътиқоди ва урф-одатлари, миллий ва маданий муассасаларнинг эркинлиги ва дахлсизлигини эълон қилиш билан бир-га, уларга ўз миллий ҳаётларини қуришларини тавсия этди ҳамда революциянинг бутун қудрати ва унинг

органлари — Ишчи, Солдат ва Деҳқон депутатлари Советлари Россиядаги барча халқлар ҳуқуқини ҳимоя қилажagini эслатиб ўтди. Хитобнома, революцияни ҳамда унинг тўла ҳуқуқли ҳукуматини қўллаб-қувватлашга, мусулмонларга қарашли ерларни ўз мустамлакасига айлантириб, унинг бойликларини талаган Европа империализмининг йиртқичларини афдаришга чақирди.<sup>1</sup>

Шундай қилиб, Ленин раҳбарлигида Совет ҳукумати «халқлар тюрмаси» бўлган чоризмни йўқ қилди ҳамда озодлик, дўстлик ва биродарликни эълон этди.

«Марказда бошланган революция узоқ вақтгача ўз территориясининг тор доираси ичида қололмас эди. Бу революция марказда ғалаба қилганидан кейин чекка ўлкаларга ёйилиши муқаррар эди. Ҳақиқатан ҳам, революцион тўлқин ўзгаришнинг биринчи кунларида-ноқ шимолдан бир ўлкадан иккинчи ўлкага ёйилиб, бутун Россияга тарқалди»<sup>2</sup>.

27 октябрь куни Тошкентда Петрограддаги қуроли қўзғолоннинг ғалаба қозонганлиги тўғрисида хабар олинган эди. Иккинчи куни ишчилар ва солдатлар қуроли олиб қурашга отландилар, уларни маҳаллий камбағаллар қўллаб-қувватладилар. Ишчи ва солдатларнинг Тошкентда Муваққат буржуа ҳукумати ва контрреволюцияга қарши бошланган кураши ишчилар ғалабаси билан тугади. 1 (14) ноябрда қўзғолончилар ғолиб чиқиб, барча ҳокимият ишчи депутатлар Тошкент Совети қўлига ўтди. Тошкент Совети революция ғалаба қозонганини ва Совет ҳокимияти ўрнатилганини эълон қилди. Шундан кейин, ноябрь ойи мобайнида бутун Туркистонда Совет ҳокимияти ўрнатилди. 1917 йил 15 ноябрдан 21 ноябргача Тошкентда Советларнинг III ўлка съезди бўлиб ўтди. Съездда ўлка ҳокимияти тузилди, Туркистон ўлкасининг ҳукумати — Халқ Комиссарлари Совети сайланди. 1918 йил апрель ойида чақирилган Туркистон республикаси Советларининг V съезди ўлканинг давлат тузуми асосларини белгилаб берди. Съездда (1918 йил 1 майда) тантанали вазиятда Туркистон автономияси эълон қилинди, Туркистон Совет Социалистик автоном республикаси тузилди.

<sup>1</sup> В. И. Ленин, «Ўрта Осиё ва Ўзбекистон ҳақида», 1957 йил, 19-бет.

<sup>2</sup> И. В. Сталин, Асарлар, 4-том, 168-бет.

Ленин ва Сталин Туркистон ўлкаси Советларининг V съездига қарата қилган мурожаатларида шундай деб ёздилар:

«Ўртоқлар, имонингиз комил бўлсинки, Халқ Комиссарлари Совети ўлкангизнинг совет негизида тузилган автономиясини қувватлаяжак; бошлаган ишингизни табриклаймиз ва сизларнинг бутун ўлкада Советлар тузишингизга, мавжуд Советлар билан жуда аҳил ишлашингизга қаттиқ ишонамиз.

Ташкил этаётганингиз комиссияни — Советларнинг таъсис қилувчи съездини чақириш комиссиясини, ўлкангизнинг мухтор органининг Халқ Комиссарлари Советига муносабатини белгилаб олиш масаласини биргалашиб ҳал қилмоқ учун, бизга, Москвага юборишингизни сўраймиз».<sup>1</sup>

Уша кундан бошлаб Хива Россиянинг мустамлакачилик зулмидан қутулди, хон ҳокимияти эса, Россия чоризмидан ёрдам ололмади.

Хивада хўжалик ва маданиятнинг ривожланиши учун жуда қулай ташқи шароит яратилди. Энди Хива мустамлака бўлмасада, аммо ички шароит ўз кучини сақлаб, аҳоли хоннинг ҳамда ўлкага хоким бўлишга интилган Жуноидхоннинг ўтакетган бош-бошдоқлиги ва зўровонлиги остида қаттиқ ушлаб турилди. Россиядаги Октябрь революцияси ва Туркистонда Автоном Совет Социалистик республика тузилганлиги туфайли ҳамма жойлардан қувиб юборилган контрреволюцион унсурлар Хивага қочиб келдилар. Бу ерга оқ гвардиячилар, катта савдогарлар, миллатчилар ва бошқа душман элементлар ҳам тўпланиб қолдилар. Чоризм мустамлакачилик режимининг тор-мор қилинмай қолган бу намояндаларига Хива хони бошпана берди, ҳомийлик қилди.

Юқорида айтилганидек, 1918 йил сентябрь ойида Жуноидхон Эрондан қайтди ва ўзининг Хива туркманлари ўртасидаги илгариги обрўсидан фойдаланиб, яна қуроли куч тўплади, барча туркман қабилаларини ўз ҳокимияти остига тўпламоқчи, Хива хонлигини туркман феодалларига бўйсундирмоқчи бўлди. Хива хони билан Жуноид ўртасида яна кураш бошланди. Бу кураш-

<sup>1</sup> В. И. Ленин, «Ўрта Осиё ва Ўзбекистон тўғрисида», 1957 йил, 78-бет...

кентдан Хивага ўртоқ Луценко раислигида, Голубь, Христофоров, Закаспий fronti штабининг вакили Федько ўртоқлар ва Туркия капитани Муҳаммад Қозимбекдан (бу киши кейинчалик Туркия султонининг бакили ва жосус сифатида фош қилинган) иборат фавқулодда вакиллар юборилди. Бу вакиллар туркманлар билан Хива ҳукумати ўртасида сулҳ шартномаси тузишда воситачи бўлмоғи лозим эди. Бу миссиянинг Чоржўйдан Хивага жўнаши олдида Асхабод фронтдан Петро-Александровскка отряд юборилди. Отряднинг бир қисми пулемётлар ва тўплар билан қуроллашиб, пароход ва баржаларда жўнади. Бошқа бир қисми эса, 80 кишилиқ суворидан иборат отлик отряд бўлиб, походга чиқди. Петро-Александровскка бораётган пароход ва баржаларга Амударёнинг чап қирғоғидан Жуноид галалари икки марта ҳужум қилди. Отряд пароход ва баржалардан ўт очди, кейин қирғоққа тушиб бандитларга зарба берди.

Пароход 1919 йил 1 апрелда Питнакка келиб тўхтади ва Совет миссияси келганлигини хабар қилиш учун Жуноидхонга мактуб ёзиб, икки кишини юборди. Улар қишлоққа бориб, ўзларининг қандай мақсад билан келганликларини айтдилар ва Жуноидхон қароргоҳига бориш учун от сўрадилар. Туркманларнинг ҳарбий бошлиқлари Амударёнинг Хива томонидаги ўз кишиларига миссияга қараб ўқ отишни, умуман уларга қарши ҳаракат қилишни тақиқлади. 2 апрелда миссия Петро-Александровскка етиб келди ва ўзининг нима мақсад билан келганлигини билдириб, иккинчи группа орқали Жуноидхонга мактуб юборди. Миссия аъзолари Жуноидхондан жавоб кутиш билан бирга Петро-Александровскда ва бутун Амударё бўлимидаги совет ва партия ташкилотларини мустаҳкамлаш ишлари билан шуғулландилар. Улар бу ерда тартиб ўрнатдилар ва Муваққат ҳукуматнинг Хивадаги сиёсий вакили ва Амударё отряди қўшинларининг қўмондони сифатида Тошкентдан юборилган Коноплёв томонидан йўл қўйилган ҳар хил оғмачилиқ ва зараркунандачиликни бартараф қилдилар. Коноплёв Совет ҳокимияти органларини менсиммаган бир тўда уралликлардан иборат, советларга қарши элементларга таяниб, коммунистларга ва совет ходимларига қарши террор уюштирган, Асхабод контрреволюционерлари билан алоқа боғлаган. Коноп-

лёв миссия келишига қадар қамоққа олинган бўлса ҳам, аммо қамоқдан қочиб кетган.

Вакиллардан бири Жуноиднинг жавобини олиб, 4 апрелда Хивадан қайтиб келди. Жуноид совет миссиясининг таклифига рози бўлганини билдирди ва Хива хонига таъсир этажаги тўғрисида ишонтирди. 6 апрелда миссия дарёнинг туркманлар яшаган қирғоғига ўтди. Бу ерда уларни кутиб олиш учун чодир қурилган ва экипаж тайёрланган эди. Миссия Тахта қишлоғига — Жуноидхон қароргоҳига борди. 8 апрелда туркман қабилалари вакилларининг кенгаши бўлиб ўтди, сўнгра сулҳ битимининг ёзма лойиҳаси совет миссиясига топширилди. Жуноид ўзини Хива ҳукуматининг тўла ҳуқуқли вакили қилиб кўрсатди. У, ўз лойиҳасида Хиванинг тўла мустақиллиги, хивалик савдогарларнинг Туркистон республикаси территориясида бемалол қатнаб туришлари ҳамда Асхабод фронтига қўшинлар юборилиши масалаларига катта эътибор берган. Лойиҳанинг охирида Жуноид Совет ҳукумати яшаб турганига қадар у билан (Совет ҳукумати билан) тотув ва иттифоқ бўлажagini айтган.

Миссиянинг 9 апрелдаги кенгашида шартноманинг туркманлар тузган лойиҳаси муҳокама қилинди, совет таклифлари ва шартлари ишлаб чиқилди. Сўнгра туркман вакиллари билан фавқулодда миссия аъзоларининг бирлашган мажлиси ўтказилиб, унда ҳар иккала томон ҳам битимни имзолади<sup>1</sup>.

Аммо бу битим, гарчи Хива хонлигидаги аҳволни туркманлар ва келгуси воқеаларни акс эттирувчи ҳужжат бўлса ҳам, лекин фавқулодда миссия аъзолари кутган натижаларни бермади.

Битим хонликдаги ҳар хил аҳоли табақаларининг ҳозиргина тузилган шартномага нисбатан Совет ҳокимиятига ва унинг сиёсатига нисбатан муносабатини аниқлаб берди. Бу ҳол фавқулодда миссия Хивада дастлабки кунлариёқ намоён бўлган эди. Эзилган туркман аҳолиси ва Хива хонлигидаги ўтроқ аҳоли Совет ҳокимиятига хайрихоҳлик билдирди. Аҳоли фавқулодда миссияни катта хурсандчилик билан табриклади ва қўллаб-қувватлади.

---

<sup>1</sup> Бу битим Ўзбекистон ССР давлат архиви фондларида топилмади, (автор).



Уша вақтда Хивада жуда оғир аҳволда қолган камбағаллар оммасининг бундай кайфиятда бўлиши табиий бир ҳол эди. Фавқулодда миссия аъзолари Жуноидхоннинг талончилик, зўравонлик билан ўлкани қандай вайрон қилганлигига шоҳид бўлдилар. Миссия аъзоларидан бири ўз хотираларида қуйидагиларни ёзади:

«Уша йилларда ўлкада даҳшатли террор ҳукм сурди. Аммо хон ва унинг вазирлари террор қилган эмас. Йўқ, хоннинг ўзи жонини ховучлаб, ўлканинг ҳақиқий ҳукмрони — кўчманчи ёмуд туркманларининг йўлбошчиси Жуноидхон пайдо бўлишини кутиб саройда ўтирарди... Кўпгина ўртоқларим бу манзарани кўриб дарғазаб бўларди. Собиқ Хива хонлигининг шаҳарлари мудҳиш тусга кирган эди. Бозорлар бўм-бўш. Тор кўчаларда нураб ётган пахса деворлар ёнида кишиларни камдан-кам учратиш мумкин. Лекин кўчада қизил армия шапкаси ва гимнастёркасини кийган киши пайдо бўлса, аҳоли уни беҳад қувонч билан кутиб оларди. Улар қизил армиячини уйларига таклиф қилардилар, бор нарсаларини дастурхонга қўярдилар. Ҳатто аёллар ҳам улардан юзларини яширмас эди. Хотинлар эрларидан қўрқмас эдилар, чунки қизил армиячи оддий эркак меҳмон эмас, балки бош-бошдоқликдан, қирғиндан қутқазувчи ва ҳимоя қилувчи ягона қизил аскар эди.

Меҳмон уйдан чиқиб кетган зоҳоти, яна ҳамма кишилар ғамгин бўлишарди. Кўчадаги ҳаракатга кўз-қулоқ бўлиб ҳаммиша девор орқасида писиб ётадиган аҳоли ўлжа қидириб баъзан қишлоқларга келиб турадиган Жуноид отрядидаги қуролли туркманларнинг пайдо бўлишини безиллаб кутиб турарди.

Хивалик қозоқлар Жуноид отрядидаги туркманлардан айниқса кўпроқ зарар кўрдилар. Қум чўлларида яшаган қорақалпоқ эшонлари қозоқ аҳолисини қириб ташлаш тўғрисида Жуноид отрядларига фатво бердилар. Тўрткўл-Чимбой районида деярли ҳамма қозоқлар ўлдирилди. Юзлаб ёш қозоқ хотин-қизлари асир олиниб, қул қилинди.

Козимбек миссияси туркманларда асир бўлган 400 дан ошиқ қозоқ қизини озод қилиш мақсадида Жуноидхон билан тузилган шартномага қозоқ қизларни уйларига қайтариш тўғрисида модда киритилди. Лекин Жуноидхон шартноманинг бу моддасини бажармади, аксинча

асирликдан қочмоқчи бўлган ёш қизларни, ҳатто миссия аъзоларининг кўз олдида жазолади»<sup>1</sup>.

Амударё бўлимининг қирғоқ районларида яшаган аҳоли ҳам худди шундай оғир аҳволда қолди. Уруш ҳаракатлари вақтида аҳоли бутунлай хонавайрон бўлди. Бу тўғрида фавқулодда миссия раиси Луценко Туркистон республикаси совети Марказий Ижроия Комитетига ёзган докладида шундай дейди: «Уларнинг уйлари емирилган, моллари ҳайдаб олиб кетилган, деҳқончилик асбоблари таланган. Бошпанасиз, оч-ялонғоч қолган жуда кўп кишиларни учратасиз. Уй қуриш, асбоб ва мол сотиб олишда уларга ёрдам бериш керак...»<sup>2</sup>.

Шундай қилиб Хива хонлигининг аҳолиси оғир кунларни бошидан кечирди, улар тинч ва осойишта ҳаёт кечиришни истарди. Аммо Жуноидхон бошчилигидаги туркман феодаллари ҳамда Жуноиднинг гумаштаси Хива хони Саид Абдулла гарчи кўринишида битимга розилик ва хайрихоҳлик билдирса ҳам, амалда ғаразгўйлик билан қаради. Бу адоват фавқулодда миссиянинг хон ва унинг ҳукумати билан музокара ўтказган вақтида очикроқ намоён бўлди.

Тинчлик битими тузилгандан кейин 1919 йил 27 апрелда миссия, хон ва унинг ҳукумати билан учрашиш учун хонлиkning пойтахти Хива шаҳрига келди. Миссия яхши кутиб олинмади ва музокаралар ҳам қисқа бўлди. Миссия аъзолари қуйидаги масалаларни муҳокамага қўйдилар:

1. Миссияга Хива территориясида ғалла, гуруч, мол сотиб олиш учун хоннинг рухсат бериши тўғрисида;

2. Амударёни кечиб ўтадиган кемаларни тиклаш тўғрисида;

3. Чоржўй — Петро-Александровск йўлидаги телеграфни тиклаш тўғрисида;

4. Керосин ва нефть сотиш ёки бу маҳсулотларни Хива орқали Астрабоддан сотиб олишда миссияга хоннинг воситачилиги тўғрисида;

5. Ҳар иккала давлат граждaнларининг Амударёдан эркин ўтиб юришлари тўғрисида;

<sup>1</sup> Бухоро ва Хоразм революциялари ўн йиллигига бағишланган мақолалар тўплами, 37-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь Революцияси Марказий давлат архиви, № 17, оп. 1, д. 150, 645—648-варақлар.

6. Тинчлик шартномаси тузилгандан кейин жинойт қилиб Хива хонлигида қочиб ётган рус фуқароларини Хива ҳукумати томонидан Совет ҳукуматига топширилиши тўғрисида.

Бу моддалардан фақат учинчисига, яъни телеграфни тиклаш тўғрисидаги моддага қониқарли жавоб олинди, бошқа барча масалалар тўғрисида бирорта натижага эришилмади. Бу эса Хива савдо алоқалари орқали Совет Россияси билан дўстликни мустаҳкамлашни истамаганини тахмин қилишга асос бўлди. Хива ҳукумати Хива территориясига совет кишиларининг келишлари ва агитация қилишларини мутлақо истамади<sup>1</sup>.

«Битим тузилгандан кейин турк капитани Козимбек туркман сувориларини аскарликка олиш, улардан Асхабод (Закаспий) frontiга юбориладиган отряд тузиш учун Хивада қолди. Гап шундаки, 1919 йил май ойида Закаспий fronti штаби Совет вакилидан Хива хонига мурожаат қилишни, Хивада 700 суворини аскарликка олиш ва Чоржўй орқали уларни Асхабод frontiга юбориш тўғрисида рухсат олишни сўраган эди. Бу илтимосни Хива ҳукумати бажарди ва 2000 сувори тўплади, шулардан 1200 киши Тежанга, 800 отлиқ Чоржўйга юборилмоқчи эди. Май охирида бу сувориларни қўриқдан ўтказиш учун Совет миссияси Хивага таклиф қилинди. Туркман бошлиқлари ҳар бир суворига дарҳол 500 тадан патрон беришни, кунига 100 сўмдан 40 кунлик маошни олдиндан тўлашни ва бунинг устига 4 та пулемёт ва 2 та тоғ замбараги ҳамда миссиянинг ўз замбарақчиларини ажратишни талаб қилдилар. Туркман бошлиқлари сувориларнинг мусулмонларга қарши урушмасликка ҳамда аҳолини талашга рухсат берилиши кераклиги тўғрисида огоҳлантирдилар»<sup>2</sup>.

Бу талаблар Козимбекнинг оқ гвардиячиларга қарши курашда Совет ҳокимиятига ёрдам бериш ниқоби остида чинакам ислом қўшинини тузмоқчи бўлганлигини кўрсатди.

Кўрик вақтида мавжуд кучларнинг бутунлай яроқ-

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, ф. ЎзССР Марказий Ижроия Комитети, № 17, оп. 1, д. 200, 144—147-варақлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, ф. ЎзССР Марказий Ижроия Комитети, № 17, оп. 1, д. 200, 144—147-варақлар.

сиз эканлиги аниқланди, туркманларнинг ҳақ тўлаш ва аҳолини талашга рухсат бериш тўғрисидаги талаблари Совет миссияси учун бутунлай номаъқул эди. Туркманлар ёрдамидан воз кечишга тўғри келди.

Хива ҳукуматининг талаблари унинг иттифоқчи сифатида қўшин бериб ёрдам қилишни истамаганлигини кўрсатди, май охирларида бошланган жазирама иссиқда қум чўлларида Тежанга қўшинлар жўнатиш мутлақо мумкин эмасди. Туркманларнинг Совет вакилларида қурол олишни истаганликлари кейин Асхабод frontiга боришдан бош тортмоқчи бўлганликлари, ушоқ қабиласидаги туркманларга қарши уруш бошлашни истаганликлари аён бўлди. Жуноид ўзининг бу душманларини енгандан кейин бутун Хива воҳасида ҳукмрон бўлиб қолар ҳамда 75 проценти яхши қуролланган 30 — 40 минг отлиқ аскарга эга бўларди. Ушоқ қабиласининг эндигина 20 га кирган ёш сардори русларга хайрихоҳ ҳамда ўзига яқин туркман қабилалари ўртасида катта эътиборга сазовор эди. Бу қабилаларда 20.000 га яқин отлиқ қўшин бўлса ҳам, улар яхши қуролланган эмас эди. Улар Хива хонлигидаги босқинчиликларга ва Туркистон территориясига қилинган ҳужумларга кўп қатнашмадилар, бешотар милтиқ ва патрон сотиб олиш имкониятига ҳам эга бўлмадилар. Генерал Галкиннинг жазо экспедициясидан кейин ушоқ қабиласининг Жуноид билан муросаси келишмади. Ушоқлар Жуноид Хивани осонлик билан бўйсундира олишига ишонишмадилар. Кейинги вақтларда улар ўртасидаги муносабат кескинлашди, иккала томон ҳам бир-бирини йўқ қилишга уринди. Агар ушоқ Жуноидхонни енгса, унинг ўрнини олар ва эҳтимол, агар ёрдам берсалар, русларнинг Хива территориясига келишига тўсқинлик қилмас эди.

Хивада Жуноидхон ўрнатган босқинчилик, зўравонлик ва аҳолини ваҳшийларча қириш режими шароитида Хива хонлиги ёш Туркистон Совет республикасига қарши қуролли хуруж қиладиган манба ҳамда Совет ҳукумати таниган районлардан қочиб келган барча сиёсий ва бошқа жиноятчиларни ҳимоя қиладиган макон бўлиб қолди. Жуноидхоннинг ўзи Совет ҳокимиятининг ашаддий душмани бўлиб, Октябрь революциясидан кейинги дастлабки кунлардан бошлаб Совет ҳукуматига қарши қатъий курашга тайёрланди. Чор армияси сол-

датларининг ҳарбий хизматдан бўшатирилганлиги тўғрисидаги хабар Хивага ҳам 1918 йил бошларида етиб келди. Рус қўшинлари Хивадан чиқиб кетдилар. Жуноид хонликнинг пойтахтини босиб олиб, Хива армиясидан қолган катта қурол запасини ўлжа қилди. Бу қуролларни чор ҳукумати берган ва казаклар қолдириб кетган эди. Жуноид бу қурол-аслаҳалар билан ўзининг 15.000 суворидан иборат қўшинини қуроллантирди. Тез орада генерал Толстов қўмондонлигидаги Урал оқ армиясининг қолдиқлари Хивадан ўтиб кетди. Улар Эрондан қайтарилган эди. Толстов армиясидаги казак офицерлар Амударёнинг қўйи оқимида, ўнг қирғоқда яшаган уралликлар олдига ўтиб, у ердаги эски дин мазҳабига берилган хурофотчиларни (старообрядецларни) Совет ҳокимияти динчиларни гўё қувғин қилади, деган афсоналар билан алдаб, уларни Жуноид билан биргаликда Советга қарши қуролли курашга даъват қилдилар<sup>1</sup>.

Самарқандда ва бошқа жойларда тор-мор қилинган оқ гвардиячи элементлар Хивага ўтдилар, улардан казаклар ҳарбий бўлинмаси тузилди<sup>2</sup>.

Жуноидхон Асхабодда, Бокуда ва Каспий денгизидаги Александровск портида босқинчилик қилиб юрган инглизлардан катта ёрдам олди. Шундай қилиб, Жуноидхон йирик ҳарбий бошлиққа айланиб, Манғишлоқ, Қозоли ва Туркистон уездларидаги қозоқларни, Амударё этагидаги қозоқ ва қорақалпоқларни бирлаштириши мумкин эди.

Инглизлар Александровск портини босиб олиб, Манғишлоқда Совет ҳокимиятига қарши агитация қила бошладилар. Бунинг учун эътиборли кишиларга пул бердилар. Бу агитация бир мунча муваффақиятли чиқди: Хивада ўртоқ Луценко раислигидаги фавқулодда миссия туркман-совет битимини тузгандан кейин қозоқлар кўпдан бери ўзларининг ёвуз душманлари деб ҳисоблаб келган туркманлар билан ярашдилар. Инглизларнинг сиёсати натижасида Хива ва Закаспий туркманлари ҳамда Манғишлоқ уезди ва Амударё бўлимидаги қозоқларнинг бирлашишлари ва инглиз агентлари

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, ф. 269/с 1318, оп. 1, д. 46, 14—15-варақлар.

<sup>2</sup> М. Феолетов. Бухарское и Хивинское ханства и отношения их с Россией. Исторический журнал, 1941, № 3, 78-бет.

пул сарфлаб, рус контрреволюцион кучларидан фойдаланишлари, агитация қилиб ва пул бериб ўзига ағдариш йўли билан уларни Манғишлоқ уездида Совет ҳокимиятига қарши курашга мажбур этишлари, кейинчалик катта қўзғолонни бошлаб юборишлари мумкин эди<sup>1</sup>.

Аммо инглизлар Ўрта Осиёда муваффақиятсизликка учраб, бу ердан жўнаб қолдилар. Хивада инглиз сиёсатининг таъсири сусайиб, Бухоро таъсири кучая бошлади. Ўша пайтда эсон-омон қолган рус контрреволюционерлари Бухорога тўпланган эдилар. Улар қозоқ буржуазияси билан бирга қозоқлар ўртасида Совет ҳокимиятига қарши агитация қилдилар. Бунда агитация қилиш учун қулай шароит бор эди. Амударё бўлими территориясидаги барча кўчманчи қозоқ аҳолиси Бухоро чегарасига кўчиб келиб, бу ердагилар билан иқтисодий алоқа боғлаганди. Кўчманчилар Бухорода саксаул ўтини, саксаул кўмири ва мол сотиб, маҳаллий эҳтиёжларни қондирарди. Бухоро ҳукуматининг агентлари, рус оқ гвардиячилар ва қозоқ буржуазияси бу кўчманчи қозоқлар ўртасида Советларга қарши агитация юргиздилар, ҳар қандай усулларни қўлланиш билан уларни қуроллантирдилар. Бухоронинг қозоқларга таъсири ва уларни кенг кўламда қуроллантиришига қараб, Ўрта Осиёдан жўнаб кетган инглизларнинг Тошкент темир йўлини хавф остида қолдирмоқчи бўлганликларини пайқаш мумкин.<sup>2</sup> Контрреволюцион манфаатнинг бирлиги ва Совет ҳокимиятига қарши кураш олиб бориш мақсади Хива билан Бухорони бир-бирига яқинлаштирди. Бухоронинг Хивада иккита вакили бор эди, икки ўлка ўртасида савдо муносабатлари ривожланди. Хива Совет Россияси билан дўстлик ва савдо алоқалари ўрнатишдан бош тортиб, Бухоро билан савдони жонлантирди. Хива Бухородан газмол, қуруқ мева, чой, қанд, ҳар хил ошланган тери олди. Бухорога хом тери ва пахта жўнатди. Амударёда Хива ва Бухоро моллари ортилган қайиқлар тез-тез қатнаб турди.<sup>3</sup>

Бухоро билан Хива ўртасидаги иттифоқ Тежан гурк-

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, ф. ЎзССР Марказий Ижроия Комитети, № 17, оп. 1, д. 200, 144—147-варақлар.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

манларига Тошкентдаги Совет ташкилотлари билан алоқа ўрнатишга халақит берди. Улар юборган вакиллар Бухорода қамоққа олинди, кейин қайтариб юборилди. Бу туркманлар ўртоқ Луценко бошлиқ фавқулодда миссиянинг Хивага келишидан фойдаландилар. Туркман вакиллари Луценкодан мактуб олдилар. Мактубда, Туркистон республикаси ҳукуматининг Закаспийдаги барча туркманларга афв умумий эълон қилгани айтилди ва уларнинг Совет ҳокимиятини танишлари, у билан бирлашишлари зарур эканлиги тушунтирилди. Вакиллар қайтиб кетдилар, кейин Тежандан учта туркман ҳарбий бошлигидан иборат иккинчи делегация келди. Уларга ҳам миссиянинг туркман халқига ёзилган мактуби топширилди. Бу мактубда ҳам афв умумий эълон қилингани тўғрисида айтилди ва улар инглизларга қарши курашга чақирилди. Туркман йўлбошчилари миссия аъзолари билан суҳбатда туркманларнинг Совет ҳокимиятини онгли равишда ҳимоя қилмоқчи эканликларини билдирдилар<sup>1</sup>.

Хивалик савдогарлар ва руҳонийлар битим тузишга қарши чиқдилар. Хивалик савдогарлар хонлик территориясидаги рус фирмаларидан талаб-тортиб олинган рус молларини жуда арзон баҳода сотиб олдилар. Улар рус фирмаларига қарашли пахта, пахта тозалаш ҳамда мой, кўн, совун заводларини ва бошқа корхоналарни ҳамда улардаги мол-мулкни босиб олдилар<sup>2</sup>. Савдогарлар Россия билан савдо муносабатларининг яна бошланиб кетишидан қўрқдилар, чунки Россия билан алоқа боғланса, рус савдо фирмаларининг Хивага қайтиб келишлари, бунда таланган ўз товарлари ва бошқа мол-мулкларини ҳамда кўрган зарарларини қоплашни талаб қилишлари эҳтимолдан ҳоли эмасди.

Руҳонийлар совет агитациясидан жуда ҳайиқдилар.

Сиёсий вазиятга қараганда Хива билан муносабатнинг нормал бўлишига ишониш қийин эди. Жуноидхоннинг яқин орада Совет ҳокимиятига қарши жанг бошлаши ва Амударё бўлимига ҳужум қилиши муқаррар эди. Босқинчилик ва зўровонлик қилиб юрган бебош Жуноиднинг узоқ вақт тинчиб қолишига ҳеч ким ишонмади. Да-

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, ф. Туркменистон ССР Марказий Ижроия Комитети, № 17, оп. 1, д. 150, 645—648-варақлар.

<sup>2</sup> Ўша жойда, № 17, оп. 1, д. 200, 144—147-варақлар.

лаларда ҳосил ўриб-йиғиб олиниб, салқин тушиб куз бошланиши билан қум чўлларида юриш осонлашгандан кейиноқ, туркманларнинг яна ҳужум қилишига шубҳаланмаса бўларди. Улар Амударё бўлими аҳолисини талашлари, ўлдиришлари мумкин эди.

Амударё бўлимида 1919 йил бошларидагина, яъни бу ерга фавқулодда миссия келгандан кейин Совет ҳокимияти ўрнатилди. Бундан илгари ҳам Петро-Александровскда депутатлар Совети бўлсада, лекин унга Совет ҳокимиятига хайрихоҳлик билдирмаган, чор Россияси замонида судья, бож-хирож йиғадиган амалдор, солиқ тўплайдиган инспектор ва инженер бўлиб ишлаган кишилар суқилиб кирган эди. Улар Тошкентдан келган фармойишларни жўрттага бажармас эдилар. 1919 йил апрель ойи бошларида маҳаллий Совет ҳукумати органлари Советларга қарши бўлган унсурлардан тозаланди ва нормал ишга киришди. Ўша кунларда Амударё бўлими оғир аҳволда қолиб, хўжалиги барбод бўлган пул маблағлари ҳам нормал хўжалик ишларини уюштириш учун тажрибали мутахассислар ҳам йўқ эди. Жуноидхонга қарши кураш масаласи қатъий қўйилиши муносабати билан Амударё бўлими территориясининг сиёсий аҳамияти катта бўлиб қолди. Шу сабабли Совет ҳокимияти органларини мустаҳкамлаш ва ўлкани Жуноидхонга қарши урушга тайёрлаш учун барча зарур сиёсий ва иқтисодий тадбирларни кўриши керак эди.

Келажак кураш вазияти Жуноидхон учун ноқулай бўлди. У мустабид хонликнинг феодал аппаратини тормор қилди ва унинг қолдиқларини ўзига душман қилиб қўйди. Туркманлар ўртасидаги қабила ҳаёти бутун миллатни бирлаштириш учун мустаҳкам замин бўлолмади. Туркман қабилалари эса халқнинг қирилиб кетиши хавфи остида қолган бир шароитда Жуноид атрофига бирлашдилар. Худди шу кунларда Жуноид туркманларнинг ўзбеклар ва русларга қарши курашида ҳарбий «йўлбошчи»га айланди. Аммо бу воқиа туркман қабилаларининг вақтинчагина бирлашуви эди. Жуноиднинг туркманлар ўртасидаги зўровонлиги ва диктатураси уруш вақтидагина зарур бўлиб, тинч ҳаёт шароитида давом этиши учун қулай шароит йўқ эди. Жуноид туркман қабила сардорлари ўртасидаги ўз тенгқурлари орасида бир нави кўзга кўринган ва бу қабилалар иттифоқининг бошлиғи сифатида ихтиёрий равишда кўтарилган бир киши эди,



холос. Лекин вақт ўтиб бориши билан бундай бирлашувнинг негизлари ҳам ўз-ўзидан йўқ бўлди. Россиянинг мустамлакачилик режими афдалиб, рус қўшинлари Хивадан чиқиб кетгандан кейин, бу ерда ташқи хавф-хатар қолмади ва туркман қабилаларининг ягона иттифоқи ўз аҳамиятини йўқотди. Моллар бўлишганида уруғ ва қабилалар ўртасида ихтилофлар пайдо бўлди, қабила сардорлари ўртасида ҳокимият учун кураш бошланди, бировни ўлдиргани учун қонга қон олиш ҳуқуқи тикланди, туркманлар ўртасида қуролли тўқнашишлар бўлиб турди. Жуноид диктатураси инқирозга юз ўгирди. Ўзбекларнинг Жуноидга нисбатан бўлган нафрати оммавий тус олди, Қўш Мамедхон ва Фулом Али атрофида тўпланган туркманлар оппозицияси майдонга чиқди. Бу иккала оппозициянинг ўзаро бирлашуви Жуноид учун хавfli ва ҳалокатли бўлди, Жуноид ўз сиёсати билан ёш хиваликларнинг ғоявий-сиёсий гегемонияси учун керакли шароит яратди, янги вазиятда руҳонийларнинг анча қисми улар билан бирлашди.

Хивадаги сиёсий вазият Жуноид учун ноқулай бўлиб, тез орада унинг ҳокимияти йўқ бўлиши шубҳасиз эди. Лекин шунга қарамай Туркистон Совет республикаси ҳукумати Жуноид билан ўртоқ Луценко бошчилигидаги фавқулодда миссия ўртасида тузилган битимни тасдиқлади. Туркистон республикаси ташқи ишлар комиссари шартноманинг тасдиқлангани тўғрисида Хива хонига мактуб ёзиб, Хива халқи билан тинчлик ва дўстлик муносабатлар ўрнатилганлигини табриклади. Туркистон Совет республикаси ҳукумати шартномада ўз устига олган мажбуриятларини тўла бажаражанин, савдо алоқаларининг яна давом эттирилиши ва тинчлик шароитида аҳоли турмуши гуллаб-яшнашагига ишонганини маълум қилди.

Жуноидхон ўзи имзолаган битимдаги шартларга риоя қилмади ва Совет ҳокимиятига қарши курашга тайёрланиб, қуролли кучларини кўпайтирди. 1919 йил октябрь ойида Жуноид Омскдаги Колчак билан алоқа боғлади. Колчак Жуноидга мактуб ёзиб, оқ армиянинг Москвага қарши умумий ҳужумига қатнашишни таклиф этди. Колчак Хивада қуролли кучлар тўплаш ва Совет ҳокимиятига қарши бўлажак курашда ёрдам бериш учун, туркман ва ўзбеклардан отрядлар тузиш, ҳарбий тайёргарлик кўриш учун Хивага ҳарбий миссия юборди. Колчак 1917

йил 1 мартда тузилган шартномада кўзда тутилган барча устунликлар Хива хонлигида ўз кучига эга эканлиги ва бошқа ҳар қандай битимлар қонуний эмаслиги тўғрисида огоҳлантирди. Қолчак ўз мактубининг охирида, Совет ҳокимияти ағдарилгандан кейин амалга оширилиши кўзда тутилган тадбирларни ва Хива хонига Оренбург казак-қўшинлари генерал-майори деган ҳарбий мансаб берилажагини маълум қилди.<sup>1</sup>

1919 йил ўрталарида Жуноидхон Туркистон Совет республикасига қарши қуролли курашни узул-кесил бошлаб, натижада мағлубиятга учради.

Тор-мор қилингандан кейин Тошкентга муҳожир бўлиб келган ёш хиваликлар 1918 йил 5 июнда комитет ташкил этдилар. Шу билан бирга Тўрткўлда (Петро-Александровскда), Чоржўйда, Асхабодда ва Марвда маҳаллий ташкилотлар тузилди. Маҳаллий комитетлар тузилгандан кейин ёш хиваликларнинг Тошкентдаги комитети катта аҳамиятга эга бўлиб қолди ва у Марказий революцион комитет, деб атала бошлади.<sup>2</sup> Бу комитет Россия Коммунистик партияси мусулмон ташкилотларининг ўлка бюросига кирди.

Чоржўй комитети ташкилий ва пропаганда ишларини олиб боришда катта аҳамиятга эга бўлиб қолди. Бу комитет Амударё бўйлаб, Чоржўйга келган хивалик савдогарлар ўртасида пропаганда ишларини олиб борди. Петро-Александровскда революцион комитет тузилди. Бу комитет Хивада революцияни тайёрловчи асосий марказга айланди. 1919 йил июнь ойида Тўрткўлда коммунистик ячейка ва партия дружинаси ташкил қилинди.

Ёш Хиваликлар ўзларини «большевик» деб атадилар, лекин аслида улар эндигина пайдо бўлаётган буржуазия манфаатларини ҳимоя қилишни мақсад қилиб олган миллатчилар эди. Бу миллатчиларнинг оғмачилиги Хивада революциянинг ташкилий тайёргарлигига катта халақит берди. Масалан, Петро-Александровскдаги ёш хиваликлар комитети Хива фуқароси бўлмаган ҳамма кишиларни партиядан чиқаришни талаб қилди. У ерда катта иш

<sup>1</sup> Қолчакнинг Хива хонига ёзган мактуби ва Туркистон республикаси ташқи ишлар халқ комиссарининг мактуби ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси партия архиви материалларидан олинди.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Компартияси тарих институти партия архиви, ф. 361, д. 107,

олиб бораётган татарлар ва русларни бу талабга мувофиқ партиядан чиқариш керак эди. Бу ҳаракат миллатчиликдан бўлак нарса эмас эди. Уртадаги ихтилоф Улка мусулмонлар бюросида ҳал қилинди. Улка бюроси, агар айбланиш учун етарли материаллар бўлмаса, улар ёш хиваликлар партиясидан қолдирилсин, деган қарор чиқарди<sup>1</sup>. Бу маҳаллий миллатчилик Хива революцияси характерига кўп жиҳатдан таъсир этди.

Ёш хиваликларнинг Петро-Александровск ташкилоти марказий Хива райони аҳолиси ўртасида пропаганда ишларини олиб борди, чунки Хиванинг ўзида ёш хиваликлар ташкилоти йўқ эди.

8 августда ёш хиваликларнинг Тошкентдаги марказий комитети Хива хонига қарши кураш бошлашга қарор қилди.

Аҳоли ўртасида иш олиб бориш ва хонга қарши курашиш учун қулай шароитлар мавжуд эди. Барча деҳқонлар, майда савдогарлар ва хунармандлар революцион кайфиятда эдилар. Жуноидхонга нафрат ниҳоят даражада кучайиб кетган эди. Туркман қабила бошлиқларидан Қўш Мамед ва Фулом Али туркманлар ўртасида Жуноидхоннинг душманлари бўлиб, улар атрофига туркман оппозицияси доиралари тўпланди.

Ёш хиваликлар ташкилотининг аъзолари анча кўпайса ҳам, унинг обрўси йўқ ва кенг аҳоли ўртасида эътиборга сазовор эмасди.

Жанговар дружина тузиш масаласи тўғрисида большевистик ячейка аъзолари билан ёш хиваликлар ташкилоти ўртасида ихтилоф пайдо бўлди. Компартиянинг маҳаллий ташкилоти ўз партия дружинасини тузди ва қуроллантирди. 1919 йил июнь ойида ёш хиваликлар ўзларини қуроллантиришни илтимос қилдилар. Уларга маҳаллий партия ташкилотига қўшилиш ҳамда бу ташкилотда ўз секциясини таъсис этиш таклиф қилинди. Ёш хиваликлар ташкилоти ўз йиғилишини ўтказди ва коммунистлар таклифи руҳида қарор чиқарди. Аммо ёш хиваликларнинг бир қисми бу қарордан норози бўлиб Хивага кетиб қолди.

Ёш хиваликлар қўзғолонга тайёргарлик кўриш учун Тошкентга махсус мактуб ёзиб қурол беришни сўради.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Компартияси тарихи институти партия архиви, ф. 361, д. 107, 1919 йил.

лар, ўзлари эса бу ҳаракатга хайрихоҳ бўлган кишиларни ҳисобга олиш учун Хивага киши жўнатдилар. Ёш хиваликлар ўз сафларига 2000 га яқин кишининг қўшилишини кутардилар. Қўнғирот ва Хўжайли қипчоқлари ва ўзбеклари ўртасидаги ёш хиваликлар Жуноидхонга ва туркманларга қарши курашни истаганликларини кўтаринки руҳ билан билдирдилар<sup>1</sup>.

Ўша даврда Амударё бўлимининг аҳволи оғир эди. Петро-Алекасандровскда ҳеч ким томонидан тасдиқланмаган Ҳарбий-революцион комитет тузилди. У ҳеч кимдан сўрамай, ўзига чексиз ҳуқуқ ва ваколатлар белгилади, партия ва совет ташкилотларини менсимай қўйди ва уларнинг иш бошлаб юборишига йўл қўймади. Бу комитет ўз фармойишларини «Хива fronti ҳарбий-революцион советининг буйруғи» тарзида чиқарди, ўз мандатлари билан қонундан ташқари ҳар хил мусодараларга йўл қўйди. Хиванинг Тошкентдан ажралиб қолиши бу ерда тартиб ўрнатишга ҳалал берди. Аммо, бу ҳарбий-революцион совет тез орада тарқатилди, партия дружинаси тузилди, маҳаллий советларни тузиш учун ташкилий бюро ва ер-сув комитети таъсис этилди, партия ячейкалари ташкил қилинди. Армия тинч вазиятга ўтди. Ёш хиваликлар комитети контролсиз ва раҳбарликсиз мустақил ишлади. Совет ва партия ташкилотларининг иши йўлга қўйилди, аммо партия учун қурол-аслаҳа етишмаганлиги сезилиб турди.<sup>2</sup>

1919 йил бошларида Хивада граждaнлар урушининг нишонлари кўринди. Ўша вақтда Амударё бўлимини туркманлардан ҳимоя қилиш мақсадида 3 бўлинмадан иборат Урал казаклари полки тузилди. Бу полк аскарлари маҳаллий казаклардан ташкил топди.

Оренбург fronti Орол денгизига яқинлашгандан кейин, учинчи бўлинма казаклари ўртасида ғалаёи кўтарилди. Совет ҳокимиятидан норози бўлиб, Советларга қарши ташвиқот юргизилди. Шунинг учун бу бўлинмани қуролсизлантириш зарур бўлиб қолди. Бу иш муваффақиятсиз чиқди: 14 августда Чимбойдаги учинчи бўлинма казаклари очикдан-очик қўзғолон кўтардилар ва Тўрткўлдан келган комиссияни камоққа олдилар, Чимбойга

<sup>1</sup> Ўзбекистон Компартияси тарихи институти партия архиви, ф. 361, д. 107, 1919 йил, п. 4.

<sup>2</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, ф. 17, оп. 1, д. 150, 630—631-варақлар.

келган Қизил Армия отрядини, шунингдек Нукусдаги ротани қуролсизлантирдилар. Бу бўлима Чимбой-Нукус районини эгаллади, кейин казакларнинг бир қисми Орол денгизидаги Мўйноқ оролига ўтди ва у ерда партия дружинасини қуролсизлантирди.

Петро-Александровскдаги Урал казакларининг биринчи бўлимаси қўзғолончилар томонига ўтмаслиги учунгина қуролсизлантирилди, ammo Тўрткўлга яқин жойлашган иккинчи бўлиманини қуролсизлантириб бўлмади. Бу бўлима қуролини топширишдан бош тортди ва Чимбойга қараб жўнади. Қизил Армия қисмига қўмондонлик қилган ўртоқ Шайдаков кичик отрядни Петро-Александровскда қолдирди ва ўзи қўзғолончиларга қарши кураш учун Нукус-Чимбой районига кетди. Вазият ноқулай эди, орқа томони мустаҳкамланмаган, сон жиҳатидан оз бўлган бу отряд қўзғолончиларга қарши курашолмай, 5 сентябрда Петро-Александровскга қайтиб келди.

Мўйноқ оролини эгаллаган казаклар саксаул ортилган 3 баржани сувга ботирдилар. Мўйноқда балиқ ови ишларини издан чиқардилар. Казакларнинг бу группасини бостириш учун Орол денгизидан отряд юборилди. Сентябрь ўрталарида отряд оролни эгаллади. Тор-мор қилинган казакларнинг бир қисми қамишзорларга қочди, бир қисми пароходни босиб олиб, Зоир томонига жўнади. Ниҳоят казаклар қўзғолони тугади, лекин Жуноидхон яна актив ҳаракат қила бошлади.

1919 йил ўрталарида Жуноид атрофига тўпланган муттаҳамларнинг бош-бошдоқлиги туфайли бир неча ёмуд қабилалари бошқа туркманлардан ажралиб кетди. Бу қабилалар илгари ҳам Жуноидга қарши бир неча марта қўзғолон кўтарган ва уларнинг ҳаракати куч билан бостирилган эди. 1919 йил октябрь ойида ёш хиваликлар Орол денгизи атрофидаги туркманлар йўлбошчиси Қўш Мамедхон билан битим туздилар. Бу битимга Бахши ва Фулом Али ҳам қўшилди. Қўш Мамедхон, Бахши ва Фулом Алининг қуролли кучлари 2000 кишидан иборат эди. Ёш хиваликлар атиги 600 кишилик қуролли кучга эга эдилар. Жуноид ўз ҳокимияти негизининг бўшашганини, диктатурасига нисбатан норозилик оммавий тус олганини ва бузинг устига хонга қарши кундан-кунга ўсиб ва кучайиб бораётган марказ ташкил қилинганини пайқади. Жуноидхон Амударё этагидаги оқ гвардиячилар билан иттифоқ тузди. Бу ерда Урал

казаклари Советларга қарши қўзғолон кўтарган эдилар. Шунингдек, Жуноид Қолчак билан алоқа болади.

1919 йил ноябрда Жуноидхон қўзғолон кўтарган Урал казаклари билан бирга Қизил Армияга қарши уруш бошлаб юборди. Жуноидхон тўдалари Амударёнинг ўнг томонини босиб олган бўлсалар ҳам, лекин Қизил Армия қўшинларининг қақшатқич зарбасига учрадилар.

11 ноябрда Шайдаков отряди Петро-Александровскдан чиқиб, Жуноидхоннинг барча қўшинларига қарши жанг қилди. Қизил Армия қўшинлари кучини кучайтириш учун 30 ноябрда Чоржўйдан Амударё бўлимига бир батальон юборилди. Батальон билан бирга Амударё бўлимига Туркистон комиссияси ва Туркистон fronti революцион ҳарбий советининг вакиллари — Соколов ва Шчербаков ўртоқлар ҳам келдилар.

1919 йил 25 декабрда Қизил Армия қўшинлари ва ёш хиваликлар жанговар дружинаси Амударёнинг чап қирғоғига ўтиб, Хива территориясига кирдилар.

Жанубий отряд Петро-Александровскдан 18 километр шимолроқда Амударёни кечди. Жуноидхон бу тўғрида хабар эшитиб, ўзининг барча отрядларини тўплади. Давлат Мурод маҳрам хоннинг барча ўзбек навкарларини йиғиб, улар билан Амударё қирғоғига жўнади. Хонқо атрофида Соколов отряди билан отишув бўлиб ўтди, отряд ўқ ёғиб турган шароитда дарёдан муваффақиятли ўтиб олди, Салгада жанг давом этди. Жуноид отрядлари Урганчга чекинди, Соколов отряди душманни таъқиб қилиб бориб, Урганчни эгаллади. Жуноид шаҳарни яна қўлига олмоқчи бўлди, аммо унинг ҳужуми муваффақиятсиз чиқди. Унинг отрядлари бир қанча талафот кўриб, Урганчдан жануброқдаги Тошкўприкка жойлашди. Бу районда эса фақат милтиқдан отишувлар бўлиб ўтди.

Айни бир вақтда ўртоқ Шайдаковнинг шимолий отряди Нукус районида ҳаракат қилди. Отряд командири бу ерда ўз кучларининг бир қисмини қолдирди, бошқа қўшинлари билан Амударёнинг чап қирғоғига ўтиб, Нукус районида Хўжайли, Кўна Урганч ва Қўшқалани эгаллади. Кўна Урганч олингандан кейин, Қўш Мамедхон қўл остидаги 500 туркман аскарлари Шайдаков отрядига қўшилди. Бозортурбук эгаллангандан кейин улар

томонига муваққат иттифоқчи сифатида 1000 сувориси билан Фулом Али ҳам ўтди. Қўзғолончилар томонида ёш хиваликлар отряди ҳам бор эди. Шайдаков отряди душманнинг чекинаётган отрядини таъқиб этиб бориб Тошовузни эгаллади. Шу кундан бошлаб Шайдаков отрядининг қум чўлларига кириб бориши ва Жуноидхоннинг орқа томонидан зарба бериши учун қулай вазият яратилди. Жуноиднинг оиласини асир олиш ва бутун мол-мулкни ўлжа қилиш мумкин эди. Жуноид Соколов отрядига қарши курашдан бош тортди, ўз қўшинларини фронтдан олиб кетди. Давлат Мурод маҳрам ўзининг хивалик навкарлари билан Хивага кетди.

Шайдаков отряди тез орада Хивага қайтди ва хонни ағдариш, Муваққат ҳукумат тузилганлигини эълон қилиш тантанасига қатнашди. Февраль ойининг дастлабки кунларида қўзғолончилар Хивани эгалладилар. Хива ҳукумати Бухорога қочди.

Хива эгаллангандан кейин, ёш хиваликлар комитети Россия ишчилари ва деҳқонларига қарата хитобнома ёзиб, унда айниқса Ўрта Осиёда қаттиқ эзилган Хива ишчилари ва деҳқонларини хонлар ва беклар зулмидан қутқаришда ёрдам беришларини илтимос қилдилар. Хитобномада қўзғолон кўтарган ишчилар ва деҳқонларнинг Хивани эгаллаганликлари, ўз эксплуататорларини ағдариш учун курашаётганликларини, улардан батамом озод бўлиб, эркин меҳнат қилишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганликларини изҳор қилдилар.<sup>1</sup>

Худди шу даврда ёш хиваликлар комитети РСФСР Халқ Комиссарлари Советига хитобнома ёзиб, Жуноидхонга қарши қўзғолон кўтарилганлигини, унинг пойтахтдан қувилганини ва уни ўлкадан бутунлай ҳайдаб чиқариш учун кураш давом этаётганини билдирди. Ёш хиваликлар Жуноиднинг барча меҳнаткаш халққа душман эканлигини таърифлаб, РСФСР Халқ Комиссарлари Советидан бу золим ва Англия империализмининг малайини бирлашиб туриб йўқ қилишда ёрдам беришларини сўрадилар.

Кейин ёш хиваликлар комитети манифест эълон қи-

<sup>1</sup> Известия, 1920, 8 февраль, № 29. «РСФСР ишчилари ва деҳқонларига» Янги Бухоро ишчи, деҳқон ва Қизил армиячи депутатлар Ижроия Комитетининг «Известия» газетаси, 1920, 14 февраль, «Набат революции» газетаси, 1920 йил, 14 февраль.

либ, ўз программасини баён этди. Ёш хиваликлар Хива хонлиги аҳолиси манфаатларини ҳимоя қилиш учун, мустабид бошқармани ва бутун хон ҳукуматини йўқ қилиш учун курашганликларини айтдилар. Хива хони, унинг оила аъзолари, беклар ва вазирларга қарашли пул ва мол-мулкни умум халқ мулки деб эълон қилдилар, катта помешчикларнинг ерларидан камбағалларнинг моддий аҳволини яхшилаш учун барча вақф даромадларидан фақат халқ маорифи учун фойдаланишни кўзда тутганликларини билдирдилар. Аҳолидан зўрлик билан тортиб олинган ерларни ва ҳар хил мол-мулкни қайтариб бериш, ўлкада бепул мактаблар ва касалхоналар очиш, йўл ва кўприклар қуриш, ариқ тозалаш ишларидаги мажбурий меҳнатни бекор қилиш, хон ҳокимияти ағдарилган зоҳоти барча мазкур тадбирларни амалга ошириш учун халқ ҳокимиятини туза бошлаш ваъда қилинди<sup>1</sup>.

Шайдаков отряди Хивага кетгандан кейин, Соколов отряди фронтда қолиб, Жуноидхон билан жангни давом қилди. 1920 йил 29 февралда Бағиркент атрофида Жуноид қўшинлари тор-мор қилинди. Жуноид қум чўлига қочиб кетди. Отрядининг бир қисми ҳар томонга сочилиб кетди, бир қисми уйларига жўнади. Фронтда уруш ҳаракатлари тамом бўлди, Совет вакилларининг Жуноидхон билан сулҳ тўғрисидаги музокаралари бошланди. Музокара вақтида Жуноиднинг баъзи бир шубҳали ҳаракатлари қуролсизланиш тўғрисида талаблар қўйишга мажбур этди. Бу талабга жавобан Жуноид Қизил Армиянинг бир кичкина отрядига ўқ уза бошлади. Отрядга ёрдам берилгандан кейин, Жуноид яна қум чўлига қочиб кетди. У Шайх Увас Урганчик районида мешерик туркман қабиласига 50 бешотар тарқатди ва улар билан биргалашиб, Совет ҳокимиятига дўстона муносабатда бўлган Қўш Мамед уруғига қарши жанг бошлади. Бу тазйиқ туркман қабиласини Жуноид томонига ўтишга мажбур этди. Совет ҳокимияти билан дўстона вазиятда бўлган Бахши ва Фулом Алини ҳам Жуноид ўз томонига ағдариб олди. Жуноид куч тўплаб қум чўллари чегарасидаги ўтроқ ўзбек қишлоқларига хуруж қилди. Бу босқинчиликни тугатиш ва Жуноидни қўлга тушириш учун махсус Қизил Армия отрядлари

<sup>1</sup> Известия, 1920, 8 февраль, № 29, «Хива революцион партиясининг биринчи вазифалари».



ажратилди, бу отрядлар туркманларни қуролсизлантириш вазифасини ҳам бажардилар. Тор-мор қилинган туркманларнинг қолдиқлари ўз ўтовлари билан шимоли-ғарб қум чўлларига кетдилар.<sup>1</sup>

Бу қуролли курашнинг муваффақиятли натижалари халқнинг Жуноид зулмига қарши оммавий ҳаракатини ифодалади. Жуноид Хивадан қувиб чиқарилгандан кейин хон ҳукуматининг аввалги дабдаба ва дағдағасидан асар ҳам қолмади. Саид Абдулла ўз ҳомийси Жуноидхондан айрилди ва курашнинг фойдасиз эканлигини тушуниб, қўзғолон маркази — Урганч шаҳрига ўз вакилини юборди. Вакил Жуноид мажбур қилгани учунгина навкарлар урушга қатнашганликлари тўғрисида изоҳ берди, бу ҳаракатга хайрихоҳ эканликларини, Саид Абдуллахоннинг Совет ҳокимиятига қарши чиқмаганини айтди ва Совет қўшинларини қўзғолон кўтарган аҳоли ҳали эгалламаган пойтахтга — Хива шаҳрига таклиф этди.<sup>2</sup>

Хивада воқеалар жуда тез ривожланиб борди. Қизил Армия ва ёш хиваликлар дружинаси Жуноидхонга қарши жанг қилаётган бир даврда Кўна Урганч, Хўжайли ва Тошовуз районидаги туркманлар Қўш Мамед бошчилигида қўзғолон кўтардилар. Жуноид улар билан бир неча марта тўқнашиб мағлубиятга учради, айнаи бир вақтда меҳнаткаш ўзбек ва туркманлардан кўнгилли қўзғолончи отрядлар тузилди, туркманлар эса қабила-қабила бўлиб бирлашдилар. Ўзбек ва туркман революцион отрядлари шунчалик тез тузилдики, Жуноид уларга қарши қатъий жанг қилишга ботинолмади. У 1920 йил январь ойида юзтача тарафдори билан Қорақум чўлига қочди.<sup>3</sup>

Жуноидхонга қарши уруш ҳаракатлари бир ойга ҳам бормади. 29 январда Шайдаков қўмондонлигидаги революцион отряд Ғазавотдан ўтди ва Кўнаариқда тўхтади. Бу ерда барча руҳонийлар ва Хива аҳолиси тўпланди. Уша вақтда хон ҳокимиятида ҳеч қандай фаолият асари қолмаган, ёш хиваликлар комитети эса, ҳам-

<sup>1</sup> С. Михайлов, Хивинский фронт, Военная мысль, 1920, кн. 1 сентябрь, 249—252-бетлар.

<sup>2</sup> Скалов, Хивинская революция 1920 года, журн. «Новый Восток», 1923, № 3, 241—257-бетлар.

<sup>3</sup> Уша жойда.

мага манзур марказ бўла бошлаган эди. Январь охир-лариди ёш хиваликлар дружинаси, бир неча юз туркман ва иккита Қизил Армия ротаси Хива шаҳрини ишғол этди. Улар билан бирга Тўрткўлдаи Хивага ёш хиваликлар комитети кўчиб келди. Шу кундан бошлаб, бир ҳафтадан сал ошиқ вақт ўтди, ёш хиваликлар комитети шу қисқа давр ичида яна кучайди ва мустаҳкамланди, унинг обрўси ошиб борди, хон ҳокимияти тобора сусайди ва ўз обрўсини йўқотди. Сиёсий кучлар нисбати ёш хиваликларнинг хон ҳокимиятини тугатиши учун қулай вазият яратди. Раҳбарлик маркази ясавулбоши Марамни (ҳарбий вазирни) ва ака-ука Бакаловларни қамоққа олди ва отдирди. Бакаловларнинг каттаси бош вазир (мехтар) эди. Санд Абдулла хон ёш хиваликлар талабини адо этди — тахтдан воз кечди, мажлис чақирилиши тўғрисида эълон қилди ва таъсис йиғилиши чақирилгунча барча ҳокимиятни Муваққат ҳукуматга топширди. Муваққат ҳукумат таъсис йиғилишини чақириш муддатини белгилаши ва сайлов тартибини ишлаб чиқиши керак эди. Муваққат ҳукумат составига ўзбеклардан ёш хиваликлар комитетининг раиси, ёш хиваликлар тавсияси билан хон тайинлаган руҳонийлар вакили, Хива шаҳридан сайланган вакил ва туркманлардан Қўш Мамед ва Фулом Али кирди.

1920 йил 1 февралда хон ва руҳонийларнинг юқори табақаси манифестни имзоладилар ва 2 февралда эълон қилдилар. Регистонда (сарой олдидаги майдонда) Муваққат ҳукуматга Хива шаҳридан очиқ овоз билан вакил сайланди. Сайлов сўл шиорлар остида ўтди, лекин ўрта ҳол савдогар вакил қилиб сайланди. Бундай натижа Хива инқилобининг социал характерига хосдир.<sup>1</sup>

Бозордаги митингни кўрган кишилардан бири бу тўғрида қуйидагиларни ёзди:

«Бозор очилишига ҳали анча бор. Аммо бозор майдонида шод-хуррамлик, халойиқ тўлиб-тошган, Ҳамма кўрагига қизил лента таққан, чехралари очиқ, қувноқ.

Трибунада отряд бошлиғи ўртоқ Шайдаков пайдо бўлди. У, ўз шинели этакларини кенг ёзиб, узун малла

<sup>1</sup> Скалов. Хивинская революция 1920 года, журн. «Новый Восток», 1923, № 3, 241—257-бетлар.

мўйловини бураб, барала овоз билан гапирмоқда ва аҳолини революция галабаси билан табрикламоқда.

«— Хива меҳнаткашлари ва деҳқонлари! Бугун сиз аерлар бўйи давом этиб келган хонлар ва золимларнинг кишанларидан қутулдингиз. Бугун бандит Жуноиднинг гумаштаси Саид Абдулла тахтдан ағдарилди. Шу кундан эътиборан Хива халқи озод бўлди».

Мингларча киши барала овоз билан «ура» кўтариб, нотиқ нутқини бўлди. Кўпгина кишилар хурсандчиликдан кўзларига ёш олдилар.

Кейин Султон Муродов минбарга чиқди.

Бу йўғон, семиз, сийрак сақолли, айёр, кўзлари қисик киши халойиқда бутунлай бошқа таассурот қолдирди. У қўли билан ишора қилиб, ўзини азод кўтармоқчи бўлган кишиларни қатъий тўхтатди ва жиддий оҳангда гапира кетди, халққа сон-саноксиз ваъдалар берди. Ёш хиваликларнинг программасини эълон қилди. Кейин бир неча ёш хиваликлардан ва аҳолидан баъзи бир кишилар минбарга чиқдилар ва шу билан митинг тамом бўлди.<sup>1</sup>

Нурулла бойнинг боғи олдида ёш хиваликлар Муваққат ҳукумат тузиш тўғрисида таклиф киритдилар. Муваққат ҳукумат иш бошлади.<sup>2</sup>

Шу билан Хивадаги умум халқ кўзғолони тамом бўлди.

Муваққат ҳукумат состави турли туман — олақуроқ эди. Бу ҳукумат инқилобга қатнашган ҳаммани — яқин ўтмишда бир-бирига қарши бўлган ўзбеклар ва туркманларни, руҳонийлар, феодаллар ва буржуазияни қониқтирарди. Муваққат ҳукумат раиси ёш хивалик Султон Муродов билан бирга, унинг составига туркман қабила сардорлари Қўш Мамед ва Фулом Али ҳам кирди. Руҳонийлар вакиллари билан бирга савдогар Муҳаммад Фанбой ҳам сайланди. Бу ҳукумат халқ ҳукумати эмас, деҳқонлар оммасининг вакили бўлолмасди. Эндигина пайдо бўлаётган ўзбек йирик буржуазияси, амалдорлар ва руҳонийлар вакилларидан иборат Муваққат ҳукумат савдогарлар ва руҳонийлар доираларининг манфаат-

<sup>1</sup> Бухоро ва Хоразм революциялари 10 йиллигига бағишланган мақолалар тўплами.

<sup>2</sup> Ўзбекистон ССР Хоразм область давлат архиви, ф. 124, д. 1, 1—30-варақлар.

ларини қўллар, озод қилинган халқ манфаатлари эса, улар учун бутунлай ёт эди.

Ёш хиваликлар ташкилотининг эътибори тобора ошди. Аммо Жуноидга ва хон истибдодига қарши ҳаракат ўсиб ва кучайиб борса ҳам, бу революцион руҳ ёш хиваликлар программасида ўз ифодасини топмади. Ёш хиваликларнинг, сиёсий озодлик тўғрисидаги орзулари — жамиятдаги адолат, тенглик ва ҳатто Советлар системаси тўғрисидаги гап-сўзлар билан бир қаторда, феодал ер эгалари ва йирик саноат корхоналарининг хусусий мулклигини таниди.

Ёш хиваликлар ҳаракати шаҳар буржуазиясининг ҳаракати эди ва шундай бўлиб қолаверди. Феодал мустабид идора усули, туркманлар зулми ва Жуноидхоннинг бош-бошдоқлиги кенг деҳқон оммасини ёш хиваликлар орқасидан эргашишига сабаб бўлди, ёш хиваликлар эса мустабид идора усулига қарши курашарди.

Ёш хиваликлар ташкилоти аслида революцияга хайрихоҳ бўлган кенг оммани бирлаштирадиган жамоат ва сиёсий орган эмас эди. Бунинг устига Жуноидхон ўлкадан ҳайдалиб, қуроли кураш тугаб, жуда катта юксалиш бошланган пайтида ҳам, ёш хиваликлар ҳаракати партияни ўстириш учун зарур бўлган оддий демократизм даражасигача ҳам кўтарила олмади. Майда буржуазия ёш хиваликлар байроғи остига пролетар ҳунармандлар ва деҳқонлар оммасига кучли таъсир ўтказётган бир пайтда ҳам, ёш хиваликлар «танланган» тор доирадан ва тил бириктириш методи билан кураш олиб боришдан воз кечмадилар. Ёш хиваликларнинг раҳбарлик фаолияти ва сиёсий курашдаги мақсадлари баъзан уларнинг ўлкада жуда осонлик билан қўлга киритилган ҳокимият билан нима қилишни билмай қолганликларини кўрсатарди. Муваққат ҳукумат сўзда революцион, амалда эса юраксиз, мужмал ва фаолиятсиз эди. Хон ҳокимиятига қарши кураш эса аслида феодализм туфайли рўй берган социал иккала сиёсий фракциянинг фаолиятини (балки Хивада ган буржуазия ва Хива феодал жамиятининг (пайдо бўлаёттабақаси фракциялари) давом эттиришга ўхшаб кетарди.

Маъмурий ишларни ислоҳ қилиш масаласи ишлаб чиқилмади. Ҳукумат маъмуриятни сайлаш ёки тайин қилиш принциплари тўғрисида иккиланиб қолди, жойларда маъ-

мурий вазифаларни олиб боришга лаёқатли кадрлар йўқ эди. Кескин революцион чоралар кўрилмади ва баъзан хоннинг собиқ малайлари беклик вазифаларига тайинланди. Ёш хиваликлар ва Муваққат ҳукумат давлат ҳокимиятини қайта қуриш ишларини суст бажарди.

Уша вақтларда ёш хиваликларнинг сиёсий муваффақият қозонишларига сабаб шу бўлдики, эзилган ва уюлмаган деҳқонлар ўз йўлбошчиларига ва сиёсий кураш тажрибасига эга эмас эдилар. Кенг оммавий ҳаракат тўлқини ёш хиваликларни ҳокимият тепасига чиқарди. Ёш хиваликлар хонлик мустабид тузимига қарши қатъий курашдилар ва кенг миллий ҳаракат бошида бўлдилар, аммо шундай қулай вазиятда ҳокимиятни бошқара олмадилар. Улар хон режимига қарши шунинг учун курашдиларки, у ўлкада савдо ва саноатнинг ривожланишига тўсиқ бўлган жуда қаттиқ ва тор рамка ўрнатган эди.

Ёш хиваликларнинг сиёсий кураши икки даврни ўтди. Биринчи даврда буржуазия манфаатларини кўзлаган ёш хиваликлар деҳқонларни эксплуатация қилишда монополия ҳуқуқи учун хонга қарши кураш олиб бордилар, шунинг учун бу курашда деҳқонлар уларни қўлламади. Туркман феодалларининг меҳнаткаш ўзбекларни миллий асоратга солганидан кейин, вазият анча ўзгарди, ёш хиваликлар деҳқонлар ҳаракатига бошчилик қилдилар, уларнинг йўлбошчилари бўлишни истадилар. Аммо ҳокимиятни қўлга олгандан кейин, улар ўзлари бошлаган ишни охирига етказа олмадилар, сиёсий кураш давомида қўйилган мақсадларга эришмадилар. 1920 йил баҳорида Хивада Коммунистик партия пайдо бўлди, шаҳар ҳунармандлари ва ярим пролетар деҳқонлар оммаси уларга эргашди, шундан кейин, ёш хиваликлар ташкилоти ҳаёт ва курашга қобилиятсиз бўлиб қолди ва бора-бора ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетди.

Ёш хиваликларнинг қатнашуви билан тузилган Муваққат ҳукумат, ўз фаолиятида уларнинг ғоялари ва вазифаларини кўп жиҳатдан акс эттирди, дастлабки кунлардаёқ, ўзбек шовинизмига йўл қўйилди. Бу ҳукумат ўзбек ва туркман меҳнаткашларининг ашаддий душмани бўлган Жуноидхонга қарши кураш ўрнига бутун диққатни туркманлардан ўч олиш масаласига қаратди. Ҳукумат умуман туркман халқига нафрат билан қаради, қум чўлларида яшириниб ётган туркман қуролли группаларига қарши курашни давом эттирди, туркман қишлоқларида

террор уюштирилди, аҳолини аёвсиз қирди, қум чулларига ҳайдади. Хива халқ революциясидан кейин, ҳокимиятни қўлга олган ёш хивалиқларнинг социал-сиёсий қиёфаси ва Хива Муваққат ҳукуматининг тутган йўли шундан иборат эди. Шунинг учун ҳам бу ердаги революция Халқ Совет революцияси деб аталади. Бу революцияни ҳаракатга келтирувчи кучлар — камбағал деҳқон ва ҳунармандлар бўлгани учун, улар ўз олдиларига социалистик вазифаларни қўя олмадилар. Шу билан бирга бу революция соф буржуазия революцияси ҳам эмасди, чунки унинг ҳал қилувчи кучи меҳнаткаш деҳқонлар ва шаҳар аҳолиси эди.

### **I ҚУРУЛТОЙНИНГ УТКАЗИЛИШИ ВА РСФСРНИНГ ХОРАЗМ СОВЕТ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИГА ЕРДАМИ**

Революция галаба қозонгандан кейин Туркистон комиссияси РСФСР ҳукумати номидан Хивага ёрдам берди. РСФСР Фавқулодда ваколатхонасини Хива ва Амударё бўлимига юборди.

Туркистон Комиссиясининг вакили Хивага келгандан кейин, маҳаллий шароитларни тез орада ўрганди ва ўзининг амалий ишларида уларни ҳисобга олди.

I қурултойни чақиришга Совет миссияси тайёргарлик кўрди. Хива Муваққат ҳукумати аъзолари бу ишда Совет миссиясига кўп халақит бердилар. Ҳукуматнинг барча аъзолари қариялардан бўлиб, ҳокимиятни қўлга олгандан кейин, улар бировлардан ўч олиш билан овора бўлдилар, ўзларининг моддий манфаатларини кўзладилар, шахсан ўзлари учун аҳолидан товон тўлатдилар, натура билан жуда катта солиқ йиғдилар. Буларнинг ҳаммаси меҳнаткашлар зиммасига тушди.

Фавқулодда миссия ҳукуматнинг маъмурий аппаратини ва ижро органларини тузди. Бу эса комиссиянинг дастлабки бажарган катта иши бўлди. 2 апрелда Муваққат ҳукумат ва РСФСР Фавқулодда ваколатхонаси вакиллариининг Хивада Жума Ниёз Султон Муродов раислигида биринчи бирлашган мажлиси бўлиб ўтди. Бу мажлисда нозирлик таъсис этиш ва нозирларни ҳукумат составига киритишга қарор қилинди. Ҳукумат состави 10 кишига етказилди. Ҳукумат составига — ҳукумат раиси ва хорижий ишлар нозирини, раис муовинини, Муваққат ҳукумат секретари, секретарь ёрдамчиси, молия нозирини, ҳарбий нозир, давлат назоратчиси, халқ экономикаси

нозири, халқ маданияти ва маорифи нозири, адлия но-  
зири кирди.

Навбатдаги ишларни олиб бориш учун Муваққат ҳу-  
куматнинг 3 кишидан иборат президиуми сайланди. Ҳар  
бир назир қошида 3 кишидан кенгаш таъсис этилди.

Шу ташкилий мажлисдаёқ округ маҳаллий Советла-  
рини (шўроларини) ташкил этиш тартиби тасдиқланди.  
Бу шўролар Муваққат ҳукумат тайинлаган 3-5 киши-  
дан таъсис этилди. Улар бекларнинг ўрнини олишлари  
лозим эди. Шўроларга Муваққат ҳукумат чиқарган қо-  
нун ва қўлланмаларга мувофиқ Халқ вакиллари Совети-  
ни (мажлисини) ўтказиш вазифаси юклатилди. Кенгаш  
ҳар бир бекликдаги Совет аъзолари сонини белгилади ва  
Совет аъзоларини тайинлади.

Муваққат ҳукуматнинг саройлардаги мол-мулкни ҳи-  
собга олиш тўғрисидаги қарори Хива республикаси учун  
катта аҳамиятга эга эди. Бу иш давлат назирлигига юк-  
ланди.<sup>1</sup>

Контрреволюцияга ва мансабдан фойдаланиб қилин-  
ган жиноятларга қарши кураш учун Олий суд ҳам таъ-  
сис этилди. Бу судга олий жазо бериш, яъни отиш ҳу-  
қуқи берилди. Суд қошида барча юқори мансабдаги ки-  
шилар устидан ариза қабул қиладиган шикоят бюроси  
ва тергов комиссияси ташкил қилинди, суд состави тас-  
диқланди. Жинойи ва гражданлик ишларини текшириш  
учун адлия назирлиги қошида халқ суди таъсис этилди.  
Бутун ўлка миқёсида милиция бошқармаси ҳамда Хива  
шаҳар қўриқчилиги ташкил этилди.<sup>2</sup>

Аҳоли Муваққат ҳукуматнинг маҳаллий шўролар  
ташкил этиш тўғрисидаги қарорини тез орада ва ҳур-  
сандчилик билан бажарди. Бекликлардагига ўхшаб, қиш-  
лоқларда ҳам Советлар тузилди.

Муваққат ҳукумат ва РСФСР Фавқулодда ваколат-  
хонасининг кенгаши Қурултой программасини ва Мар-  
казий сайлов комиссиясининг составини тасдиқлади,

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат  
архиви, ф. Хоразм Марказий Ижроия Комитети, № 71, оп. 1,  
д. 1, 4—5-варақлар, 23-протокол.

<sup>2</sup> Уша жойда, 5—7-варақлар.

<sup>3</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат  
архиви, ф. 71, оп. д. 1, 4-варақ. Муваққат ҳукумат аъзолари  
ва РСФСРнинг Хивадаги фавқулодда вакили бирлашган маж-  
лиснинг 24-протоколи.

қурултойни чақириш муддати — 26 апрелга тайинланди.

I қурултой муносабати билан Хивада амалга ошириладиган янги ислохотлар билан Хива руҳонийларини таништириш учун 29 апрелда руҳонийлар съезди чақиришга қарор қилинди.<sup>1</sup>

Аҳоли ўртасида сиёсий-маънавий аҳволни яхшилаш, парохўрлик ва мансабдан фойдаланиш, қиморбозлик, ичкиликбозликка қарши кураш олиб бориш вазифалари Олий революцион судга топширилди. Солиқ системасини тартибга солиш ва Хива армияси тузиш ҳақида қарор қилинди.<sup>2</sup>

Хива армияси жангчиларидан бошқа бутун аҳоли канал ва ариқларни тозалаш ишларига тортилди, бу иш учун ҳақ тўланди. Сайлов кампаниясини уюштириш учун кўп вақт ва анча ишлар қилиш талаб этилди. Омма ўртасида агитация ишларини олиб бориш учун эндигина ташкил қилинган Хоразм компартиясининг барча аъзолари сафарбар қилинди. Бу самарали иш яхши натижа берди. Сайлов катта сиёсий руҳ билан ўтди.

Қурултой 1920 йил 26 апрелда очилди. Муваққат ҳукумат қўйидаги масалаларни кун тартибига қўйди:

1. Хоразм республикаси Конституциясини тузиш.
2. Вақф ерлари тўғрисида.
3. Солиқлар тўғрисида.
4. Навкарлар (жангчилар) ва армияни тузиш тўғрисида.
5. Муваққат ҳукуматнинг ҳисоботи.
6. Ҳукумат сайлови.<sup>3</sup>

Хоразм республикасининг Конституцияси Хоразм меҳнаткашларининг ҳуқуқларини ва давлат ҳокимиятининг формасини белгилаб берди. Хоразм — ишчилар, Қизил Армия ва деҳқонлар депутатлари Советларининг республикаси деб, марказдаги ва жойлардаги барча ҳокимият Советлар қўлида деб танилди (1-модда). Конституциянинг иккинчи моддаси кишини киши эзиши, биронинг шоҳона ҳаёт кечириши ва бошқаларнинг оғир

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви ф. 71 оп. д. 1—4-варақ. Муваққат ҳукумат аъзолари ва РСФСРнинг Хивадаги Фавқулодда вакили бирлашган мажлисининг 24-протоколи.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Ўша жойда.



меҳнат қилиб, қашшоқликда яшаши каби фарқни туга-тади. Эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги-ни, барча миллат, уруғ ва қабила гражданининг тенг ҳуқуқли эканлиги белгиланади. Бундай белгиларга қараб бериладиган алоҳида ҳуқуқ ва афзалликлар бекор қилинади.

Ер, ўрмон, қум чўллари ва сувга хусусий мулкчилик бекор қилинади. Барча ерлар умум халқ мулки, ўрмонлар, қум чўллари ва сув умум давлат халқ мулки деб, хон ва катта амалдорларнинг аҳолидан талаб-тортиб олган барча мулклари давлат мулки деб эълон қилинади.

Виждон озодлиги, дин ҳамда динга қарши пропаганда қилиш озодлиги эълон қилинди, ибодатхоналар давлатдан ажратилди, ҳар икки томоннинг ҳам бир-бирларининг ички ишларига аралашувига йўл қўйилмайди.

Шахсиятнинг даҳлсизлиги, йиғилишлар эркинлиги, бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриш эркинлиги, бепул умумий таълим олиш гарантия қилинади.

Ўз ватани ва революция ғалабаларини ҳимоя қилиш учун маълум ёшга етган барча эркак гражданини ҳарбий хизматга олиш мажбурий эканлиги белгиланади.

Конституциянинг иккинчи бобида Марказий ҳокимият ташкил этиш, ўлканинг олий ҳокимияти — қурултой тўғрисида низом ҳамда қонунлар чиқарувчи олий орган, формойиш чиқарувчи ва назорат қилувчи республика органи — Хоразм Марказий Ижроия Комитети тўғрисида. Хоразм Марказий Ижроия Комитети иш бошқарувчиси, нозирликлар ва Иқтисодий Совет таъсис этиш тўғрисида масалалар ишлаб чиқилди.

Маида миллатлар ўртасида нормал муносабатлар ўрнатиш ва миллий сиёсатни амалга ошириш учун Хоразм Марказий Ижроия Комитети ҳузурида миллий бўлимлар, чунончи туркман, қозоқ ва қорақалпоқ бўлимлари ташкил этилиши кўзда тутилди.

Съезд, Хоразм Советлар съезди ва Хоразм Марказий Ижроия Комитетининг ҳуқуқлари, вазифалари ва ўзаро муносабатларини аниқ белгилаб берди: жойларда Совет ҳокимияти ташкилотларини тузиш тартибини ишлаб чиқди. Актив ва пассив сайлов ҳуқуқи белгилан-

ди, қандай аҳоли актив ёки пассив сайлов ҳуқуқига эга эканлиги аниқ кўрсатилди.

Сайлов тартиби ва давлат бюджети масалалари ишлаб чиқилди. Хоразм ССРнинг герби ва байроғи белгиланди.<sup>1</sup>

Биринчи Хива конституцияси — ишлаб чиқариш во-ситаларининг ва фабрика- заводларнинг хусусий мулк-чилигини сақлаб қолди, буржуазия ва руҳонийлар пас-сив сайлов ҳуқуқига эга бўлдилар. Республиканинг ўз пули, солиқ системаси ва суди бор эди. Буларнинг ҳаммаси туфайли Хоразмда Совет Халқ Республикаси тузилишига имкон берди.

Қурултой РСФСРнинг Хоразмдаги Фавқулодда ва-килининг қатнашуви билан ўз ишини бир неча кун да-вом эттирди. Қурултой охирида ҳукумат нозирлар сове-ти, нозирлар ва уларнинг ўринбосарлари сайланди. Но-зирлар ва ўринбосарларининг бир қисми туркманлардан бўлди. Нозирлар Советининг раиси қилиб Полвон Ниёз Хожи Юсунов (ёш хивалик) сайланди. Нозирлардан 11 киши ўзбек, 4 киши туркман (Қўш Мамед, Бахши, Ғу-лом Али ва Жон Мамедов туркман уруғ ва қабилала-рининг сардорларидан) эди<sup>2</sup>. Ўзбекларнинг кўпчилиги ёш хиваликлар эди.

Ҳукумат аъзоларининг кўпчилиги атоқли ўзбек бойлари, катта савдогарлар, пахтафурушлар, жун ва саксаулфурушлар, саррофлар эди. Ҳукумат составига ўтган ўзбеклар ва туркманлар аҳил ишламадилар, эс-ки адоват сақланиб қолди, ўзбек буржуазиясининг туркман сардорлари билан ғаразгўйликлари янада чи-галлашиб кетди.

Хоразм Совет Халқ Республикаси ўлжанинг ички шароитлари жиҳатидан қуйидаги алоҳида хусусиятлар-га эга эди:

1. Биринчи қурултойда халқ вакиллари сайланган пайтда Хоразм хонлигининг аҳолиси олти ижтимоий гурппага бўлинарди. Масалан:

а. Оқсуяклар — хўжалар (5 процент), яъни Хива ре-волюциясига қадар бўлган хон саройи аҳллари, катта мансабдорлар ва амалдорлар. Кўпчилик амалдорлар

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, Хоразм Марказий Ижроия Комитети, оп. 1, д. 45, 25—29-варақлар.

<sup>2</sup> Уша жойда.

революциядан кейин ҳам ўз мавқеини йўқотмади, даромадлари ер сувлари ва қўрғонлари сақланиб қолди.

б. Руҳонийлар (3 процент) — мачит имомлари, мактаб домлалари ва судьялар (қозилар). Уларнинг бир қисми кўпгина вақф ерларига эга бўлиб, аҳолидан ҳам анча нарсалар оларди. Руҳонийларнинг ҳаммаси аҳоли ўртасида катта эътиборга эга эди.

в. Олиб сотарлар (йирик савдогарлар ва майда чайқовчилар 2 процентча) икки группага, яъни савдогарлар группаси ва чайқовчилар группасига бўлинарди. Савдогарлар группаси Хиванинг қўшни давлатлар билан қилган савдоси туфайли вужудга келди. Россия билан савдо айтиқса катта миқёсда олиб борилди ва бутун ўлка хўжалигида ҳал қилувчи роль ўйнади. Катта ва майда чайқовчилар кўпинча ички савдо билан, яъни уларда кенг авж олган чакана савдо билан шуғулландилар.

г. Шаҳар ҳунармандлари (10 процентгача), булар Хива хўжалигининг қулай шароитида меҳнат қилиб кун кўрардилар. 1914 йил уруши уларга унча таъсир этмади, фабрика- завод саноати суст ривожланди ва ҳунармандлар ишига халақит бермади.

д. Пролетариат умумий аҳолининг атиги 5 процентини ташкил этарди. Улар икки қисмдан: фабрика- завод ишчилари группасига ва ҳунармандчилик мастерскойлари ва савдогарлар қўлида ишлаган ишчилар группасидан иборат эди. Фабрика- завод ишчилари группаси эса аранг бир неча юз кишига етарди.

е. Деҳқонлар аҳолининг учдан икки қисмини ташкил этди. Уларнинг ярми 2-3 танюб (десятинанинг учдан бири ва ярми) ерга эга бўлиб, 11 процент деҳқон ерсиз эди.

2. Юқорида келтирилган мисолларга мувофиқ, Хоразм республикаси ўрта асрчилик қолдиқлари сақланган аграр ўлка эди, бу ерда капитализмдан илгариги давр хўжалик формалари ва феодал-патриархал муносабатлар устунлик қиларди. Саноат суст ривожланган ва бунда техникаси қолақ бир неча пахта ва кўн заводларигина бор эди, бу саноатни ҳам Жуноидхон вайрон қилиб кетганди.

Мавжуд бир неча заводдагина ишлаган оз сонли ишчилар ўртасида ҳам пролетар ғояси уйғонмаган ва улар синфий моҳиятларни яхши тушуниб етмаган, ўлкада камчиликни ташкил этган ишчилар бўлаётган

воқеаларга у қадар таъсир ўтказолмас эдилар. Хусусий ҳунармандлар қўлида ишлаган ишчилар ва хизматчилар тарқоқ ҳолда бўлиб, фабрика- завод ишчиларига нисбатан сиёсий онглари ҳам анча паст эди. Шунинг учун ҳам Хивада аҳолини уюштириш ташаббусини ўз қўлига оладиган, халқни етаклайдиган ва революцияга раҳбарлик қилоладиган ишчилар синфи йўқ эди.

3. 1920 йил апрель ойида пайдо бўлган Хива Коммунистик партияси ҳали кучсиз, сон жиҳатидан оз, революцион кураш тажрибасига эга эмасди. Революцияни ҳаракатга келтирадиган куч, феодаллар томонидан қаттиқ эзилган ва ўлка аҳолисининг асосий қисмини ташкил этган деҳқонлардан иборат эди. Уларга завод ишчилари ва ҳунармандлар қўшалди. Шунинг учун бу революция халқ революцияси бўлди, республика ҳам Совет Халқ Республикаси деб аталди.

4. Хивада давлатни мустақил бошқаришга қобилиятли ишчи-деҳқон кадрлари тайёрланмаган эди.

5. Ўлка аҳолисининг миллий ва социал жиҳатдан ҳар хил бўлиши Хиванинг сиёсий тузумига кўп жиҳатдан таъсир этди. Хон сулолаларидан сиёсий ва иқтисодий мавқеини сақлаб қолган кўпгина зодагонлар ва савдогарлар, руҳонийлар, қозилар ҳамда бошқа «собиқ мансабдорлар» ҳали ҳам ўз айтганларини рўёбга чиқарардилар. Ҳунармандларда хусусий мулкчилик кайфияти кучли эди.

Бундай хилма-хиллик Хоразмдаги сиёсий тузумга ва биринчи тузилган ҳукумат составига таъсир этди. Ҳукуматга ҳар хил социал группаларнинг вакиллари кирди ва ҳукумат сиёсатига таъсирини ўтказди.

Содир бўлган бу вазиятда ҳукумат катта сиёсий вазифаларни ҳал қилишга ва асосий ислохотларни амалга оширишга қобилиятли эмасди, шунинг учун Совет Россиясининг берган ёрдами унча натижа беролмади.

Барча бошқа проблемаларнинг асоси ҳисобланган миллий масала кескинлашди ва бу ҳол ҳукумат аъзоларининг группаларга бўлиниб кетишига сабаб бўлди. Ўзбеклар туркманлар билан ҳамкорлик қилишдан бош тортдилар, туркман қабила бошлиқлари эса ҳукумат ишига қатнашмадилар.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, Хоразмда Совет қурилиши, том II, дело 1, 1—4-варақ.

Ер масаласи ва сувдан фойдаланиш тартиби миллий масалага боғлиқ эди. Ўзбеклар канал ва ариқ бошларида туриб олиб, туркманларга ўз таъсирларини ўтказдилар, ўз ариқларини тозалашларига йўл қўймадилар. Ўзбеклар ўрнатган сув режими илгари туркманлар учун унча аҳамияти йўқ эди, аммо 1916 йилда Етисув қўзғолонидан кейин қирғиз ва қозоқлар Хива томонларига кўчиб келиб, бўш ётган яйловларни эгалладилар. Туркманларнинг аҳволи оғирлашди. Сув етишмаганидан экин майдони камайди, бекор ётган яйловларни бошқалар эгаллаб олди. Очлик ва ўлим хавфи остида қолган туркманлар қўлларига қурол олиб, ўзларига нон талаб қилдилар. Туркманларнинг ўзбекларга нисбатан пайдо бўлган адоватидан Жуноид фойдаланиб қолди. Бу ихтилофни, қуролли кураш ва ҳужумларни бостириш учун фақат сувни тўғри тақсим қилиш, янги каналлар қазиб, умумий экин майдонларини кўпайтириш керак эди.

Кучайиб борган хавфни бартараф қилиш учун Хоразм ҳукумати бирор иш қилмади, эски ихтилоф манбаи сақланиб қолди. Ҳукумат туркманлар ҳужумини кутиб турди ва фақат ўзбеклардан пиёда аскарлар батальони ва отлиқ полкдан иборат мунтазам армия тузди. Бу қўшин миллий тус олди ва туркманларни ўзига қарши қилиб қўйди. Ҳукумат составидаги ёш хиваликлар хоннинг собиқ навкарларидан 1000 га яқин кишини ўз томонига тортди.

Улкада сиёсий вазият кескинлашиб қолган бир пайтда янги тузилган Хоразм ҳукумати қурултойдан кейин амалий иш бошлаши керак эди.

Бу ҳукумат ҳам ер масаласини ҳал қилолмади, вақф ерлари руҳонийлар қўлида қолаверди, солиқлар камаймади, балки оширилди.

Қурултойнинг халқ маорифи масаласи юзасидан чиқарган қарори яхши натижа берди. Маориф ходмалари кадрлари тайёрлаш, уларнинг гоёвий-сиёсий ва маданий савиясини ошириш, катталар учун мактаблар очиш, уларни дарсликлар билан таъминлаш масаласига катта эътибор берилди.

Янги тузилган Хоразм ҳукумати бир қанча камчиликларга йўл қўйган бўлса ҳам амалда катта ишлар қилди.

Хивада Совет ҳукумати тузилиши Коммунистик Ин-

тернационалнинг II конгрессида Ленин айтган қуйидаги сўзларини тасдиқлади:

«Совет ташкилоти идеяси тушунарлидир, шунинг учун бу идеяни фақат пролетар муносабатларидагина эмас, балки деҳқон феодал ва ярим феодал муносабатларига ҳам тадбиқ қилиш мумкин».<sup>1</sup>

Ленин қолоқ деҳқон мамлакатларда бемалол Советларни тузиш мумкин ва тузилиши керак, деган эди. Ленин давлат қурилишининг бу формасини деҳқонларнинг феодализм қолдиқлари ва қолоқликка қарши курашда фойдаланадиган кучли қуроли, ижтимоий ва сиёсий ҳаётни қайта қуришда социализмга кўчиш даври деб ҳисоблади. Хива революцияси ҳам Бухоро революциясидек Ленин таълимотининг тўғри эканлигини тасдиқлади. Ленин VIII Бутунроссия Советлар съезидаги нутқида бундай кўрсатиб ўтди:

«Уртоқлар, мен шунини ҳам айтиб ўтишим лозимки, Шарқда бизнинг сиёсатимиз шу йил ичида жуда катта ютуқларга эга бўлди. Биз Бухоро, Озарбайжон ва Армения Совет республикаларининг тузилганлиги ва мустақамланганлигини ва бу республикаларнинг ўз-мустақиллигини тўла тиклаш билан чекланиб қолмасдан, шу билан бирга ишчи ва деҳқон уларда ҳокимиятни ўз қўлларига олганлигини ҳам табриклашимиз лозим. Бу республикалар Совет ҳокимияти идеялари ва принципларининг ҳаммага тушунарли эканлигини, фақат санат жиҳатидан ривожланган мамлакатлардагина эмас, фақат пролетариат сингари социал таянчи бўлган мамлакатлардагина эмас, балки шу билан бирга деҳқонлардан иборат асосга эга бўлган мамлакатларда ҳам тезлик билан амалга оширилиши мумкин эканлигини кўрсатадиган ва тасдиқлаб берадиган далилдир. Деҳқон Советлари идеяси ғолиб келди. Деҳқонлар қўлида ҳокимият таъмин қилинди; ер, ишлаб чиқариш воситалари шу деҳқонлар қўлидадир. Сиёсатимизнинг амалий натижалари деҳқон-совет республикаларининг Россия Социалистик республикаси билан дўстона муносабатларини ҳозирдаёқ мустақамлаб берди».<sup>2</sup>

Ана шундай бир шароитда, 1920 йил 1 майдан бошлаб биринчи Хоразм ҳукумати ўз ишини бошлади.

<sup>1</sup> В. И. Ленин, Асарлар, 31-том, 245-бет.

<sup>2</sup> В. И. Ленин, Асарлар, 31-том, 245-бет.

1920 йил июнь ойида Хоразм ҳукумати Хоразм республикасининг сиёсий-иқтисодий қурилишига доир масалаларни ҳал қилиш учун Москвага делегация юборди.

Бу делегация аъзолари қурултойда сайланган эди.

Делегация 19 июнда Тошкентга жўнади. Делегацияни Совет ҳокимияти ва ҳарбий қўмондонлик вакиллари Тошкент вокзалида тантанали равишда кутиб олишди. Июлда делегация Москвага жўнади ва 13 сентябрда Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси билан Хоразм Совет Халқ Республикаси ўртасида Иттифоқ шартномаси тузилди. Шартноманинг 1-моддасида бундай дейилади:

«РСФСР барча халқларнинг ўз тақдирларини ўзлари эркин белгилаш ҳуқуқи ҳамда собиқ Хива хонлиги ва унинг меҳнаткашларини эксплуатация қилган ва эзган собиқ Россия ҳукуматларининг мустамлакачилик сиёсатидан воз кечганлиги эълон қилингани туфайли Россия Хоразм Совет Халқ Республикасининг тўла мустақиллигини ва бу мустақилликнинг барча оқибатларини сўзсиз эътироф қилади, ҳамда Россия меҳнаткашлари ўз олдиларига қўйган шиорларни амалга ошириш учун илгариги Россия ҳукуматларининг Хоразм республикасига нисбатан белгиланган барча ҳуқуқлардан абадий воз кечади».<sup>1</sup>

Бу шартнома асосида илгари собиқ Россия ҳукумати, унинг органлари ҳамда собиқ Хива хонлиги ўртасида тузилган барча шартнома ва битимлар ўз кучини йўқотган деб ҳисобланди.

Шартномага мувофиқ, Россия республикаси ва давлат муассасаларига қарашли бўлган ер-сувлар, шаҳар участкалари, иморатлар, заводлар ва фабрикалар Хоразм республикасининг мулки бўлиб қолди. Шу муносабат билан, собиқ Хива хони томонидан Россия гражданига жамият ва муассасаларига берилган барча концессиялар ва ҳуқуқлар бекор қилинди. Илгари Россия граждани ва жамиятлари ихтиёрида бўлган ҳамма корхоналар (банклар, заводлар, фабрикалар ва ҳоказо),

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, ф. Хоразм Марказий Ижроия Комитети, № 71, оп. 1, д. 44, 26 — 30-варақлар.

шунингдек бу корхоналардаги мол-мулк ва асбоб-ускуна Хоразм республикасининг мулкига айланди.

Сўнгра ирригация қурилишлари, йўл ва алоқа воситаларидан фойдаланиш тартиби ўрнатилди. Россия билан Хоразм республикаси чегараси белгиланди, агар аҳоли ўз хоҳишини билдирса, Амударёнинг ўнг томони, яъни Амударё бўлимини ҳам Хоразм республикасига қайтариб бериш эҳтимоли борлиги илова қилинди. Чегарадати дарёлар, каналлар ва кўлларда кемачилик, балиқ овлаш ва юк ташиш ҳуқуқи белгиланди.

Шартномада барча иттифоқчи республикаларнинг мустақкам қардошлиги кўзда тутилди, ўз территориясида Совет республикасига қарши бўлган бошқа бирор ҳукумат ташкилотлари, группалари ва айрим шахсларнинг пайдо бўлишларига ва тил бириктиришларига, душман ҳукуматлар армиялари составига одам олишга йўл қўймасликка мажбур этди.

Шартнома иккала республиканинг ҳам хўжалигини ривожлантиришдаги умумий манфаатдорликни қайд қилди ва иқтисодий битим тузишни кўзда тутди. Бу битимда Россиянинг Хоразм республикасига техника ёрдамини ва зарур бўлган тақдирда бошқа ёрдамлар ҳам бериш, ҳукумат ташкилотлари орқали, хусусий кишиларни аралаштирмай ва фойда олмай савдо қилишни уюштириш каби масалалар ҳал қилиниши лозим эди.

Шартнома охирида, иккала республиканинг бир-бирларига тўла ҳуқуқли элчилар юбориши кўзда тутилди<sup>1</sup>.

РСФСР билан Хоразм республикаси ўртасида тузилган иттифоқ шартномаси асосида тўғри товар оборотини уюштириш учун иқтисодий битим тузилди.

Товар ташқи савдо ишлари билан шуғулланадиган давлат органлари орқали айирбош қилиниши лозим эди ва иккала томоннинг бир-бирларига ёрдам беришлари принципига асосланди.

Хоразм республикаси ҳукумати Россия республикасида мавжуд ўзи учун зарур бўлган товарларни олиш тўғрисида РСФСР хорижий савдо комиссарлигига маълум қилиши керак эди. Бу товарлар мавжуд запасларга

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, ф. Хоразм Марказий Ижроия Комитети, № 71, оп. 1, д. 44, 26—30-варақлар.



ва Россиянинг ўз эҳтиёжларига қараб йиллик хўжалик планига мувофиқ юборилиши кўзда тутилди.

Хоразм ҳукумати ўз эҳтиёжлари учун зарур бўлган миқдорда хом ашё запасларини қолдириб, қолган ҳаммасини Россия республикаси ихтиёрига топширди. Бу хом ашё маҳсулотлари қаторига — пахта ва пахтадан тайёрланган маҳсулотлар, мўйна, гиламлар, тери, жун ва уруғлик материаллари кирди. Бундай хом ашёни йиғиб олиш учун тайёрлов аппарати ташкил қилиниши, хорижий савдо эса давлат монополияси бўлмоғи лозим эди.

Товар оборотини осонлаштириш учун Россия республикасининг РСФСР хорижий савдо комиссарияти билан Хоразм республикасидаги тегишли нозирлик ўртасида тузилган битимга мувофиқ пул аванси бериши кўзда тутилди. Хом ашёни ишлаб чиқарувчилар билан товар айирбошлаш ишлари кооперация, деҳқонлар союзи, ҳунармандлар союзи, қишлоқ жамиятлари орқали амалга оширилиши, бу ишдан савдогарларнинг бутунлай четлаштирилиши кўзда тутилди.

Шунингдек, ягона бухгалтерия ҳисоби юргизиш, оғборлар ташкил этиш, йил охирида ҳисоб-китоб қилиш кўзда тутилди.

1920 йил 13 сентябрда имзоланган бу шартнома асосида РСФСР ва Хоразм республикалари ўртасида қўшимча ҳарбий-сиёсий битим тузилди. Бу битимга мувофиқ иккала томон ҳам империалистик душман кучларига ҳамда маҳаллий контрреволюцион отряд ва гуруҳларга қарши курашда ўзаро ёрдам бериш мажбуриятини олди. Бундай ҳамкорлик РСФСРга ёки Хоразм республикасига қарши бирор чет давлат уруш бошлаган тақдирда, амалга оширилиши лозим эди.

Хоразм Қизил Армия тузиш мажбуриятини олди. Бунинг учун РСФСР жуда катта ёрдам берди, жумладан, тузиладиган қўшинларни ҳарбий инструкторлар билан таъминлаш, Хоразм аҳолисидан инструкторлар тайёрлаш, улар учун зарур бўлган ҳарбий-таъминот аппаратини тузиш ва армияни керакли кийим-кечак ва қурол-аслаҳа билан таъминлашда ёрдам бериш мажбуриятини олди.

Биргалашиб уруш ҳаракатларини олиб борган тақдирда ўзаро битимга мувофиқ умумий қўмондонлик ўрнатилиши лозим эди.

1920 йил 26 октябрда Хоразм республикаси нозирлар совети мажлисида иттифоқ шартномаси, иқтисодий битим, ҳарбий шартнома тасдиқланди<sup>1</sup>.

Уша йили ноябрь ойида РСФСРнинг Хоразм республикасидаги мухтор элчиси РСФСР Марказий Ижроия Комитетининг 1920 йил 20 октябрдаги мажлисида мазкур шартноманинг тасдиқлаганини нозирлар советига маълум қилди.<sup>2</sup>

Иттифоқ шартномаси, иқтисодий ва ҳарбий битимлар, Хоразм республикасининг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қулай шароит яратди. Хоразм РСФСРдан деҳқончилик асбоблари, товарлар, техника кадрлари олиши, шунингдек, техника таълими мактаблари, инструкторлар ва кооперация курслари ташкил этишда ёрдам олиши кўзда тутилди.

29 июнда Тошкентда тузилган иккинчи иқтисодий битимга мувофиқ, РСФСР ва Хоразм республикаси давлат ва хусусий савдо корхоналари ва хусусий савдогарлар орқали чекланмаган миқдорда савдо қилиши мумкин бўлди. РСФСР билан Хоразм Совет Халқ Республикаси ўртасидаги чегара тугатилди, товарлардан солиқ ва бошқа йиғим олиш бекор қилинди. Иккала республика ҳам ўз давлат савдо ташкилотларига ва хусусий савдогарларга магазин ва дўконлар очишга, мавжуд қонунларга мувофиқ маълум жойларда ва белгиланган муддатда бозорлар уюштиришга рухсат бердилар.

Хоразмга РСФСР ва бошқа давлатларнинг савдо ваколатхоналари қошида ўз савдо ваколатхоналарини очиш ҳуқуқи берилди. Бундай ваколатхоналар бўлмаган, лекин Хоразм учун савдо қилишга қулай жойларда РСФСР ҳукуматининг рухсати билан РСФСР мухтор ваколатхонаси раҳбарлигида ўз ваколатхоналарини очишга ижозат берилди.<sup>3</sup>

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, ф. Хоразм Марказий Ижроия Комитети, № 71, оп. 1, д. 6, 127-варақ.

<sup>2</sup> Уша жойда, оп. 1, д. 13, 97-варақ. 1920 йил, 10 ноябрда ёзилган 21-сон мактуб ва бу мажлисининг 48-сон протоколидан копия.

<sup>3</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, ф. 71, оп. 1, Хоразм Марказий Ижроия Комитети, д. 31, л. 135, 1922 йилда РСФСРнинг халқаро сиёсати. Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги нашри. М., 1923, 69-бет.

Бундай битимлар тузилгандан кейин иккала томон ҳам ички чегара соқчилигини тугатди.

Шу даврда РСФСР билан Хоразм республикаси ўртасида Россия-Хоразм давлат пахтачилик пайли шеркати ташкил этиш тўғрисида битим тузилди. Бу шеркат Хоразмда жойлашиб, деҳқонлардан пахта сотиб олиши, пахтачилик соҳасида агрономия тадбирлари кўриши, Хоразмнинг ҳар хил маҳаллий шароитларига мос чигит танлаш йўли билан ўлкада пахтачиликни ривожлантириши зарур. Шеркат ирригация иншоотларини яхшилаш ва қуришда, сувдан фойдаланишни ташкил этишда ҳар томонлама ёрдам бериши лозим эди.<sup>1</sup>

Дарҳақиқат бу шеркат Хоразмда агрономия тадбирларини амалга ошириш, янги пахта, ёғ ва совун заводларини, бошқа ёрдамчи корхоналарни қуришда, эски пахта заводларини тиклашда кўмаклашди, чунончи чет эллардан Хоразмга машиналар, асбоб-ускуналар келтирилди. Совет Россиясининг ёш Хоразм Совет Халқ Республикасига берган ёрдами бениҳоя катта бўлди.

### **ХОРАЗМ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНING TUZILISHI**

Хоразмда революция муваффақиятлари ва янада ривожланишга асосий сабаб — Хоразм Коммунистик партиясининг тузилганлиги ва самарали ишлари бўлди.

РКП(б) Хоразм халқига ҳар томонлама ёрдам берди, бунда — Хоразм Коммунистик партиясининг тузилиши айниқса катта аҳамиятга эгадир. Коммунистик партия тузилганига қадар Хива хонлигида меҳнаткашларнинг ҳеч қандай сиёсий партиялари ва ташкилотлари йўқ эди. 1918 йилда пайдо бўлган ёш хиваликлар ташкилотига йирик савдогарлар ва савдо билан шуғулланувчи ҳар хил кишилар аъзо эди.

Рус коммунистлари Хивада большевистик партия тузишда катта хизмат қилдилар. Хива хонлигининг кучли феодализм ва дин сарқитлари шароитида Коммунистик партия эзилган деҳқонлар оммасини ва сон жиҳатидан оз бўлган ҳунарманд ва ишчиларни феодал муносабатларга ва дин ҳукмронлигига қарши, капита-

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, ф. 71, оп. 1, Хоразм Марказий Ижроия Комитети, д. 31, л. 135, 1922 йилда РСФСРнинг халқаро сиёсати. Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги нашри. М. 1923, № 45, 102-варақ.

рига мувофиқ бутун Коммунистик партия билан биргаликда тараққий этиши лозим эди. Партия жойларда меҳнаткашларни маҳаллий ҳокимият органлари ишига тортишга, меҳнаткашлар ва Хоразм Қизил Армияси ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтиришга, ватанни ва меҳнаткаш деҳқонлар ҳуқуқини ҳимоя қилишга эътибор бериши лозим эди. Меҳнаткашлар оммаси ўртасида олиб бориладиган тарбиявий ишлар билан бирга меҳнаткашлар манфаати учун курашни амалда кўрсатиш, партия аъзоларининг оммавий меҳнат процессларига, хўжалик ҳаётини уюштириш, ирригация системасини тиклаш ва қуриш ишларига бевосита қатнашишлари талаб қилинди. Хўжалик ишларидан мақсад — пахтачиликни ривожлантириш, дарахт экиш, меҳнаткаш аҳолининг моддий аҳволини яхшилаш эди.

Коммунистик партия деҳқонлар оммаси ва ишчилар ўртасидаги ишга, уларнинг синфий манфаатларини тушунтириш ва онгини уйғотишга, Хоразм Совет Халқ ҳукуматини қўллаб-қувватлаш зарурлигига, умумий маданий савиясини ошириш ва ривожлантиришга, бўлаётган воқеаларни тўғри тушуниш, синфий кучларнинг жойланиши ва синфий душманларга қарши кураш формаларига катта эътибор берди.

Коммунистик партия шу ишларни 1921 йил декабрда, яъни 1-съезди чақирилгунгача давом эттирди.

1921 йил 10 декабрда Хоразм Коммунистик партиясининг 1-съезди очилди. Юқорида айтилганидек, 1920 йил апрелида тузилган Коммунистик партия 1-съезд олдидан 1200 аъзога эга эди. Партия етарли ривожланмаган ва суст ҳолда ўз съездига келди. Партия аъзолари қаторида буржуазия ва руҳонийларнинг вакиллари бўлгани сиёсий ишнинг савияси пастлиги ва хатоларга йўл қўйилганлиги айтиб ўтилган эди. Тайёрланган партия кадрлари жуда оз эди. Баъзан партия аъзолари партия йиғилишларида кундалик эҳтиёж ва талабларга мутлақо алоқаси бўлмаган ҳар хил масалаларни муҳокама қилди, шунингдек, аъзоларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг нормал методларига риоя қилинмади.<sup>1</sup> Баъзи бир ташкилотларда партия йиғилишлари мунтазам ўтказилмади, партия аъзолари ўртасида қўнимсизлик, бир жой-

<sup>1</sup> Известия, 1921 йил, 26 август, № 21, «Партия ишларининг методлари тўғрисида».

дан иккинчи жойга кўчиб юриш ҳоллари бор эди, раҳбар кадрлар етишмасди. 1921 йил ёзидаёқ бу камчиликларни тугатиш учун ташкилий чоралар кўрилди. Ягона партия кунн белгиланди, баъзи ячейкаларга имконияти борича масъул ходимлар биркитилди, муҳокама қилинадиган масалалар юқори ташкилотлар томонидан белгиланди. Барча ячейка аъзоларининг доклад қилишлари, навбати билан раислик ва секретарлик вазифасини олиб бориш мажбурий қилиб қўйилди. Энг муҳим масалалар йиғилиш муҳокамасига қўйила бошлади. Масалан, мустамлакачилик, Шарқда совет сиёсатининг моҳияти, озиқ-овқат солиғини жорий қилиш зарурлиги, кооперациянинг товар айирбошлашдаги роли ва бошқа муҳим масалалар муҳокама қилинди. Шундай қилиб, Хоразм партия ташкилоти ўзининг биринчи съездига баъзи бир ютуқлар билан келди.

Қурултойнинг кун тартибида қуйидаги масалалар бор эди:

1. Маориф масаласи.
2. Миллий масала.
3. Партия қурилиши тўғрисида.
4. Ер-сув масаласи.
5. Жойлардан докладлар.
6. Навбатдаги масалалар.
7. Марказий Комитет аъзоларини сайлаш.

Қурултой бу масалаларнинг ҳаммасини муҳокама қилди ва тегишли қарорлар қабул қилди.<sup>1</sup> Қурултой Хоразм Коммунистик партияси Марказий Комитети бюросига халқ маорифини кучайтириш, саводсизликни тугатиш, партия аъзолари ҳамда аҳолининг маданий савиясини кўтариш тадбирларини белгилаш вазифаларини юкледи.

Қурултой миллий масала юзасидан қабул қилган қарориди туркманлар (ёмудлар) билан ўзбеклар ва бошқа миллатлар ўртасида миллий адоватни ҳамда ўзбеклар билан руслар ўртасида миллий низолар рўй берганини қайд қилди. Буржуа миллатчилари ва ёш хиваликлар яширин иш олиб бориб, ўзбек халқини русларга зид қилиб қўйдилар ва миллатчиликни кучайтирдилар. Миллатчиликка қарши кураш ва миллий масалани ҳал қи-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия архиви, ф. 361, ед. хр. № 11, 3-варақ.

лиш Хоразм Коммунистик партиясининг энг муҳим вази-  
фаси эди.

Қурултой ер-сув масаласи юзасидан чиқарган қаро-  
рида қуйи партия ташкилотлари, партия аъзо ва канди-  
датлари ҳамда барча меҳнаткашлар ўртасида меҳнат  
қилиш, ерга эга бўлиш ҳуқуқи тўғрисида, сувдан фойда-  
ланишни тартибга солиш зарурлиги тўғрисида тушун-  
тириш ишлари олиб боришлари керак, деб қайд қилди.

Қурултой партия қурилиши масаласи юзасидан кел-  
гуси ишлар тўғрисида тегишли кўрсатмалар берди.<sup>1</sup>

Марказий Комитетга 13 киши сайланди.<sup>2</sup>

Биринчи қурултой Хоразм Коммунистик партияси та-  
рихида катта аҳамиятга эгадир. Бу қурултойда Хоразм  
Коммунистик партияси ташкилий жиҳатдан расмийлаш-  
тирилди.

Қурултой РКП(б) Марказий Комитетининг кўрсат-  
малари ҳамда РКП(б) IX ва X съездлари қарорлари  
асосида иш олиб борди.

Съезд марказда ва жойларда Хоразм ҳукуматини  
қўллаб-қувватлаш тўғрисида қарор чиқарди. Съезд ўз  
аъзоларининг маданий савиясини кўтариш ва ҳалол  
меҳнат қилиш зарурлигини қайд қилиб ўтди. Съездда  
программа лойиҳаси тасдиқланди ва ўзбек тилида пар-  
тиянинг органи—«Инқилоб қуёши» газетасини нашр  
этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.<sup>3</sup>

Революциядан кейин Хоразмда Коммунистик Ёшлар  
Союзи ҳам пайдо бўлди. Бу ташкилот Коммунистик пар-  
тия тузилгандан кейин тез орада уюштирилди, аммо  
даставвал унинг фаолияти унча сезилмади. Чунки кадр-  
лар ва раҳбарлар етишмасди. Лекин бутун ўлкада, қиш-  
лоқ ва овулларда ёшлар союзлари ташкил қилинди,  
партия комитетлари инструктор ва агитаторларини юбор-  
дилар, шунга қарамай иш суст давом этди. 1920 йил ўр-  
таларида педагогика курсини тамомлаган ўқитувчилар  
бутун ўлка бўйича тақсим қилинди, улар маориф ходим-  
лари камчил жойларга юборилди.<sup>4</sup> Ўқитувчилар жой-

<sup>1</sup> Бу масала тўғрисида доклад стенограммаси ва резолюция  
ҳали топилгани йўқ.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги  
партия архиви, ф. 361, ед хр. № 11, 3-варақ.

<sup>3</sup> Виноградов А. Хоразм Совет Халқ Республика-  
си. «Жизнь национальностей» журнали, 1923 йил, январь.

<sup>4</sup> «Набат революции» газетаси, 1920, 4 июль.

ларда Хоразм Коммунистик Ёшлар Союзи (ХКЕС) ишини йўлга қўйишда анча катта роль ўйнадилар.

1921 йил 27 июнда Хоразм республикаси революцион Ёшлар Союзининг I-съезди очилди. Кун тартибига икки масала — ташкилий вазифалар ва ёшларнинг сиёсий-маориф соҳасидаги вазифалари қўйилди.<sup>1</sup>

Комсомоллар ҳам нашриёт ишларини йўлга қўйиб, Хива газетасида «Ёшлар саҳифаси» чиқара бошладилар, ўз союз органларини нашр этиб, кичкина агитацион хабарлар ва халқаро ҳаракат хроникаси чиқариб турдилар.

1921 йил январиди бутун Хоразм бўйича ҳаммаси бўлиб 7000 кишини ўз сафига бирлаштирган 22 комсомол ташкилоти бор эди.<sup>2</sup>

Уша йили июль ойида Москвада Коммунистик Ёшлар Интернационалининг 2-съезди бўлиб ўтди. Съездга босиб ўтилган йўлни ҳамкорликда кўриб чиқиш, келгуси ишлар планини тузиш ва ўз кучларини ҳисобга олиш мақсадида, ҳар томондан ёшлар отрядларининг вакиллари келдилар.

Шу пайтда Хоразм Коммунистик Ёшлар Союзи кризисга учради ва анча ўзгаришлар даврини кечирди, союзнинг иши ётиб қолди, кўпгина ташкилотлар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетди, союз ташкилий мустақиллигини йўқотди. Аммо бу ҳол узоқ давом этмади, ёшлар тарбиясининг чуқур томирлари сақланиб қолди ва союз яна тикланди. Ёшлар Хоразм комсомолининг съездида зўр ғайрат билан ташкилий тайёргарлик кўра бошладилар.<sup>3</sup> Шу муносабат билан ёшлар ўртасида сиёсий ишлар анча жонланди.

## ХОРАЗМ РЕСПУБЛИКАСИДА ХҲЖАЛИК ҚУРИЛИШИ

Ўлкада вайронгарчилик юз берган бир пайтда янги ҳукумат ҳокимият тепасига ўтди ва хўжаликни тиклаш ишлари оғир шароитда олиб борилди. Бир неча йил давом этган биринчи жаҳон уруши даврида Хоразм хў

<sup>1</sup> «Набатреволюции» газетаси (Закаспий fronti органи). 1920 йил, 4 июль.

<sup>2</sup> Известия, 1921 йил, 19 январь, № 13, «В странах Востока», «Хорезмская республика».

<sup>3</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, ф. 71, Хоразм Марказий Ижроия Комитети, оп. 1, д. 6, 130—131-варақлар.

жалиги инқирозга юз ўгирди, барбод бўлди. Қишлоқ аҳолиси 25 процент, хўжаликлар 27 процент, деҳқончилик маҳсулоти эса 30 процент камайди, урушдан аввал катта даромад келтирган пахтачилик айниқса барбод бўлди. Совет Россияси билан савдо алоқасининг узилганлиги Хоразмнинг хўжалик ҳаётини анча ўзгартирди, пахта майдони қисқарди. Аграр масала тез ҳал қилинмади.

Ўлкада аста-секин ер ислоҳоти бошланди. Дастлаб хонга қарашли ерлар армияда хизмат қилиб турган қизил аскарлар оилаларига (2,5 танобдан) ва оз ерли ҳамда ерсиз деҳқонларга (икки танобдан 10 танобгача) тақсимлаб берилди. Ҳазорасп районида ва Питнакда қозоқларга ер ажратилди.

Бироқ, ер ислоҳоти охиригача давом эттирилмади, ердан фойдаланиш масалалари тартибга солинмади. Хонга қарашли ерларни ижарага бериш тартиби яна сақланиб қолди. Аҳолиси кўп районларда ер оз бўлиб, уни ишлаш оғир эди. Тахминий ҳисобларга қараганда, Амударё этагидаги ерлардан бошқа, Хоразмда тахминан 500 минг десятина экин экиладиган ер бўлса ҳам, уларнинг анчаси ишланмай ташлаб қўйилган эди.

Бош ирригация бошқармаси тузилганга қадар канал ва ариқлар фақат баҳорда бир марта тозаланарди. 1921 йилда ирригация бошқармаси йилига икки марта келадиган тошқиндан экинларни сақлаш учун қилинадиган ишларни кузда уюштирди. Тўғонлар тикланди ва ишлар тартибга солинди. Ҳазораспдан Хўжайлигача Амударё бўйлаб 120 чақирим масофадаги тўғонлар ремонт қилинди ва баланд кўтарилди. Полвои ариқ ва Ғазовот тўғонлари тузатилди, Шоҳободнинг икки қирғоғи бўйлаб 18 чақирим масофага янги дамба қурилди, барча ариқларнинг бош тўғонлари ремонт қилинди ва мустаҳкамланди. Бу ишларнинг ҳаммасида 45 минг киши иштирок этди, 410 минг аш куни сарфланди.<sup>1</sup>

Канал қуриш ирригация бошқармасининг энг муҳим ишларидан бири ҳисобланарди. Бу канал тошқиндан зиён кўрадиган райондаги ҳамма кўлларни бирлаштириши, сувга жуда танқис бўлган туркман ерларига сув олиб ўтиши керак эди.

Булардан ташқари ирригация бошқармаси тўртта те-

<sup>1</sup> Бош ирригация бошқармасининг ўз иш давридаги фаолияти ҳақида доклади, 2-бет.



мир кўприк қурди. Бу кўприкларнинг негизи 1912 йилдаёқ қурилган, аммо кўприклар битмаган эди.

Ёр ишлари нозир ва унинг ўринбосари бошчилигидаги ёр ишлари нозирлиги деҳқончилик ва сув хўжалигига раҳбарлик қилди, ёр-сув масалаларидаги сиёсатни амалга оширди.

Аграр сиёсатни амалга ошириш учун ердан фойдаланиш масалаларини тартибга солиш лозим эди, аммо ўша вақтда Хоразмда бу ишларни бажарадиган мутахассислар бўлмади.

Нозирлик Иқтисодий совет раҳбарлигида ишлади, лекин бу совет ўлканинг қишлоқ хўжалиги аҳволига унча қизиқмади.<sup>1</sup>

Хоразм халқининг турмушини яхшилаш учун энг зарур нарса — пахтачиликни ва пахта саноатини оёққа бостириш лозим эди. Пахтачилик ва пахта саноатига доир барча масалаларни ҳал қилиш ҳамда раҳбарликни амалга ошириш 1921 йил июнь ойида тузилган Пахта бюросига юклатилди. Бу бюро мусодара қилинган барча заводларни РСФСРнинг Туркистондаги Пахта бюросидан қабул қилиб олиши, 1921 йилги пахта ҳосилини тердириб, харид қилиб олиши, пахтакор деҳқонлар кооперациясига раҳбарлик қилиши лозим эди, чунки кооперация ташкилоти бу ишларга тайёргарлик кўрмасди. Атиги тўрт кишидан иборат бу бюро йиғим-терим ишларини уюштириб, 200 минг пуд пахта тайёрлади. Бу эса тинч ҳаёт шароитида етиштирилган биринчи пахта ҳосили бўлди. Кейинчалик бир пахта заводи ремонт қилинди. Асбоб-ускуна, материал ва запас қисмлар етишмаганидан заводни тўла ва нормал ремонт қилиб бўлмади. Янги Урганчдаги пахта заводи бошқа заводлардан, шу жумладан, Бакаловлар заводидан келтирилган асбоб-ускуна билан ремонт қилинди.

200 минг пуд пахтани тозалаш учун ёнилғи жуда озлик қиларди, пахтани той қилиш учун ишлатиладиган сурп эса 40.000 газ бўлиб, бу ерда тайёрланган ҳамма пахтани тозалаш ва тойлаш учун етмасди. Шу сабабли биринчи мавсумнинг пахтасини тайёрлаш узоқ вақтга чўзилди.

РСФСР мухтор элчихонасининг ёрдами билан кооперация деҳқонларни бирлаштирди ва уларга ёрдам берди.

<sup>1</sup> Известия, 1921, 17 август, № 17, «Слона то неприметил» и Известия 1921, 31 август, № 23, «Большое внимание земледелию».

Ғажрибали кооператив ходимларнинг йўқлиги ишга ҳалал берди.

Хоразм билан Россия ўртасида товар обороти азалдан катта роль ўйнаб келди ва Россия билан қилинган олди-сотти бора-бора бошқа мамлакатлар билан қилинаётган савдони орқада қолдирди. Иттифоқ шартномаси ва иқтисодий битим иккала мамлакатнинг хўжалиги ва маданиятини ривожлантиришга ёрдам берди, аммо Хоразмнинг Россиядан ажралиб қолганлиги, темир йўлининг йўқлиги ва Амударё кемачилигининг ётиб қолганлиги бу мамлакатларнинг савдо алоқаларига тўсқинлик қилди.

1916—1922 йилларда чет мамлакатларга сотиладиган маҳсулотларнинг анча кам ишлаб чиқарилганлиги деҳқонларнинг аҳволига таъсир этди. Улар пахта етиштириш ўрнига донли экинларни кўпайтирдилар. Ғалла кўп етиштирилди, бошқа жойларга олиб боришга қулай йўллар бўлмагани учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархи тушиб, саноат маҳсулотларининг нархи ошди. Деҳқонлар Хоразм бозорларида чет мамлакатларга юбориладиган хом ашёнинг (тери, жун ва беда уруғи) нархини ошира бошладилар. Ғалланинг нархи эса урушдан илгариги даражага нисбатан ҳам анча камайиб кетди.

Ўлка хўжалигида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 80 процентни, ҳунармандчилик саноати маҳсулотлари 20 процентни ташкил этди. Қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги товар алмашиш бараварлашмади.

Ўлка хўжалигининг ривожланиши Хоразм қишлоқ хўжалиги билан ҳунармандлар саноати ва Россиядаги фабрика- завод саноати ўртасида алоқа боғланишни талаб этарди.

Давлат ва кооператив савдосининг оборот маблағлари кам бўлгани учун уларнинг қилган савдоси у қадар аҳамиятга эга эмасди. Ўлкадаги савдо оборотининг 90 проценти хусусий капитал қўлида бўлиб, савдо оборотида стихияни вужудга келтирди. Шундай бир шароитда савдо сиёсати товар оборотини кучайтиришга ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилиши керак эди. Бунинг учун қишлоқ хўжалик кооперацияси ташкил қилиш ва деҳқонларга қарз беришни кўзда тутиши лозим эди. Кооперация иши икки томонлама олиб борилиши, яъни деҳқончиликни йўлга қўйиш учун қарз бериши ва матлубот кооперацияси шоҳобчаси уюштирилиши керак. Давлат ва кооператив савдоси ташкилотлари четдан мол

келтириш ва уни ўлкада мақсадга мувофиқ тақсим қилиши лозим. Давлат савдоси кооперацияни ривожлантириш, солиқ тўлашдаги имтиёзлар эса хусусий капиталга қарши кураш ва бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлашни осонлаштириши зарур. Савдо системасидаги муваффақиятлар Халқ Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашга ва Хоразм деҳқонларини Россия саноати билан янада яқинроқ боғланишига ёрдам бермоғи керак.<sup>1</sup>

Совет ҳукумати Хоразм хўжалиги ва маданиятини ривожлантириш учун ҳар томонлама ёрдам берди. Хоразмга мутахассислар, агрономлар, машиналар юборилди.

Солиқ сиёсати ўзгартирилди ва 1921 йил ёзидан бошлаб барча экинларнинг ўндан бир ҳосили миқдорда озиқ-овқат солиғи олиш жорий қилинди. Аммо солиқ йиғадиган аппаратнинг яхши ташкил қилинмаганлиги ва бошқа сабаблар ўз вақтида ҳисобга олинмади, солиқ сиёсати амалга оширилмади, солиқ жуда оз олинди ва секин йиғилди.

Озиқ-овқат солиғи иккинчи қурултойнинг қарори билан белгиланди, қурултой тегишли нормаларни белгилаб берди, аммо ифвогарлар қурултойнинг янги солиқ сиёсатини амалга ошириш ҳақида чиқарган қарорини синфий ёт унсурларга шипшитиб қўйдилар, ифвогарлар ва синфий ёт унсурлар янги солиқдан зарар кўрдилар, улар солиқ тўлашга қарши ташвиқот юргиздилар. Аҳолини солиқ тўлашдан бош тортишга чақирдилар. Хоразм республикаси Марказий Ижроия Комитети ўлка меҳнаткашларига қарата махсус хитобнома чиқариб, солиқ сиёсати ишчи ва деҳқонлар турмушини яхшилашни кўзда тутганини тушунтирди. Бу хитобномада солиқнинг ўзгартирилган ставкалари ҳамда уни тўлаш муддати кўрсатилди. Марказий Ижроия Комитети ифвогарлар ва ҳукуматга қарши ташвиқот қилувчиларга қарши кураш олиб бориш учун ундай кишиларни суд жавобгарлигига тортилашини таъкидлади. Хитобнома солиқ йиғишдан мақсад нима эканини аҳолига аниқ тушунтириб ўтди.<sup>2</sup>

Ўлканинг иқтисодий аҳволи аста-аста яхшиланди, хў-

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, Хоразм Марказий Ижроия Комитети, оп. 1, д. 45, 85—86-варақлар ва «Известия» газетаси, 1921 йил, 22 июль, № 71.

<sup>2</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, ф. 71, Хоразм Марказий Ижроия Комитети, оп. 1, д. 45, 85—86-варақлар ва «Известия», 1921 йил, 20 июль, № 71 «К натуралогу».

жалиқ тиклана борди, аммо саноат тез яратилмади. Саноат умуман сустривожланди, кейинги йилларда эса яна орқага кетди. Революциядан кейин заводлар мусодара қилинди, аммо дастлабки даврда тезроқ ишга солинмади.

Хоразм ҳаётидаги энг оғир масала туркманларнинг моддий аҳволи эди. Туркманлардан масъул ходимлар бўлмагани сабабли давлат органлари улар ўртасида ердан фойдаланиш ишларини тез орада йўлга қўя олмадилар. Туркманлар маданий жиҳатдан қолақ эди, бу қолақликни тугатиш учун маориф органлари ҳеч қандай иш қилолмадилар. Туркманлар учун бирорта мактаб очилмади, оммавий-оқартув ишлари олиб борилмади. Аммо, бундай камчиликлардан қатъи назар, туркманларнинг кайфияти анча яхши эди. Ўз қишлоғига қайтиб келган аҳолининг турмуши оғир бўлди, маҳаллий органлар уларни жойлаштириш тўғрисида етарли ғамхўрлик қилмадилар. Лекин Совет ҳукумати туркманларнинг эҳтиёжлари ва талабларини қондириш масаласини тўғри ҳал қилиб бир мунча ютуқларга эришди.<sup>1</sup>

Хоразмда маориф соҳасидаги жиддий қадамлардан бири — умумий таълим жорий қилиниши ва саводсизликни тугатиш бўлди. 1921 йил 10 июлда Хоразм республикаси Марказий Ижроия Комитети биринчи Хоразм халқ университетини ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу университет ўқитувчи кадрлар тайёрлаш ва маданий қурилиш ходимлари тайёрлашда катта ёрдам бериши керак эди.<sup>2</sup>

1921 йил декабрда ерсиз ва кам ерли деҳқонларнинг биринчи съезди очилди. Бу эса Хоразм шароитида камбағалларнинг маданий ва ташкилий жиҳатдан анча ўсганлигини кўрсатадиган бир воқеа бўлди. Узоқ вақт давом этган зулм ва эксплуатациядан кейин камбағалларни ўз синфий манфаатлари учун курашга уюштириш ва уларда синфий онг уйғотиш жуда қийин бўлди. Аҳолининг бир-биридан узоқ ва якка-якка қўрғончаларда яшганлиги, маданиятнинг қолақлиги ташкилий ишларга кўнжиҳатдан халақит берди, аммо бу қийинчиликлар бартавраф қилинди. Биринчи съездгача Қўшчи союзининг 2,5 мингга яқин аъзоси бўлиб, улар съездга 34 вакил юбордилар. Съезднинг кун тартибига ўлканинг иқтисодий аҳ-

<sup>1</sup> «Известия», 1921 йил, 2 декабрь, Тошкент.

<sup>2</sup> «Известия». 1921 йил, «Просвещение трудящихся» 11 июль, № 3, «Первый шаг», 13 июль,

воли, озиқ-овқат солиғини йиғиб олиш. Қизил Армия тузиш ва кооперация тўғрисида масалалар қўйилди. Съезд, ҳукумат муассасалари харажатларини камайтириш, озиқ-овқат солиғини йиғиб олиш учун барча чораларни кўриш ва сафарбарлик йўли билан Қизил Армия тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Шунингдек съездда кооперацияни ривожлантиришга ҳар тарафлама ёрдам бериш тўғрисида қарор чиқарилди.<sup>1</sup> Съезд деҳқончилик банкасини ташкил этиш ҳамда мол ва қишлоқ хўжалик асбоблари сотиб олиш учун энг камбағал деҳқонларга қарз бериш, шу йўл билан уларни судхўрлар асоратидан қутқазиб тўғрисида ҳам қарор қилди. Товар оборотини ошириш учун Хоразмда биринчи ярмарка ташкил этмоқчи бўлди.<sup>2</sup>

Шундай қилиб, катта вайронгарчилик шароитида Хоразм Совет Халқ Республикасининг хўжалик ишлари аста-аста яхшилана бошлади.

### **ХОРАЗМ ҲУКУМАТИ АЪЗОЛАРИ ВА ТУРКМАН ЙЎЛБОШЧИЛАРИНИНГ ХАЛҚҚА ҚАРШИ ҲАРАКАТИ ВА УЛАРНИ РАҲБАРЛИКДАН ЧЕТЛАШТИРИШ.**

Биринчи қурултой делегатлари сайлаган Хоразм Совет Халқ Республикаси ҳукумати бутун ўлканинг хўжалиги вайрон бўлган бир пайтда ишга киришди. Аммо ўша вақтдаги ўзбеклар билан туркманлар ўртасидаги миллий адоват хўжаликни тиклаш ишларига халақит берди. Бу миллий низо Хоразм халқининг бирдамлигига путур етказди, унл бир-биридан ажратди.

Юқорида айтилганидек, ўз яйловларидан айрилган қозоқларнинг Хива ерларига кўплаб кўчиб келиши туркманларнинг аҳволини оғирлаштирди. Кўчманчи қозоқларнинг ҳам турмуши жуда оғир эди. Худди шундай шароитда туркманлар билан ўзбеклар ўртасидаги миллий адоват яна рўй берди.

Хоразм ҳукумати миллий масалани ҳал қилмади. Ҳукумат аъзоларида революцион онг йўқ эди, улар эски миллий жанжалларни давом эттирдилар ва биринчи қурултойда «миллий адоватга барҳам бериш, ўзбеклар би-

<sup>1</sup> «Известия», 1921 йил, 27 декабрь. «Хорезмская республика», «Съезд малоземельных».

<sup>2</sup> Виноградов А. Хорезмская Советская Народная Республика, «Жизнь национальностей» журнали, 1929 йил, январь, 29-бет.

лан туркманлар ўртасида абадий тинчлик ўрнатиш» тўғрисида берган ваъдаларини тез унутдилар. Хоразм ҳукумати туркманларни сиқиш ва ёппасига қуролсизлантириш сиёсатини амалга оширди, жазо экспедицияларини юборди, ҳарбий-дала судларини ишга солди.

1920 йил август ойида Тошкентда Совет ҳукумати вакиллари Бухородаги воқеалар билан банд эдилар. Бундан ёш хиваликлар фойдаландилар.

Совет ҳукуматининг Хоразмдаги элчихонаси коллегиясининг раиси Шокиров, коллегия аъзоси ва ўша вақтда Хоразм территориясида турган Қизил Армия қўшинлари бригадасининг командири Дублянский ёш хиваликлар группасининг асосий қуроли ҳисобланди. Бу икки арбоб Хоразмда яхши ўрнашиб олиб, хоразмлик бойларга қаттиқ таяндилар ва уларнинг таъсирида қолдилар<sup>1</sup>.

Хоразм ҳукумати составидаги бу жиноий группа аъзолари туркманларга қарши актив кураш уюштириш ҳамда ўзларини жамоатчилик ва Совет ҳукумати вакиллари олдидан сидқидил қилиб кўрсатиш учун, «туркман қабила бошлиқлари тил бириктириб, ҳукуматга қарши қўзғолон кўтаришга тайёрланмоқдалар, Жуноид билан алоқа боғлаганлар», деган уйдирма гаплар тўқидилар. Сиёсий воқеалар туркманларнинг Совет ҳукуматига ва унинг вакилларига хайрихоҳ эканлигини кўрсатди. Ташқи ишлар Халқ Комиссарлиги туркман қабила бошлиқларидан ҳарбий ёрдам сўради. Хоразм ҳукуматининг аъзоси ёмудлар ўртасида обрўли бўлган Қўш Мамедхон туркман отлиқ отрядини тайёрлади ва Амударёнинг ўнг томонини қўриқлаш мақсадида ҳар эҳтимолга қарши, Чоржўйга жўнатилди. Чоржўйда 500 кишидан иборат туркман отряди Қўш Мамед ихтиёрига берилди.

Ўзбекларнинг ҳукмрон группаси, туркманларга қарши муваффақиятли курашиш мақсадида, Чоржўйдаги туркман отрядини қуролсизлантириш ҳамда уларнинг вакилларини вазифаларидан четлаштиришни лозим кўрди. Туркманлар бу тайёргарликдан хабардор бўлиб, ўз отрядларини Чоржўйдан чиқариб юбордилар. Отряд тарқалиб кетди.

Туркман қабила бошлиқлари Қўш Мамедхон, Бахши ва Фулом Алига иғво мақсадида қўйилган айблар кат-

<sup>1</sup> ВКП (б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг архиви, ф. 86, д. 8 — а, 28—29-бетлар.

Айни вақтда Қўш Мамедхон, Бахши ва Ғулом Али Хоразм ҳукуматига қарши курашга ва бундан ташқари Қўш Мамедхоннинг ўзи эса иккинчи фронт, яъни Жуноидхонга қарши фронт очишга тайёрланди.

Совет қўшинлари ҳам Жуноидхонга ва Қўш Мамедхон группасига қарши жангга тайёргарлик кўрди, лекин совет қўшинлари қўмондонлиги қум чўлларидаги сиёсий аҳвол тўғрисида нотўғри ахборот олган эди. Қўмондонлик Қўш Мамедхонни Жуноидхоннинг шериги деб ҳисоблади, унинг ўз отрядини Совет ҳукумати вакиллари-нинг илтимоси билан Қизил Армия қўмондонлиги ихтиёрига берганини, Совет ҳукумати билан Бухоро ўртасидаги кураш кескинлашган тақдирда Амударёнинг чап томонини қўриқлаш учун отрядини Чоржўйга юборганини ҳисобга олмади.

1920 йил 17 августда Қизил Армия қўшинлари Жуноидхонга қарши ҳужум қила бошлади ва уни қуролли куч билан олмоқчи бўлди. Шу билан бирга совет қўшинларининг бир қисми Қўш Мамедхон, Ғулом Али ва Бахши группасига қарши жўнатилди, бундан мақсад — уларнинг Жуноидхон билан бирлашувларига йўл қўймаслик эди. Совет қўшинлари туркман группаларининг ҳар қайсиси билан алоҳида-алоҳида курашди. Биринчи бўлиб, 13 сентябрда Бахши қуролсизлантирилди. Аҳоли қўрқиб ҳар томонга қочиб кетди, тушунтириш натижасида яна ўз уйларига қайтди. 15 сентябрда, Қўш Мамед қуролсизлантирилди ва Хивага юборилди.

Ўзбек ҳукмрон группаси Қўш Мамедни ўз ҳамроҳлари ва бошқа уруғ сардорлари билан бирга хон саройига таклиф этди. Улар 80 га яқин киши эди. Уларнинг ҳаммасини саройда кечаси сўйиб ташладилар.<sup>1</sup> Икки ҳафтадан кейин, Бахши ҳам 16 кишидан иборат ҳамроҳлари, яъни сардорлари ва ўзига яқин кишилари билан бирга ўлдирилди. Хоразм ҳукумати аъзоларининг ғайри қонуний ишлари туркман феодалларининг Советга қарши пропагандаси учун қўл келди.

Хоразм яна бетинч бўлди, туркманлар умумий қўзғолон кўтариб, ўзбек шаҳарларини вайрон қилдилар, Жуноидхон Совет қўшинларига қарши кураш учун қуролли кучларини яна кўпайтириб борди.

<sup>1</sup> ВКП (б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг архиви, ф. 86, д. 8—10, 28—32-варақлар.

Реакцион руҳонийлар ўз ҳужумлари учун вазиятнинг қулайлигини пайқадилар. Улар умуман дарғазаб эдилар. Бунга маориф нозирлигининг хотин-қизлар учун махсус мактаблар очилганлиги тўғрисида чиқарган эълони сабаб бўлди. Барча эски оқсоқоллар, руҳонийлар, эски тузум тарафдорларидан иборат тескари унсурлар Олимхон мадрасасига йиғилдилар ва нозирликнинг тадбирларига қарши ташвиқот юргиза бошладилар. Бу ишни шариятга хилоф деб эълон қилдилар. Кўтарилган галаёнин бостириш учун мадраса қуроли куч билан қуршаб олинди, галаёнининг ҳамма бошлиқлари ҳукумат фармойиши билан қўлга олинди ва ҳарбий трибуналга берилди. Бу фитначи группадан беш киши отиб ўлдириш ва мол-мулкини мусодара қилишга ҳукм қилинди, 12 киши сурғун қилинди.<sup>1</sup> Раҳбарлик қила олмаган маориф нозир Бекжон Раҳмонов ишдан олинди ва вакил қилиб Москвага юборилди.

Гражданлар уруши жуда авжланди. Норозиликлар кучайди. Хоразм ҳукумати составидаги ўзбеклар группасининг дуруст обрўси бўлмагани сабабли революцион қурилишнинг барча ютуқлари ва Туркистон республикасининг тинчлиги хавф остида қолди.

Совет қўшинлари таслим бўлишни истамаган Фулом Али группасига қарши 16 сентябрда қаттиқ жанг бошлади. Уруш ҳаракатларининг барча даҳшати ва оғирлиги яна аҳоли бошига тушди. «Иляли шахрининг аҳолиси қўшинларимизни катта хурсандчилик билан кутиб олди. — деб маълум қилди ўша кунлари жангда иштирок этган бир киши. — Айрим қабилалардан келган вакиллар халқнинг хонлар учун жанг қилишни истамаганини айтдилар».

Совет ҳукуматининг вакили Сафронов октябрда Тошкентдан Хивага келди. Ноябрьда эса 3-Туркман отлиқ полки ҳам етиб келди. Совет қўшинлари катта жангларга тайёрланиб, декабрда ҳужум бошладилар. 9 декабрда Қўш Мамедхоннинг қалъаси — Порсу шаҳри, 12 декабрда Хўжайли, 13 декабрда Қўна Урганч, 18 декабрда Қўнғирот ишғол қилинди. Аҳоли совет қўшинларини яхши кутиб олди. Илгари шаҳардан кетиб қолган кишилар хурсанд бўлиб уйларига қайтдилар.

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Хоразм область Давлат архиви, ф. 124, д. 1, 1—30-варақлар.





Хоразмда Совет ҳукумати ўрнатилш учун Жуноидхон босмачиларига қарши қаттиқ курашган жанговар дўстлар (чапдан) Бобожон Нуруллаев, Холбой Ёқубов, Қутлимурод Эшмухамедов, Николай Ильич Востриков, Эшмат Машарипов.

Совет қўмондонлиги туркманларга қуйидаги — шартларни қабул қилишни таклиф этди:

1) Хоразмда яшаган барча халқларнинг тенглиги;  
2) Совет тузумини таниш; 3) қабила сардорларига бўйсунмаслик; 4) қуролларини топшириш.

Бу шартларнинг ҳаммаси қабул қилинди, сулҳ битими тузилди, лекин Ғулом Али ва Жуноидхон сулҳни рад этиб, қум чўлларига кетиб қолдилар ва у ерда туриб, ҳужумни давом эттирдилар.

Туркман қабила сардорларининг Хоразм ҳукумати составидаги ҳукмрон ўзбеклар группасига ва Қизил Армия қўшинларига қарши курашнинг охири даври эмманинг онгида чуқур таассурот қолдирди. Бу даврда Қизил Армия қисмларининг омма ўртасида олиб борган сиёсий ишлари хонларнинг барча хиёнатларини фожия қилди, хонлар аҳоли манфаатларини менсимай, фақат ўз шахсий манфаатлари учун аҳолини талаш ва ўлдиришдан тап тортмадилар, уларнинг ёвузлик сиёсатлари ҳамда қароқчилик мақсадларини амалга ошириш учун хонликдаги аҳоли кучидан фойдаланишга уриндилар. Лекин халқ хонлар манфаати учун жанг қилиш ўринсиз эканини тушунди. Совет қўмондонлиги вакилларининг қатъийлиги, армиянинг кучи ва унинг кўзғолончи туркман хонлари ўстидан тўла ғалаба қозонганлиги Хоразмда Совет ҳокимиятининг обрўсини яна оширди.

Хонларнинг қаршилиги даф қилинди ва туркман оммаси уларни қўллаш-қувватлашдан онгли равишда бош тортди. Хива аҳолиси «фақат РСФСР билан ўрнатилган яқин ва мустақам иттифоқ уларга мустақил давлат тузишга, Россиянинг ишчи-деҳқон ҳукуматигина Хивадаги айрим халқлар ўртасидаги шармандали ва фалокатли адоватга барҳам беражагига ишондилар».<sup>1</sup>

Қизил Армия қўшинларининг туркман феодалларини тор-мор қилганлиги ва кўзғолон сабабларини текширувчи тергов комиссияси томонидан Хоразм ҳукуматидаги ўзбеклар ҳукмрон группанинг жиноий ишлари аниқлагандан кейин туркманларга қарши сиёсат юргизган ғаламис Султон Муродов ва Юсуповнинг кўзи очилди. Улар кейинги 3—4 ой мобайнида қилган жиноий ишларидан тонишга уриниб кўрдилар, Султон Муродов эса ҳамма

<sup>1</sup> ЦВИА, п. 37, №18, 22-бет, Марказий Комитет кутубхонаси қўлёзмалар фонди, № 816, 180-бет.

айбни Дубинскийга ва Совет ҳукуматининг Хоразмдаги мухтор элчихонасига тўнкамоқчи бўлди.

Текшириш вақтида Хивада бу фитнани Хоразм ҳукуматидаги ўзбеклардан Мулла Бекжон ва Султон Муродов ҳамда мухтор элчихонадан Шокиров ва Дубинскийлар уюштиргани, уларнинг ўзлари бу воқеаларга актив қатнашганликлари аён бўлди.<sup>1</sup>

Хоразм ҳукуматининг ўзбеклар қисми аҳолининг барча табақаларини, айниқса босқинчилик, таловлар ва зўровонликдан кўп қийналган ўзбек камбағалларини ўзига қарши қилиб қўйди, бунинг устига ҳукуматдаги ўзбекларнинг жабр-зулми ва туркман сардорларини сўйиб ташлаганлиги туркманларнинг ғазабини кўзғотди, улар ўзбек қишлоқларини таладилар.

Порсуда бўлиб ўтган биринчи туркманлар съезди туркманларнинг ҳукуматга қарши кўтарган кўзғолонидан кейинги Хоразм воқеаларининг бевосита давоми бўлди.

1920 йил охирларида Совет ҳукуматининг Хоразмдаги мухтор элчиси Шокиров чақириб олинди, ўрнига Сафронов тайинланди, у 1920 йилнинг декабридаёқ Хивага етиб борди.

Сафронов Хивага туркманлардан Нур Муҳаммад Шайх ва Мулла Аваз билан бирга келди. Улар йўлда Сафроновни Хоразмдаги аҳвол ва кейинги воқеалар билан таништирдилар. Уларнинг ахборотлари тарафкашлик, воқеаларга нисбатан туркманлар нуқтаи назаридан қаралган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Сафронов олиб борган сиёсий ишларининг йўналиши кўп жиҳатдан уларнинг ахборотига боғлиқ эди.

Хивада нормал ҳаётни йўлга қўйиш ва ўлкада хўжалик қурилишларини бошлаб юбориш учун Сафронов учта вазифани ҳал қилиши, чунончи миллий адоватни бар-тараф қилиши, ўзбек қишлоқ камбағалларини уюштириш ва Хоразм ҳукуматининг состави ва фаолияти билан танишиб бориш учун нормал шароит яратиши ва сиёсий ишончни йўқотган аъзоларни ҳукуматдан чиқартириб юбориши лозим эди.

Миллий адоватга хотима бериш ва туркманлар орасида сиёсий иш олиб бориш ўлкада вазиятни соғломлаштириш учун катта аҳамиятга эга бўлди. Бунга эришиш

<sup>1</sup> ВКП (б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг архиви, ф. 86, д. 8—а, 30—32-варақлар.

учун туркманларга қарши уюштирилган қувғиннинг барча оқибатларини тугатиш йўлида амалий тадбирлар қўрилиши лозим эди, холос.

Элчихона ҳукумат составидаги бир группа жинойтчиларнинг миллатчилик нуқтаи назари билангина қамоққа олинган айбсиз туркманларнинг дарҳол озод қилиниши тўғрисида Хоразм ҳукумати олдиға талаб қўйди. Шу билан бирга озод қилинган кишилар ва умуман аҳоли ўртасида сиёсий тушунтириш ишлари олиб борилди ва кўп хатоларга йўл қўйган ҳар иккала томонни ҳам ҳа деб қоралай бермасдан, балки курашни дарҳол тугатиш ва дўстона вазият яратишга астойдил ҳаракат қилинди.

Хивага келган туркманлар учун Мухтор элчихона биносидан бир неча хона ажратиб берилди, кечқурунлари суҳбатлар ўтказилди, тушунтириш ишлари олиб борилди. Натижада ўзаро ишонч ҳосил қилинди, шундан сўнг Фулом Алидан ва бошқа сардорлардан Хивага вакиллар келди. Уларнинг ҳаммасига Совет ҳукуматининг хонлар олдиға қўйган талабларини ўз бошлиқларига етказиш таклиф қилинди. Хонлар курашни тўхтатиб, яхшиликча Хивага келишлари, бу ерда улар бирга тинч яшган туркманлар қаторида меҳмондек кутиб олиниши лозим. Агар бу таклифни рад қилсалар, кураш давом эта беради, улар жинойтчилар қаторида қувғин қилинади, хонлик фазилатлари ва ўз қабилаларига кўрсатган хизматлари инкор этилади. Қабилалар қуроли курашни тўхтатиб тинч яшашни истарди, хонлар эса бу таклифларга қўшилмай, фақат шахсий ғараз билан қаршиликни давом эттириб, ўз аҳолиси бошиға янги кулфатлар тушурмоқда эди.

Бундай суҳбатлар туркманлар билан РСФСР элчихонаси ўртасида ўзаро ишонч йўқлигини ва иккала томон ҳам нозирлар советидан ва унинг ишидан норози эканлигини аниқлади. Бу суҳбатларга туркманлар ўртасидаги эътиборли кишилар ва қабилалар ўртасидаги адоватга аралашмаган ўзбеклар қатнаштирилди.

Суҳбатларда шахсий ғаразгўйликка йўл қўйилмади. Мавжуд аҳволни тугатиш йўллари муҳокама қилинди. Суҳбатларда сиёсий тадбирлар белгиланди, бу программа Порсудаги туркманлар съездининг кун тартибига айланди.

Жуноидхон. Фулом Али ва бошқа хонларга қарши Қизил Армиянинг ҳаракатлари тўғрисидаги сиёсий таш-

виқотнинг чин эканлиги Совет элчихонасига ва унинг сиёсатига нисбатан туркманларнинг ишончини оширди. Бу ишонч қўшмамедовчиларни Тошкентга сургун қилиш тўхтатилгандан кейин янада кучайди.<sup>1</sup> 1920 йил декабр-гача, яъни РСФСР Мухтор элчихонаси томонидан янги сиёсий йўл белгилаб берилгунча йўл қўйилган ҳамма жинойт ва хатолар бутунлай унутилиши керак экани таъкидланди.

Элчихона туркманлар ўртасида дастлабки сиёсий ишларни декабр-гача, яъни уларнинг съезди бошлангунча олиб борилди. Порсуда чақирилган туркманлар съезди қуролли курашдан тинч муносабатларга, хўжалик ва маданий қурилишга ўтишнинг чегараси бўлди.

Коммунистик партия аъзолари Хоразм туркманлари съездига тайёргарлик кўриш ишларига мутлақо қатнашмадилар. Чунки съездга сайловлар ўша вақтда туркманлар ўртасида ҳукм сурган ўз урф-одатлари асосидагина ўтиши мумкин эди.

Съездга делегатлар сайлов патриархал усулда ўтди. Туркман вакиллари мухтор вакил олдига қатнаб турдилар, суҳбат вақтида уларга обрўли, аммо тинч яшашни истаган туркманларни ўз атрофларига тўплаб, улар билан бирга кўзга кўринган кишиларни Порсуда ўтадиган съездга делегат қилиб сайлаш, съезд чақирилганлигини яйловлардаги барча туркманларга эшиттириш таклиф қилинди. Хивада РСФСР Мухтор элчихонаси биносига қатнаб турган ҳамма туркманлар съездга делегат бўлдилар. Барча сайланган делегатлар аҳолининг ўзига тўқ табақасидан эди. Съезднинг бундай составда бўлиши тинчликка эришиши ва халқ хўжалигини тиклаши, яъни Совет ҳукумати Мухтор элчихонаси томонидан қўйилган вазифаларни дадил бажаражаги шубҳасиз эди.

Съезд 1921 йил 20—22 январда Порсуда очилди<sup>2</sup>. Съездни очиш учун энг олдин Хоразм ҳукуматидан ижозат олинди.

Съезддан аввал оғзаки ташвиқот йўли билан ва туркман тилида ёзилган хитобномада Россия меҳнаткашлари давлати Хоразм ҳукумати билан бирга барча туркман-

<sup>1</sup> Ўша вақтда қўшмамедовчилар Шокиров ва Дублинский ташаббуси билан Тошкентга сургун қилинган эди.

<sup>2</sup> «Известия», 1921 йил, 30 март, «События в Хиве».

ларни эркин ва тинч меҳнат қилишга чақирганлиги тушунтирилди.<sup>1</sup>

Съездга қора салоҳ, оқ салоҳ, ермали, қулли, оқкўз қора, элчи ушоқ, қора даштли ва чавдор туркман қабилаларидан 77 вакил йиғилди.

Қўш Мамедхон, Бахши ва бошқаларнинг 1920 йил сентябрь ойида ҳалок бўлиши тўғрисидаги ишни текширган Фавқулодда тергов комиссиясининг раиси Совет элчихонасининг собиқ вакили содир бўлган аҳволдан яхши хабардор бўлмагани сабабли, бундай кўнгилсиз воқеаларга йўл қўйгани, шунинг учун жавобгарларнинг судга берилганлигини айтиб ўтди. У, айбдорларни қаттиқроқ жазолаш учун ишни чуқурроқ текширишда делегатлардан ёрдам сўради.

Руҳонийлар ва Мухтор элчихона съезд делегатлари муҳокамасига икки масала қўйдилар. Руҳонийларнинг 13 моддадан иборат диний таклифи биринчи эълон қилинди. Съезд бу таклифни танқид қилди ва рад этди. Сўнгра Совет ҳукумати номидан 14 моддадан иборат иккинчи таклиф муҳокамага қўйилди. Бу 14 моддали таклиф съезд делегатлари билан ўтказилган суҳбатдан кейин тузилган эди. Суҳбат вақтида улар Совет ҳокимияти ҳамда унинг программаси тўғрисида нозик саволлар бердилар. Съезд шу 14 модданинг ҳаммасини қабул қилди. Бу моддалар туркманлар ўртасида съезддан кейин олиб борилган сиёсий ишлар учун асос бўлди.<sup>2</sup>

Съезд тузган ва қабул қилган 14 моддада қуйидаги сиёсий ва хўжалик тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилди:

барча қабилалардан Қизил Армиянинг туркман отлиқ қисмларини тузиш;

каналларни тозалашни уюштириш;

маҳаллий аҳолининг эҳтиёжларига етарли миқдорда пахта ва беда экиш чораларини кўриш;

ўзаро низолар вақтида вайрон бўлган иморатларни тиклаш учун аҳолини ишга жалб этиш;

ўзаро низолар вақтида меҳнаткашлардан талаб-тортиб олинган мол-мулкни эгаларига қайтариб бериш чораларини кўриш;

<sup>1</sup> ЦВИА, п. 37, № 18, Марказий Комитет кутубхонаси қўлёзмалар фондидаги копиядан кўчирма, № 816, 180-бет.  
<sup>2</sup> Ш а й д а к о в хотиралари. Сиёсий аҳвол, 5-бет.

ким бўлмасин бирор қишлоқда аҳолини талаш билан шуғулланса ёки қишлоқ аҳолиси босқинчини яширса, талланган мол ўша қишлоқдан икки ҳисса ундирилажagini эълон қилиш;

аламон қилиб ўлдирганлик учун жазо бериш;

ер билан таъминлаш учун зарур чоралар кўриш, сув билан етарли таъминлаш ва ўтроқ ҳаётга кўчиб, деҳқончилик қилишни истаган барча кўчманчиларга иморат қуришга ёрдам бериш;

бўлажак 2-Бутун Хоразм қурултойига фақат меҳнаткашларни сайлаш, коммунистларнинг аҳоли ўртасида сайлов олди агитацияси ўтказишлари учун қулай шароит яратиш;

туркманлар орасида суд ишларини йўлга қўйишнинг амалий тадбирларини ишлаб чиқиш учун Ижроия бюроси хузурида махсус секретариат тузиш.

Бу қарорларни амалга ошириш учун 12 кишидан иборат ижроия комитети сайланди.

Съезд туркман бюросининг обрўсини ошириш, хонларни ва улар атрофидаги кишиларни ишдан четлаштириш, қум чўлларидан ўз яйловларига қайтиб келган барча туркманларни дўстона кутиб олиш сиёсатини белгилади. Съезд хонларга нисбатан дўстона эмас эди. Бу ҳол хонларни туркманлар оммасидан четда ва эҳтиёт бўлиб, вазиятга шубҳаланиб туришга мажбур этди. Бундай сиёсат уруш кайфиятига берилган кўчманчиларни ва ҳатто Жуноид тўдаларининг ҳамроҳлари бўлган орсукиларнинг ҳам қум чўлларидан қайтиб, тунч яшаётган туркманлар орасига кўчиб келишларига сабаб бўлди. Шунга қарамай хонлар ўзларини намоёншкорона эркин тутдилар.

Юсупов группасининг аъзолари туркманлар съезди ишини диққат билан кузатиб бордилар ва даставвал унинг муваффақиятли тамом бўлажакига ишонмадилар, лекин «ҳар эҳтимолга қарши» съезд ишини барбод қилишга қаратилган таклифлар билан туркманлар орасида обрў қозонган Жаббор Берган Қўчқоровни у ерга юбордилар. (У кейин Революцион комитет раиси бўлди). Аммо съездда муҳокама қилинган масалалар ҳамда бу ердаги ишлар Қўчқоровга катта таъсир этди ва у хайрихоҳ бир киши сифатида съездга қатнашди, ўзига юклатилган топшириқни бажармади.

Юсупов группаси съезднинг бундай қарорга келишини кутмаган эди. 1921 йил 30 январда нозирлар кенгаши-

да съезд натижалари тўғрисида доклад эшитиб, улар ўз хатти-ҳаракатларида бу қарорлардан жуда ҳам хуноб бўлганликларини кўрсатдилар. Юсупов бу қарорларни барбод қилмоқчи, Совет вакили билан туркман оммаси ўртасидаги дўстона муносабатни бузмоқчи, туркманларни совет агитациясидан четлаштирмоқчи бўлди. У Москвадаги Хоразм делегациясининг собиқ аъзоси Нур Муҳаммад Бобоевни ўз томонига тортиб, у орқали Порсудаги съезд қарорларини бекор қилиш ҳамда «туркман ва ўзбеклардан ўз ҳукуматини» тузишни таклиф этиш учун туркман хонлари ва бойлари билан музокара қила бошлади.

Юсуповнинг ўзи Хивада туриб, реакцион миллатчилик позициясига ўтди, атрофига хивалик бир неча юз буржуа ва руҳонийларни бирлаштирди. Уларнинг ҳаммаси ташвиқот ишларида фойдаланилди. Ташвиқотчилар коммунистлар ҳамма мачитларни бузиб ташлар эмиш, хотинларимизни тортиб олармиш, ғалламизни босиб олиб, забор карточкаси билан берармиш, деган овозалар тарқатиб юбордилар. Юсупов келажак оғир кунлар тўғрисида ўз агентлари ва ташвиқотчилари орқали тухмат гаплар тўқиб, бу балодан фақат худонинг ўзи қутқаради, бунинг учун татарлар ва русларга қарши курашишга барча мусулмонлар бирлашуви керак, деб аҳolini ишонтиришга уринди.

Ана шундай бир шароитда Порсудаги туркманлар съездининг қарорлари амалга оширилди, жумладан туркманларнинг биринчи қизил эскадронлари тузилди. Улар даставвал хонлар ва маҳаллий маъмуриятнинг писмиқлиги ва саботажи шароитида ташкил қилинди. Аммо биринчи эскадронларнинг келиши ва кутиб олиниши яхши натижа берди. Бу эскадронларда бировларни талашни истаган, лекин қизил эскадронларга қатнашишни, меҳнаткаш аҳolini босқинчилардан ҳимоя қилишни истамаган бойларнинг йўқлиги эътиборга сазовор эди. Эскадрон қатнашчилари жавоб сўраб, уйларига кетдилар ва яхши отлар миниб, пухта қуролланиб қайтиб келдилар. Бу эскадронлардаги энг яхши жангчилар Хоразм қўшинлари сиёсий бошқармаси ҳузурида очилган инструкторлар курсига юборилдилар. Улардан яхши командирлар тайёрлаш кўзда тутилди.

Шундай қилиб, кўпчилик туркманлар ўртасида соғлом сиёсий-маънавий вазият яратилди. Бу эса Порсуда



Ижроия бюроси юсуповчи бойларнинг Советга қарши фитнасига аралашган катта туркман бойини қамоққа олишига имкон берди. Лекин Советлар таъсири ҳали у қадар кучли эмасди.

Ҳар ҳолда Порсудаги биринчи туркманлар съезди Хоразм туркманлари тарихида кўҳна ҳаёт билан прогрессив жамият тузуми ўртасидаги чегара ва катта бир воқеа бўлиб қолди. Съезд қарорлари туркманлар жамиятини қайта қуришга негиз солди, туркманларнинг «бутун бир» оммасини — хонлар ва уларнинг тарафдорларини эзилган туркман камбағаллари оммасидан ажратди. Омма тинч меҳнат қилишни истаганини изҳор этди. Хонлар бутун халқ оммасидан ажралиб, жон сақлаб қолиш қайғусида ташвишлана бошладилар. Бу айрилиш туркманлар ўртасидаги мустабид хонликни тугатиш ва социалистик асосда янги жамият туза бошлаш пайти бўлди.

#### IV БОБ

### ХОРАЗМ СОВЕТ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНING СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ БЎЛИБ ҚАЙТА ТУЗИЛИШИ ВА МИЛЛИЙ ЧЕГАРАЛАНИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

#### ХОРАЗМДА СОВЕТ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН КУРАШ

Порсудаги туркманлар съезди туркманларнинг аҳволини яхшилаш тадбирларини кўриш учун Ижроия бюроси тузди. Аммо Хоразм ҳукуматидаги ҳукмрон ўзбеклар группаси меҳнаткаш туркман ва ўзбекларнинг моддий аҳволини яхшилаш, халқни тинчитиш йўлида бирор иш қилмади. Омманинг онги ошиб борди, Хоразм ҳукуматининг ишларини танқид қилиш ва норозиликлар тобора кучайди, у сиёсий ишончини йўқота бошлади. Ўзбек аҳолиси ҳукуматнинг бўшаңлигидан ва туркманларга нисбатан жинойий ишлар қилишдан, кейинги вақтларда юз берган нотўғри ишлар оқибатини бартараф қилиш учун ҳеч қандай чора кўрмаганидан газабланди. Туркманларнинг Хоразм ҳукуматидаги ўзбекларга қарши курашидан зарарланган камбағал ўзбеклар айниқса норози эди. Биринчи қурултойда сайланган ва тасдиқланган Хоразм ҳукумати унчалик революцион хислатларга эга эмасди ва ўлкада иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга ошира олмади.

Хоразм ҳукумати Сафроновнинг фаолиятдан ва Порсудаги туркманлар съезди ишидан норози бўлиб, 1921 йил 7 февралда ўзининг Москвадаги вакилига мактуб юборди. Хоразм ҳукумати ўз хатида Сафроновнинг ишлари тўғрисида ҳасрат қилди, уни Хивадан чақириб олишни сўради.<sup>1</sup>

Марказга хат ёзишдан ташқари Юсупов группаси иккинчи қурултойни ўтказиш учун вакиллар ажратишни

<sup>1</sup> Хоразм Совет Халқ Республикаси хорижий ишлар позирининг 1920 йил 7 февралда ёзган 78 рақамли мактубидан кўчирма.



Урта Осиёда Октябрь революцияси ва гражданлар уруши ветеранлари (чапдан)  
П. И. Нестеров, Ф. Н. Желтиков, Л. П. Тримасов, Н. И. Востриков, Д. М. Устабоев, Абдурахмон  
Валидов, Шамсиқамар Ғойибжонов, Содиқов, А. Е. Сиваков, П. А. Ермолов, И. Г. Баннов.

сўраб, Тошкентга махсус икки киши юборди<sup>1</sup>. Шу билан бирга Юсупов группаси Сафронов комиссиясига қарши кураша бошлади.

6 мартда ҳукумат Нурулла бойнинг боғида Хива аҳолиси ва Хоразм ҳарбий қисмларининг кўп киши қатнашган митингини ўтказди. Митингда сайловга тайёргарлик кўриш Марказий бюроси тарқатиб юборилгани эълон қилинди. Бу эса халқнинг катта норозиликка сабаб бўлди. Халқ Юсупов группасини аламон қилмоқчи бўлди. Барча нозирлар синфий ёт ва душман унсурлар сифатида тюрмага қамалди. Митингда сайланган Революцион комитет камбағал ўзбек ва туркманлар, ишчилар касабаси союзи ташкилотлари ва Хоразм қўшинларининг ишончига сазовор бўлди. Гурӯҳ раҳбари Юсупов қочиб қутулди.<sup>2</sup>

7 мартда Революцион комитет иш бошлади. Комитетга Қўчқоров (раис) Шокир Содиқов ва Мухаммад Раҳим Девон Нуруллаев (аъзолар) сайланди. Улар иккинчи қурултойни чақиришга тайёргарлик кўра бошладилар.

Сафронов тез орада Хивадан кетиб қолди. Унинг ўрнига мухтор элчи бўлиб Гепнер юборилди. У Хивага келгандан кейин Революцион комитет ва нозирлар советининг бирлашган мажлиси бўлди. Мажлисда ўртоқ Гепнер доклад қилди. У, ўз нутқида Хоразм республикаси революцион қурилиш даврини кечириётганини таъкидлади ва биринчи қурултойда қабул қилинган конституцияни қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатиб ўтди. Гепнер воқеаларнинг тез-тез рўй бераётганини таъкидлаб, конституциянинг моддалари тўлиқ эмаслигини ва ўлкада доимо ишлаб турадиган давлат органининг йўқлигини айтди. Қонун чиқарадиган бирдан-бир орган ҳисобланган қурултой йилига бир марта чақириларди, ўлканинг хўжалик ва маданиятини тараққий эттириш ишларига раҳбарлик қилолмасди. Қонун чиқарадиган марказий органи — Марказий Ижроия Комитетини сайлаш зарур эди. Ўртоқ Гепнер бу органнинг вазифаларини тушунтирди. Революцион комитет ва Хоразм республикаси нозирлар советининг бирлашган мажлиси Хоразм республикасининг

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Хоразм область давлат архиви, ф. 124, д. 1, 28—30-варақлар.

<sup>2</sup> «Известия», 1920 йил, 30 март №68, «События в Хиве».

Марказий Ижроия Комитетини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди<sup>1</sup>.

1920 йил 15 майда иккинчи Бутунхоразм қурултойи очилди. Қурултойга туркманлар, ўзбеклар, қозоқлар, қорақалпоқлар, Россия ва Хоразм Қизил Армиясининг вакиллари келди. Биринчи мажлисда ўртоқ Ленин бошчилигидаги фахрий президиум сайланди.

Қурултойнинг кун тартибига қуйидаги масалалар қўйилди:

1. Қабилалар ўртасидаги адоватга барҳам бериш;
2. Иқтисодий қурилиш;
3. Халқ маорифи.

Биринчи мажлисда афв умумий тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу қарорга мувофиқ собиқ нозирлар, бандитлар, қароқчилар ва контрреволюционерлардан бошқа қамоқдагиларнинг ҳаммаси озод қилинди.

Халқ томонидан ағдариб ташланган ҳукуматнинг ишлари съездда қаттиқ танқид қилинди.

Съезд қарори билан 20 май куни — Хоразмдаги барча қабилалар ўртасида шу жумладан ўзбек ва туркманлар ўртасида қардошлик иттифоқи ўрнатилган кун, деб эълон этилди. Шу куннинг ўзида катта байрам қилинди ва қурултой ўз ишини тугатди. Кундуз шаҳар майдонига қурултойнинг барча вакиллари, Революцион комитет, РСФСРнинг Гепнер бошчилигидаги Фавқулодда комиссияси мухтор вакил ўртоқ Верцинский, Хоразм ва Россия Қизил Армияси қўшинлари, ўқувчилар ва граждандар оммаси тўпланди. Аввало бу байрамнинг аҳамияти тўғрисида нутқлар сўзланди, ўзаро низоларда ҳалок бўлганларнинг хотираси эсга олинди, кейин қурултой номидан бу адоватни абадий унутиш ҳамда абадий дўстлик ва бирлик тўғрисида тантанали қасамёд қилишга чақирувчи мурожаат ўқиб эшиттирилди. Сўнгра умумхалқ тантанаси бошланди. Аҳоли байрамга ғоят зўр ҳурсандчилик билан қатнашди<sup>2</sup>.

Қурултойнинг кун тартибига киритилган ер ва сув тўғрисидаги молия масаласи ва халқ хўжалиги тўғрисидаги уч масала ўлка хўжалиги ва маданиятини янада ривожлантиришда катта аҳамиятга эга эди.

<sup>1</sup> «Известия», 1921 йил, 10 май, № 100 «Хива».

<sup>2</sup> «Известия», 1921 йил, 28 май, № 116, «Хива. Братский союз между племенами»

Ер ва сув тўғрисидаги докладда, ер ислоҳоти ўтказиш, барча ерсиз ва оз ерли деҳқонларга ер бериш, барча суғориладиган ва суғорилмайдиган ерларни ҳисобга олиш ва сифатини аниқлаш, камбағал деҳқонларни солиқдан озод қилиш ва камбағаллар комитетларига ҳар томонлама ёрдам бериш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Солиқ олиш тартибининг ўзгартирилиши, натура ва прогрессив системада солиқ тўлашнинг жорий қилиниши натижасида солиқларнинг меҳнаткаш аҳоли учун оғир бўлмаслиги лозим эди. Каналлар қуриш учун махсус фонд яратиш, деҳқончиликнинг муайян усулларини жорий этиш, агрономия билимларини ёйиш керак эди.

Молия ишлари тўғрисидаги докладда, молия сиёсатининг асосий принципи баён қилинди. Бу принципга кўра, қоғоз пулларнинг ишлаб чиқариш маҳсулотлари билан алмаштирилиши ва давлатнинг барча эҳтиёжларини қоплайдиган натура мажбуриятининг жорий қилиниши лозим топилди. Қишлоқ ва шаҳар аҳолисидан олинадиган солиқ миқдори белгиланди, молия масалаларида РСФСР билан алоқа боғлаш ва бунинг учун Совет Россияси учун зарур бўлган хом ашёга эга бўлиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Бундан чиқадиган хулоса — пахтачиликни ва чорвачиликни (жун ва тери олиш учун) имконияти борича тезроқ ривожлантиришдир. Натура мажбуриятининг жорий қилиниши натижасида пул муомаласининг ҳал қилиниши ва давлатнинг пул чиқаришини минимум камайтиришга имкон берилиши ва шу билан республиканинг молия ишлари тартибга солиниши осонлашмоғи лозим эди.

Халқ хўжалиги тўғрисидаги доклад иқтисодий тараққиётнинг барча томонларини ўз ичига олди. Ўлканинг қоқоқлиги ва Россиянинг саноат районларидан, шунингдек асосий темир йўллардан узоқлиги аҳволни мураккаблаштирди. Докладчининг фикрига қараганда, хўжаликни ривожлантириш учун ғалла ўрнига пахта экиш, Хоразмга уруғлик материаллари, ғалла, газмол ва керосин келтириш зарур. Докладчи Амударё сув транспортини ривожлантириш учун чоралар кўришни таклиф этди ва хўжалик нозирликларининг ташкилий тузилишларини кўрсатиб ўтди.

Қурултойнинг хўжалик масалалари тўғрисидаги қарорларида қуйидаги масалаларни ҳал қилиш кўзда тутилди:

1) экин майдонларини ва ирригация шохобчасини кенгайтириш; 2) ўлкага ишлаб чиқариш қуроллари ва ривожлантириш, бунинг учун пахта ва бошқа қимматли техника экинлари майдонини кенгайтириш ҳамда чорваларни кўриш; 3) юк ташиш учун сув транспортини ривожлантириш ва от-улов транспортини жорий қилиш ҳамда Александров-Гай — Чоржўй темир йўли қурилишини тезлаштириш тўғрисида Совет ҳукумати билан музокара бошлаш; 4) молия ишларини тўғри уюштириш ва халқ хўжалигига доир барча тадбирларни амалга ошириш учун нозирлар советига солиқ системаси лойиҳасини тузишни топшириш; 5) солиқларнинг даромадга қараб прогрессив усулда тўлаш системасини жорий этиш; 6) вақф даромадини шариатга мувофиқ маориф ишлари ва хайр-эҳсон қилишга аталган маблағ сифатида дахлсиз, қолдириш; 7) маҳаллий советларнинг камбағал деҳқонлар иқтисодий манфаатини ёқловчи камбағаллар комитетларига ҳар томонлама ёрдам беришлари; 8) ўзлари меҳнат қилмай ерларини ижарага бериб кун кечирган ҳамма кишиларни ерларидан маҳрум қилиш.

Миллий масала тўғрисидаги доклад, Хоразм аҳолиси учун катта сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Докладчи Хоразмдаги барча йирик ва майда миллатлар манфаатларини баббаравар ёқлайдиган янги ҳукумат сайлаш, ҳаммага ўз-ўзини идора қиладиган ташкилотлар ва тегишли муассасалар тузиш ҳуқуқини бериш виждон ва дин эркинлигидан фойдаланганлари ҳолда она тилида иш олиб бориладиган мактаблар очиш ва судлар ташкил этиш имкониятини бериш кераклигини кўрсатиб ўтди. Янги системага кўра, ўлкадаги ҳамма бойлик барча миллатлар ўртасида адолат нуқтаи назаридан тақсим қилинмоғи лозим.

Миллий масалани ҳал қилиш учун қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, сувдан яхшироқ фойдаланиш ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш тадбирлари белгиланди. Кўчманчи туркманларни ер билан таъминлаш, далалар ва каналларни кўчма қумлардан сақлаш ва ўзлаштирилмаган кенг майдонларга сув чиқариш масалалари катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Хоразм ва Россия қизил қўшинларига қарши урушгани учун қамоққа олинган барча туркманларга афв умумий эълон қилинди.

Халқ маорифи тўғрисидаги докладда баъзи бир ютуқлар қайд қилинди. Қисқа вақт ичида етимхоналар очиلىб, уларда 250 бола тарбияланмоқда ва ўқитилмоқда, мактабларга эса атиги 1200 бола қабул қилинган эди. 150 кишилик қисқа муддатли ўқитувчилар курслари ташкил қилинди, бу эса ҳамма шаҳарларда мактаблар очишга имкон берди. Етимхоналарда ҳунар мастерскойлари очилди ва болалар тивувчилик, дуродгарлик ва этикдўзлик ҳунарларини ўрганиши учун шароит яратилди. Шунингдек кўчманчи туркман овулларида мактаблар очиш кўзда тутилди. Маориф нозирлиги ҳузурида музей ва кутубхона очилди.

Конституцияни ўзгартириш тўғрисидаги докладда, давлатни бошқариш ишларини меҳнаткашлар кўлига бериш, доимий советлар тузиш, хон ва Юсупов ҳукумати-нинг тарафдорлари, руҳонийлар ва текинхўр лунсурлар-нинг Советларга суқилиб киришларига йўл қўймаслик кўзда тутилди. Курултой Олий давлат органи бўлиб қолиши, курултой билан курултой ўртасидаги даврда эса — курултойда сайланган республика Марказий Ижроия Комитети Олий Давлат органи бўлиб ҳисобланмоғи лозим эди. Конституция лойиҳаси бир оғиздан қабул қилинди.

Сўнгра, Хоразм республикаси Марказий Ижроия Комитети сайланди, унинг биринчи мажлиси 25 майда бўлиб ўтди. Шунингдек Хоразм Марказий Ижроия Комитетининг 7 кишидан иборат туркманлар бўлими сайланди<sup>1</sup>.

Марказий Ижроия Комитетига 60 киши сайланди. Уларнинг кўпчилиги камбағал деҳқонлардан эди. Марказий Ижроия Комитети составида ўрта деҳқонлар гуруппаси озчилиқни ташкил этди.

Курултой қарорига мувофиқ, камбағал деҳқонларга ёрдам бериш учун 50 миллион сўм пул ажратилди<sup>2</sup>.

Курултойнинг кун тартиби ва қабул қилган қарорлари катта аҳамиятга эга бўлди. Съездга 200 делегат, шу жумладан 56 туркман келди, уларнинг ҳаммаси тинч яшашни истаган, ўлкада хўжалик қурилишлари билан шуғулланиш пайти келганлигини тушунган кишилар эди.

Съезднинг энг катта хизматларидан бири — Хоразм Совет Халқ Республикаси Конституциясини қайтадан ишлаб чиқиш ва янги Конституция қабул қилиш бўлди.

<sup>1</sup> «Известия» 1921 йил, 2 июнь, № 120, «В Хиве».

<sup>2</sup> «Известия», 1921 йил, 15 июнь № 129.



Конституциянинг 4-параграфи ўлкани бош шаҳар, яъни «Хива» номи билан аташ ўрнига ўлканинг «Хоразм» деган қадимий номини берди. Қурултой бу тўғрида конкрет фикр айтди ва ўз қарорини қуйидагича ифода-лаб, Конституцияга ёзди:

«Хива халқининг хонлар ҳокимияти ва Россия импе-риализми зулмидан қутилганлигини нишонлаш учун ва собиқ Хива хонлиги меҳнаткашларининг жирканч ўтмиш билан алоқани узишни истаганликларини эътиборга олиб, шу кундан бошлаб Хива хонлиги ўзининг машҳур қадимий тарихий номини «Хоразм» номини олади».

5-параграфда Ўлка Хоразм Совет Халқ Республикаси деб эълон қилинди ҳамда марказдаги ва жойлардаги барча ҳокимият меҳнаткашлар Советларига топширилди.

Хоразм барча меҳнаткашларни, уларнинг қайси мил-латдан эканидан қатъи назар, эркили Совет жамиятига бирлаштирувчи эркили республика деб танилди, бу рес-публикада барча ҳокимият мамлакатнинг район ва шаҳар Советларига бирлашган меҳнаткашлар қўлида бўлади.

Ўлкада Олий ҳокимият Бутун Хоразм Советлар қурултойи ҳисобланди, қурултойлар орасидаги даврда эса ҳокимият — Бутун Хоразм Марказий Ижроия Коми-тети қўлида, бўлади. Барча граждaнларнинг эркинлиги ва даҳлсизлиги гарантия қилинади. Хоннинг ва хон амалдорларининг халқдан талаб-тортиб олган барча мол-мулки ўлканинг мулки деб эълон қилинди.

Конституция ўлка манфаати ҳамда хўжалик ва мада-ний ҳаётни ривожлантириш учун барча имкониятларни яратди.

Конституция қайси уруғ, қайси қабила, ирқ ва мил-латга мансуб бўлишдан қатъи назар, барча граждaнлар-ни тенг ҳуқуқли деб таниди, Хоразм территориясида яшаган барча халқ ва миллатларни қон-қардош деб ҳисоблади (§ 22).

Хоразм Марказий Ижроия Комитети ҳузурида тузил-ган туркманлар бўлими туркманларни умум давлат иш-ларига тортиши, туркманлар ҳаётининг иқтисодий ва ҳу-қуқ шароитларини, сиёсий, маданий ва миллий шароит-ларини ўрганиб бориши, Амударё суви запасларидан фойдаланишда, далаларни қум босиб қолишига қарши курашда, туркман ерларини суғориш ишларида ҳукумат-га ёрдам бериши, Хоразм Қизил Армиясини тузиш ва туркман аҳолисини ҳарбий хизматга жалб этишда рес-

публиканинг Революцион Ҳарбий Советига кўмаклашиши, саноат-техника ва қишлоқ хўжалик таълими ишларига қатнашиши лозим эди<sup>1</sup>.

Миллий масала юзасидан қарор қабул қилинганлиги ва миллий адоватга барҳам берилганлиги муносабати билан қурултой, барча уруғ ва қабилалардан қатъи назар, ҳамма меҳнаткашларга қарата хитобнома чиқарди. Бу хитобномада аҳоли ўз маданиятини яратишга, каналлар қазилганга, ерларни обод қилишга, чўлларни туллаб-яшнаган водийларга айлантиришга кўп марта уриниб кўрганлиги, лекин Хива халқи қабилалар ўртасидаги адоват туфайли яна хонавайрон бўлганлиги, маданиятдан орқада қолиб кетганлиги қайд қилинди. Дарҳақиқат адоват ва ҳамиша давом этиб турган урушлардан кучсизланиб қолган Хоразм халқи ўз маданиятини тараққий эттирган бошқа халқларга қараганда орқада қолиб кетди, ўзига кўшни ўлкалар билан иқтисодий алоқа қилиб тургани ҳолда, ўзининг миллий ва иқтисодий мустақиллигидан айрилиб асоратга тушди. Хоразм халқининг меҳнати чет эл капиталистларининг даромад манбаига айланди. Россиядаги революциядан кейинги вақтда барча мамлакатлардаги меҳнаткашлар ўзларининг умумий синфий манфаатларини аллақачон тушундилар ва умумий душмандан — жаҳон капиталидан ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун халқаро миқёсда бирлаша бошладилар.

Хоразм ўзини Совет республикаси деб эълон қилди, — деб ёзилди хитобномада, — миллий ихтилофлар эса босилгани йўқ. Қурултой эски гиналарни унутишни, умумий манфаат учун тинч меҳнатга қайтишни, ярашмоқ учун қўл чўзишни талаб қилади ва сўрайди<sup>2</sup>.

Қурултойнинг бундай қарорлари ва аҳолига қарата муражаати, кўрган ташкилий тадбирлари туркманлар масаласини ҳал қила бошлашга асос бўлди.

Миллий масала, шу жумладан туркманлар масаласи тўғрисида кейинчалик кўрилган тадбирлар Хоразм Коммунистик партияси ва Марказий Комитетининг қароридан акс этди. Марказий Комитетнинг 1921 йил 30 июндаги

<sup>1</sup> Хорезмская Советская Народная Республика. Из жизни национальностей, сборник материалов 1920—1923, 181—194-бетлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, фонд 4, д. 71, л. 166—167-бетлар.

мажлиси Хоразм туркманларининг миллий чегараланиши ва Туркистон республикасига қўшилишлари — миллий масалани ҳал қиладиган энг тўғри йўл эканини эътироф этди. Аммо, Марказий Комитет мавжуд сиёсий-иқтисодий шароитни ҳисобга олиб, Хоразмда феодализм муносабатларини ҳозирчалик ўзича қолдириш мақсадга мувофиқ деб эътироф қилди. Чунки мавжуд географик ва иқтисодий шароит Хоразмни Амударё области (Амударёнинг ўнг томони) билан ягона иқтисодий район сифатида бирлаштирар, Амударёдан сув оладиган канал ва ариқлар бу ердаги деҳқончилик учун жуда муҳим, сув тақсимлаш масаласи эса, катта иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга эди. Канал ва ариқларни қазийдиган ва тозалайдиган аҳолини йил сайин сафарбар қилиш ва ишни тўғри уюштириш учун фақат бир жойдан яъни Хоразмдан раҳбарлик қилиб туриш лозим эди<sup>1</sup>.

Хоразм Марказий Комитетининг қарорларида баён қилинган барча мулоҳазаларда иқтисодий ва сиёсий манфаатлари бир ҳамма миллатларни бирлаштирадиган давлат ҳокимияти органини ташкил этиш зарурлиги кўрсатилди.

Хон ва бойларга қарашли ерларни деҳқонларга тақсим қилиб бериш билангина бу проблемани ҳал қилиб бўлмасди, чунки бу ер фонди барча эҳтиёжларни қондиrolмасди. Ерга бўлган эҳтиёжни қондириш учун чўллардаги 250.000 десятинага яқин ерни суғориш лозим. Агар жон бошига беш танобдан (таноб—десятинанинг олтидан бир қисми) ер берилса, янги суғориладиган ерлар ҳисобига 300.000 кишини таъминлаш мумкин бўларди. Аммо бунинг учун кўп маблағ ва анча вақт керак.

Вақф ерларини ҳам эътиборга олиш лозим бўлди. Аслида вақф ерлари деҳқонларга ижарага бериларди. Ўзбек районларида вақфга қарашли ерлар 60—90 процентни ташкил этарди<sup>2</sup>. Аммо ўша вақтда Хоразм шароитида вақф ерларини тугатиш имконияти бўлмади. Уларни тугатиш учун фақат деҳқонларнинг ўзлари ижара ҳақини тўлашдан бош тортишлари керак эди. Буни тушунтириш учун аҳоли ўртасида сиёсий-тарбиявий ишлар олиб бо-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Компартияси тарих институтининг партия архиви, ф. 361, 1923—1924 йиллар делоси.

<sup>2</sup> В и н о г р а д о в. Хорезмская Советская Народная Республика. «Жизнь национальностей» китобидан, 181—191-бетлар.

<sup>3</sup> Мақолалар тўплами, «Сиёсий аҳвол», 12-бет.

рилди, халқнинг синфий онгини уйғотиш учун бир қанча тадбирлар кўрилди. Шунинг учун ҳам вақф ерларини деҳқонларга тақсимлаш — энг мураккаб масалалардан бири бўлиб турди.

Чорвачилик оғир аҳволда қолди. Яйловлар камайди, уруш вақтида ва урушдан кейинги даврда чорвачилик маҳсулотлари бошқа ўлкаларга ва мамлакатларга сотилмади. Янги ҳукумат ўз олдига қум босган яйловларни обод қилиш ва ўзгартириш вазифасини қўйди.

Хоразмнинг Россия, Афғонистон, Эрон ва Бухоро билан ташқи савдоси деярли бутунлай ётиб қолди. Савдонинг илгариги даражасига етказиш учун транспортни ривожлантириш, айниқса 300 минг пуддан ошиқ юк кўтарадиган қайиқлар қуриш талаб қилинди. Бу катта вазифани бажариш учун халқ хўжалиги нозирлигида транспорт бўлими тузилди ва қайиқлар қуриш иши тез орада йўлга қўйилди.

II қурултой қуроли кучлар ташкил қилиш масаласи юзасидан барча миллатлардан аскарликка олиб, Хоразми Қизил Армиясини тузиш ва мустақамлаш тўғрисида қарор чиқарди. Инструктор курслари, ҳарбий таълим ва маданий-оқартув мактаблари ташкил қилина бошлади.

II қурултой дин масаласини кўриб чиқиб, мачитларни давлатдан ажратди, давлатнинг шариат ва диний муассасалар ишига аралашмаслиги ҳамда вақфларнинг дахлсизлигини эълон қилди. Вақф ерларининг даромади хайр-эҳсон қилиш ва маориф эҳтиёжларига сарфланиши лозим топилди. Қурултой ўз ишини давом эттириб турган вақтда, 1921 йил 29 майда РСФСР билан Хоразм республикаси ўртасида «Почта, телеграф, телефон ва радио телеграфни бошқариш тўғрисида» битим тузилди. Қурултойнинг иши тамом бўлгандан кейин, 1921 йил 21—25 сентябрда РСФСР, Бухоро ва Хоразм республикалари ўртасида Амударё кемачилигини бошқариш тартиби тўғрисида битим тузилди»<sup>1</sup> Бу тадбирларни РСФСР ҳукумати амалга оширди ҳамда Хоразм республикаси билан РСФСР ўртасидаги қардошлиқ иттифоқи ва дўстона муносабатларни мустақамлашга катта ёрдам берди.

II қурултой мажлиси охирларида Совет-Хоразм итти-

<sup>1</sup> А. Виноградов. Хорезмская Советская Народная Республика. «Жизнь национальностей» китобидан, 181—194-бетлар.

фоқи шартномасининг тасдиқлангани тўғрисида хабар олинди, қурултой «улуг ва озод қўшни халққа чуқур ташаккур» билдирди. РСФСРнинг мурожаатида шундай деб ёзилган эди: «Барча мазлум халқлар ўртасида қўзғолон алангасини ёққан, қуёшдек болқиб, жаҳон империализми зулмидан эзилган мусулмонларнинг йўлини ёритиб турган Россия Совет Республикасининг сиёсатини маъқулловчи, озод қилинган ва ҳали ҳам эзилаётган мусулмон халқлари овозига Хоразмдан эшитилган овоз ҳам қўшилиши керак»<sup>1</sup>.

Марказий Ижроия Комитетига асосан камбағал деҳқонлар ва озгина ўрта деҳқонлар ҳам сайланди. Аммо саводли кишиларнигина нозир қилиб сайлаш мумкин, бироқ бунда мусулмон мадрасаларини тамомлаган кишиларгина саводли эди (европача маълумот олган ҳеч ким йўқ эди). Шунинг учун ҳам капитализм сарқитларига берилган кишилар ҳам нозирлик вазифасига ўтдилар. Буржуазиянинг баъзи бир реакцион вакиллари ўрнига, реакцион кайфиятга камроқ берилган бошқа кишилар ўтди. Улар ўзларини илғор киши қилиб кўрсатишга урундилар, аслида ҳокимият ҳали ҳам бадавлат синфларнинг вакиллари қўлида қолди ва уларнинг сиёсати ҳам унча ўзгармади.

Шунинг учун давлат муассасаларини тамомила совет тусига кирган деб бўлмасди, чунки порахўрлик, ўғрилик ҳамда совет шиорлари остида ниқобланган контрреволюцион ишлар давом этиб турди. Ҳукумат раҳбарлари Хоразмнинг Совет Иттифоқига киришидан ва халқ республикасини социалистик республикага айлантиришдан бош тортдилар. Ҳукумрон группалар доирасида «Хоразм мусулмонларники» деган шиор тарқалди, баъзи бир нозирлар эса, агар вазият ўзгариб кетса иккинчи томонга осонгина ўтиб кетиш имкониятига эга бўлиш учун Жуноид билан алоқани давом эттирдилар. Нозирлар орасидаги хоинлар Хоразм қўшинлари Революцион Ҳарбий Советининг оператив планларини Жуноидхонга маълум қилиб турдилар, шу билан улар Қизил Армия ва Хоразм армияси қисмларига қарши Жуноиднинг хуружини осонлаштирдилар, шу сабабли оператив жанг ҳаракатларидан қўтилган натижалар чиқмади. 1922 йилда Бухорода бос-

<sup>1</sup> Характерные черты Хорезмской Народной Республики  
55-бет.

мачилик кучайган ва машхур авантюрист Анвар пошо пайдо бўлган бир шароитда Хоразм республикасининг хорижий ишлар халқ нозири Мулла Ниёз эса Жуноидхон томонига ўтиб кетди, ўзининг нозирлик вазифасини Жуноидга саркотиб бўлиш вазифаси билан алмаштирди.

Хоразм қўшинларида Қизил Армия қўшинларидаги хислатлар ҳали намоён бўлмаган ва улар тасодифий кишилардан тузилган, қўмондонлик эса қаттиқ жанг қилишга у қадар қобилиятли эмасди. Хоразмда умумиттифоқ Қизил Армия қисмлари оз эди. Аммо тинч кунлар бошланиб, совет қўшинларини Хоразмдан чиқариш зарурлиги тўғрисидаги масала муҳокама қилинганда аҳоли норози бўлиб, Жуноидхон тўдалари бутунлай тор-мор қилинмагунча Қизил Армиянинг рус қўшинларини Хоразмда қолдириш тўғрисида РСФСР ҳукуматидан илтимос қилди. 1921 йил май ойи ўрталарида РСФСРнинг Хоразмдаги Фавқулодда миссияси бошлиғи ўртоқ Гепнер аҳоли билан суҳбат қилди. Халқ Қизил армиячиларнинг бошқаларга ўрнак бўлганини, ичкилик-бозлик ёки бошқа бемазагарчиликларни қилиб юрмаганини айтди.<sup>1</sup>

Уша даврда халқнинг сиёсий активлиги жуда кучайди. Жойларда Совет халқ ҳокимияти органлари билан бир қаторда Қўшчи союзи ҳам тузилди. Союз ўз атрофига кам ерли ва ерсиз деҳқонларни тортди ва ўз мавқеини мустаҳкамлади.

Конституцияга кўра, ижро этувчи ҳокимият қишлоқларда аҳолининг умумий йиғилишларида ярим йил муддат билан сайланган оқсоқолларга топшириларди. Сайланган оқсоқолни район ижроия комитети (шўроси) тасдиқларди. Оқсоқоллар камида ҳар ойда бир марта чақириладиган умумий йиғилишда ўз қишлоғидаги сайловчилар олдида ҳисоб бериб туриши лозим кўрилди. Агар зарур бўлса, қишлоқдаги сайловчиларнинг учдан бир қисми томонидан қўйилган талабга мувофиқ район ижроия комитети (шўроси) 6 ойлик муддат ўтгунча янги оқсоқол сайловини уюштириши лозим (§ 55).

Сайловчилар умумий йиғилишларда ўз қишлоқларининг хўжалиги ва маданиятини ривожлантириш, совет халқ ҳокимияти олий органларининг барча қарорларини бажариш, ер, сув ва солиқ каби ҳар хил маҳаллий масалаларини муҳокама қиладилар. (§ 56).

<sup>1</sup> «Известия», 1921 йил, 14 май, №16, «В Советской Хиве».

Бир неча қишлоқлар районларга бирлашдилар. Районларда эса олий ҳокимият меҳнаткашлар вакилларининг район қурултойи қўлида бўлади. Район қурултойига ҳар 100 сайловчидан бир вакил сайланади, аммо вакилларнинг ҳаммаси 150 дан ошмаслиги лозим. Район қурултойининг ўз составидан сайланган Ижроия Комитет иш органини — Ижроия Комитети президиумини (шўрони) ажратади. Район Ижроия Комитети ўз фаолияти учун район қурултойи олдида жавобгардир.

Хоразмда ҳаммаси бўлиб 28 район ташкил этилади, Маҳаллий советларнинг илтимосига мувофиқ ёки Хоразм Марказий Ижроия Комитетининг ўз ташаббуси билан бир неча районлар миллий-маиший белгиларга қараб, бир областга бирлаштирилиши ва бир область советини ташкил этиши мумкин.

Район советлари бир йил муддатга сайланади, уларнинг фаолияти олий ҳокимият органларининг барча қарор ва фармойишларини бажаришга, районнинг хўжалик ва маданий ҳаётига раҳбарлик қилишга ҳамда барча маҳаллий органларнинг фаолиятини бирлаштиришга қаратилади<sup>1</sup>.

Хоразм республикаси тузилгандан кейинги дастлабки вақтда беклар, хон амалдорлари, Юсупов ҳукуматининг гумашталари ҳокимиятининг жойлардаги вакиллари эдилар. Эзилган меҳнаткашлар оммаси саводсиз ва ҳали ҳам илгариги итоатгўйлигини сақлаб келарди. Қўшчи союзи тузилиб, унинг сиёсий мавқеи мустаҳкамланиб борди, камабағалларда синфий оғ уйғониб, қишлоқ ва районларда ҳокимиятни қўлга олиш хоҳиши пайдо бўлди. Шундан сўнг маҳаллий ҳокимият тепасида турган хон амалдорлари ва Юсупов гумашталарини алмаштиришга имкон туғилди.

Ерсиз ва кам ерли деҳқонлар союзи (Қўшчи) Хиза революциясидан кейин тез орада тузила бошлади ва дастлабки даврда ўз аъзоларининг умумий маданий савиясини ва рўзгорини кўтаришга ёрдам бериб келди.

Даставвал руҳонийлар ва маҳаллий ҳокимиятлар бу комитетларни тез-тез қувғин остига олдилар, баъзан эса улар ўз вазифаларини бажармас эдилар. Хоразм ҳукуматидаги Юсупов группасининг жиноий ишлари авжга чиққан даврда ҳам камбағаллар комитетлари ўз фаолият-

<sup>1</sup> Хоразм республикасининг Конституцияси, 1X ва X боблар.

ларини кўрсатмадилар. Революцион Комитет тузилиб, бу группанинг барча аъзолари қамоққа олингандан кейин, 22 мартда Хивада Хоразм камбағаллар комитетларининг конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияга 50 делегат қатнашди. Съезд ўз ишини гарнизон клубида, революцион комитет, нозирлар совети, РСФСР ҳукумати, Қизил Армия, коммунистик ёшлар союзи ва қасаба союzlари вакилларининг иштирокида олиб борди<sup>1</sup>.

Съезд ҳозирги сиёсий аҳвол тўғрисидаги доклад юзасидан қабул қилган қарорида, Юсупов группасининг реакцион сиёсатини қайд қилиб ўтди ва контрреволюция батамом тор-мор келтирилгунча унга қарши кураш олиб боражагини айтди. Съезд Юсупов группаси тугатилгандан кейинги Вақтли Хоразм революцион Комитетини қурултой чақирилганга қадар мамлакатнинг тўла ҳуқуқли ҳукумати бўлажагини таниди, унинг сиёсатини республика камбағал деҳқонлари учун фойдали ва зарур деб ҳисоблади, Революцион Комитетга ёрдам беришни ваъда қилди. Янги маҳаллий советлар ва Қўшчи союзи жойларда ҳал қилувчи орган бўлиб қолдилар.

II қурултой Қўшчи союзининг фаолиятини фойдали деб ҳисоблади ва ҳукуматни деҳқонлар манфаатини ёқлашда Қўшчилар союзига ёрдам беришга мажбур этди. Кейинчалик камбағаллар оммаси Қўшчилар союзига ҳаммиша ёрдам бера бошладилар. Қўшчилар союзи ҳар хил буржуазия группаларини, меҳнат қилмай яшаган кишиларни маҳаллий советлар составидан чиқариш учун курашди ва улар ўрнига, советларга ўз вакилларини киритди. Юсупов ҳукумати ағдарилгандан кейин камбағаллар комитетлари маҳаллий советларга суқилиб кирган текинхўр унсурларни сиқиб чиқардилар ва баъзи бирларини қаматдилар, ўзларини «коммунист» деб атаган ва ўзбошимчалик билан ҳокимиятни қўлга олган бир тўда муттаҳамларга қарши ўз норозиликларини ошқора айтдилар. Буларнинг ҳаммаси камбағал деҳқонларда синфий оинг уйғонганлигини кўрсатди. Қўшчилар союзи тобора ўсди.

1921 йилда Хоразм республикасининг РСФСР билан алоқаси янада мустақамланди. РСФСР ва Хоразм республикаси ўртасида 1920 йил 13 сентябрда бир-бирига мухтор вакил юбориш тўғрисида тузилган Иттифоқ шартномасининг 22 моддасига асосан РСФСР ҳукумати ўртоқ Бик Иосиф Моисеевични ўзининг мухтор вакили қи-

<sup>1</sup> «Известия», 1921 йил, 31 март № 69, «В Советской Хиве».



либ тайинлади. Унинг ишонч ёрлиғини 1921 йил 4 майда Москвада Ленин имзолаган эди.

1 июлда Нурулла бойнинг саройида РСФСРнинг ишонч ёрлиғи Хоразм ҳукуматига тантанали вазиятда топширилди<sup>1</sup>. Шундай қилиб, иккала республиканинг янада яқинроқ ҳамкорлик қилиши ва иккала давлатнинг хўжалик қурилишларида бир-бирига ёрдам беришлари учун имконият яратилди.

1921 йил февралда РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг қарори асосида Халқ Комиссарлари Советининг Хоразмдаги сиёсий вакили ва бошқа ведомстволарнинг вакиллари, жумладан биринчи галда ташқи савдо комиссарлиги вакили ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйиш тўғрисида директив кўрсатмалар берилди. Ташқи савдо Халқ Комиссарлиги вакилининг фаолияти Хоразм учун катта аҳамиятга эга бўлиб, у Халқ Комиссарлари Советининг қарорига мувофиқ маъмурий жиҳатдан РСФСР мухтор вакилига бўйсунарди.

Иттифоқ битимига кўра, РСФСР ҳукумати Хоразм ҳукуматига 500 миллион сўм ёрдам берди<sup>2</sup>.

1922 йил июнь ойида РСФСР Молия халқ комиссарлиги билан Хоразм республикаси вакили ўртасида тузилган шартномага мувофиқ Хоразмга олтин баҳоси билан 8000 сўм берилди. Бу қарз қисман қоғоз пул билан ва 40 проценти товар (Хива гиламлари ва қорақўл териси) билан тўланиши лозим эди.

РСФСР ҳукумати билан Хоразм республикаси ўртасида тузилган ва 1922 йил 29 июнда тасдиқланган иқтисодий битим асосида Хоразм республикасининг Иқтисодий Совети ҳузурида РСФСР Госторгининг савдо ваколатхонаси таъсис этилди. Бу ваколатхонага Хоразм республикасининг СССР ва Ғарбий Европа билан савдо алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантириш юкланди.

Савдо ваколатхонаси Хоразм хўжалигини тиклаш ва миллий бойликларини кўпайтириш учун СССРдаги маммурий қонунлар асосида ҳар хил товарларни бошқа ўлкаларга чиқариш ва ўзи учун зарур товарларни келтириш ҳуқуқини олди.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> «Известия» 1921 йил, 6 июль, №1, «Вручение верительной грамоты».

<sup>2</sup> РСФСР ва чет давлатлар ўртасида тузилган шартномалар, битимлар тўпламидан кўчирма.

<sup>3</sup> «Известия», 1921 йил, 31 март, №69, «В Советской Хиве».

## ХОРАЗМДА ХАЛҚ СОВЕТ ТУЗУМИНИ МУСТАҲКАМЛАШДАГИ ДАСТЛАБКИ ЮТУҚЛАР

II қурултойдан кейин Хоразм Совет Халқ Республикасининг қўлга киритган ютуқларидан бири — босмачиликнинг тугатилишидир. Маълумки, Октябрь революциясидан аввал Хивадаги босмачилик кўчманчи туркман феодалларнинг Жуноидхон бошчилигида Хива хонига қарши курашадиган қуроли кучларидан иборат бўлиб улар хонликдаги ўтроқ ўзбек қишлоқларини талардилар. Россиядаги Октябрь революциясидан кейин Жуноидхоннинг қуроли кучлари Туркистонда Совет ҳокимиятига қарши курашга айланди. Аммо Жуноидхоннинг советларга қарши ҳар бир ҳужуми Хоразмнинг меҳнаткаш аҳоли турмушига зарар келтирди.

Жуноид 1919 йил кузида Петро-Александровск шаҳрида жойлашган Қизил Армияга биринчи марта ҳужум қилди. Жуноид Хива хони Асфандиёрга қарши чиқиб, ўз қуроли кучларини Амударёнинг чап томонига юборди. Унинг ҳужумлари муваффақиятсиз бўлди.

1919 йил ноябрь ойидан бошлаб Жуноид ўз босқинчилигини вақтинча тўхтатиб турди ва 1921 йилда яна ҳуруж қилди. Уша вақтда қум чўлларида Вали Мамед Эшонов ва бошқа бошлиқларнинг бандалари Қизил Армия қисмига қарши ҳаракат қилдилар.

Бу даврда босмачиларга қарши кураш шароити бутунлай ўзгарди. Қизил Армия қисмлари босмачиларга қарши кураш даврида аҳоли ўртасида катта сиёсий ишлар олиб борди. Натижада меҳнаткаш аҳоли босмачиларнинг хатти-ҳаракатидаги ёвузликни яққол пайқади. Босмачилар халқ мол-мулкани ёппасига талади, кишиларни очикдан-очиқ ўлдирди. Жуноидхон бошлаган бу уруш тинч аҳоли манфаатлари билан ҳисоблашмай, балки, аҳолини ўз сиёсатлари қуролига айлантирувчи туркман хонлари манфаатини кўзлади. Хонлар манфаати учун жанг қилиш бефойда эди. Қатъийлик ва Қизил Армиянинг куч-қуввати ҳамда туркман хонлари устидан қозонилган ғалаба Совет ҳукумати вакилларининг обрўсини анча оширди. Хонларнинг қаршилиги даф этилди, туркманлар оммаси хонларга ёрдам беришдан онгли равишда бош тортди. «Фақат РСФСР билан яқиндан ва мустаҳкам иттифоқ тузиш — мустақил давлат тузишга ёрдам беради ва фақат Россиядаги ишчи-деҳқон ҳуку-

мати Хивадаги айрим халқлар ўртасидаги шармандали ва фалокатли адоватни бартараф қилишга ёрдам беради<sup>1</sup>. Буни Хоразм аҳолиси яхши тушунади.

Босмачи тўдалар қўйидагича жойлашган эдилар.

1921 йил апрелда Ғулом Али ўз суворилари билан Хожи Гумбаз районида — Тошовуздан 170 чақирим жануб-ғарбда; Жуноидхон шайкаси Ажи қўйида — Ботиркентдан 80 чақирим жануб-ғарбда; Вали Мамед Эшоннинг шайкаси Ўттиз қулоч қудуғи районида — Дарғонотадан 160 чақирим жануби-ғарбда жойлашган эди. Бу тўдаларнинг ҳаммаси Хива ваҳосининг аҳоли яшаган жойларига ҳужум қилар, тинч аҳолининг мол-мулкани таларди.

Қизил Армия қисмлари операциясининг бошланиши олдидан (апрель ойида) II қурултой миллий масала тўғрисида қарор чиқарди, Юсупов группасининг жинойишларини қоралади, Хоразмдаги барча халқлар ўртасида дўстлик ўрнатди, бир миллатнинг манфаатларига ҳалал етказиш ҳисобига иккинчи миллатга имтиёзли ҳуқуқ беришнинг жинойиш бир иш эканлигини уқдириб ўтди.

Июль ойида Хоразм ҳукумати қум чўлларига кўчиб кетган кишиларга қарата хитобнома эълон қилди. Хитобномада бундай дейилади: «Озод Хоразм барча халқларнинг қардошларча ва дўстона ишлаганларидагина яшайди ва бахтиёр бўлади. Совет ҳокимияти халққа зулм қилувчи барча душманларга омон бермайди, адашган барча қариндошларига меҳр билан қараб, уларнинг гуноҳидан ўтади». Хитобномада шундай деб таклиф қилинади: «Қимки, қуролини ҳалол топширса ва тинч меҳнат қилиши тўғрисида қасам ичса, уларнинг ерлари қайтарилди, ўзларига ёрдам берилади, даҳлсиз бўлади. Ҳалол кишилар тинч меҳнат қилингиз! Ярамас ва аблаҳ кишилар қум чўлларида қолиб ҳалок бўлсинлар»<sup>2</sup>

Жуноидхонга ва бошқа душманларга қарши жанг қилиш плани 1921 йил март ойидаёқ тузилди. Бу планга мувофиқ, Кўна Урганч, Тошовуз, Уйғур, Хива ва Дарғонотадан, жанубда эса — Ашхабод (Полторацк) темир йўлидан, Гинсбургдан (Каахка станцияси), Марв ва Чоржўйдан отрядлар юборилиши лозим эди. Бу отряд-

<sup>1</sup> ЦВИА п. 37, № 18, 32-бет.

<sup>2</sup> «Известия», 1921 йил, 6 июль, № 1, «Қум чўлларига кетиб қолганларга хитобнома».

ларнинг ҳаммаси қум чўллари марказига бориб, босма-чи галаларни топишлари ва тугатишлари керак эди. 7 апрелда темир йўл томонидан, 10 апрелда бошқа жойлардан отрядлар сафарга отландилар.

7 майгача Қизил Армия отрядларининг операциялари катта муваффақият билан тугади. Вали Мамед Эшонунинг бандаси тор-мор қилинди, тўда бошлиғи ва унинг ўғли Оғажон Эшон ўлдирилди. Банда ҳар томонга қочиб тарқалиб кетди. 7 майдан 11 майгача Қизил Армия отрядлари бандитларнинг майда тўдаларини қўлга туширдилар<sup>1</sup>.

Май ўрталарида Вали Мамед Эшонунга қарши уруш операциялари тамом бўлди. Шу вақтда Жуноидхон ва Фулом Али шайкаларида киши оз қолди. Улар қуроли курашдан ҳадиксираб, қум чўлларига қочиб кетдилар<sup>2</sup>.

Фулом Али ўз ожизлигига иқрор бўлиб, икки ой мобайнида, яъни июль ўрталаригача мутлоқа урушмай қум чўлида писиб ётди. Хоразм ҳукуматининг курашни тўхтатиш ва тинч меҳнат қилиш тўғрисидаги хитобномаси Фулом Алига ҳам етиб борди. У қуролини топширмоқчи бўлгани тўғрисида Хоразм ҳукумати ҳузуридаги РСФСР Мухтор элчисига билдириш учун ўз вакилини юборди. У 12 июлда кечқурун қуролини топширди ва Совет ҳукуматига итоат қилганини айтди<sup>3</sup>.

Шартнома имзолангандан кейин Фулом Али РСФСРнинг Хоразмдаги Мухтор элчиси ва қўшинлар қўмондонига мактуб ёзиб, ўзининг дахлсизлиги тўғрисида берилган гарантядан мамнун бўлганини билдирди, нима учун йўлдан озганлигини тушунтирди ва пролетар давлатига ҳалол хизмат қилишга ваъда берди. У Совет ҳукуматини ёқлаб, Жуноидхонга қарши курашганини ва Юсупов пруппаси томонидан ўлдирилишидан қўрқиб, қум чўлларига кетганини айтди<sup>4</sup> Хонликда таслим бўлмаган фақат Жуноид бандаси қолди. Ўша 1922 йил декабрь ойидаги сингари бу бандага ҳам ҳал қилувчи зарба берилди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь Революцияси Марказий давлат архиви, ф. Туркистон фронтининг ҳарбий-илмий бошқармаси, № 243, оп. 1, д. 36, л. 1—6, 259—260-варақлар.

<sup>2</sup> Ўша жойда 262-варақ.

<sup>3</sup> «Известия», 1921 йил, 20 июль, № 7, РСФСРнинг Хоразмдаги мухтор вакили мактубидан кўчирма.

<sup>4</sup> «Известия», 1921 йил, 20 июль № 7, Фулом Алихоннинг мактуби.

Ер ишлари нозирлиги олдида ботқоқлик ерларда ме-  
лиорация ишлари олиб бориш, ўт босган ерларни тоза-  
лаш ва ерга сув чиқаришда чигирлар ўрнига бошқа қу-  
лайроқ усулларни қўлланиш каби муҳим ва кечиктириб  
бўлмайдиган вазифалар турарди. Ботқоқликларни қури-  
тиш ва қўллардаги сувни бошқа томонга оқизиб юбориш  
учун Питнакдан Чарменебгача 150 чақирим масофада  
канал қазиш кўзда тутилди. Бу канал далаларнинг за-  
хини қуритадиган зовур ўрнини босиши лозим. Бундай  
катта ишларни бажариш учун мутахассислар қидириш  
ишларини тўғри ўтказишлари, техника ёрдами ва маб-  
лағлар зарур бўлиб қолди. Бунинг учун олтин ҳисобида  
тахминан 20.777 сўм пул керак эди<sup>1</sup>.

Ер ишлари нозирлигининг фаолиятини ошириш, кам  
ерли ва оз ерли деҳқонларни ер билан таъминлаш ишини  
яхшилаш учун нозирлик ҳузурида собиқ хон ерларидан  
ер фонди яратишга қарор қилди ва 200 миллион сўм сар-  
мояга эга бўлган Деҳқонлар банкиси очиш лойиҳасини  
тасдиқлади.

Қурултой хўжаликнинг умуман яхшиланганини қайд  
қилди. Баъзи бир пахта ва кўн заводлари ремонт қили-  
ниб, ишга солинди. Қоғоз фабрикаси ва ойна заводини  
қуриш жамияти ташкил қилинди, қурилиш ишлари анча  
жонланди. 10 га яқин ғишт заводи ва 8 пахта заводи беш  
йилдан ўн йилгача муддат билан ижарага берилди. Бу  
тадбирларнинг ҳаммасига ҳукумат қатнашди, умумий  
контроль ва раҳбарликни ўз қўлида қолдирди ва даро-  
маднинг бир қисмини оладиган бўлди.

Ўлкада саноат ва савдо кенгайгани туфайли иқтисо-  
дий совет тугатилди, унинг ўрнига савдо ва саноат нозир-  
лиги тузилди<sup>2</sup>.

Маориф соҳасида ҳам бирмунча ютуқларга эришил-  
ди. Ўлкада янги усулда ўқитиладиган 12 та халқ макта-  
би, 6 та мактаб-интернат, 3 та хотин-қизлар мактаби ва  
1 ўқитувчилар семинарияси очилди, барча ўқувчилар  
200 кишидан ошди. 1922 йил март ойида 1000 киши си-  
ғадиган халқ театри очилди.

Қурултой саводсизликни тугатиш учун мактабдан

<sup>1</sup> Зубрек К. Земледелие и ирригация Хорезма в связи с  
вопросом экономического объединения среднеазиатских рес-  
публик, 17-бет.

<sup>2</sup> Виноградов. Хорезмская Советская Народная Рес-  
публика «Жизнь национальностей» журналы, 1922 йил, 17-бет.

ташқари ўқишни уюштириш тўғрисида қарор чиқарди, шу мақсадда туркман, қозоқ ва қорақалпоқ тилларида мактаблар очилиши лозим топилди. Бошланғич маълумот олган ва айниқса қобилиятли ўқувчилар танланди ва олий маълумот олишлари учун Туркистон республикасидаги олий ўқув юртларига юборилди.

Қурултойнинг молия комиссияси республиканинг молиявий аҳволини тартибга солиш учун катта иш қилди, пул чиқариш ишлари устидан қатъий контроль ўрнатилди, қатъий давлат бюджети белгиланди. Қурултой солиқ солиш сиёсати ва солиқларни йиғиш устидан контроль қилиш учун Давлат-банкаси ва солиқ палатасини таъсис этиш тўғрисида қарор қилди. Солиқлар системаси (натура солиғи, ҳунармандлар солиғи, чорва моллардан олиннадиган солиқ, бозор ижараси солиғи, заводлар ва қайиқлардан олиннадиган солиқ) тузиб чиқилди, камбағаллардан ўқиш ҳақи илгаригидек олинмайдиган бўлди, шунингдек медицина, ветеринария ва агрономия ёрдами бепул қилинди.

Ички ва ташқи аҳвол тўғрисидаги доклад юзасидан, қурултой Анвар пошшонинг авантюрасини қоралади. Анварнинг контрреволюцион фитналари, Урта Осиёда босмачиликнинг авжига чиқаётганлиги, уларга қарши Бухоро халқининг олиб бораётган кураши тўғрисида қурултой махсус қарор қабул қилди. Қарорда «Буларнинг ҳаммаси озод қилинаётган Шарқдаги барча халқларни уйғотмоқда ва Совет Россиясининг душманларига қарши курашга чақирмоқда. Совет Россияси озод қилинган Шарқ мамлакатларининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлайдиган бирдан-бир иттифоқдир» деб уқдириб ўтилди.

Қурултой ўз ишининг охирида 60 кишидан иборат Марказий Ижроия Комитетининг янги составини сайлади, Президиумга туркман ва қозоқ вакилларида 7 киши — Марказий Ижроия Комитети туркманлар бўлими ва қозоқлар бюросининг раислари сайланди. Республика Марказий Ижроия Комитетининг раиси қилиб коммунист Хожи Бобо Абдулла Хўжаев сайланди.

РСФСР ва Туркистон республикаси сингари Хоразм республикаси ҳам III қурултойдан кейин ривожланиш ва мустақамланиш даврини босиб ўтди. Давлат аппарати тозаланди, буржуа миллатчилар аппаратдан ҳайдалди, босмачилар контрреволюцияси тугатилди. Собиқ Россия

территориясида Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи (СССР) тузилди. Бу иттифоққа Россия, Украина, Белоруссия, Закавказье республикалари кирди. СССР тузилганлиги тўғрисидаги Декларация ва шартнома бу республикалардаги Олий ҳокимият томонидан маъқулланди ва Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи Марказий Ижроия Комитети таъсис этилди. Шу муносабат билан ишларнинг бир қисми Иттифоқ ихтиёрига ўтди, РСФСР ихтиёрида эса Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг суверен ҳуқуқларига доир ишлар қолди<sup>1</sup>.

Шу билан бирга Ўрта Осиёдаги учта Совет республикаси — Туркистон Совет Социалистик Республикаси, Бухоро Совет Халқ Республикаси ва Хоразм Совет Халқ Республикаси иқтисодий жиҳатдан бирлашди. Бухоро билан Хоразм халқ республикаси эди, улар ҳали социалистик республика бўлмагани учун ССР Иттифоқига кира олмадилар, аммо, янги давлат тузумидан четда қололмадилар ҳам. Уша замондаги мавжуд халқаро вазиятда, хўжалик ва маданиятнинг умумий тараққиёти учун иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида Ўрта Осиёдаги учта республика иқтисодий жиҳатдан бирлашди.

Бу республикаларнинг хўжаликлари бир хил хусусиятга эга эди, яъни асосан деҳқончилик билан шуғулланарди. Хоразм аҳолисининг 93,1 проценти деҳқон эди. Пахта бу республикаларнинг асосий экини бўлиб, жуда катта даромад берарди. Хўжалик системаси майда деҳқонлардан иборат бўлиб, саноат суст ривожланган ва қишлоқ хўжалик хом ашёсини (пахта, ипак ва меваларни) дастлабки ишлаш билан кифояланарди, шунингдек жун, тери, ичак каби чорвачилик хом ашёларини қайта ишларди.

Ирригация учала республикада ҳам деҳқончиликнинг асоси бўлиб, техника ҳар қайси республикада ҳар хил эди.

Хўжаликни ривожлантиришда республикалар олдида турган вазифалар ҳам деярли бир-бирига ўхшаш бўлиб, фақат баъзи бир майда-чуйда масалалардагина бир оз фарқ қиларди, чунончи, республикалар уруш тўғрисида вайрон қилинган хўжаликларини тиклашлари,

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, ф. Хоразм Марказий Ижроия Комитети, №71, оп. 1, л. 44, 70-варақ.

ер ислоҳоти ўтказишлари, камбағал деҳқонларга ер беришлари, феодализм ва ўтмиш мустамлакачилик сарқитларини тугатишлари. Ўрта Осиёдаги қишлоқ хўжалик районлари билан Совет Иттифоқи саноати ўртасида хўжалик алоқаларининг ўрнатилиши, шу билан бирга барча республикаларнинг манфаатлари кўзда тутилиши ва транспорт тикланиши лозим эди.

Тайёргарлик ишлари пухта олиб борилганлиги ва ҳар хил кенгашлар ўтказилганлиги натижасида барча зарур материал тўпланди ва 1923 йил март ойида Тошкентда Ўрта Осиё республикаларининг I иқтисодий конференцияси ўтказилди. Бу конференциянинг қарорида «халқ хўжалигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида», «иқтисодий сиёсат ва хўжалик планидаги бирлик асосида» уч республикани бирлаштириш кўзда тутилди. Бошқа қарорларда хўжаликнинг ҳар хил соҳаларини бирлаштириш мўлжалланди. Чунинчи, барча республикаларда бир хил пул муомаласини жорий қилиш ва СССРдаги пул системасини қабул қилиш, ташқи савдонинг барча операцияларини бирлаштириш ва чет давлатларга юбориладиган хом ашёни тайёрлаш учун ички бозорлардаги рақобатни бартараф қилиш, транспортни бошқариш ишларини бирлаштириш, яъни уни СССР Йўл-алоқа халқ комиссарлигига бўйсундириш, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган алоқадан ташқари почта-телеграф алоқасини ҳам бирлаштириш, статистика, давлат савдоси, кооперация, ер ва ирригация соҳасидаги барча тадбирларни амалга оширишда мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатиш, техника кучларидан ва Туркистон республикаси тажрибасидан фойдаланиш учун ягона план тузилди, пахтачиликни ривожлантириш учун умумий тадбирлар белгилашда деҳқонлар манфаатларига риоя қилиш кўзда тутилди.

Бу қарорларнинг ҳаммасини амалга ошириш учун конференция Ўрта Осиё Иқтисодий Совети (ЭКОСО) ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди, шунингдек, конференция Президиуми ташкил этилди ва унга сессиялар орасидаги даврда барча ишларни бажариш юклатилди. Бу Президиумга Туркистон республикасида 4 вакил, Бухоро ва Хоразмдан 2 тадан вакил кирди.

ЭКОСО тузилгандан кейин Ўрта Осиё республикаларининг хўжаликлари ягона умумий план асосида ри-



вожлана бошлади. Бу планда барча республикаларнинг манфаатларига баравар қаралди, белгиланган тадбирлар ўзаро ёрдам уюштирилган тақдирда ижобий натижалар бермоғи лозим эди.

Конференцияда ўтроқ ҳаётга ўтишни истаган туркманларга ҳар томонлама ёрдам бериш, уларни сув билан етарли таъмин этиш, эски ирригация шоҳобчасидан тартибли равишда фойдаланиш ва янги ариқ-зовурлар қуриш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўзбеклар ва туркманларга «мустақил равишда ариқлар ўтказиш» ва «ирригация ва ер тузилиши ишлари учун давлат томонидан маблағлар ажратилиши» кўзда тутилди. Бухорога кўчиб кетган эрсари туркманларини ўз жойларига қайтариш ва собиқ хон амалдорларининг ерларини ерсиз деҳқонларга беришга қарор қилинди. Шунингдек, суғориш шоҳобчаларини қуриш учун уларга бекор ётган майдонларни ажратиш ва молиявий ёрдам бериш тўғрисида ҳам қарор қабул этилди.

Миллий сиёсатнинг мураккаб проблемаси барча Ўрта Осиё республикаларида планли ва бир-бирига мосланган хўжалик қурилиши ҳамда уларни иқтисодий муносабатларнинг ягона системасига тортиш йўли билан ҳал қилинди. Ўрта Осиёдаги уч республиканинг Иқтисодий Совети Шарқда миллий сиёсатнинг қудратли омили бўлди ҳамда Туркистон, Бухоро ва Хива хўжалигини муваффақиятли тиклашга ёрдам берди.

Иқтисодий конференция битими Ўрта Осиё республикаларининг хўжалик ҳаёти ва фаолияти, хўжалик планларини белгилаш ва уларнинг бажарилишини кузатиб бориш, саноат соҳасида умумий қонуний нормалар белгилаш, савдо ва молия сиёсати ва планли тайёрлаш, транспорт, алоқа ишлари, қишлоқ хўжалик маданиятини ошириш, мелиорация ва бошқа масалаларда умумий ва бир-бирига мосланган йўл тутиш каби барча масалаларни ўз ичига олди<sup>1</sup>.

Ўрта Осиё республикалари Мухтор вакилларининг белгиланган вақтда чақирилиб турадиган Конференцияси Ўрта Осиё республикаларининг олий органи бўлиб, Конференциянинг Президиуми ва Ўрта Осиё Иқ-

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, Хоразм Марказий Ижроия Комитети, № 71, оп. 1, д. 44, 23-варақ. Ўрта Осиё республикаларининг иқтисодий вакиллиги тўғрисидаги низом лойиҳасининг изоҳлари.

Иқтисодий Совети эса, унинг доимий иш олиб борадиган Ижроия органи ҳисобланди.

Ўрта Осиё республикаларининг янги тузилган хўжалик бошқарма органлари ССР Иттифоқи органларида қўлланилган асосий принциплар ва ташкилий формаларга ҳамда РСФСРнинг Бухоро ва Хоразм республикалари билан тузган битимларига шубҳасиз амал қилишлари лозим эди. Бу органлар хўжаликни бошқаришнинг энг муҳим соҳалари бўйича айрим республикалар ва умуман Иттифоқ билан яқиндан ўзаро муносабатда бўлишлари лозим эди<sup>1</sup>.

Ўрта Осиё республикаларининг янги шароитда марказ билан яқиндан алоқа боғлашлари шунинг учун зарур бўлдики, улар хўжалик соҳасида Иттифоқдаги олий органларнинг барча таклиф ва қарорларидан хабардор бўлиб туришлари ва уларни изчиллик билан амалга оширишлари, Ўрта Осиёнинг халқ хўжалиги манфаатлари учун зарур бўлган тадбирларни амалга оширишлари лозим эди. Москвада Ўрта Осиё Иқтисодий Совети ваколатхонаси очиш мақсадга мувофиқ топилди. Шу билан бирга кейинги вақтда анча ривожланган ва янада тараққий эттирилиши ва Ўрта Осиёни Россия саноати маҳсулотлари билан таъмин этишни кўзда тутган савдони тараққий эттириш масалалари ишлаб чиқилди. Ўрта Осиё республикаларининг барча товар обороти давлат ва кооператив ташкилотларига ўтиши, хусусий капитал эса зўр бериб суриб чиқарилиши лозим эди. Хўжалик органлари ва кооперациянинг хом ашё тайёрлашини осонлаштириш учун СССР Давлат банкasi бўлими кредит очди. Шу билан контрагентлар орқали ҳар хил тайёрлаш ишлари тўхтатилди ва хусусий капиталга қарз бериш чекланди. Пахта тайёрлаш ишлари давлат органларига топширилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш учун Ўрта Осиё «Хлебопродукт» бюроси ташкил қилинди. Хоразмда тайёрлаш ишларини олиб бориш ва маҳсулотларини тақсим қилиш учун кооперативлар союзи ташкил қилиниши лозим кўрилди.

Иқтисодий Совет транспортни ривожлантириш ва транспорт ходимларининг турмуш шароитини яхшилашга

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, Хоразм Марказий Ижроия Комитети, № 71, оп. 1, д. 44, 23-варақ. Ўрта Осиё республикаларининг иқтисодий вакиллиги тўғрисидаги низом лойиҳасининг изоҳлари.

катта эътибор берди. Шу мақсадда темир йўл бошқармаси Йўл-алоқа Халқ нозирлигига бирлаштирилди. Урта Осиё сув транспорти бирлашган бошқармаси тузилди, Амударё ва Орол денгизи кемачилиги бу бошқармага бўйсундирилди. Тош йўллар ва қишлоқ йўлларини ремонт қилиш ва тиклаш плани тузилди, маҳаллий йўл бўлимлари ташкил қилинди.

Хоразм туркманлари ва қозоқларини ер билан таъминлаш масалалари кўрилганда Хоразм ҳукумати белгилаган сиёсий тадбирларнинг тўла амалга оширилмаганлиги қайд қилинди. Бу кўрсатмаларнинг қисман бажарилганлиги миллий адоватни бир оз битирди ва ўлкада тинч хўжалик қурилишига ўтиш учун шароит яратди.

Иқтисодий Совет пахтачиликни ривожлантириш катта давлат вазифаси эканини эътиборга олиб, барча пахта далаларини солиқдан озод қилди. Пахта ва чигит каби юкларни ташиганлик учун олинадиган имтиёзли кира ҳақи белгиланди. Пахтачиликка раҳбарлик қилиш учун РСФСР ва Хоразм ҳукуматининг маблағлари билан иш қиладиган ва Главхлопком деб аталадиган шеркат тузилди<sup>1</sup>.

СССР Меҳнат ва Мудофаа Совети Хоразмни Совет пули билан таъминлаш учун Хива билан Бухоро областида ҳаво транспортини ташкил қилиш чораларини кўрди<sup>2</sup>.

Хоразм Совет Халқ Республикасининг социалистик республикага айланиши олдида қўлга киритилган ютуқлари ана шулардан иборат.

### **ХОРАЗМ СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ**

Хоразм Халқ Республикасининг уч йил мобайнида қўлга киритган ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳадаги барча ютуқлари уни социалистик республика деб эълон қилинишига реал шароит яратди. Бу масалани ҳал қилишда IV қурултой алоҳида ўрин олади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, ф. 73, Хоразм Иқтисодий Совети, д. 13, 18—22-варақлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, ф. 73, Хоразм Иқтисодий Совети, д. 13, 44-варақ.

IV қурултой 1923 йил октябрда бўлиб ўтди ва ўзининг иши ҳамда қарорлари билан Хоразмнинг хўжалиги ва маданий қурилиши тарихида жуда муҳим саҳифа бўлиб қолди.

Қурултой хўжалик қурилиши авж олган даврда очилди. Бу қурилишлар Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг ташаббуси ва қарорлари асосида амалга оширила бошланган эди. Иқтисодий кенгашдан кейин 1923 йил июнь ойида Иқтисодий Совет ҳузуридаги план комитетининг мажлиси бўлиб ўтди. Бу мажлис давлатга қарашли ерлардан фойдаланиш (1923—24 йилларда) планини муҳокама қилди.

Комиссия Хоразмда ердан фойдаланишни қониқарсиз топди. Ер ишлари нозирлигида давлатга қарашли ерларнинг умумий миқдори аниқланмаган, аммо илгари хонга қарашли, мусодара қилинган, деҳқончиликка яроқли ва яроқсиз ер фонди 200.000 таноб бўлса керак, деб тахмин қилинарди. Аниқ маълумотлар бўлмагани сабабли нозирлик бу ерларни берилган кўрсатмаларга мувофиқ тақсим қилолмади. Шунингдек, бу ерларга қандай ва қанча экин экилганлиги номаълум эди.

Давлат фондидан 51.544 таноб ер планга мувофиқ кам ерли ва ерсиз деҳқонларга тақсим қилинди. Тақсим қилинган ерларнинг атиги 19.062 танобига экин экилди, қолган 32. 282 таноб ерда деҳқончилик қилинмади, чунки ерларни ишлаш учун деҳқонларда ҳеч қандай асбоб йўқ эди. Ҳукумат эса уларни тегишли асбоб ва етарли сув билан таъминлай олмади.

Тўқай ва кўллар ҳам давлатнинг ер фондига кирар, уларнинг қанча экани ҳам аниқланмаган эди. Кўллар хусусий кишиларга ижарага берилди. Ижарага олган кишилар кўлларнинг қамишини ўриб олиш, балиқ ва парранда ови билан шуғулланиш ҳуқуқини олдилар. Баъзан улар маълум бир ҳақ эвазига кўлларни бошқа кишиларга ижарага бердилар. Умуман ижара ҳақи 1923 йилда 5844 сўмни ташкил этди. Ҳар хил ўтлар, тол, қамиш, жийда, саксаул ва бошқа дарахтлар ўсган бу тўқайларнинг умумий майдони ва сифати аниқланмади. Уларнинг бир қисми 527 минг сўмга, олтин ҳисобида эса 2083 сўмга ижарага бериларди.

Комиссия ўз қарорида 10.000 таноб давлат ерини тажриба учун машинада суғориш тўғрисида қарор чиқарди. Бу ерлар деҳқонларга берилиши лозим эди. Агар бу

тажриба муваффақиятли чиқса, давлат ихтиёридаги бўш ерларнинг янада кўпроқ қисмини машинада суғориш кўзда тутилди; деҳқонларни қишлоқ хўжалик асбоблари билан таъминлаш учун Хоразмда қишлоқ хўжалик банкиси бўлимини очиб ва деҳқонларга қарз бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Давлатга қарашли барча ерларни тўла ҳисобга олиш, уларни чегаралаш ва планлаш учун зарур ўлчов ишларини бажариш, давлат ерларини кўриқлаш учун эса отлич қоровуллар штатини белгилаш, уларга мудирлар тайинлаш тўғрисида қарор қилинди. Кўл ва тўқайлардан фойдаланиш учун типовой ижара шартлари белгиланди, барча тўқайлар ҳисобга олинди<sup>1</sup>.

1921 йил 21 сентябрда тузилган ва эскириб қолган битим ўрнига 1923 йил 30 апрелда Москвада РСФСР, Бухоро ва Хоразм ўртасида Амударё кемачилигини бошқариш тартиби тўғрисида тузилган янги битим Хоразмда дарё кемачилигини ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлди. Бу келишувга мувофиқ кемачиликни бошқариш ишлари СССР Йўл-алоқа Халқ Комиссарлиги ихтиёрига берилди<sup>2</sup>.

1923 йил 14 декабрда Хоразм республикаси Иқтисодий Советининг раиси Госторгнинг экспорт ва импорт юкларини ташиш тўғрисида акцияли «Транспорт» жамиятининг Тўрткўл контораси билан шартнома тузди. Бу шартнома Хоразм билан СССР ўртасида юк оборотини ривожлантириш учун қулай шароит яратди ва Хоразм хўжалигининг ривожланишига ёрдам берди<sup>3</sup>.

Россия-Хоразм давлат пайли пахта шеркатини ташкил этиш тўғрисидаги битим энг сўнгги катта хўжалик тадбирларидан бири бўлди. Бу битим пахтакор деҳқонлардан ҳосилни сотиб олиш, агрономия тадбирлари кўриш ва маҳаллий шароит учун қулай чигит танлаш, ирригация ишларини яхшилаш йўли билан Хоразмда пахтачиликни ривожлантиришни кўзда тутди. Шеркат ўз олдига қўйилган вазифаларни бажариш учун, унга чигит экишни уюштириш ва пахтакорларга қарз бериш,

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, 73, оп. 1, ЭКОСО ХСХР, д. 68, 116—117-варақлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви ф. Хоразм Марказий Ижроия Комитети, оп. 1, д. 45, 97-варақ.

<sup>3</sup> Уша жойда, 49-варақ.



Туркистон фронтида босмачиларга ва оқ гвардиячиларга қарши курашган (олдинги қаторда чапдан) Н. И. Востриков, А. Иброҳимов, Н. А. Шайдаков, К. Эшмуҳамедов, М. Е. Липовский, (иккинчи қаторда чапдан) Ф. И. Ушаков, Б. Шарипов, В. О. Казаков, Р. Мажиди, П. И. Федько, М. Худойназаров, Н.Г. Ешифанов, М. Ахангаров, Ш. Булатов, Х. Қурбонов.

пахта тозалаш, пахта ёғи ишлаб чиқариш, пахта ёғ ва совун заводлари ва бошқа корхоналарни ишга солиш ҳуқуқи берилди. Шунингдек, пахтачиликни ривожлантириш ва унинг сифатини яхшилашга доир барча тадбирларни амалга ошириш, жумладан РСФСР ва чет эллардан пахта ва чигит сотиб олиш, РСФСР территориясида ва чет элларда ҳар хил идора ва омборлар очишга руҳсат этилди. Битимга мувофиқ шеркатнинг асосий капитали олтин ҳисобида 500.000 сўм бўлиши, бу пайнинг ярми Хоразм Совет Халқ Республикаси Иқтисодий Советига, бошқа қисми РСФСР Бош пахта комитетига пай сифатида берилмоғи лозим эди<sup>1</sup>.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси Хоразм хўжалигининг ривожланиши учун қулай шароит яратди ва буларни IV қурултой ўз ишида ва қарорларида қайд қилиб ўтди.

Қурултой қилинган ишлар юзасидан ҳукумат ҳисоботини эшитиб, 1923 йил революцион Хоразм тарихида бурилиш йили эканлигини таъкидлади. Уша йилда бир қанча жуда муҳим ишлар бажарилди, чунончи, солиқларнинг оғирлиги буржуазия зиммасига тушди. Деҳқонлар от-арава бериш мажбуриятидан озод қилиндилар, қатъий ҳисобот ишлари жорий қилинди, бюджет режимига ўтилди, совет аппарати анча қисқартирилди, маҳаллий ҳокимият органлари тозаланди. Бу тадбирларнинг ҳаммаси хонлар Хивасининг Советлар Хивасига ўтганлигини кўрсатди. Аммо ҳукумат ишларида йўл қўйилган кўпгина камчиликлар кўрсатиб ўтилди, ҳукумат составига ўтиб олган савдогар ва руҳонийлар доирасига мансуб бир қанча кишилар ишда катта камчиликларнинг содир бўлишига йўл қўйдилар. Дарҳақиқат ҳукумат аппарати ишга лаёқатсиз бўлиб чиқди. Бу состав белгиланган тадбирларни амалга оширишга ёрдам бермади, баъзан саботаж қилди, гоҳ-гоҳ очикдан-очик қаршилик кўрсатди. Барча сиёсий тадбирлар меҳнаткашларнинг зўр тазйиқи остидагина амалга оширилди. Ҳукуматнинг халқ талабларини бажармай иложи йўқ эди, бу талабларни расман қўллади, пайти келганда ишга тўсқинлик қилди.

Ҳукумат кундалик оператив давлат ишларини эплай олмади, маҳаллий шўролар билан алоқани сусайтир-

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви ф. Хоразм Марказий Ижроия Комитети, оп. 1, д. 45, 102—110-бетлар.

ди, уларни ўз ҳолига ташлаб қўйди, контроллик қилмади, савдо, саноат ва ҳарбий позирликларда ҳар хил сун истеъмолларга йўл қўйилди, иқтисодий ишлар жуда бўшашиб кетди.

Босмачиларга қарши курашда ҳукумат тўғри сиёсатни амалга ошира олмади. Ҳукумат бошлиғи Хўжа Бобоининг уқувсизлиги ва ишга нўноқлиги босмачиликнинг ривожланишига ва миллий адоватнинг янада кучайиб кетишига сабаб бўлди. Қурултой айрим ҳукумат аъзоларининг фаолиятини текшириш ва айбдорларни суд жавобгарлигига тортишни Марказий Ижроия Комитетининг янги составига топширди<sup>1</sup>.

Янги Конституциянинг тасдиқланиши — қурултойнинг катта муваффақияти бўлди. Бу конституцияга мувофиқ, Хоразм Совет Халқ Республикаси Социалистик Республикага айлантирилди, пролетариат ва камбағал деҳқонларнинг диктатураси эълон қилинди, шу билан республиканинг давлат тузими ўзгартирилди.

Янги Конституциянинг биринчи параграфида шундай деб ёзилди: «Хоразм ишчи, қизил аскар ва деҳқонлар депутатлар советларининг республикаси дир. Марказдаги ва жойлардаги барча ҳокимият ўша Советлар ихтиёрида бўлади. Хоразм республикасида барча ҳокимият меҳнаткашлар — халқники дир. Бировлар ҳисобига яшаган кишилар Советларга сайлов ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум дирлар».

Конституциянинг бундан кейинги параграфи бир кишининг иккинчи киши томонидан эксплуатация қилинишига йўл қўядиган шароитларни тугатиш ва тенгсизликни бартараф қилиш тўғрисида ҳукумат вазифаларни белгилайди: бировларда ортиқча зеб-зийнат-у, бошқалар қуруқ нонга зор бўлишларига йўл қўмаслиги лозим. Хотин-қизларга эркаклар билан бир қаторда тенг ҳуқуқ берилди, шунингдек барча граждандарга, улар қайси уруг, қабила, ирқ ва миллатга мансуб бўлишидан қатъи назар тенг ҳуқуқ белгиланди.

Ер национализация қилинди, ерга хусусий мулкчилик бекор бўлди, барча ер фонди халқ мулки деб эълон қилинди ва ҳақ олинмай меҳнаткашларга берилди. Собиқ хонлар ва катта мансабдор кишиларнинг аҳолидан та-

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, Хоразм Марказий Ижроия Комитети, ф. 71, архив № 39, 84-бет.



лаб олган барча мол-дунёси республиканинг мулки деб эълон қилинди. Конституция виждон ва дин эркинлигини гарантиялади, совет гражданларининг ҳуқуқлари қонун билан, прокуратура, революцион трибунал ва халқ судлари билан ҳимоя қилинадиган бўлди.

Хоразмда олий ҳокимият Қурултой қўлида, Қурултойлар ўртасидаги даврда эса Марказий Ижроия Комитетида бўлади<sup>1</sup>.

Янги Конституция қабул қилиниши муносабати билан давлат муассасаларида бир қанча ўзгаришлар бўлди, шу жумладан Хоразм республикаси Давлат Сийёсий Бошқармаси (ХГПУ) тузилди. Унга контрреволюция, жосуслик, бандитлик, мансабдан фойдаланиш, ҳарбий, дипломатик ва давлат сирларини ошкор қилишга қарши курашиш, гражданларни жиноий ишлардан тийиш каби вазифалар юклатилди<sup>2</sup>.

Давлат Сийёсий Бошқармаси халқ нозирлиги қаторида Хоразм ССР халқ нозирлари совети составига кирди.

Нозирлар совети ҳузурида тузилган План комиссияси халқ хўжалиги ва ягона планларини ҳамда хўжалик программаларини тузди, планга мувофиқ берилган топшириқларнинг бажарилишини кузатиб борди. Бу планлар республика олдига қўйилган хўжалик ва сийёсий вазифаларга мувофиқ тузилди.

Марказий Ижроия Комитети ҳузурида Меҳнат Совети тузилди.

Хоразм республикасида молия, ирригация, ер ва ўрмон хўжалиги, фабрика- завод саноати, ҳунармандчилик корхоналари, савдо-сотиқ ишлари ва халқ хўжалиги ҳисоботи ишларига раҳбарлик қилиш учун Иқтисодий Совет тузилди. Бу Совет республика халқ хўжалигидаги ҳар хил тармоқларни бирлаштирди, уларнинг ишини бир-бирига мослаштирди. Шу сабабли Хоразм Совет Халқ Республикасининг I-Конституцияси асосида ташкил қилинган ер ишлари, молия, савдо ва саноат нозирликлари тугатилди. Халқ хўжалиги тобора ривожланганлиги туфайли ўз вазифасига жавоб беролмай қолган Иқтисодий

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, ф. 71, Хоразм Марказий Ижроия Комитети, оп. 1, д. 45, 25—29-варақлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, ф. Хоразм Марказий Ижроия Комитети, архив № 23, 82-варақ.

Совет кейинчалик тугатилди, унинг ўрнига халқ хўжалиги нозирлиги тузилди. Бу нозирликда деҳқончилик, сув хўжалиги, ҳунармандчилик ва маъмурий хўжалик бўлимлари ташкил қилинди. Нозирликка давлат савдо бошқармаси ва марказий статистика бошқармаси бўйсунди.

Хоразм республикасининг Нозирлар совети ҳузурида соғлиқни сақлаш ва ташкилот бўлимлари тузилди. Ташкилот бўлимига Ички ишлар нозирлигининг маҳаллий бўлимларини уюштириш вазифаси юклатилди. Бу икки бўлим тузилганлиги сабабли Ички ишлар нозирлиги тугатилди. Унинг вазифалари Халқ нозирлари советининг вакилига юклатилди.<sup>1</sup>

Давлатнинг маъмурий тузилиши кўп жиҳатдан ўзгарди, районларнинг (шўроларнинг) сони аввалгича қолди, лекин миллий областлар, чунончи, туркманлар миллий области (маркази Тошовузда), қозоқ-қорақалпоқ миллий области (маркази Хўжайлида) ва Урганч (ўзбеклар) миллий области (маркази Янги Урганчда) тузилди. Хива райони ўзгармай қолди. Бу районга Хива шаҳри яқин атрофидаги жойлар кирди. Ҳар бир миллий область ишчи, қизил аскар ва деҳқон депутатлари Советининг қурултойи шу область доирасидаги олий давлат органи ҳисобланди. Бу қурултойга район қурултойида ҳар 5000 аҳолидан бир делегат сайланиши лозим эди. Область қурултойи 15 кишидан иборат Ижроия Комитети сайлади.

Район қурултойлари районларда (шўроларда) олий давлат ҳокимияти бўлиб, 7 кишидан иборат Ижроия Комитетни сайларди.

Аҳолининг умумий йиғилишларида ҳар 50—200 хонадондан қишлоқ Советларига 3 киши сайланар ва улар қуйи ҳокимият органларини ташкил этарди. Уларнинг составини Район Ижроия Комитетлари тасдиқларди. Шу муносабат билан яқка ҳокимият вакиллари бўлган оқсоқоллик бекор қилинди. Бу ўзгаришларнинг ҳаммаси ҳокимият органларини ўзгартирди ва демократизация асосида бутунлай қайта қурди.

Хоразм Совет Социалистик Республикасининг давлат герби қуёш нурлари орасида, қизил фонга чизилган, сопи пастга қаратилган белкурак ва болга суратидан иборат

<sup>1</sup> «Народное хозяйство Средней Азии» журналы, 1924 йил, № 1, 59-бет.

ратдир. Белкурак билан болға оралғида кўсақлари очилган, барглари кўкариб турган ғўза шохи бўлади. Бу эмблема устига «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деб, унинг тагига «ХССР» деб ёзилади. Давлат байроғи қизил алвондан бўлиб, дастасига яқин жойига зар ҳарфлар билан «ХССР» деб ёзилади, ёзув тагига беш қиррали юлдуз чизилади, унинг тагига зар ҳарфлар билан «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деб ёзилган бўлади.

Хоразм Совет Социалистик Республикасининг Конституцияси қабул қилиниши ва тасдиқланиши — феодализм тузумини тугатиш демакдир. Чунки барча ер-сув, фабрика-заводлар умум халқ мулки деб эълон қилинди. Бу Конституция халқ хўжалиги ва маданиятини янада тараққий эттириш учун қулай шароит яратди, аҳолининг сиёсий-маънавий аҳволини кўтарди ва Совет тузумини янада ривожланажагига ишончни оширди.

Илгариги маъмурий-территориал чегара доирасида тузилган Хоразм республикаси кўп миллатли давлат эди. Хоразм составига кирган туркман, қozoқ ва қорақалпоқ миллий округлари бу миллатларни батамом ўз ичига ололмадилар, чунки бу миллатлар Ўрта Осиёнинг барча территориясига тарқалиб кетган эдилар. Уларнинг ҳаммасини бирлаштириш, миллий давлат тузиш ва ниҳоят бир миллат қилиб уюштириш лозим эди. Ўрта Осиё республикаларининг миллий-давлат чегараланиши — миллий сиёсатнинг галдаги вазифаси бўлиб қолди.

Кейинги йилларда амалга оширилган миллий сиёсат туфайли Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи тузилди. Шу муносабат билан ўртоқ Сталин бундай ёзди: «... Совет республикаларининг давлат иттифоқи бўлмаганида, улар ҳарбий-иқтисодий жиҳатдан яхлит бир куч бўлиб бирлашмаганларида, ҳарбий фронтларда ҳам, иқтисодий фронтларда ҳам жаҳон империализмининг бирлашган кучига қарши туриб бўлмайдн».<sup>1</sup>

Хоразм бу Совет давлатлари иттифоқига кирмади, аммо Ўрта Осиё территориясидаги республикалар иқтисодий жиҳатдан бирлашдилар. Бу эса иқтисодий ҳамкорлик учун қулай шароит яратди ва Хоразмнинг Иттифоқ давлатига қўшилиши учун замин тайёрлади. Ўрта Осиё Иқтисодий конференцияси ва Иқтисодий Совет Хоразм

республикасининг халқ хўжалигини янада ривожлантиришга ва меҳнаткашлар оммасининг моддий фаровонлигини яхшилашга ёрдам берди. Иқтисодий конференция ўз қарори билан Ўрта Осиё республикаларининг иқтисодий, сиёсий ва хўжалик планларини бирлаштирди ва бир-бирига мослади.

Далаларни машинада суғориш — Хоразм халқ хўжалигини янада ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлди. Қулай табиий шароит ва Россия саноатини пахта билан таъминлаш имкониятининг мавжудлиги Хоразм халқ хўжалигида салмоқли ўрин олган пахтачиликни тез суръатлар билан ривожлантириш имкониятини берди. Уруш ва миллий адоват ўлка хўжалигини вайрон қилган, деҳқон хўжаликлари қашшоқ, канал ва ариқлар қаровсиз қолган ва қисман ишдан чиқиб қолган. Халқ хўжалигини тиклаш учун дастлаб қишлоқ хўжалигини оёққа бостириш ва аҳолига ёрдам берилиши лозим. Деҳқончиликнинг асосий соҳаси — пахтачиликни тиклаш учун даставвал экин майдонларини ва шу билан бирга ирригация шохчасини кенгайтириш керак бўлди. Аммо катта ишларни бошлаб юбориш учун асбоб-ускуна, машиналар ва ишчи кучлар етишмади. Экинлар машинада суғорилган тақдирдагина пахтачиликни тиклаш ва биринчи галда 10.000 десятинага ерга чигит экиш мумкин бўларди. Бунинг учун олтин ҳисобида 1 миллион сўм сарфлаш талаб қилинди. Бу тадбирлар амалга оширилса, пахта майдонини кенгайтириш ва ариқ-зовур қозиш ишлари билан банд бўлган жуда кўп кишиларнинг дала ишларига ўтиши учун имкон туғиларди. Тахминий чамаларга қараганда, бу 10.000 десятина ерда 800 минг пуддан 1 миллион пудгача пахта ҳосили етиштириш мумкин эди. Агар бу пахта Россия саноатига берилса, Америкадан сотиб олинган пахта эвазига тўланадиган ҳақ олтин ҳисобида 1,5 — 3 миллион сўмгача қисқариши мумкин. Бир вақтлар босмачилар ҳаракати гирдобиди қолган районлардаги ерлар машинада суғорилса, уларнинг аҳолиси босмачилар таъсиридан қутқазиларди, туркман билан ўзбеклар ўртасидаги миллий адоват тугатиларди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий Давлат архиви, ф. Хоразм Иқтисодий Совети, № 73, оп. 1, д. 19, 9—11-варақлар.

<sup>1</sup> И. В. Сталин, Асарлар, 5-том, 43-бет.

Хоразм саноати илгари хусусий бойлар қўлида бўлган пахта, кўн ва ғишт заводларидан иборат эди. Уларнинг бир қисминини ишлаб турди. Баъзи корхоналарни давлат органлари ишга солди, баъзилари хусусий кишиларга берилди. Ҳамама корхоналар ҳар хил нозирликлар ихтиёрида, Хива шаҳридагилари эса, шаҳар коммунал бўлимига қарарди.

Хивадаги электр станцияси, тегиримон ва ҳаммом, Янги Урганчдаги пахта заводи (илгари К. Мануйловники эди), шу ердаги кўн заводи (илгари Салимжоновники эди) ва Хивадаги бешта ғишт заводи бевосита давлат органлари ихтиёрига ўтди. Ишламаётган 17 завод Хоразмнинг турли жойларида бўлиб, анча вайрон қилинган. Жуноидхон шайкалари эса, машиналарнинг кўпгина қисмларини ўчирлаб олиб кетган эди. Бу заводларга 1923 йил апрель ойидагина кўриқчи қўйилди. Бу заводларга маҳаллий шўролар кўз-қулоқ бўлиб турди. Ички ишлар нозирлиги контроль қилди. Корхоналарни ремонт қилиш учун катта маблағлар талаб қилинарди, ҳукуматда эса бунча имконият бўлмади. Шундай шароитда План Комиссияси заводлардаги барча ускунани тўла рўйхатга олишни, уларга баҳо қўйиб, заводларнинг бир қисминини шартномага мувофиқ Хлопкомга топширишни, 14 заводи ижарага бериш ёки илгариги эгаларига қайтаришни лозим кўрди.

Давлат ихтиёридаги от-аравалар Хоразмнинг ўша даврдаги асосий транспорти ҳисобланарди. Бу транспортда қишлоқ йўлларида юк ташиларди. Шунингдек, Амударё ва ирригация каналларида қатнаб турадиган қайиқлар бор эди. От-улов транспортида ҳаммаси бўлиб 276 арава ва 299 от бўлиб, фақат ҳарбий ведомствога хизмат қиларди. Транспорт давлат бюджетида эди-ю, лекин юк ташиганлик учун кира ҳақи олинмасди. Бу транспорт аҳолини от-арава бериш мажбуриятидан озод қилди, аҳолидан от-улов ўрнига арава солиғи олина бошлади.

Революциядан кейин Хивада диний мадрасалар вақтинча қолдирилган ҳолда, совет маорифини ривожлантириш учун қулай шароит яратилди. Болалар учун янги усулдаги мактаблар, катталар учун оқартув муассасалари — клублар, театрлар, кутубхоналар очилди. Шунингдек, юқори типдаги махсус мактаблар (университет ва ўқитувчилар семинариялари, интернат мактаблар, ком-

мунистик мактаблар) ва бошланғич билим юртлари ташкил қилинди. Университет ва семинарияларда мактабни تامомлаган кишилар таълим олдилар, интернат мактабларда районлардан келган камбағал болалар ўқидилар. Улкада ҳамма педагоглар сони 92 кишига етди, университетда 75 киши, ўқитувчилар семинарияларида 62 киши, интернатларда 8 киши ва бошланғич билим юртларида 925 киши ўқиди. Ўқувчиларнинг 22,6 проценти кичик ёшдаги болалар, 51 проценти 10—15 ёшдагилар ва 18,3 проценти катта ёшдаги болалар эди.

Ўқитувчиларнинг умумий таълим савияси паст бўлиб, мактаблар аҳолининг энг оддий талабларига ҳам жавоб бермасди. Ўқитувчиларнинг бирортаси ўрта маълумотга эга бўлмай, баъзилари ҳатто ёзишни ҳам билмасди.

Маориф нозирлиги қарамоғида 3 кутубхона, Хива музейи, 3 театр ҳамда музыка труппаси (1 гармонь, 1 най, 2 сурнай ва 1 ғижжак) бор эди. Мактабларнинг махсус биноси бўлмай, бошқа ҳар хил ноқулай биноларга жойлашган, дарсликлар етишмасди. Мактабдан ташқари маориф ишлари ҳам шундай аҳволда эди.

1923—24 йилларда 3 та янги бошланғич мактаб очилди, 25 болага мўлжалланган болалар боғчаси, 50 та қиз бола учун интернат мактаби ва 25 кишилик 3 ойлик бухгалтерлар курси ташкил этиш кўзда тутилди. Туркистон ва РСФСР ўқув юртларига 25 киши юборилди. Педагог кадрларни кўпайтириш учун марказдан 10 та малакали ходим чақирилди. Университет ёпилди, унинг студентлари партия мактаби ва ўқитувчилар семинариясига кўчирилди.

Революцияга қадар соғлиқни сақлаш ишлари ачинарли ҳолда бўлиб, аҳолига деярли ҳеч қандай медицина ёрдами берилмасди. Аҳолининг 90 проценти безгак ва заҳм касалига дучор бўлгани ҳолда, ўлкада фақат битта Хива касалхонаси бор эди. 1917 йилдан 1920 йилгача касалхона ёпилди ва 1927 йил июнь ойидан яна ишлай бошлади.

Соғлиқни сақлаш бўлими фақат 1920 йил апрель ойида ташкил қилинди, 1923 йилда Хоразмда марказий до-рихона, тўртта (шаҳарларда) амбулатория ва фельдшерлик пункти ишлаб турди, бу муассасаларда 3 та ҳарбий фельдшер хизмат қилди. 1923—24 йилларда 3 та шаҳарда врачлик ва амбулатория пункти ҳамда уч шаҳарда

янги амбулатория-фельдшерлик пунктларини ташкил этиш кўзда тутилди.<sup>1</sup>

IV қурултойнинг иши ва кейинчалик кўрилган ташкилий тадбирлар Хоразм халқ хўжалигини ва маданиятини янада ривожлантириш учун қулай шароит яратди.

1923 йил кузида биринчи хўжалик плани тузилди. Бу план ўлка халқ хўжалигининг ўша замондаги аҳволини акс эттириши ва энг муҳим вазифаларни белгилаб бериши лозим эди. Аммо бундай плани ишлаб чиқиш учун ўтган йилларнинг ҳисоботлари ҳам, бирорта статистика маълумотлари ҳам йўқ эди. Давлат муассасалари ўзла-рининг хўжалик плани лойиҳасини кўнгилдагидек туза олмадилар, чунки улар план ва бюджет ишларида ҳеч қандай тажрибага эга эмасдилар. Қурилиш учун смета ёки ташкилий план тузиб чиқишда муқаррар пул едини-цаси, ҳатто пулнинг қатъий қиймати ва ўтмишдаги нарх-наво ҳамда қиймати тўғрисида маълумотлар ҳам йўқ эди. Шў сабабли нарх-наво ва иш ҳақларини белгилаш-да бозор қийматининг олтин валюта ҳисобида олинган нархлар қулай келди. Бундай шароитда тузилган хўжа-лик плани Хоразм халқ хўжалигининг аҳволини мукам-мал акс эттира олмади, бунинг устига планда баъзи бир маълумотлар бутунлай бўлмади.

Хоразм халқ хўжалигини ривожлантириш негизда хўжалик органларининг муваффақиятли ишлашлари ва хўжалик планларининг бажарилишини таъминлаш учун халқ хўжалиги ва маданий қурилишнинг барча соҳала-рида ишлашга зарур бўлган юқори малакали мутахас-сисларни етарлича тортиш юзасидан бирмунча ташки-лий ишлар қилинди.

Сугориш тадбирлари плани Хоразм ирригацияси тех-никасига хос аҳволни акс эттирарди: бунда каналлар далаларга инсбатан баланд қилиб қурилар, Амударё тошганда дала, қишлоқ ва шаҳарларни сув босар эди.<sup>2</sup>

Канал ва ариқлардан апрель ойидан то октябргача фойдаланилади, қишда эса барча бош тўғонлар тупроқ

билан кўмилади. Баҳорда каналлар тозаланади, очилади ва бошқа ишлар бажарилади. Амударё бўйлаб тошқин-дан сақлайдиган дамбалар қурилади. «Қазув» деб атал-ган бу ишларнинг ҳаммасини бажаришга аҳолини маж-бур қилинарди.

1923—24 йилларнинг планига кўра, 9 та катта ариқ-ни ҳукумат назорати остида ва 138 ариқни беназорат ту-затиш ҳамда Амударё қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини бажариш кўзда тутилди.<sup>1</sup>

Биринчи категориядаги 9 ариқни тозалаш учун 35.600 киши, 1930 та арава, 308.424 сўмлик ҳар хил материал, иккинчи категориядаги ариқларни тозалаш учун 32.064 киши ва 17 452 сўмлик материал талаб қилинди. Амударё қирғоқларини мустаҳкамлаш ишлари учун 17.830 одам зарур бўлиб, бу ишларнинг умумий баҳоси 190.220 сўмга тушди. Бу харажатлар давлат газнасидан тўланди. Бошқа ишларни мажбурий йўл билан аҳоли бажар-ди.<sup>2</sup>

Хоразмда биринчи марта 3 та гидрометрия постини ташкил қилиш мўлжалланади.

1922 ва 1923 йилларда ирригация соҳасида қилинган ишлар канал ва ариқларнинг аҳволини кўп жиҳатдан ях-шилади ва 1923 йил охирларига бориб сув билан етарли таъминланган ерлар атиги 20 процент қолди.<sup>3</sup>

Ўлкадаги умумий экин майдони 400.000 десятинага етди, бу ерларнинг атиги 10 процентига пахта, қолган ерларга ҳар хил экинлар, шу жумладан 23 процентига жўхори, 17 процентига бугдой, 10 процентига шоли, мош ва кунжит экилди.

Бунда деҳқончилик техникаси паст даражада бўли-ши, экинларни сув босиши ва ерларнинг шўрлиги ирри-гация ишлари учун кўп меҳнат ва маблағ сарфлашни талаб қиларди.

Ўлкада агрономия ёрдами берилмасди, ҳатто ер иш-лари нозирлигида ҳам агрономия тадбирларини амалга оширадиган бирорта орган йўқ эди. Биринчи марта планда 8 кишидан ва 3 та участка агрономидан иборат

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, ф. Хоразм Марказий Иқтисодий Комитети, Иқтисодий Совет, № 73, оп. 1, д. 17, 1—51-варақлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, ф. Хоразм Марказий Иқтисодий Комитети, № 79, оп. 1, д. 17, 1—20-варақлар.

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, ф. Хоразм Иқтисодий Совети, № 73, оп. 1, д. 17, 1—20-варақлар.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

қишлоқ хўжалик бўлимини ташкил қилиш кўзда тутилди. Шунингдек агроучасткалар тажриба даласи ва 2 та боғдорчилик-ўрмончилик кўчатзорини ташкил этиш учун маблағ ажратилди. Бу кўчатзорларнинг ҳар қайсисига 1 десятинадан ер ажратилди. Бу тадбир амалга оширилса, ҳар бир агрономга 100.000 десятина ёки 240.000 таноб экин майдони тўғри келарди.

Хоразмда чорвачиликка раҳбарлик қилинмади, бу соҳа ўз ҳолича ривожланиб борди. Кейинги йилларда чорва моллари анча камайди, шу жумладан баъзи районлардаги отлар сони 30 процентгача, қора мол 40 процентгача ва қўйлар 30 процентгача озайиб қолди.

Планда йилқичиликнинг сифатини ошириш, ёмуд ва маҳаллий зотли отларнинг, шунингдек қора молнинг зотини яхшилаш, думбали қўйларни «араби» қоракўл қўйлари билан дурагайлаштириш кўзда тутилди. Чорвачиликни ривожлантириш плани хўжалик эҳтиёжларига, биологик ва сиёсий сабабларга қараб тузилди. Янги Урганчадаги қишлоқ хўжалик тажриба даласига давлат подаларидан чорва моллари ажратилди. Тажриба далаларининг экинлари ва бу ерда боқилган чорва моллари атрофдаги аҳолига намуна бўлмоғи лозим эди. Шунингдек ветеринария ёрдами уюштирилди. 3 та шаҳарда ветеринария врачлик пункти ва 4 та шаҳарда ветеринария фельдшерлик пункти ташкил қилинди. Уларнинг ҳар қайсиси 80 чақирим атрофидаги қишлоқларга хизмат қилдилар. Ветеринария пунктлари учун 4590 сўм пул ажратилди, уларнинг умумий харажати 14.901 сўмга етди.

Давлат фондидаги ерларни ва деҳқонларга қарашли экин майдонларини аниқлаш, яширилиб қолган ерларни топиш учун ҳамма мавжуд ерларни ёппасига ўлчаб чиқиш кўзда тутилди. Тахминий ҳисобларга қараганда, яширилган ерлар 25 процентга борган. Бу тадбирлар кам ерли ва ерсиз деҳқонларни давлат фонди ҳисобидан ер билан таъминлаш учун зарур эди. Қадимги маълумотларга кўра, 527.260 таноб ерни ўлчаб чиқиш учун 3 йил вақт керак эди.

Илгари ер тузиш тадбирлари камдан кам ўтказилар-

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, ф. Хоразм Иқтисодий Совети, № 73, оп. 1, д. 17, 1—20-варақлар.

ди. 1922 йилнинг сентябридан то 1923 йил апрелигача аҳолига атиги 3250 таноб ер берилди, ҳар бир хонадон 2,5 танобдан 20 танобгача ер олди. 1923—24 йилларда 700 ерсиз хонадонга 10 танобдан ер бериш кўзда тутилди. Бу ишни муваффақиятли бажариш учун давлат аҳолини қишлоқ хўжалик асбоблари билан таъминлаши, сувни мўл-кўл қилиши лозим эди.

Давлат ерлари уч категориядан: 1) давлатга қарашли ерлар, 2) кўллар ва 3) тўқайлардан иборат эди. Хон ва катта амалдорлардан мусодара қилинган ерларнинг умумий миқдори ҳали аниқланмаган, уларнинг атиги 51.344 таноби, яъни кўпи билан 25 проценти ўлчанган эди. Давлат ерларида машинада суғориладиган участкалар ташкил қилиш, кейинчалик уларни маҳаллий деҳқонларга ижарага бериш кўзда тутилди.

Кўлларни «ким ошди» савдоси билан ижарага бериш кўзда тутилди, тўқайларнинг бир қисми, яъни 12 участкаси ҳам ижарага қўйилди.

Хоразм саноатини ривожлантириш мақсадида, маҳаллий эҳтиёжлар учун ип газлама фабрикаси қуриш, аҳоли учун арзон газлама ишлаб чиқариш мўлжалланди. Пахтани Москвага юбориш ва у ердан Ўрта Осиёга тайёр газламалар келтириш учун сарфланадиган транспорт харажатларини камайтириш кўзда тутилди. Аммо Хоразмнинг қуруқ иқлими ва иссиқ ҳавосида бундай амалга ошириб бўлмади, чунки бундай шароитда пахта толаси узилар, тўқилган газлама дағал бўлар, 1 пуд пахтадан кўпи билан 2 қадоғи тўқимачилик ишларига ярар эди. Бунинг устига кадрлар тайёрлаш, катта стажга эга бўлган малакали ишчиларни бошқа жойлардан таклиф қилиш зарур эди.

Хоразмда гишт ва ёғоч-тахта етишмагани ҳолда фабрика қуриш учун темир-бетондан фойдаланиш, механика мастерскойлари, чўян ва мис қуйиш ускуналарини келтириш талаб қилинарди. Хоразмнинг маҳаллий талабларини қондириш учун фабрикада 30.000 урчуқ ва 800 тўқув станогини ўрнатилмоғи, бунинг учун олтин ҳисоби билан камида 3 миллион сўм пул сарфланиши лозим эди.

Хоразмда тўқимачилик саноатини барпо этиш учун

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, ф. Хоразм Иқтисодий Совети, № 73, оп. 1, д. 17, 1—20-варақлар.

қулай шароит бўлмагани ҳолда ҳукумат тўқимачилик фабрикасини қуришга қарор қилди. Аммо фабрикани қуриш учун чақирилган мутахассис инженердан бошқа бир маслаҳат чиқди, яъни Россиядаги бирор фабриканн (масалан Зарайск фабрикасини) шартнома билан ижарага олиш, уни пландан ташқари пахта билан таъминлаш, бунинг учун Хоразм республикасида етарли маблағ ажратишни таклиф этди. Марказдан узоқ ҳамда уни марказ билан боғлайдиган яхши йўллари бўлмаган Хоразм учун бу таклиф жуда маъқул эди.<sup>1</sup>

1923 йилда Хива шаҳар хўжалик бошқармасининг бир йиллик ишларига якун чиқарилди. Бу муассаса 1922 йил август ойида Иқтисодий Совет ҳузурида квартира комиссияси сифатида ташкил қилинган бўлиб, кейинчалик, Иқтисодий Совет қайта ташкил қилингандан сўнг ички ишлар нозирлиги ихтиёрига ўтди. У мусодара қилинган уйлар ва мол-мулкларга қараб турарди, аҳолини уй-жой билан таъминларди. Уй-жойни ремонт қилиш, техника бўлими тузиш ва бу комиссияни қайта қуриш лозим бўлиб қолди. 1923 йил февраль ойида шаҳар хўжалиги бошқармаси ташкил қилинди, аммо бу ведоморнинг вазифалари тўғрисида низом тузилмади. Бошқарма аввалгидек ички ишлар нозирлигининг бўлими бўлиб қолаверди ва унга бўйсунди. Бу бошқарманинг техника бўлимига бутун республикадаги йўл қурилиши ишлари, ҳамда саноат ва тижорат корхоналари топширилди. Шунинг учун ҳам бошқарма Ички ишлар нозирлигининг хўжалик бўлимига айланди. Аммо унинг фаолияти чекланди: бўлим ўз ихтиёри билан бировларга квартира бера олмас, бу ишлар олий орган ва ҳатто шаҳар коменданнти ихтиёрида эди.

Буларнинг ҳаммаси Хоразм республикаси пойтахтида ҳам, бошқа жойларида ҳам, муниципал муассасалар тузилмаганлигидан дарак берарди.

Хоразм республикасининг баъзи бир сиёсий ва хўжалик проблемаларини ҳал қилиш учун Москвага, СССР ҳукуматига махсус комиссия юборилди. Комиссия составига Хоразм республикаси Марказий Ижроия Комите-

тининг раиси, Хоразм Коммунистик партияси Марказий Комитетининг масъул секретари, Хоразм Марказий Ижроия Комитетининг раис ўринбосари, молия нозир, Хоразмнинг СССРдаги мухтор вакили, Хоразм Компартияси Марказий Контроль Комиссияси раисининг ўринбосари ва ўқувчилар вакили кирди.<sup>1</sup>

Бухоро — Хива йўлида пассажир ва почта ташийдиган самолётларнинг мунтазам қатнаб туриши Хоразм хўжалиги ва маданиятини ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлди. Бу йўлни очиш учун 1923 йил 31 октябрда Москвада Ўрта Осиё республикалари билан Россия кўнгилли ҳаво флоти жамияти (Добролёт) вакиллари ўртасида шартнома тузилди. 1924 йил 1 апрелдан бошлаб самолётлар мунтазам қатнаб туриши, бу муддатгача Бухоро билан Хива ўртасида вақтинча йўл очиши лозим топилди.

Ўрта Осиёда ҳаво йўлларини уюштириш ишлари «Добролёт»нинг Ўрта Осиё бўлимига юклатилди. Бу жамиятнинг 400.000 сўмлик акциялари Ўрта Осиё республикаларига тақсим қилинди, Хива — Бухоро, Тошкент — Олмаота ва Бухоро — Душанба ҳаво йўллари очилди.<sup>2</sup>

Давлат бюджетини тузиш, нозирликлар ва айрим ведомстволарнинг даромад ва харажатларини тартибга солиш лозим бўлиб қолди. Лекин ўтган йиллардаги даромад ва харажатлар тўғрисида статистик маълумотлар ва ҳисоботлар бўлмагани сабабли бу иш мураккаблашди. Бундай шароитда тузилган биринчи бюджет бутунлай муваффақиятсизликка учради. Бюджетнинг даромад қисми олтин ҳисоби билан 1.312.320 сўм кўрсатилсада, ҳақиқий даромад 1.129.221 сўмни ташкил этди, дефицит олтин ҳисобида 183.099 сўмни ёки 13,7 процентни ташкил этди. Бюджетнинг даромад қисми саноат, савдо ва ҳунармандчилик саноатидангина олинадиган солиқлардан тўпланиб, бу фақат шаҳар аҳолиси зиммасига тушди. Ягона қишлоқ хўжалик солиғи эса — ўтмишда барча солиқларни ўз ичига олган йиғимдан иборат эди. Гургурт, папирое, чой, керосин сингари баъзи бир товарларга эгри солиқлар солинди. Улар илгари солиқ йиғадиган

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, ф. Хоразм Иқтисодий Совети, № 73, оп. 1, д. 19, 20—32-варақлар.

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, ф. Хоразм Марказий Ижроия Комитети, № 71, оп. 1, д. 44, 4-варақ.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 7—8-варақлар.

амалдорларнинг бойиб кетишига сабаб бўлган закот ўрнини олиши лозим эди.

Суд-идора ва бошқа ишлар учун солиқлар герб солиги сифатида йиғилди. Бошқа хил давлат даромадлари давлат транспортлари, мулклари ва корхоналарини эксплуатация қилингани учун олинадиган йиғимлардан тўпланарди.

Хоразм ССР Ўрта Осиёдаги миллий-давлат чегараланишини шундай планлар ва кўрилган тадбирлар билан кутиб олди.

#### МИЛЛИЙ ЧЕГАРАЛАНИШ АРАФАСИДАГИ ХОРАЗМ СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНING ҲАҚИҚИЙ АҲВОЛИ

Кейинги йилларда Хоразмда қишлоқ хўжалигининг тараққиёт даражаси ўлкадаги сиёсий воқеаларга, жумладан Хоразмнинг Совет Россияси ва Бухоро билан иқтисодий алоқаларига қараб ўзгариб борди.

1923 йилда ерларнинг кам-кўплигига қараб барча деҳқон хўжаликларни уч гурпуга бўлиш мумкин эди: ери 1 танобдан 5 танобгача бўлган майда хўжаликлар — 3749 хонадон; 5 танобдан 10 танобгача ерга эга бўлган ўртаҳол хўжаликлар — 29.990 хонадон; 10 таноб ва ундан ошиқроқ ерга эга бўлган йирик хўжаликлар 3108 хонадон ҳисобланарди. Бу жадвал кам ерли (3 танобгача), катта ва йирик (2,5 танобдан ошиқ) деҳқон хўжаликлар тўғрисида аниқ ва тўла тасаввур беролмайди, чунки ўртача ҳисобда 5 танобдан 20 танобгача ерга эга бўлган хонадонлар 63 процентни ташкил этарди. Бу ўртача рақам ўлканинг ҳар қайси районларида ҳар хил эди. Туркман қишлоқларида эса 10 танобгача ери бўлган майда хўжаликлар 20 процент, 10 танобдан 30 танобгача экин эккан хўжаликлар 70 процент ва 30 танобдан зиёд ери бўлган йирик хўжаликлар 30 процентдан ошиқроқ эди.

Хива ва Янги Урганч сингари пахтачилиги айниқса ривожланган, саноат корхоналари ва савдо капитали айниқса кўпроқ тўпланган районларда майда хўжаликлар атиги 127 та бўлиб, уларнинг 319 таноб ери бор эди, 58 та ўрта хўжалик 431 таноб ерда, 17 та йирик хўжалик 350 таноб ерда деҳқончилик қиларди. Қозоқ овул-

ларида майда хўжаликлар 40 процент, ўртача хўжаликлар 30 процент, йирик хўжаликлар 30 процент эди.

Умумий экин майдонининг ҳажми аниқланмади. Хукумат хон замонидан қолган эски солиқ дафтарларидаги маълумотлардан 3 йилгача фойдаланди. Бу дафтарларидаги маълумотларга қараганда, деҳқончилик қилинадиган ерлар 140.143 таноб бўлиб, вақф ерлари билан бирга қўшилганда 527.000 танобни (бунга хон ва катта амалдорларга қарашли ерлар кирмайди) ташкил этарди. Аҳолининг хон амалдорларидан яширган ерлари анчагина эди, хон ҳокимияти ағдарилгандан кейин ҳам унинг миқдори аниқланмади. Баъзи бир маълумотларга кўра, умумий экин майдони 800.000 танобдан 900.000 танобгача бўлиши лозим. Чет давлатларга сотилган ва ўлканинг ўз эҳтиёжлари учун ишлатилган деҳқончилик маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам бу рақамларнинг анча аниқлигини кўрсатиб турарди. Тахминий ҳисобларга қараганда қишлоқларда жон бошига ўртача ҳисоб билан 1,2 танобдан 1,5 танобгача ер тўғри келарди.

Ўтмишда юз берган туркманлар билан ўзбеклар ўртасидаги миллий адоват натижасида жуда кўп канал ва ариқлар бузилиб кетган, 90.526 таноб ёки тахминан 21,7 процент ер деҳқончилик учун ярамай қолган. Революция вақтида ҳам сув оз келди ва йирик ўзбек хўжаликларидан экин майдони 12,8 процент камайди. Ўрта хўжаликларнинг экин майдони 6 процентгача, йирик хўжаликларники 70 процентгача озайди. Натижада республикада умумий экин майдони 540.000 танобгача қолди.

Деҳқонларнинг қандай экинлар экканини фақат яқка хўжаликлар, ёки типик хўжаликлардаги экинларга қараб аниқлаш мумкин. Деҳқончилик айниқса ривожланган ва пахта анча кўп экиладиган Кўна Урганч ва Хўжайли районларини текшириб қараганда, умум экин майдонларининг 32,7 процентига беда, 20,1 процентига жўхори, 10,4 процентига кузги буғдой, 6,5 процентига жайдари гўза ва 3,6 процентига амиркон гўза экилганлиги аниқланди. Бошқа экинлар 4,7—0,1 процентигача майдон эгаллаган. Хўжайли райони умумий экин майдонининг 39,8 процентига амиркон гўза, 20,3 процентига кузги буғдой, 10,7 процентига беда, 8,1 процентига макка-жўхори экилган. Бошқа экинлар учун жуда оз ер қолган.

Жаҳон уруши ва революция йилларида Хоразмнинг ташқи бозорлар билан ва айниқса Россия билан алоқаси узулгандан кейин, экинларнинг нисбати анча ўзгарди. Озиқ-овқат учун экиладиган экинлар кўпайиб, умумий майдоннинг 65 процентини эгаллади. Урушдан аввалги йилларда ўртача ҳисоб билан умумий ерининг 20—25 процентини пахта майдони ташкил этарди, ташқи бозор билан алоқа узилгандан кейин эса, атиги 10—13 процент ерга пахта экиладиган бўлди. Уруғи чет элларга юбориладиган беда бутунлай экилмади, маҳаллий эҳтиёжлар учун экиладиган беда эса — 12,3 процентга тушиб қолди.

Озиқ-овқат экинларининг ҳосили сугориш шароитига боғлиқ эди. Урушдан аввал сув мўл-кўл вақтида 1 таноб ердан 80 пудгача буғдой ҳосили олинган бўлса, канал ва ариқлар яроқсиз бўлиб қолгач, сув етишмагани сабабли 1920 ва 1923 йилларда 1 таноб ердан олинмаган буғдой ҳосили 20-30 пуддан ошмади. Арпа ҳосили ҳам камайди, макка жўхори ҳосили 70—90 пуддан 40 пудга тушиб қолди. Пахта ҳосили танобидан 40—80 пуд ўрнига 18—25 пудгача олинди.

Бу маълумотларга қараганда 5.280.000 пуд буғдой, 2.520.000 пуд тарих, 840.000 пуд шоли, 457.000 пуд пахта етиштирилган, 80 миллион боғ беда ўриб олинган.

Хива шаҳрида 1923—24 йилги ўртача бозор нархларида олганда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг баҳоси олтин ҳисоби билан 10.817.600 сўм, шундан буғдойнинг баҳоси 3.168.000 сўм, пахтанинг баҳоси 1.125.000 сўмни ташкил этган<sup>1</sup>.

Молия инспекторларининг тўплаган маълумотларига қараганда, 252.927 таноб ер чиғир билан сугорилган, фақат Ҳазорасп, Тошовуз, Янги Урганч ва Хива районларида 73.232 таноб ер оқар сув билан сугорилган<sup>2</sup>.

Пахтачиликни тиклаш ва пахтага ягона нархлар белгилаш, пахта тайёрлашдаги рақобатни бартараф қилиш учун Нозирлар совети хусусий кишиларнинг пахта сотиб олишларини тақиқлади. Хусусий капиталнинг кўзги операцияларини чеклаш мақсадида берилган аванс эвазигагина пахта олишга йўл қўйилди. Тайёрланган барча

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, ф. Ген. конс. № 69, оп. 1, д. 55, 1—23-варақлар.  
<sup>2</sup> Уша жойда, д. 113, 1-варақ.

пахта ягона давлат нархларида Главхлопкомга юборилиши лозим эди. Пахтачиликни янада ривожлантириш мақсадида Хоразм республикаси Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Совети пахта майдонидан олинган солиқни камайитириш тўғрисида қарор қабул қилди.<sup>1</sup>

Уруғчилик ишларини яхшилаш ва пахтанинг махсус навларини яратиш учун Янги Урганчдаги Шовот участкасида, ялғари Бакалов, Ульянов, Ризоев ва Салимжоновларга қарашли ерларда тажриба даласи ва уруғчилик плантацияси ташкил қилинди. Бу эса, пахтачиликни ривожлантириш учун қўрилган жуда муҳим тадбир эди. Бу участка Давлат пахта шеркати ихтиёрига берилди<sup>2</sup>. 1924—25 йил мавсумида беш заводда пахта тозаланди, битта заводда ёғ ишлаб чиқарилди.

Урта Осиё республикалари қишлоқ хўжалик бирлашган қарз шеркатлари томонидан қарз бериш тартибининг белгиланиши қишлоқ хўжалигининг ва шу жумладан пахтачиликни ривожлантириш соҳасида қўйилган катта қадам эди. Бу маблағлар деҳқонларга олтин ҳисобида 5 сўм пай белгилаш йўли билан тарқатиларди.

Бунинг учун давлат олтин ҳисобида 23 миллион сўм маблағ ажратди. Хоразм ҳукумати ҳам қишлоқ хўжалик қарз шеркатини ташкил этди, унинг асосий капитали учун маблағ ажратди. Ҳукуматнинг ўзи ҳам шеркатга пайчи бўлиб кирди ва шеркатда ишлайдиган вакиллари-ни тайинлади. Урта Осиё республикалари Иқтисодий Совети пахтачиликни ривожлантириш учун қўшимча равишда 1 миллион сўм маблағ ажратиш тўғрисида СССР Марказий Ижроия Комитетига тавсиянома юборди.<sup>3</sup>

Хоразм ҳукуматининг хўжалик қурилиши ва сиёсий ишларидаги катта ютуқлари, Туркистон АССР билан мустақкам алоқа ўрнатиш маҳаллий буржуа ва туркман қабила бошлиқларига ёқмади. Улар безовта бўла бошладилар, тўғриси, ўз ҳаётлари учун зарур бўлган иқтисо-

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, ф. Ген. конс. № 71, оп. 1, д. 113, 4-варақ.

<sup>2</sup> Уша жойда, д. 44, 14-варақ.

<sup>3</sup> Урта Осиёдаги Туркистон, Бухоро ва Хоразм Республикаларида қишлоқ хўжалигига кредит беришни бирлаштириш тўғрисидаги тезислар.



дий шароитдан батамом маҳрум бўлажакларига кўзларини етди.

Хоразм Совет Халқ Республикасининг Хоразм Совет Социалистик Республикасига айланиши, давлатнинг юқори ўринларига кўпроқ меҳнаткашларнинг кўтарилганлиги, давлат аппаратынинг янгиланиши, ишчилар синфи ишига содиқ кишиларнинг тобора активлашуви буржуазияни ва қабила сардорларини революциядан четлаштирди; улар энди Жуноидхонга юз ўпирди. Буржуазия ўша даврдаги қийинчиликлардан ўзининг синфий мақсадлари учун фойдаланмоқчи бўлди. Мамлакатни бошқариш ишларидан четлаштирилган собиқ хон вазирлари ва амалдорлари аҳоли ўртасида Совет ҳокимиятига қарши норозилик туғдириш ниятида ҳар хил тўхмат гаплар тарқатдилар. Давлат аппаратыга суқилиб кирган душман элементлар уларга ёрдам бердилар. Уша даврда раҳбарлик ишларига кўтарилган коммунистлар, комсомоллар, партиясиз деҳқон активларнинг аксарияти тажрибасиз, баъзилари севдосиз эди. Контрреволюцион табақалар бу камчиликлардан фойдаланиб, меҳнаткаш деҳқонлар ўртасида Совет ҳокимиятининг обрўсини туширишга уриндилар. Республиканинг молия аппаратыда собиқ хон амалдорлари, руҳонийлар; оқ гвардиячи рус офицерлари айниқса кўп эди. Ҳарбий коммунизмнинг РСФСРда бекор қилинган методлари Хоразмга кўчирилди. Советларга қарши ва жиноятчи унсурлар бу усулларни жорий қилиш билан, ўз манфаатларини кўзладилар. Улкада червонец билан чайқовчилик қилиш кучайиб кетди, бу шароитда деҳқонлар солиқ тўлаш учун червонечни қиммат баҳода сотиб олишга мажбур бўларди. Бу ҳол деҳқонларнинг сабр косасини тўлдирди. Аслида бу норозиликларга контрреволюционерлар сабабчи бўлди. Буржуазия ва руҳонийлар кўзғолонни тайёрладилар. 1924 йил 15 февралда Садивар, Питнак ва Ҳазораспда кўзғолон кўтарилди. Кўзғолончиларга хоннинг собиқ вазир Бакалов «ота» қабиласининг сардори Оғожи эшон бошчилилик қилди. Улар ана шу шаҳарларда ҳокимиятни қўлга олдилар. Совет ходимларидан 200 га яқин киши ўлдирилди, у ердаги барча Совет муассасалари ва кооперативлар таланди. Кейинги мағлубиятдан сўнг ўзини анча ўнглаб олган Жуноид бандаси пойтахтга яқинлашиб, Хивани қамал қилди. Йирик туркман қабилаларининг

баъзи бир йўлбошчилари ҳозирча кўзғолончиларга қўшилмадилар. 1500 дан ошиқ суворига эга бўлган қора салоҳ қабиласининг сардори Яхши Гелди ва 1000 га яқин сувориси бўлган оқ кўз қабиласининг сардори Ниёз Бахши Жуноиднинг ғалаба қозонишига ишонмадилар ва унга бўйсунини истамадилар. Оқ салоҳ қабиласининг сардори Фулом Али 1200 суворига эга бўлгани ҳолда ўзини холис қилиб кўрсатди-ю, лекин Жуноидга ёрдам берди. Хиваликлар қаттиқ туриб, ўзларини ҳимоя қилдилар.

1923 йил сентябрь ойидаёқ Хоразмда босмачилар ҳаракати бир мунча кучая бошлади. Бу ҳаракат ўзбек буржуазияси ва туркман йўлбошчилари ўртасидаги реакциячиларнинг активлашувиغا боғлиқ эди. Сиёсий вазият оғирлашди. Шу муносабат билан туркман босмачи шайкаларнинг реакцион буржуазия, руҳонийлар ва туркман қабила йўлбошчилари билан алоқаларни аниқлаш чоралари кўрилди. Хўжалигини туркман босмачилари вайрон этган аҳолига ёрдам тариқасида қарз берилди. Майда босмачиларга қарши кураш учун энг ишончли ва ғайратли йигитлардан кўнгилли милиция ташкил қилинди, улар орасида коммунистлар кўп эди. Алоҳида қисмларни (ЧОН) тезроқ қуроллантириш зарур эди. Бандитизмга қарши курашиш учун қўшинлар командири, ҳарбий назир ва ГПУ раисидан иборат уч кишилик комиссия тузилди.<sup>1</sup>

Туркман қабила сардорларига нисбатан ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюроси белгилаб берган сиёсат қўлланилди. Ўрта Осиё Бюроси улардан Совет ҳокимиятининг барча қарорларига сўзсиз бўйсунини ва уни бажаришни талаб қилди. Бу қарорни бажармаган кишиларга нисбатан мавжуд қонунларга мувофиқ жазо чоралари кўрилиши лозим эди. Партия ишларини кучайтириш учун область миқёсида ишлаб юрган туркман ходимлардан беш киши юборилиши сўралди.<sup>2</sup>

Уша кунларда Қораядган районида ўтроқ ҳаётга кўчган туркманлар ўртасида ўзларининг қабила сардори Дурди қозига нисбатан норозилик бошланди. Бу ердаги камбағалларнинг аҳволи оғир эди. Сардорнинг йиғимларидан хонавайрон бўлган камбағаллар Дурди қозини

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, Хоразм Марказий Ижроия Комитети, ф. 34, д. 113.

<sup>2</sup> Туркистон Компартияси тарихи институтининг партиа архиви, ф. 361, д. 19, 1923—1924 йиллар.

ўринга бошқа кишини сайлашни талаб қилдилар. Хоразм партия ташкилотлари бу талабни эътиборга олдилар ва ўзларининг сиёсий ишларида камбағалларни ҳамиша қўллаб-қувватлаш ва қабила сардорларининг обрўсини тушириш зарурлигини эътироф этдилар.<sup>1</sup>

Хиванинг мудофаа қобилиятини кучайтириш учун Фавқулодда Комиссия (ЧК) тикланди. Бу комиссия Хивада қўзғолон уюштирмақчи бўлган ички контрреволюционерларни аниқлади ва уларни ишдан четлаштирди. Бу ишга барча коммунистлар, комсомоллар ва совет хизматчилари сафарбар қилинди. Улардан роталар тузилди, мудофаа участкалари ажратилди, роталарнинг фидокорона ва қаҳрамонона кураши туфайли Хива босмачилардан сақлаб қолинди.<sup>2</sup>

Бу қўзғолон Хоразм аҳолисининг Совет ҳокимиятига хайрихоҳлигини ва Жуноидхон бошчилигидаги босмачиларга қарши эканлигини кўрсатди. Халқ қўлига қурол олди. 1924 йил январь бошларида Хоразм аҳолиси қўлида 50.000 га яқин ҳар хил системадаги бешотар ва бошқа миллиқлар бор эди.

Жуноиднинг 500 кишидан иборат шайкасида ўз қариндошлари ва яқин кишилари қарийб 60 процент бўлиб, қолган 40 процент эса, ҳар хил жиноятчилар ва ўз қабила сардорларидан қочиб кетган кишилар эди. 1924 йил январь ойида Жуноид туркманлари ўзига ён қўшни кишлоқларни талади.

Жуноид ярашишдан бош тортди, қабул қилиб бўлмайдиган шартлар қўйди. Чунончи, у ўз шайкаси ва қуролини сақлаб қолишни, Хоразм территориясининг қарийб ярмисига ҳукмрон бўлишни талаб қилди. Унинг шайка аъзолари ҳам ярашишга қарши эдилар, чунки босмачиларнинг бир қисми жазо берилишидан қўрқиб, ўз қабила сардорлари олдига қайтишни истамасдилар. Қабила сардорлари Жуноидга қарши курашнинг давом этишидан манфаатдор эдилар, чунки бу кураш давом этаверса, улар Совет ҳокимиятининг тарафдорлари сифатида обрў

<sup>1</sup> Туркистон Компартияси тарихи институтининг партия архиви, ф. 361, д. 19, 1923—1924 йиллар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь Революцияси Марказий Давлат архиви, ф. 369, с. 1318, оп. 1, д. 45, 14—15-варақлар ва Ўзбекистон Компартияси тарихи институтининг партия архиви, ф. 361, д. 5, 1922—1923 йиллар.

ортдирар, бутун қабилани ўзларига бўйсундирар, шунингдек шахсан бойиб қолиш имкониятига эга эдилар. Майда босмачилар эса Жуноидхоннинг барҳаёт туришидан манфаатдор эдилар. Улар мабодо зарур бўлиб қолганда унга қўшилиш имкони борлигига кўзлари етарди. Жуноид бандаси тугатилса, бу имкониятлар ҳам ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетарди.

Қизил Армия қисмларининг қўмондони ўз постига муносиб эмасди, ташаббуссиз, беғам ва мустақил иш қила олмайдиган шахс эди.

Хоразм аҳолисининг 75 проценти Жуноид бандаларининг босқинчилиги таҳдиди остида қолди. Бундай шароитда республика хўжалик ишларини планли равишда давом эттира олмади. Шунинг учун ҳам Жуноид шайкасини тугатиш энг муҳим масалага айланди.

Жуноидхоннинг босмачиларига қарши операцияни бошлаш олдиан Амударёнинг ўнг томонида, Хоразм территориясида кўчиб юрган Адоев қозоқларининг галаён кўтарганликлари аниқланди. Бу қозоқлар Адоев революцион комитетидан олган қурол ва ҳужжатлардан фойдаланардилар ва босқинчилик қилиб юрардилар, ҳокимиятга бўйсунмай, ҳар хил мажбуриятлардан бош тортар эдилар.<sup>1</sup>

Босмачиларга қарши муваффақиятли кураш олиб бориш учун феодаллар қабилачилик муносабатлари ва бу қабила ҳаётидан келиб чиққан адоват ва диний хурофотларни тўғри ҳисобга олиш зарур эди. Баъзи бир қабилаларнинг аҳолиси ўз қабила сардорлари билан яқиндан алоқа қилар ва уларга қарам бўлиб қолган эди. Бу хусусиятлар партия ва совет ташкилотларининг қабила сардорлари билан муомала қилишда эҳтиёткорликни талаб этди. Уша даврда қабилаларда ҳали партия ва совет таъсирининг сустлиги қабила сардорларининг эътиборини оширган ва Совет ҳокимияти қарорларини менсимаслик учун имконият берган эди.

Партия ва ҳарбий ташкилотлар буларнинг ҳаммасини эътиборга олиб, қабила сардорларининг СССР граждандари сифатида Хоразм ССР қонунларига сўзсиз бўйсу-

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, ф. Хоразм Марказий Иқроия Комитети, № 71, оп. 1, д. 111, 8-варақ.

нишларини талаб қилдилар. Ҳар бир қабила сардорининг сиёсий ишларига алоҳида қаралди. Айрим қабила сардорларга нисбатан фақат ВКП(б) Марказий Комитети Урта Осиё Бюросининг ижозати билангина жазо чоралари кўрилди, бунинг учун ВКП(б) Марказий Комитети Урта Осиё Бюроси, Хоразм Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ҳарбий қўмондонлик, ГПУ органлари ва Ҳарбий трибунал вакилларида иборат комиссия тўзилди. «Душман» қабила сардорларига қарши курашда «дўст» қабила сардорларининг ёрдамидан фойдаланиш тақиқланди. Чунки деҳқонлар оммаси олдида бу қабила сардорларининг обрўсини оширмаслик, миллий гуруҳлар ўртасидаги адоватни кучайтирмаслик лозим эди.

Қўлига қурол олиб, Совет ҳокимиятига қарши урушган ва урушда асир тушган барча қабила сардорларига нисбатан тегишли жазо, ҳатто олий жазога тортиш — отиб ташлаш каби жазо чоралари қўлланилди.

Босмачиларга қарши кураш вақтида аҳолининг иқтисодий аҳволини яхшилаш, ер-сувдан фойдаланиш масалалари тўғрисидаги можароларни ҳал қилиш учун барча чоралар кўрилди. Совет аппаратлари орқали Совет ҳокимияти номидан иқтисодий ёрдамлар берилди.<sup>1</sup>

1923 йил мобайнида ва 1924 йилнинг биринчи ярмида босмачиларга қарши курашда икки йўл тутилди, бир томондан бандитларга қарши қурол билан кураш олиб борилди, иккинчи томондан аҳоли ўртасида оммавий тушунтириш ва сиёсий ишлар авжлантирилди.

1924 йил охирида босмачилик ва Жуноидхонга қарши курашнинг дастлабки якунларига қараганда босмачиларга қарши махсус комиссия ишни ўз вақтида бошлаб юборолмаган ва жиддий тадбирларни амалга оширмаган.

Гарчи босмачиларга қарши кураш учун қўшинлар жой-жойига қўйилган, гарнизонлар кучайтирилган, хатарли жойларга янги гарнизонлар тайинланган бўлсада қўшинларнинг кўпчилиги пиёда қисмлар бўлгани ва отлиқ аскарларнинг етишмаганлиги сабабли душман устидан тўла муваффақият қозониб бўлмади. Пиёда қўшинларнинг отлиқ босмачиларга қарши курашиши анча

<sup>1</sup> ВКП(б) Марказий Комитети Урта Осиё Бюроси, 118-сон протокол, 1924 йил 19 октябрь.

қийин эди. Милиция ҳам унча кучли эмасди ва ўша вақтда революцион комитетга бўйсунарди. Революцион комитет ва ҳарбий ведомствонинг тадбирлари бир-бирига мослаштирилмагани ҳам босмачиликка қарши курашнинг чўзилиб кетишига сабаб бўлди.

Ҳазорасп районидаги майда босқинчи шайкалар ушлаб олинди. Революцион комитет жойларда осойишталик сақлаш вазифасини оқсоқоллар зиммасига юклагандан кейин, босмачиларнинг талашлари тўхтади. Йўловчиларга ҳужум қилиб юрган бандитларнинг бир қисми Бешариқ районида қўлга туширилди. Бошқа районлар ҳам тинчиб қолди.

Тошовуз областида босмачилик авжига минган бўлса ҳам, лекин тез орада бостирилди. Баъзи сабабларга кўра кураш сусайган жойларда босқинчилар хуруж қилавердилар. Қиш яқинлашиб, ҳосил йиғиб олингандан кейин бандитлар яна кучая бошлади. Баъзи бир туркман қабила сардорларининг отрядларини қуролсизлантириш зарур бўлиб қолди.

Қум чўлларида бориб тақалган Хўжайли области таловчилар учун қулай жой эди. Қўнғирот районида ва Яниқала деган жойда босмачилар ҳужуми бўлиб турарди. Бу ерда яшаган қорақалпоқлар бандитларга қарши ўз кучлари билан курашолмай, Хўжайлига кўчиб келдилар. У ерда гарнизон ташкил қилингандан кейин қорақалпоқлар ўз уйларига яна қайтиб кетдилар. Тинчлик ўрнатилди. Хўжайли областидаги чорва моллари бир неча марта таланди. Баъзан одамлар ўлдирилди. Босмачилар Молчи қорасув деган жойни макон қилиб олдилар ва бу ердан ҳужум қилиб турдилар. Босмачиларнинг бу даргоҳига етиб бориш анча қийин эди.

Босмачиларга қарши курашни уюштирувчи ягона раҳбар марказ йўқ эди. Шайкаларга қарши кураш ишлари бир-бирига мослаштирилмади. Алоқа ишлари йўлга қўйилмади, жойлардан олинган ахборот қонқарли бўлмади. Ана шунинг учун ҳам босмачиларга қарши қақшатқич зарба берилмади.

Шунга қарамай уюшган босмачилар ўртасида жуноидчиларнинг иши лоришмай қолди, йўлбошчилар орасида келишмовчилик чиқди, уларнинг бир қисми Қизил Армия томонига ўтди. Жуноид Афғонистондан ёрдам олоқчи бўлди, аммо муваффақият қозонолмади. Дурди Қилич асир элган курсантларни озод қилиб юборди ва

Ўз вакилларини Совет ҳокимияти билан музокара қилиш учун жўнатди. Буларнинг ҳаммаси босмачиликнинг сиёсий негизлари чириганини кўрсатарди. Айни вақтда Хоразмнинг иқтисодий аҳволи яхшиланди.

Хоразмда миллий белгиларга қараб чегараланишга тайёргарлик ишлари туркман қабила сардорлари ва ўзбек буржуазиясининг гаразғўйлик кайфиятларига сабаб бўлди. Туркман бошлиқлари ўзлари томонидан эзилган омманинг сиёсий-маънавий аҳволига тўғри баҳо берди. Бу оммага тегишли ёрдам берилган тақдирда ўз кучини сезиб, қабила сардорларига қарши қатъий синфий кураш бошлаб юбориш муқаррар эди. Шунинг учун ҳам, қабила сардорлари миллий чегараланишга қарши ташвиқот бошладилар, ўзбекларнинг яхши халқ эканлигини, улардан ажралиш маъқул эмаслигини исбот қилишга уридилар. Ўзбек буржуазияси миллий чегараланишни маъқулламади, чунки у бу ишга янги Республиканинг хайрихоҳлигини кутмаган эди.

Босмачиликка қарши муваффақиятли кураш олиб бориш учун партия-сиёсий ишлари кучайтирилди, ҳар хил ҳарбий-сиёсий тadbирлар кўрилди<sup>1</sup>. Босмачиликка қарши янада муваффақиятлироқ кураш олиб бориш учун ҳар хил қуроол қилич, найза каби аслаҳалар, патронлар сотиш ва сотиб олиш тақиқланди. Қурооли бўлган, лекин Қизил Армия ва милицияга ёки Совет ҳокимиятига дўст ҳисобланган туркман қабилалари Ниёз Бахши ва Яхши Гелди сувориларига ҳамда алоҳида имтиёзли бошқа наваркарларга алоҳаси бўлмаган барча граждандарга қуроолларини ГПУга топширишлари тақлиф этилди. Қуроол топширишдан бош тортган кишиларга штраф солинди, керагидан ортиқча бойиб кетган кишилар оёса, жавобгарликка ҳам тортилди, зарур бўлиб қолган пайтларда улар гаровга ушланди<sup>2</sup>.

1924 йил бошларида миллий чегараланишга тайёргарлик кўрила бошлади. Миллий чегараланиш тўғрисида олиб борилган оммавий агитация миллий масалага ва

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, ф. 71, оп. 1, д. 129, с. 16 ва Нозирлар совети қошидаги 1924 йил 23 октябрда ўтган кенгаш протоколи.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Компартияси тарихи институтининг партия архиви, ф. 361, д. 18, 1923—1924 йиллар.

районларнинг иқтисодий қиёфасига нисбатан коммунистик фикрларнинг кучайишига сабаб бўлди.<sup>1</sup>

ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюросининг 1924 йил 15 июнда қабул қилган қароридан бу республикаларнинг территориялари ва чегаралари тўғрисидаги масалани тахминан ишлаб чиқиш учун янгидан ташкил қилинадиган республикаларда ва областларда миллий коммунистик партияларнинг Вақтли Бюроларини тузиш зарурлиги кўрсатиб ўтилган эди.<sup>2</sup> Бу миллий бюролар республика ва область органларининг (Марказий Ижроия Комитети, Халқ Комиссарлари Совети, Халқ Комиссарлари, бўлимлар ва ҳоказо) структурасини муҳокама қилишлари ва лойиҳаларини тузишлари лозим, миллий бюролар партия йўли билан миллий Компартияларнинг конференцияларини чақиришга тайёргарлик кўришлари керак эди. Миллий чегараланишга тайёргарлик ишларини сентябрь ўрталаригача تامомлаш кўзда тутилди. Айни шу вақтда Туркистон Марказий Ижроия Комитети сессиясини чақириш лозим топилди.

Миллий республикаларнинг таъсис этувчи съездларига сайловлар ўтказиш учун 20 сентябрдан то 20 октябргача тахминий муддат белгиланди. Совет съездлари олдидан миллий Компартияларнинг марказий ташкилотларини сайлаш учун партия конференциялари ўтказилиши лозим эди. Миллий компартияларнинг конференцияларини ва Совет съездларини октябрь охирида ва ноябрь бошларида ўтказиш маъқул кўрилди.<sup>3</sup>

1924 йил ноябрда Хоразм ССР V қурултойи очилди. Бунда Хоразмнинг миллий чегараланиши тўғрисида масала муҳокама қилинди. Миллий чегараланиш тўғрисидаги доклад юзасидан қабул қилган резолюцияда, Хоразмнинг хон мустабид ҳукмронлиги ағдарилгандан кейин ва халқ республикаси тузилиб, кейинчалик Социалистик республика деб юритила бошлагандан сўнг эришган ижтимоий-сиёсий ва хўжалик ютуқлари қайд қилиб ўтилди. Хоразм Совет Социалистик Республикаси тузилганлиги миллий масалани ўртага қўйди, 1923 йил

<sup>1</sup> Ўзбекистон Компартияси тарихи институтининг партия архиви, ф. 361, д. 62, 1924 йил, ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюроси мажлисининг 104-протокоolidан кўчирма.

<sup>2</sup> ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюросининг 1924 йил, 3 августда ўтган мажлисининг 94-протокоolidан.

<sup>3</sup> Уша жойда.

апрель ойида тузилган туркман, қozoқ ва қoрақалпоқ автоном областлари Хoразмда миллий масалани ҳал қилиш учун қўйилган дастлабки қадам эди. Совет ҳoқимиятидаги миллий муносабатлар ва миллий қурилиш принципи тамомила миллий чегараланишни тақозo қилди. Шў кундан бошлаб Хoразм Совет Социалистик Республикаси тугатилган деб ҳисоб қилинди. Бу қарорни бажариш сайланган вақтли ҳукуматга топширилди<sup>1</sup>.

Қурултой қарорига мувофиқ, Хoразм меҳнатқашларига қарата ёзилган мурожаат эълон қилинди. Бу ҳужжатда Совет ҳoқимиятининг миллий сиёсати, миллий ва маданий қурилишда эришилган ютуқлар ҳамда хўжалик ва маданий тараққиётда янада каттарoқ ютуқларга эришиш учун миллий чегараланиш ўтказишининг зарурлиги тушунтирилди. Мурожаатда Хoразм аҳолисининг— ўзбеклар, туркманлар, қozoқлар ва қoрақалпоқларнинг ўз миллий республикаларига кирганликлари тўғрисида ҳамда Хoразм республикаси тугатилганлиги маълум қилинди. Шў муносабат билан Хoразм республикасининг Марказий Ижроия Комитети 1924 йил 23 ноябрдан бошлаб ўз ваколатини тугаган ҳисоблади, Халқ Комиссарлари Совети эса 30 ноябрдан бошлаб ўз ҳoқимиятини янгидан тузилган Революцион Комитетга топширди.

Хoразм ССР Марказий Ижроия Комитети туркманлар яшаган Дорғонота ва Садува районларини Туркманистон республикасига, Хўжайли области, Қипчоқ ва Қитойни Қoрақалпоқ Автоном областига топшириш тўғрисида қарор қабул қилди. Хoразмнинг бошқа қолган территорияси Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасига қўшилиб, Хoразм области ташкил этилди.

Қурултой қарорини бажариш учун мазкур уч миллат вакилларидаи Тугатиш комиссияси тузилди<sup>2</sup>.

V қурултой қарори Хoразм ССР Марказий Ижроия Комитетининг 23 ноябрдаги кенгашининг 23 сонли протоколида аке эттирилди.

Миллий чегараланиш тўғрисида қабул қилинган тарихий қарор туфайли Хoразм ССР Марказий Ижроия Комитети ва Хoразм ССР Халқ Комиссарлари Совети

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, ф. 71, ол. 1, Хoразм Марказий Ижроия Комитети, д. 31, о. 32.

<sup>2</sup> Уша жойда д. 31, 31-варақ.

ҳукм қилинганларнинг баъзи группасига афв умумий ҳамда бошқа группаларнинг жазo мuddати қисқартирилганлигини эълон қилди. Бу афв умумий сиёсий жиноятчилар, босмачилар, бандитлар ва ўғрилиқни касб қилиб олган кишилар учун тааллуқли эмасди<sup>1</sup>.

Партия ва ҳукуматнинг миллий чегараланиш тўғрисидаги сўнгги тарихий қарори ана шундай нишонланди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, ф. 71, ол. 1, Хoразм Марказий Ижроия Комитети, д. 31, 30-варақ.

## ХУЛОСА

Октябрь революциясига қадар Урта Осиё ишчи ва деҳқонлари қашшоқ ва ҳуқуқсиз эдилар. Уларни чор мустамлакачилари ва маҳаллий феодаллар шафқатсиз эзиб келдилар. Хива хонлиги меҳнаткашлари ҳам ҳокимият тепасида турган юқори феодал табақалар томонидан шафқатсиз эксплуатация қилиндилар. Чор Россиясидаги каби, Хива хонлигида ҳам ҳокимият чексиз ҳуқуқларга эга эди.

Уша вақтларда ҳозирги Ўзбекистон ССР территорияси чор Россияси составига кирган Туркистон генерал губернаторлигига ва чоризмга тобе бўлиб, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига парчалаб юборилган эди. Революциягача Ўзбекистон экономикасида қишлоқ хўжалиги асосий соҳа бўлиб ҳисобланди. Аҳолисининг 80 проценти қишлоқ хўжалигида банд бўлган ҳозирги Хоразм области ва Қорақалпоғистоннинг (илгари Қорақалпоғистон Хива хонлигига кирган эди) кўпчилик аҳолиси кўчманчи чорвадорлардан иборат эди.

Подшо хазинаси учун деҳқонлардан кўплаб солиқлар ундирилди, шунингдек ҳар хил маҳаллий ўлпонлар ва йиғимлар олинарди. Бундан ташқари, деҳқонлар меҳнат мажбуриятини (йўл қурилиши, ариқлар қозиш, қалъалар солиш, турли диний маросимлар ўтказиш ва шу кабиларни) бажаришга мажбур эдилар.

Буларнинг ҳаммаси меҳнаткаш омманинг аҳволини янада оғирлаштирди. Чор ҳокимияти ва рус капиталистлари Ўзбекистонни марказий Россия саноати учун хомашё, шу жумладан пахта, жун, ипак, чарм етказиб берувчи аграр ўлка бўлиб қолишга мажбур этдилар. Революцияга қадар Ўзбекистонда металлургия, маши-

насослик ва тўқимачилик корхоналари йўқ эди. Ўлка саноати кўпинча пахта тозалайдиган ва мой ишлаб чиқарадиган ярим кустарь заводлардан иборат эди.

В. И. Ленин Урта Осиё революциясидан илгари чоризмнинг саноати суёт ривожланган ва қишлоқ хўжалигида ярим феодал муносабатлар ҳукм сурган қолақ мустамлакаси деб кўрсатиб ўтган эди. Ўлкадаги саводли кишилар 2% дан ошмас эди.

Чор ҳокимияти Туркистон халқлари миллий давлатчилиги ва маданиятининг ривожланишига йўл қўймади, миллий мактаб, матбуот она тилида олиб бориладиган маданий оқартув муассасаларини чеклаб қўйди. Чоризм реакцион мусулмон руҳонийлари ёрдами билан кенг меҳнаткаш халқ оммасини қоронғиликда сақлаб келди.

Хивада ҳокимият тепасида хон ва беклар турарди, улар халқ оммасини шафқатсиз эзар, «оқ подшо»нинг содиқ, итоатгўй хизматкорлари ҳисобланардилар. Бутунлай ҳуқуқсизлик, миллий зулм, жуда оғир эксплуатация, нодонлик ва маданиятсизлик, икки ёқлама зулм — «ўз» ҳамда Россия золимлари томонидан эзилиш ўзбек меҳнаткаш оммасининг қисмати эди.

Ўзбек деҳқонлари ва ҳунармандлари ўзларининг синфий душманларига — чор амалдорлари ва маҳаллий хонлар, беклар ва бойларга қарши бир неча бор курашга отландилар. Аммо большевиклар партияси бошчилигидаги рус революцион пролетариати пайдо бўлмагунча ва буюк рус халқи билан Урта Осиё халқлари ўртасида иттифоқ вужудга келмагунча ва ривожланмагунча меҳнаткаш омманинг оғир эксплуатациядан, сиёсий қулликдан қутилиш учун олиб борган курашлари муваффақиятсиз бўлиб чиқди.

Пахтанинг нархи чеклаб қўйилди. Туркистонга келтириладиган дон ва газлама нархи эса, ҳаддан ташқари ошиб кетди. Пахтанинг нархи 50 процентгина ошган бўлса, ғалла ва саноат молларининг нархи 3—4 баравардан кўпроқ қимматлашиб қолди. Бу ҳол пахтакорларни моддий томондан жуда оғир аҳволга солиб қўйди.

Сув кам бўлганлиги туфайли кейинги икки йилда экинлар қуриб қолди, пахта ва дон ҳосили камайди.

1916 йил 25 июнда чор ҳукуматининг мамлакатнинг 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган «чет кишилар»ни фронт орақасидаги ишларни бажариш учун сафарбар қилиш ҳақидаги буйруғи чиқди. Сафарбар қилиш дала ишлари

қизгин бораётган даврга тўғри келди. Чақириқ рўйхатлари шошилич равишда тузилди. Чор амалдорлари, мингбошилар ва оқсоқоллар пора олиб, чақирилувчи кишиларнинг ёшини катта ёки кичик қилиб кўрсатардилар. Чор ҳукумати чақирилувчи кишилар ўз ўринларига бошқа кишиларни ёллашга ёки пул тўлаб чақириқдан қутулишига рухсат этди.

Ўрта Осиё меҳнаткашлари бошига тушган кулфатлар, қашшоқлик ва фронт орқасидаги ишларга сафарбар қилиш 1916 йил ёзида халқ озодлик қўзғолонига сабаб бўлди.

Тўкилган қон бекор кетмади. 1916 йилдаги миллий-озодлик ҳаракати чоризмга кучли зарба бўлди, чунки унинг чекка мустамлака ўлкаларидаги таянчини бўшаштириб қўйди. Бу қўзғолон тажрибаси шуни кўрсатадики, деҳқонлар оммаси большевиклар партияси раҳбарлигидагина ва рус ишчилари билан мустақкам бирлашгандагина ғалаба қозониши мумкин эди.

1917 йилнинг февраль-март ойларида Россияда буржуа демократик революция ғалаба қозонди. Ҳокимият буржуа Муваққат ҳукумати қўлига ўтди. Аммо айни бир вақтда ишчи ва солдат депутатлари Советлари ташкил топди. Мамлакатда қўш ҳокимиятчилик вужудга келди.

Бу хабар чор Россияси мустамлакаларига бориб етди, Тошкентга ҳам хабар келди. Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларидаги аҳоли жирканч чоризмнинг ағдарилиши ҳақидаги хабарни зўр қувонч билан кутиб олди. Революция бутун Туркистон ўлкасига ёйила борди. Митинглар, намойишлар, РСДРПнинг вужудга келаетгани ёки янгидан ташкил қилинаётгани, ташкилотларнинг дастлабки мажлислари, қасаба союзлар, ишчи депутатлари Совети ва солдат депутатлари Совети сайловлари ҳақида Хўжанд, Асхабод, Пишпак (Фрунзе), Верний (Олма ота), Петро-Александровск (Тўрткўл) ва бошқа шаҳарлардан, темир йўллардан ва ўлканинг қишлоқ жойларидан Тошкентга телеграммалар келиб турди.

Туркистонда Октябрь революцияси ғалаба қилган кундан бошлаб Хива хонлиги ҳукумати Советларга қарши позицияга ўтиб олди. Хива хонлиги Ўрта Осиёда Советларга қарши контрреволюцион ўчоқларининг бирига ва англиз империалистик интервенциянинг плацдармига айланди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси ва Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши катта тарихий аҳамиятга эга бўлди. Бу тўғрида В. И. Ленин бундай деган эди:

«...Биз, Совет давлатини қурабошлаш, шу билан бутун жаҳон тарихининг янги даврини, барча капиталистик мамлакатларида эзилиб келган ва ҳамма ерда янги турмуш, буржуазия устидан ғалаба қозониш, пролетариат диктатурасини вужудга келтириш, кишилик дунёсини капитал зулмидан, империалистик курашлардан қутқазиб сари бораётган янги синф ҳукмронлиги даврини бошлаш бахти бизга муяссар бўлганлиги билан фахрланишга ҳақмиз ва шу билан фахрланамиз».<sup>1</sup>

Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг ғалабаси мамлакатимизни миллий ҳалокатдан қутқазди, Туркистон халқлари учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Илгари Россияда эзилган халқлар эксплуататорлар ҳокимиятини ағдариб ташлаш натижасида ҳуқуқсизликдан, феодал қулликдан, мустамлака ва капиталистик асоратдан озод бўлдилар.

Хивада революция етилиб келмоқда эди. Совет ҳокимияти идеяси Хоразм меҳнаткашлари оммасига мустақкам сингиб борди. Хива меҳнаткаш халқи золимларнинг ҳаддан ошаётган ўзбошимчаликларига ва зулмига жавобан революцион курашни кучайтира борди. Барча қишлоқ меҳнаткашлари солиқ тўлашдан бош тортди, мажбурий ишларни бажаришга қатнашмай қўйди, дарёнинг ўнг томонидаги Совет ерига қочиб ўта берди, ёки партизанларга қўшилди. Партизанлар кураши кучайиб кетди.

Ўзбеклар, туркманлар ва қорақалпоқлардан А. Иброҳимов бошчилигида отряд тузилди. Иккинчи отрядни эса коммунист Шчербаков ташкил этди.

Хива большевиклари Р. Иримбетов А. Иброҳимов ва бошқалар махфий иш олиб бориб, рус большевиклари раҳбарлигида халқ кучларини хоҳ истибдодига қарши кескин жанг қилишга отлантдилар. 1919 йил ноябрь ойи бошларида Қўнғирот, Хўжайли ва Қўна Урганч бекликларида коммунистлар бошчилигида қуролли қўзғолон бошланди.

Туркистон Халқ Комиссарлари Совети ва революцион

<sup>1</sup> В. И. Ленин, Асарлар, 33-том, 37-бет.

ҳарбий кенгаш Хива меҳнаткашларининг илтимоси билан 1919 йил ноябрь охирида Тўрткўлга Қизил Армия батальонини юборди. Бу батальон Хиванинг революцион дружиналари билан биргаликда 22 декабрда икки отрядга — Шимолий ва Жанубий отрядларга бўлиниб Амударёнинг чап соҳилига ўтди.

1919 йил 28 декабрда Шимолий отряд Жуноидхон шайқасининг асосий кучларини тор-мор келтирди ва Хўжайлини озод қилиб, Кўна Урганчга ҳужум бошлади. Отряд 1920 йил 2 январда Кўна Урганчни ишғол қилди. Хива партизанлари ва Қизил Армия отрядлари биргаликда ҳужум қилиб, 1920 йил 20 январда Тахта районини ишғол қилдилар.

Жуноидхон қум саҳросига қочиб кетди. Совет қўшинлари ва Хива отрядлари Хива шаҳрига тантана билан кирдилар, халқ уларни хурсанд бўлиб кутиб олди.

Хиванинг охириг хони Саид Абдулла тахтдан туширилди. Халқ революцияси ғалаба қозонди. Хивадаги халқ совет революциясининг ғалабаси Россиядаги пролетар революциясининг натижаси ва давоми бўлди. Хиванинг Муваққат революцион ҳукумати томонидан 1920 йил апрель ойида чақирилган Хоразм Халқ қуролтойти Хоразм Совет Халқ Республикасини (ХСНР) эълон қилди. 1920 йил 13 сентябрда РСФСР билан ХСНР ўртасида иттифоқ шартномаси тузилди. Бу шартномага кўра, Совет ҳукумати чор ҳукумати даврида русларга берилган имтиёزلардан воз кечди ва Хива хонлигини қарам қилиб қўйган шартномани бекор қилди.

РСФСР шартномасига мувофиқ Хоразм республикасига саноат ускуналари, қишлоқ хўжалик асбоблари, шунингдек, ирригатор, агроном ва педагоглар юбориш орқали ёрдам берди. Бу шартномада ҳарбий сиёсий жиҳатдан ўзаро ёрдам бериш ҳам кўрсатилди. Шундай қилиб, Хивадаги 800 минг ўзбек, туркман, қорақалпоқ ва қозоқлар Қизил Армия шинелини кийган рус ишчилари ва деҳқонлари ёрдами билан феодал зулмидан абадий озод бўлди.

Бухоро ва Хоразм республикалари социалистик республика эмас эди. Улар иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан анча қолақ эдилар. Аммо совет ҳокимиятининг ёрдами туфайли социалистик тараққиёт йўлига ўта бошладилар ва 1924 йилда социалистик республикага айлантирилдилар.

И. В. Сталин Ўзбекистон ва Туркменистон Совет Социалистик республикасини тузиш ҳақида бундай деган эди:

«Ўзбекистон ва Туркменистондаги меҳнаткашлар оммасини ҳокимият органлари билан яқинлаштириши ва бириктириш учун майда-майда парчаларга бўлиниб кетган ерларни мустақил давлатлар қилиб бирга қўшиш имконияти тузилган пайт энди келди»<sup>1</sup>.

1924 йил охирида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси тузилди. Ўзбекистон революцион комитети 1924 йил 5 декабрда чақириқ билан ўзбек халқига хитобнома билан мурожаат қилди.

Хитобномада шундай ёзилган эди: «Ўзбек халқи Улуғ Октябрь революцияси ғалаба қозонганлиги туфайли биринчи марта ўз миллий давлатини қуриш имкониятига эга бўлди. Аммо республика буюк Совет Иттифоқининг қўшни халқлари билан мустаҳкам ҳамкорликда ва оғаларча биродарликда яшаши лозим ва яшайди. Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи бизни бутун дунё меҳнаткашлари ва СССРнинг ишчи, деҳқонлари билан маҳкам боғлайди ҳамда кучимизни ўн мартаб оширади...»

Шундан кейин Хоразм Ўзбекистоннинг бир области бўлиб, бошқа областлар билан бир қаторда социалистик қурилиш йўлига кирди ва ўса бошлади.

1925 йил февраль ойида Ўзбекистон Коммунистларининг биринчи съезди чақирилди. Съездда Совет Иттифоқи улуг Коммунистик партиясининг ажралмас қисми бўлган Ўзбекистон Коммунист (большевик)лар партияси расмийлаштирилди.

Шу йилнинг ўзида Советларнинг Бутун Ўзбекистон I съезди тўпланди. Съездда янги республика эълон қилинди ва Ўзбекистон ССР ҳукумати барпо этилди. Совет мамлакати саноат, қишлоқ хўжалиги ва транспортни тиклаб олиб, бутун халқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш йўлига кирди. Коммунистик партия раҳбарлигида СССРда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш иши кенгайтириб юборилди. 1932 йилда биринчи беш йиллик плани тўрт йилу уч ойда бажарилди.

Мамлакатимиз индустриалашган мамлакатга айланди. Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг ҳормай-толмай ишлашлари натижасида СССРда социализмнинг пойде-

<sup>1</sup> И. В. Сталин, Асарлар, 7-том, 154-бет.



вори қурилди. Ўзбекистоннинг саноат маҳсулоти 2,5 баравар ўсди. Биринчи беш йилликда республика 192 та корхона, шу жумладан Тошкентда қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқарадиган завод ишга туширилди, тўқимачилик комбинати ва бошқа корхоналар қурилди. Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалигида колхоз тузumi галаба қилди. 1928 йилда Ўзбекистонда 10 минг деҳқон хўжалигини ўз ичига олган 678 колхоз бор эди. 1929 йил 1 июлда колхозлар 1655 тага етди. 1926—1930 йилларда 60 дан ортиқ совхоз тузилди. (Пахта совхозлари ҳам тузилди).

Ўзбекистон Совет пахтачилигини ривожлантириш ва социалистик саноатни пахта билан таъминлаш юзасидан ўз олдига қўйилган муҳим хўжалик сиёсий вазифани шараф билан бажарди. Ўзбекистон Совет Иттифоқининг асосий пахта базаси бўлиб қолди.

Иккинчи беш йилликда (1933—1937) йил бизнинг бутун иқтисодий ва ижтимоий ҳаётимизда жуда муҳим ўзгаришлар рўй берди. Иккинчи беш йиллик план тўрт йилу уч ойда бажарилди. Бундай муваффақиятларга сабаб — коммунистик партиянинг миллий сиёсатни тўғри амалга оширганлигидир.

1936 йил 5 декабрда Советларнинг Фавқулодда Бутуниттифоқ XIII съезди инсоният тарихида биринчи бўлиб социализм галаба қозонган мамлакатнинг конституциясини муҳокама қилди ва тантанали равишда бир оғиздан тасдиқлади. Ўзбекистон Советларнинг 1937 йил 14 февралда бўлиб ўтган фавқулодда олтинчи съезди Ўзбекистон Социалистик Республикасининг Конституциясини тасдиқлади. Шу асосда ўзбек халқи ўз тарихида 1938 йил 24 июнда ўзларининг олий раҳбарлик органлари сайловларини биринчи марта тантана билан ўтказдилар.

Бошланган етти йилликда Ўзбекистонда асосий эътибор пахтачиликни ва саноатнинг пахтачилик билан боғлиқ соҳаларини ривожлантиришга жуда катта эътибор берилди. Республика хўжалигини ривожлантириш учун 35—36 миллиард сўм капитал маблағ ажратилди. Бу эса 1952—1958 йиллардагидан 2,4 баравар кўпдир. Ирригация ишхоналари кўплаб қурилади. Пахтачилик эҳтиёжларига хизмат қиладиган машинасозлик юксалтирилади.

Саноат маҳсулотининг ялпи ҳажми етти йил ичида 80% дан зиёд ортади. Бухоро районида газ топилганлиги халқ хўжалиги учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу газ билан Ўрта Осиёнинг катта қисмигина эмас, балки иттифоқдаги энг йирик саноат марказлари ҳам таъминланади.

Республиканинг ёқилги балансида газнинг салмоғи 1958 йилдаги 3,3% ўрнига 1965 йилда 60% гача ортади. Бу эса Қарағанда кўмирини келтиришдан воз кечиш имконини беради. Газ ёқилгиси билан ишлайдиган иккита йирик ГРЭС қурилади. Арзон маҳаллий кўмир билан ишлайдиган Оҳангарон ГРЭС тўла қувват билан ишга туширилади. Нефть тозалайдиган завод қурилиши тамомланади. Бу завод ҳозир ишлаб турган завод билан бирга Ўзбекистон ССР ва Қирғизистон ССР да чиқарилаётган ҳамма нефтни тозалашни таъминлайди. Химия саноати ва рангли металлургия гоят ривожланади ва саноатнинг бошқа турлари ўсади. Қишлоқ хўжалиги соҳасида 1965 йилда 1957 йилдагига нисбатан пахта 1,3—1,4 баравар, пилла тахминан 1,6 баравар, сабзавот 3 баравар, гўшт 2 баравар, сўт 1,7 баравар, жун 1,5 баравар, қорақўл тери 1,3 баравар кўпайиши мўлжалланади. Боғ ва узумзорлар кенгайди.

Бу етти йиллик планни совет халқи партия раҳбарлигида муддатидан аввал шараф билан бажаради.

## МУНДАРИЖА

I б о б. Хива хонлиги революция арафасида . . . . .	3
II б о б. Хива хонлигида совет халқ революциясининг ғалабаси . . . . .	39
Россиядаги февраль революциясининг Хивадаги халқ харакатиға тазъсири . . . . .	39
III б о б. Хива халқ революциясининг ғалабаси ва Хоразм Совет Халқ Республикасининг тузилиши . . . . .	61
Хива хонлигида совет халқ революциясининг ғалабаси I қурултойнинг ўтказилиши ва РСФСРнинг Хоразм Совет Халқ Республикасига ёрдами . . . . .	61
Хоразм Коммунистик партиясининг тузилиши . . . . .	88
Хоразм республикасида хўжалик қурилиши . . . . .	101
Хоразм ҳукумати аъзолари ва туркман йўлбошчиларининг халққа қарши ҳаракати ва уларни раҳбарликдан четлаштириш . . . . .	106
IV б о б. Хоразм Совет Халқ Республикасининг Совет Социалистик Республикаси бўлиб қайта тузилиши ва миллий чегараланишга тайёргарлик . . . . .	112
Хоразмда Совет Халқ Республикасини мустаҳкамлаш учун кураш . . . . .	126
Хоразмда совет халқ тузумини мустаҳкамлашдаги дастлабки ютуқлар . . . . .	126
Хоразм Совет Социалистик Республикаси эълон қилиниши . . . . .	142
Миллий чегараланиш арафасидаги Хоразм Совет Социалистик Республикасининг ҳақиқий аҳволи . . . . .	152
Хулоса . . . . .	170
	184